



Қырғыз Республикасы, Боткен тумани, Зардоли қишлоғы

УДК 372.8
ББК 74.26
М 50

Ношир: UN Women тузилмасининг Қирғиз Республикасидаги ваколатхонаси
Тахрир: Корнелью Эфтоди, Миллий дастур ходими
Молдовадаги UN Women тузилмаси
Иллюстрациялар: Байиш Исманов
Таржимонлар: Ботиржон Ғозибоев, Тоҳиржон Хайруллаев
Дизайнер: Маҳмуд қизи Айжамал Босмахона: М-Максима, Бишкек

М 50 "Менинг сердаромад хўжалигим": 9-10-синфлари учун қўшимча дарслик.
Ральф ван Гелдер, Адриен ван Гелдер, Геральд Гюнтер, Надирбек Качкинбаев.
– Тўртинчи нашри – Б.: 2016. – 337 б. 520 нусха.

ISBN 978-9967-27-481-5

«Менинг сердаромад хўжалигим» 9-10-синфлари учун қўшимча дарсликнинг 2007 йилда чоп этилган биринчи нашри GTZ томонидан дастлаб Қирғиз Республикасининг Боткен ва Жалолобод вилоятларида «Қишлоқ турмушини яхшилаш» лойиҳасини бажариш учун Германия ҳисобидан йигилган грант маблағлари асосида молиялаштирилган. 2010 йилдан тортиб 2014 йилгacha бўлган давр ичida «Менинг сердаромад хўжалигим» китобидан GTZ/GIZнинг турли лойиҳаларида фойдаланиб келинди.

2013 йили Қирғиз Республикасида фаолият юритувчи GIZ ўз ҳамкори UN Women тузилмасига «Менинг сердаромад хўжалигим» ўкув китобини тўлиқлаш, босиб чиқариш ва янгиланган версиясидан фойдаланишга лутфан розилик берди. UN Women тузилмаси «Жалолобод минтақавий Қишлоқ маслаҳат хизмати» (ЖА АКК) жамоатчилик фондига «Менинг сердаромад хўжалигим» ўкув китобини тўлиқлаб, мундарижасини кенгайтириш ва қўлланишга жорий этиш бўйича топшириқ билан мурожаат этди. Китобнинг 2014 йили тўлиқланган нашрини БМТнинг Тинчлик ўрнатишга қўллов кўрсатиш бўйича бошқармаси (ТЎҚБ) сайд-харакати билан ҳозирги кунда Қирғизистонда амалга оширилаетган ТЎҚБнинг Тинчлик ўрнатиш ва тиклаш фондининг «Тинчликни ёқловчилар даврасини шакллантириш, тинчликни мустаҳкамлашга замин яратиш» лойиҳаси доирасида босиб чиқариш мумкин бўлди.

“Менинг сердаромад хўжалигим” китобининг 2016 йилги нашри UN Women тузилмасининг жамоатлар даражасида сув ресурсларидан инклузив, таъсирчан ва самарали фойдаланишга ёрдам берадиган лойиҳаси доирасида Финляндия Ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланмоқда. ЮНИСЕФ томонидан чоп этилган материаллардан санитарияга оид бобни тайёрлашда фойдаланилди. 2014 йилдан бошлаб “Менинг сердаромад хўжалигим” китоби “Менинг хавфсиз ва тинч мактабим”ни куришга йўналтирилган “Тенгдошингга ўргат” компоненти (таркибий қисм) билан тўлиқланиб, ўрта мактаблар ўқувчиларининг қобилият ва кўнгилмаларини оширишга, жавобгарликни ҳис этган фуқаролар сифатида уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга, гендер тенгликни мустаҳкамлашга эътибор қаратилди.

2016 йилги нашрнинг айрим бўлимларини ёки китобнинг ўзини қайта чоп этишга асл нусха нашри UN Women тузилмасига тегишлилиги, Финляндия Ҳукумати эса молиявий донор эканлиги ҳақидаги ҳавола китобнинг қўринарли жойида аниқ кўрсатилиб, қуйида келтирилган шартларга риоя қилинганда рухсат берилади. Қўйилган талабларга амал қилинган ҳолларда ва белгиланган шартлар бажарилганда таълимга кўмак кўрсатиш ҳамда фойда кўриш мақсадида китобнинг айрим бўлимларини ёки тўлиғи билан нашр этиш ҳам мумкин. Бироқ мазкур китобдан фойда олиш мақсадида фойдаланишга Қирғиз Республикасида рўйхатдан ўтган ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида ўқитиш ва таълимга кўмаклашишга йўналтирилган компанияларагина йўл берилади. Китобдаги бўлимларнинг айрим қисмларидан ёки иллюстрациялардан тижорат мақсадларида фойдаланиш мутлақо мумкин эмас. Учинчи бир томон мазкур китобнинг бирор қисмини тижорат ёки нотижорат мақсадларда қайта нашрдан чиқарса, бунда шу томонга хос низом ва қоидалар, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро қонунчилик нормалари устуворлик қиласи. Учинчи шахсларда шундай ҳуқуқ бор-йўқлигини аниқлаш китобни чиқаришдан манфаатдор томоннинг ишидир.

Нашр этувчи тегишли қонунларга амал қилиниши учун зарур чораларни кўради, бироқ у учинчи шахсларда китобнинг айрим қисмларини ёки тўлиғи билан чиқаришга ҳуқуқ бор-йўқлигини аниқлашга масъул эмас.

M4306010000-14
ISBN 978-9967-27-481-5

УДК 372.8
ББК 74.26

© Муаллифлик ҳуқуқи 2016
UN Women тузилмасининг
Қирғизистондаги ваколатхонаси

© Фотосуратларга оид муаллифлик
ҳуқуқи Геральд Гюнтерга тегишли



MINISTRY FOR FOREIGN
AFFAIRS OF FINLAND



ФИНЛЯНДИЯ ҲУКУМАТИНИНГ МОЛИЯВИЙ
КЎМАГИДА БОСИБ ЧИҚАРИЛДИ

МУНДАРИЖА

Менинг сердаромад хұжалигим	6
Сүзбоши	11
1-бўлим: Сен ва бозор иқтисодиёти.....	21
1-дарс Сен ва Бозор иқтисодиёти	22
2-дарс Бизнес нима?	33
3-дарс Маркетинг ва сотов	42
2-бўлим: Бизнесни режалаштириш	55
4-дарс Бизнесни режалаштириш	56
5-дарс Тадбиркорлик фаолияти ҳисобини юритиш асослари	64
6-дарс Бюджетни тузиш асослари	73
3-бўлим: Маслаҳатлар ва маблағ олиш.....	79
7-дарс Таваккалчиликларнинг олдини олиш	80
8-дарс Микрокредит сари йўл	85
9-дарс Маслаҳатлар олиш	96
4-бўлим: Гендер тенглик.....	103
10-дарс Конституция ва гендер тенглик; “жинс” ва “гендер” атамалари таърифи, уларнинг фарқи	104
11-дарс Гендер роллар ва сифатлар	106
12-дарс Қирғизистонда гендер тенглик	109
13-дарс Қишлоқ аёллари ташабbusлари	112
5-бўлим: Сув	119
14-дарс Сув, санитария ва ўқувчилар гигиенаси.....	120
15-дарс Полизда сувдан тўғри фойдаланиш асослари	137
6-бўлим: Полизда ишлаш	159
16-дарс Ер ресурсларини барқарор бошқариш.....	160
17-дарс Ердан рационал фойдаланиш ва компост тайёрлаш	170
18-дарс Полизда ишлаш	181
19-дарс Сувдан самарали фойдаланиш.....	193
7-бўлим: Замонавий хўжалик юритиш	203
20-дарс Хўжалик хавфсизлиги	204
21-дарс Ўсимликларни ҳимоялаш. Табиий дорилар	212
22-дарс Ўсимликларни ҳимоялаш. Кимёвий дорилар	220
8-бўлим: Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш.....	229
23-дарс Сабзавотлар ўстириш	230
24-дарс Картошка ўстириш	240
25-дарс Мевали дарахтларни парваришилаш ва буташ	247
9-бўлим: Чорвачиликни ривожлантириш.....	255
26-дарс Хўжалигимдаги уй ҳайвонлари	256
27-дарс Замонавий чорвачилик тажрибалари	267
10-бўлим: Паррандачилик	275
28-дарс Хўжалигимдаги уй паррандалари	276
29-дарс Уй паррандаларини боқиши усууллари	279
11-бўлим: Менинг сердаромад хўжалигим	287
30-дарс Менинг сердаромад хўжалигим	288
Тестлар	306
Дарслар учун қўшимча маълумотлар	320



«Менинг сердаромад хўжалигим” қўшимча қўлланма сифатида хизмат қиладиган ўқув режаси предметлари

Дарс/Ой	Предмет	Сен.	Окт.	Ноя.	Дек.	Янв.	Фев.	Мар.	Апр.	Май
Сен ва Бозор иқтисодиёти	Иқтисодиёт География Фуқаролик ва давлатни бошқаришда иштирок этиш									
Бизнес нима?	Иқтисодиёт Кўшимча дарс									
Маркетинг ва сотув	Иқтисодиёт Кўшимча дарс									
Бизнесни режалаштириш	Иқтисодиёт Кўшимча дарс									
Тадбиркорлик фаолияти ҳисобини юритиш асослари	Иқтисодиёт Кўшимча дарс Математика									
Бюджетни тузиш асослари	Иқтисодиёт Математика Фуқаролик ва давлатни бошқаришда иштирок этиш									
Таваккалчиликлар-нинг олдини олиш	Иқтисодиёт Кўшимча дарс									
Микрокредит сари йўл	Иқтисодиёт Математика									
Маслаҳатлар олиш	Иқтисодиёт Кўшимча дарс									
Конституция ва гендер тенглик... Гендер роллар ва сифатлар Қирғизистонда гендер тенглик	Кўшимча дарс Фуқаролик ва давлатни бошқаришда иштирок этиш									
Қишлоқ аёллари ташаббуслари	Иқтисодиёт Кўшимча дарс Фуқаролик ва давлатни бошқаришда иштирок этиш									
Сув, санитария ва ўқувчилар гигиенаси	Биология Кимё Инсон Геоэкология асослари Кўшимча дарс									
Полизда сувдан тўғри фойдаланиш асослари	Биология Кимё Иқтисодиёт География Геоэкология асослари Кўшимча дарс									

«Менинг сердаромад хўжалигим” қўшимча қўлланма сифатида хизмат қиладиган ўқув режаси предметлари

Дарс/Ой	Предмет	Сен.	Окт.	Ноя.	Дек.	Янв.	Фев.	Мар.	Апр.	Май
Ер ресурсларини барқарор бошқариш	Иқтисодиёт Биология География Геоэкология асослари									
Ердан рационал фойдаланиш ва компост тайёрлаш	География Қўшимча дарс Геоэкология асослари									
Полизда ишлаш	Иқтисодиёт Биология География									
Сувдан самарали фойдаланиш	Биология География Геоэкология асослари									
Хўжалик хавфсизлиги	География Қўшимча дарс Кимё									
Ўсимликларни химоялаш. Табиий дорилар	Биология Геоэкология асослари Қўшимча дарс									
Ўсимликларни химоялаш. Кимёвий дорилар	Биология Геоэкология асослари Кимё Қўшимча дарс									
Сабзавотлар ўстириш	Биология География Қўшимча дарс									
Картошка ўстириш	Математика Иқтисодиёт География Биология									
Мевали дарахтларни парваришилаш ва буташ	Биология Қўшимча дарс									
Хўжалигимдаги уй ҳайвонлари	Биология География									
Замонавий чорвачилик тажрибалари	Иқтисодиёт Биология									
Хўжалигимдаги уй паррандалари	Иқтисодиёт Биология									
Уй паррандаларини боқиш усувлари	Иқтисодиёт Биология									
Менинг сердаромад хўжалигим	Барча предметлар учун фойдаланса бўлади									

Иқтисодиёт

Қўшимча дарс

Биология

География

Математика

Инсон

Фуқаролик ва давлатни бошқариша қатнашиш

Геоэкология асослари

Кимё



МЕНИНГ СЕРДАРОМАД ХҮЖАЛИГИМ

«Менинг сердаромад хўжалигим» дарслигидан қатор ўзгартиш ва қўшимчалар билан ўн йилдан бўён фойдаланиб келинмоқда. Бу китоб GTZнинг «Қишлоқ аҳолиси тирикчилигини таъминлаш салоҳиятини ошириш, зиддиятларнинг олдини олиш ва ҳалол бошқариш» Лойиҳаси ишининг маҳсули ҳисобланади. Лойиҳа 2003 йилдан 2007 йилга қадар Боткен вилоятида орттирилган иш тажрибаси асосида Қирғизистон аҳолиси тирикчилигини барқарор таъминлашнинг турли моделларини ишлаб чиқди. Лойиҳа ташкил этилишига ўзи катта ҳисса қўшган маҳаллий шериклик тармоқлари орқали Боткен вилоятининг барча қишлоқ ҳукуматлари ҳамда 100 дан ошиқ қишлоқларида иш олиб борди. 2007 йилда Жалолобод минтақавий маслаҳат хизмати билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган моделларнинг бир қанчаси шу вилоятнинг 70 та қишлоғида жорий қилинди. Шу билантина чекланмасдан, бутун Қирғизистон бўйлаб фаолиятнинг маҳсус турлари амалга оширилди. Бундай амалий тажриба Лойиҳа ходимлари ва маҳаллий ҳамкорларга Қирғизистоннинг қишлоқ аҳолиси муаммолари ва имкониятларини тушуниб этиш, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятга эришиш, маҳаллий аҳоли билан ўзаро ҳамкорлик қилиш усусларини ишлаб чиқиш, эркаклар орасида ҳам, сони ортиб бораётган аёллар орасида ҳам миграция даражаси юқорилиги сабабли маҳаллий жамоалар учун келиб чиқадиган салбий ижтимоий оқибатларнинг олдини олиш йўлларини белгилаш имконини берди.

GTZ Қирғизистон жанубидаги қишлоқ маслаҳат хизматларига қўллов кўрсатди ва маҳаллий микрокредит агентликларининг кенг тармоғини тузди, шунингдек, уруғлик ва қишлоқ хўжалик ашёлари ишлаб чиқариш бўйича кооперативларнинг кенг тармоғини ташкил қилди. Грантлар, асосан, ўқитиш ва салоҳиятни ривожлантириш учун берилди. Бундан ташқари, бошланғич капитал бунёд этиш учун бир марталик грантлар берилди. Операция харажатлари учун грантлар берилгани йўқ. Шунингдек, ҳеч қандай субсидиялар ҳам ажратилмади. Шундан келиб чиқсан ҳолда муассасаларга бошданоқ бозор иқтисодиёти талаблари бўйича ишлашга, ютуқларни ўз кучлари билан яратишга тўғри келди. Шу сабабдан, 2016 йилга келиб, яъни Лойиҳа якунига етганига тўқиз йил бўлса ҳам, қолаверса, микрокредит соҳасидаги турли ўзгаришлардан қатъи назар, бундан ўн йил муқаддам тузилган ташкилотлар шу қунгача гуллаб-яшнамоқда. Бу ташкилотлар институционал тартибда кенгайди ва мустаҳкамланди, уларнинг молиявий барқарорлиги доимий ўз тасдиғини топяпти: бунда бошданоқ бизнесга йўналтирилганлик (субсидия ва грантлар олиш учун эмас) кўл келмоқда. Масалан, гаровсиз кредитлар беришига қарамай, бу микрокредит агентликлари йил сайин минглаб оилаларга кредит ва маслаҳатлар ҳам бериб келяпти. Ўн йил мобайнода берилган ҳар бир кредит тўлиғи билан қайтариб турилди!

GTZ Лойиҳаси кўп сонли мактаб ўқувчилари ва қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик билан банд бўлган катта ёшдаги одамларни ўқитди, Қирғизистонда бозор иқтисодиётини шакллантириш ва очиқ жамият қуриш мақсадида маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари, туман ва вилоят давлат маъмуриятлари, шунингдек, миллий миқёсда алоҳида вазирликлар билан ўзаро ҳамкорлиқда иш олиб борди.



Олти миллион ахолиси бор ва табиат ато этган Менделеев даврий жадвалидаги барча металларга эга бўлган Қирғизистон Хитой ва Европа ўртасидаги савдо йўллари кесишган жойдан ўрин олган. Мамлакат иқлими қишлоқ хўжалик фаолиятининг турли спектрларини юритишига мос келади. Шундай қилиб, Қирғизистон ўз халқи турмушини таъминлаш учун зарур бўлган барча ресурсларга эга. Қирғизистон модернизацияси учун Москва субсидиялар ажратадиган вақтлар аллақачон ўтиб кетди. Бугунги кунда мамлакатда бозор иқтисодиёти устуворлик қилмоқда. Бу Қирғизистон халқи ва унинг Ҳукумати зиммасига мамлакат бойликларидан миллат равнақи, бутун халқ ва келажак авлодларнинг фаровон турмушини таъминлаш йўлида фойдаланиш мажбуриятини юклайди.

GTZ Лойиҳаси ўз ишини тугатган 2007 йилдан буён Қирғизистондагина эмас, бутун дунёда кўплаб ўзгаришлар рўй берди. Етарли даражада бошқарилмайдиган капитализм молиявий инқизозга олиб келди, бунинг салбий таъсири ҳатто 2016 йилга келиб ҳам сезилиб турибди. Айрим мамлакатлар бу қийинчиликларга бошқаларга қараганда енгилроқ мослашди: Германиянинг ўрта синфлари, шунингдек, кичик ва ўртacha корхоналар сектори узоқ келажакни ўйлаган ҳолда мамлакатда шогирдликка ўқитишнинг кучли тизимини қўллаб, ёшларни меҳнатга тайёрлашга катта аҳамият қаратади. Европанинг бошқа мамлакатлари хизмат кўрсатиш соҳасига кўпроқ эътибор қаратиб, ҳалигача 20 фоизгача бўлган ишсизлик муаммосига дуч келаётган бир пайтда улар шу йўл билан Германия иқтисодиёти муваффақиятини таъминлаш, юқори сифатли, демак, қимматбаҳо товарларни экспорт қилиш билан ажralиб туришни истайдилар; Хитойда давлат томонидан сармоялаштириш соҳасидаги вақтinchалик (аммо барқарор эмас) олға кетиш ҳозирча ўсишнинг юқори суръатларини таъминляпти ва халқ оммаси норозилигини назорат остида ушлаб турибди; бой ресурсларга эга, батартиб бошқарув йўлга қўйилган Австралия сингари мамлакатлар яқин вақтларгача хом ашёга бўлган баҳонинг юқорилиги туфайли тараққиётга эришиб келдилар, аммо Хитойнинг эҳтиёjlари пасайиши билан хом ашё нархи ҳам тушиб кетиб, юқори даражада сармоялар киритиш тўхтаб қолди. Россия иқтисодиётининг юксалиши йўлидаги асосий тўсиқ - нефтга юқори даражада қарамлик, шунингдек, рубль қадрининг кескин тушиб кетиши Қирғизистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатди, республикага меҳнат мигрантларидан келаётган пул миқдори сезиларли озайди.

2010 йилда рўй берган оммавий сиёсий қарши туришлардан кейин Қирғизистонга астасекин барқарорлик қайтиб, тадбиркорлик ва сармоялар олиб келиш учун қулай шароит вужудга келмоқда. Россия ва Қозогистондаги танглик, Хитой иқтисодиётида ўсиш суръатларининг пасайиши манзарасида Қирғизистондаги вазият бирмунча қониқарли кўринади.

Шундай бўлса-да, Қирғизистоннинг бугунги иқтисодиёти экспортнинг иккита нобарқарор тури - Қумтор олтини ва қийин даврни бошдан кечираётган Россия ва Қозогистондаги меҳнат мигрантларига қарамлигича қолмоқда. Қирғизистон олдида ҳар икки даромад манбаидан келадиган тушумлар озайган бир шароитда иқтисодиётни ортиқча хавфхатарга қўйимасдан, вужудга келган вазиятни бартараф этиш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси турибди.

Яхши билимга эга ва малакали ишчи кучининг етишмаслиги, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилотларнинг бошқарувдаги муаммолар ҳамда гоҳида содир бўладиган сиёсий бекарорликлар туфайли Қирғизистон олдида мажбурият олишдан чўчишидан келиб чиқиб айтадиган бўлсанқ, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати одамлар ишлаши ва фойда кўриши мумкин бўлган саноқли тармоқлар бўлиб турибди. Бироқ эскича ёндашув ва технологияларнинг қўлланилиши, маълумот ва билим олишнинг чекланганлиги, шунингдек, фермерларнинг кооперативларга бирлашишни истамаётганлиги сабабли Қирғизистонда қишлоқ хўжалик секторининг самарадорлиги паст бўлган бир шароитда қишлоқ хўжалигини миллий иқтисодиётни юксалтириш омилига айлантириш, шунингдек, меҳнат мигрантларининг пул жўнатмалари ўрнини босадиган даражага кўтариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

«Менинг сердаромад хўжалигим» китоби Қирғизистон халқи ихтиёрида бўлган табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш салоҳияти билан бирга малака етишмаслиги ўрнини, шу ресурсларни самарали ишга солишга тўсқинлик қилувчи реал вазият ўртасидаги



кемтикни тўлдириш мақсадида босиб чиқарилди. Феодал, қашшоқ ва ривожланмаган Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия сингари мамлакатлар бор-йўғи икки авлод олдин бир неча ўн йиллик қаттиқ меҳнат натижасида меҳнатни индустрлаштириб, ўз фуқароларининг қулай ҳаёт кечиришларини таъминлади. Хитойда эса чорак аср мобайнида 400 миллионга яқин одамнинг ўта қашшоқ ҳолатдан чиқиб олишига имконият яратиб берилди.

Бундай ривожланиш ва гуллаб-яшнашга таълим соҳасига сармоялар жалб қилиш, билимдонлик ва меҳнатсеварликни рағбатлантириш туфайли эришилди. Ресурслардан тўғри фойдаланиш учун зарур билимларни эгалламай туриб, ҳатто катта нефть заҳираларига эга бўлган давлатлар ҳам қашшоқликдан чиқа олмаслиги мумкин. Билимларни эгаллаш вақт талаб қиласди. Шунга ўхшаб, эгалланган билимларни турмуш фаровонлигини юксалтиришга йўналтириш учун ҳам вақт ва саъй-ҳаракатлар тақозо этилади.

Шундай қилиб, агар сен яхши турмуш кечиришни истасанг, ўз билимингни доим чукурлаштириб, бойликларингни узоқ йиллик матонатли меҳнат эвазига кўпайтириб боришинг керак бўлади.

«Менинг сердаромад хўжалигим» зинанинг пастки тепкичидан бошланади, сен ундан яхши ҳаёт сари кўтарилиб борасан. 9 ва 10-синфларнинг деярли ҳар бир ўқувчиси унумдор, сердаромад ер участкасида ишлаш имкониятига эга бўлади; бу шундоқ уйнинг ёнидаги томорқа ёки уйдан бир неча дақиқали масофада жойлашган ер участкаси бўлиши мумкин. Шаҳар жойларда дала-ховлилардан шу мақсадда фойдаланса бўлади.

Ушбу ўқув дастурининг мақсади сенда, ўқувчи, минтақандаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишнинг асосий кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Билимларингни амалиётга татбиқ этишинг бозор иқтисодиётидаги муваффақиятли иштирокингни таъминлайди. Фойда кўриб, унинг катта қисмини бир неча йил мобайнида сармоя сифатида киритиб борсанг, бутун оиласанг эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, фаровон келажагинг учун ҳам асос бўладиган хўжалик бунёд эта оласан. «Менинг сердаромад хўжалигим» китобининг якунловчи бўлимида биз сенга, агар ер билан ишлашга тайёр бўлсанг, қандай қилиб 9-синф ўқувчисидан бадавлат фермерга айланишинг мумкинлигини кўрсатиб берамиз.

Ишингдаги муваффақият кўп жиҳатдан асосли маслаҳатлар учун қанчалик очик эканлигинг, меҳнатсеварлигинг ва астойдил ҳаракат қилишингга боғлиқ. Орттирган тажрибангга таяниб, яхши фермер ёки тадбиркорга айланасан. Ҳаракатларингга муваффақият ёр бўлса, бойиб кетишнинг йўлига тушиб оласан. Бунга хаёлпарастлик билан эмас, балки кўп йиллик толмас меҳнат ва ҳаракат билан эришилди. Бу билан биз ҳамма нарса ўзингга, ишга берилганлик ва меҳнатсеварлигинга боғлиқ эканлигини айтмоқчимиз. Китобда ёзилганидай, Қирғизистон бозор иқтисодиёти синовларини қанчалик кўп бошдан кечирса, шунчалик кўп ютуқларни кўлга киритади ва ривожланади. Очик бозор ошкоралик, мулоҳаза билан бошқарув, сифат, ишонч ва қонун устуворлигини ёқтиради. Порахўрлик, таниш-билишчилик, ишга тўсқинлик қилиш ва худбинлик бозор табиатига тўғри келмайди. Бундай иллатлар қанчалик озайса, бозор иқтисодиёти, сенинг оиласанг ва бутун Қирғизистон шунчалик кучли бўлади.

«Менинг сердаромад хўжалигим» китобидан сен бозор иқтисодиётидан ўз манфаатларинг йўлида қандай фойдаланишни билиб оласан. Шундай қилиб, сен ўз ер участканга шахсий ферма ташкил қилмоқчи бўлсанг, қариндош-уругинг, Ҳукумат, шунингдек, ҳомийларнинг хайрия маблағларига қарам бўлиб қолмайсан. Шунда сен ўз бандлигини таъминлаганинг, ўз меҳнатинг билан шу даражага эришганингдан фахрлана оласан. Бу ишда сенга ютуқлар тилаймиз ва ишларинг ўнгидан келишига ишонамиз. Агар кўпчилик шундай муваффақиятга эриша олса, Қирғизистон бир-икки авлоднинг меҳнати билан кучли ва гуллаб-яшнаган мамлакатга айланади. Шахсий манфаатларинг илк қадамларингга рағбат бўлсин, фарзандларинг ва набираларинг сендан миннатдор бўладиган кунлар келмасдан қўймайди.

2014 йилда UN Women тузилмасининг «Менинг сердаромад хўжалигим» китобининг қайта нашрига жалб этилишига мазкур тузилманинг Қирғизистонда аёлларнинг ерга бўлган ҳуқуқини таъминлаш, кам таъминланганларининг уруғлик олишини



енгиллаштириш, шунингдек, миграция масалаларини ўзида ифодаловчи иқтисодий имкониятларини кенгайтириш соҳасида иш юритиши сабаб бўлди. UN Women тузилмаси Қирғизистонда ўз фаолиятини 1999 йили ЮНИФЕМ сифатида бошлаган, 2010 йилдан буён эса UN Women тузилмаси деб атала бошлади. Бизнинг ҳамкоримиз – сенга ва мактабингга «Менинг сердаромад хўжалигим» китобини тақдим этаётган Жалолобод минтақавий қишлоқ хўжалик хизмати 1999 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик билимларини тарқатиш соҳасида фаолият юритяпти, 2003 йилдан эса «Менинг сердаромад хўжалигим» китобини чиқарган GTZ Лойиҳаси билан ишлашга ўтди, UN Women тузилмаси 2012 йилдан унинг ҳамкорига айланди. Ҳар икки ташкилот - Жалолобод минтақавий қишлоқ маслаҳат хизмати ҳам, UN Women тузилмаси ҳам тинчлик қуриш ва халқ турмуш фаровонлигини ошириш учун мамлакат табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлида Қирғизистон ёшлари имкониятларини кенгайтиришга бир хил эътибор қаратади.

“Менинг сердаромад хўжалигим” китобининг 2016 йилдаги мазкур нашри Финляндия Ҳукумати томонидан Қирғизистондаги UN Women тузилмасини қўллаш мақсадида молиялаштирилган янги лойиҳа билан боғланган. Мазкур лойиҳа қатор қишлоқ ҳукуматларида чекланган сув ресурсларини инклузив тақсимлаш ва муниципалитетлар даражасида сувдан фойдаланувчилар ассоциацияларини бошқаришни тақомиллаштириш йўли билан сувдан самарали фойдаланишини йўлга кўйишга қаратилган. Дехқончиликда сувдан фойдаланиш самарадорлиги томчилатиб суғориш ва иссиқхоналарни кўпайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан оширилиши керак. Мазкур нашрда сувдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда соғлиқни сақлаш ва санитария масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

UN Women тузилмаси аёллар, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари, қишлоқ аёлларининг ҳуқуқини таъминлаш, аёлларга нисбатан зўравонликларга чек қўйиш, шунингдек, сиёсий имкониятларни кенгайтириш устида иш юритади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қашшоқлик ва билимсизлик ижтимоий тараққиёт йўлидаги асосий ғов бўлиб, тенгсизлик ва беқарорликнинг кучайишига олиб келади. Бутун Қирғизистоннинг гуллаб-яшнаши фермерлардан ўз ерларидан самарали фойдаланишини тақозо этади. Тенглик ўрнатилишига кўмаклашиш ёш аёлларнинг ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган ҳолда меҳнат бозорида иштирок этишларини англатади. Ишни интизомли йўлга қўйиш орқали униб-ўсишнинг пойдеворини яратадиган ёш, меҳнатсевар фермер шижоат билан ишга киришганлигидан ичкилкбозлик ва диний экстремизга берилмайди. Шунингдек, у қиз ўғирлаб қочмайди. Қиз бола эса, қишлоқ хўжалик соҳасида тадбиркорга айлангач, ўз ҳуқук ва имкониятларини кенгайтиради, бўлғуси турмуш ўртоғини шошилмасдан танлайди. Қолаверса, у турмушга чиққанидан кейин оиласа оғир юқ бўлмайди. У ҳам, бўлғуси қаллиғи ҳам ёши йигирмага етгандан кейин турмуш қурадилар. Етарли кўникма ва қатъиятга эга бўлганликлари учун гуллаб-яшнайдиган хўжалик барпо этадилар. Улар ўз фарзандларида меҳнатга ижобий муносабатни тарбиялайдилар. Ахир бу мактабдан эрта чиқиб кетиш, шошилиб турмуш қуриш, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳар доим ҳам қадрланавермайдиган хорижга бориб қора ишларни бажариш, шунингдек, буви ва бобосига ташлаб кетилган болаларни узок вақтгача кўрмаслиқдан афзалроқ эмасми!

UN Women тузилмаси, Жалолобод минтақавий қишлоқ маслаҳат хизмати ва Финляндия Ҳукумати “Менинг сердаромад хўжалигим” китобида тавсия этилган маслаҳатларга кунт билан амал қилган ёшлар бутун Қирғизистонни гуллаб-яшнатадиган, ўз мамлакати кудрати ва ривожини хорижда туриб эмас, балки киндик қони тўкилган жойда туриб кучайтириш воситасида таъминланадиган қонун устуворлиги, умумий тенглик, чинакам ватанпарварликнинг асосини яратувчи авлоднинг бир қисми бўлишига ишонади.

*Геральд Гюнтер
UN Women тузилмасининг
Қирғиз Республикасидаги вакили
Бишкек, 2016 йилнинг июли*



МұХИМ ЭСЛАТМА.

ОЛДИНДАН

РЕЖАЛАШТИРИШ

Баҳорда, ушбу курснинг амалий қисмida ўқувчилар сабзавот етишириш билан шуғулланишларини унутманг. Сиз ўқитувчи сифатида қуидагиларни олдиндан режалаштиришингиз мақсадга мувофиқ:

- ▶ Ўқувчиларга компост тайёрлашга эртароқ киришиш кераклигини айтинг;
- ▶ Уруғлик сотиб олиш учун ўқувчилардан пул түпланг;
- ▶ Ҳар бир ўқувчига қанча уруғлик кераклигини ёзиб олинг;
- ▶ Бишкек ёки Ўшга борадиган ишончли одамни топиб, дўкондан уруғлик харид қила келишини илтимос қилинг;
- ▶ Уруғликни март ойи келиб сепилгунча яхшилаб сақлаб қўйинг.



Сўзбоши

Бозор иқтисодиёти шароитида билим олиш

“Ўрта таълимнинг бугунги мақсади кўплаб ёшлар ва катта ёшдагиларни билим олишда давом этишга ва барқарор турмуш кечиришга тайёрлашдан иборат”. (ЮНЕСКО)

Бозор иқтисодиёти самарадорлиги юқори ва чуқур билимли ишчи кучларни тақозо этади. Ёшлар ишчи кучлар қаторига қўшилишдан олдин унумли меҳнатга тайёр бўлишлари керак. Улар масъулиятни ҳис этган ҳолда тўлақонли ишлашга шай бўлишлари зарур. Бугунги кунда ёш авлод умр бўйи ўқиб-ўрганишга тайёр бўлиб, янги билимларга интилиши, уларни ўзлаштира бориб ўз шароитига яраша қўлланиши, янги технологик ўзгаришлардан самарали фойдаланиши лозим.

Ривожланган давлатларда ўрта мактабнинг охирги йилида, ё бўлмаса, уни тугатишга бир-икки йил қолганда ўқувчиларни касбга тайёрлаш учун маҳсус соатлар ажратилади. Қирғизистонда мактабни тамомлагандан кейин унча кўп ўтмай иш тополмаган битиравчилар оиласвий ер улушида унумли ва фойдали иш юритишга тайёр бўлишлари зарур. Кўпгина мамлакатларда мактаб давридаёқ ўқувчиларнинг иш ўрнида қандай хуқук ва бурчларга эга бўлишларини билиб олишлари учун амалий иш дастурлари тузилган.

Ривожланган ўлкаларда ўқувчиларнинг кўпчилиги мактабда ўқиётгандаёқ бир неча соатлик иш билан банд бўлишади. Айримлари мактабда ўқиётиб техник касбларни ўрганадилар. Германияда ўқувчилар ҳафта сайин бир ёки икки кун шундай мактабларга қатнашлари шарт. Бунинг натижасида ўқувчилар мактабни битириб, ҳамма қатори ишлай бошлагач, ўзларини иш жойларида нималар кутишини билиб олишади. Демак, улар ишлаб кетишга тайёр.

Китобнинг мақсади

Қирғизистонда мактаб ўқувчилари ривожланган давлатлардагидан фарқли ўлароқ етарли даражада билим олишмайди. Мактаб ўқув дастурлари мактабдан иш ўрнига ўтишга тайёрловчи маҳсус дарсларни ўз ичига олган. Бу дарсларни ўтиш учун зарур жиҳозлар ҳам, маҳсус тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар ҳам йўқ. “Менинг сердаромад хўжалигим” китоби - бу 9-синфни тамомлаган, ўрта мактабни битирай деб қолган ўқувчиларни самарали ва мустақил иш юритишга тайёрловчи ўқув қуроли. Бу китоб ўқувчиларни қарор қабул қилишга, хўжалик ва корхона ишини самарали йўлга қўйишга, нима учун айрим хўжалик ва корхоналар муваффақиятли ишлайди-ю, айримлари қолоқлар сафига қўшилиб қолаётганини тушунишга ўргатади.



“Менинг сердаромад хўжалигим китоби, шунингдек, Қирғизистондаги 9-синф ўқувчиларига бозор иқтисодиёти ҳақида амалий тушунчалар беради. Унда тадбиркорликни бошлаш учун зарур бўлган усуллар тўғрисида сўз юритилиб, ўқувчиларнинг бозор муносабатлари даврида бу усуллардан фойдаланиш, сабзавотчилик хўжалигини ташкил қилишида кўмакка келади. Материал ва топшириқлар интерфаол ўқитиш усулларидан фойдаланилган ҳолда етарли даражада тушунтиришга асосланган. Бу эса машғулотлар пайтида ўқитувчиларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам иштироки бирдек бўлишига, ўқувчиларнинг дарсларда тўлиқ қатнашиб, тушунмаган нарсаларни саволлар бериш орқали билиб олишига кенг йўл очади.



“Менинг сердаромад хўжалигим” китобининг кўзлаганлари

Ўқувчиларнинг қуидаги кўникмаларини ривожлантириш:

- Тадбиркорлик асослари, бозор иқтисодиётининг молиявий ва қонунчилик принципларини билиб олиш ва тушуниш
- Қарор қабул қилиш ва муаммоларни ечиш кўникмаси
- Алоқаларни йўлга қўйиш кўникмаси
- Мустақил ва жамоат билан ишлай билиш
- Шахсий қарор қабул қилишнинг масъулиятини тушуниб етиш
- Жамиятда тенглик ва адолат бўлиши учун фуқароларнинг жавобгарлиги муҳим аҳамият касб этишини тушуниш

Ўқитувчи ва ўқувчилар келишиими

Ўқувчилар ўқув жараёнида тартиб-интизомга риоя қилиб, ўз ихтиёрларига қараб иш тутишга, саволлар беришга, муҳокамаларда ва масалаларни ечишда қатнашиш учун масъулиятни ўз зиммаларига олишга маъқул бўлишлари керак. Ўқитувчилар ўқитиш ва ўрганиш - бу ўзаро ҳамкорлик эканлигини, бу жараёнда иштирок этувчилар бир-бирларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари кераклигини тушунишлари зарур.

Ўқитувчининг бурчи:	Ўқувчининг бурчи:
	



Үқитувчининг бурчи:	Үкувчининг бурчи:
Ҳар бир ўқувчининг ўз имкониятини тўлиқ ишга солишига эришиш	Мактабга ва барча дарсларга кечикмай келиш
Умр бўйи ўқиш принципига ўргатишда шахсий ибрат кўрсатиш	Дарсларни эътибор бериб тинглаш, ёрдам керак бўлса, ўқитувчига тортинмай мурожаат қилиш
Ўқувчиларнинг ўз фикрларини эркин баён этиш хукуқларини ҳурмат қилиш	Бошқа ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг фикрларини ҳурмат қилиш
Ўқувчиларни саволлар бериш ва жавоб топишга рағбатлантирган дарслар ўтиш	Бошқаларнинг ўқиш ва ўрганишга бўлган хукуқларини ҳурматлаш
Ўқувчиларнинг саволларига аниқ ва лўнда жавоб қайтариш	Дарсларда фаол қатнашиш
Ўқувчиларнинг саволларини ва муаммоларини қунт қўйиб, эътибор билан тинглаш	Бошқа ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг буюмларига, мактаб жиҳозларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш
Ўқувчиларнинг ёзма ишларини текшириб, ўз вақтида қайтариш	Барча вазифаларни ўз вақтида бажариш
	Имкон қадар билишга интилиш

Қирғизистон Республикасининг ўқув дастурида “Менинг сердаромад хўжалигим” китобининг ўрни

“Менинг сердаромад хўжалигим” китоби - бу ягона ўқитиши режаси ва ресурси саналиб, ўз зиммасига иқтисодиёт, биология ва географиянинг айrim мавзуларини жамлаган, бундан ташқари, математика ва хунармандчиликка оид дарсларни ўтишда қўлланма сифатида фойдаланиш учун ёзилди.

Мазкур китоб мактабнинг 9-синфларига мўлжаллангани учун ўқув йили давомида ҳафтасига 3 соатдан ўқитилиши керак. Бу курсни иқтисодиёт ва меҳнатга оид дарсларга ажратилган вақтдан фойдаланиш орқали ўқитиш мумкин. Мазкур курс иқтисодий дастурнинг кўпгина мавзуларига мос тушади. Унда режалаштириш, ўлчаш ва лойиҳалаштириш сингари техник усувларни ўз ичига олган амалий машғулотлар бор. Муқовадаги жадвал “Менинг сердаромад хўжалигим” ўқув қўлланмаси 9-синфлар ўқув режасига мосланганлиги ва уни қандай ўқитиши кераклигини кўрсатади.

Ўқитувчининг қўлланмадан фойдаланиши

Мазкур қўлланма ўқувчиларни бозор муносабатларига қандай тайёрлаш бўйича айтилаётган сўнгги сўз эмас. Бозор шароитларида ўқитувчи умр бўйи ўқиб-ўрганади. Ҳар доим янги усувлар ўйлаб топилмоқда. Тажрибали ўқитувчилар янги усувларни кераксиз нарса деб эмас, фойдали восита сифатида кўрадилар.

Барча ўқувчиларнинг дарсларни бирдек ўзлаштириши имконини берадиган бирор ўқитиши усули йўқ

Ўқувчиларнинг имконияти бир хил эмас, уларнинг дарсларни ўзлаштириши учун турлича ёндашувлар талаб қилинади. Гуруҳда ўқишга қизиқмаганлар ҳам учраб туради. Шунинг учун ўқитувчи моҳирлик билан иш юритиши, сабоқларни барча ўқувчиларнинг дикқат-эътиборини жалб қиласиган тарзда уюштириши керак. Айrim пайтларда ўқишга ихлоси бўлмаган ўқувчиларга муқобил топшириклар бериш билан машғулотларга қизиқишини кучайтириш, гуруҳдагиларга етиб олишини таъминлаш зарур. Бу усул ўзини оқлаб, ўқишга қизиқмаган ўқувчиларнинг дарсларда иштирок этишини яхшилайди, натижада уларнинг юриш-туришида ижобий ўзгаришлар кузатилиб, бу ҳол гуруҳда ўқиб-ўрганиш муҳитининг яхшиланишига олиб келиши мумкин.

Ушбу қўлланма ўқувчиларга зарур маълумотларни беради, бироқ унда мустақил фикрлашга ундейдиган саволлар ҳам бор. Ўқитувчилар учун ёзилган бу қўлланмада ўқувчилар фикрига ҳавола қилинган материаллардан саволлар тузиш ва тегишли хуласалар чиқариш тавсия этилади. Китобда ўқитувчилар иштирокига кенг ўрин берилган, улар ўзларининг таклиф ва қайдларини ёзib бориб, билимларини янада кенгайтириш имкониятига эга бўладилар.



Машғулотларни ўтказиш

Машғулотларни ўтказиш тартиби Қирғизистондаги ўкув йилига ва қишлоқ хўжалик ишлари тақвимига мослаб берилган. Бозор муносабатлари ва тадбиркорликни амалга ошириш, турли ёзувлар, режалаштириш ва бюджет тузиш масалалари муҳокама қилинадиган сабоқлар ўкув йили бошига қўйилиши керак. Январнинг охирида, кунлар исий бошлаганда ўқувчилар амалий машғулотларга киришса бўлаверади, нимага деганда, бу машғулотларнинг айримлари синфдан ташқарида ўтказилиши керак. Қишлоқ хўжалик ишлари бошланиб, март ойида экинларни экишга киришилгач, ўқувчилар дастлабки уч бўлимни ўқиб битириб, 6-бўлимни ўрганишга киришишлари керак - *Сабзавотчилик*.

Бу дарслар синфдан ташқарида ўқитиши режасининг бир қисми сифатида ўтиладиган мактабларда ўқитувчилар ва ўқувчилар таклиф қилинган тадбирларни қизиқарли ҳамда ўз билимларини чуқурлаштиришда фойдали восита ўрнида қабул қилишларига ишонч бор. Ўқувчилар ўзлари яшаб турган қишлоқ шароитида воқеликка бошқача назар билан қараб, муваффақият билан иш юритаётган жамоалардан кўп нарсаларни ўрганадилар. Шунингдек, улар эҳтимолий хатоларга йўл қўймаслик учун иши юришмаётган жамоаларни ҳам кузатиб боргандари мақсадга мувофиқ.

Агар об-ҳаво яхши турса, ўқитувчи ўқувчиларни ташқарига олиш чиқиши керак. Шундай қилинса, мактаб боғида кузатиш ишларини йўлга қўйиш, айрим сабзавот экинлари ва дараҳтларнинг ўсишини кузатиш, бегона ўтлар ва заараркунандаларни, бошқа муаммоларни йўқ қилиш имкониятлари пайдо бўлади. Ўқувчилар ташқаридаги машғулотларда мавзуни синф шароитидагига нисбатан тезроқ ўзлаштирадилар.

Бозор шароитида ўқитишиш ва ўрганиш


Бозор иқтисодиёти шароитида ўқитишиш ҳақида гап кетганда, келажакка йўналтирилган ўзгаришлар билан иш олиб боришини тушуниш керак. Бу эса ўқитишида янги усуллардан фойдаланишини тақозо этади. Ўқитувчиларнинг вазифаси - ўқувчиларга келажакда улар эҳтиёж сезадиган билимларни етказиш, уларни умр бўйи ўқиб-ўрганишга ўргатиш.

Ўқитувчи материални ўз услубига яраша, шунингдек, ўқувчиларнинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштириши лозим. Дарсга тайёрланаётганда ҳар бир мавзуни қунт қўйиб ўрганиб чиқиш, ҳар бир синфнинг қизиқишиш ва имкониятларига қараб иш тутиш талаб қилинади.

Бозор муносабатлари даврида ўқитувчилар ўқиб-ўрганиш усулларини ўргатадилар. Бу ўқувчиларга кенг кўламли маълумотларни тушуниш, ўрганиш, маълумотларни мустақил баҳолаш ва таҳлил қилиш сари йўл очади. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларни фактлар ва илмий далилларга асосланган маълумотларни қандай қилиб ва қаерга жойлаштиришга, шунингдек, уларни таҳлил қилишга ўргатишдан иборат.

Бунинг аҳамияти жуда катта, сабаби, келажакда ўқувчиларга қандай маълумотлар асқотишини олдиндан билиш мумкин эмас. Ўқувчиларнинг кўпчилиги кейинчалик ўз ёрдамчи хўжалигига банд бўладилар, айримлари эса бошқа касбларни танлайдилар.

Ўқитувчининг бозор иқтисодиётидаги роли



Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро тушуниши бўлиши керак

Бозор муносабатлари даврида ўқитувчилар маълумот тарқатувчилар эмас.

Бозор муносабатлари даврида ўқитувчилар ўқиб-ўрганишни ташкил қилувчилардир.



Битирувчиларнинг эҳтиёжлари

Мактабни битирувчилар технологик ўзгаришлар соҳасида ўз ўрнини топишни ўрганадилар. Ўн ийллардан кейин улар ўzlари тасаввур ҳам қилолмаган касб эгалари бўлиб қолиши мумкин. Самарали ишлаб, яхши турмуш кечиришлари учун улар қуидагиларни бажаришлари зарур:

- Олган билимини ривожлантириб бориш
- Билимларини ўз эҳтиёжларига мувофиқлаштириш
- Билим олишни давом эттириш
- Янги билимларни кашф қилиш
- Қийинчиликларни бартараф этиш
- Қарорлар қабул қилиш
- Режалаштириш
- Қарорларни амалга ошириш
- Амалий ҳаракатлари ва эришган натижалари учун масъулиятни ўз зиммасига олиш, уларни **Таҳлил қилиш, Баҳолаш ва Қайта қараб чиқиш**.


Бу дунё - ўзгаришларнинг, қишинчиликларнинг, ҳаяжонларнинг, умр бўйи ўқиб-ўрганишининг дунёси. Агар биз шунга тайёр бўлсак, бу дунё бизга ўз эшигини кенг очади. Биз шундай дунёда яшаётгани-миздан қувонишимиз керак. Бу - қучоқ очиб кутиб оладиган дунё.

Ўқувчилар қандай ўқийдилар?

Ўқувчилар қизиқиб ўқишига, ҳамма нарсани тез ўрганадилар. Улар ўzlари билгиси келган маълумотларни ёдларида яхши сақлаб қоладилар. Болалар ўз табиатига кўра илмга интилевчандир. Улардаги бу хусусият ўқитувчи учун муҳим қурол бўлиб хизмат қилади.

Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга билим олишларида ёрдам бериш ва улар ўзлаштирган билимларнинг тўғри эканлигини текшириб бориш.

Ўқувчиларни жавобларни мустақил топишга рағбатлантириш керак. Мустақил жавоб топишдан қоникиш ва қувониш ҳисси уларни ўкув жараёнига тортишнинг муҳим воситасидир.



Ишингни ўз вақтида
бажарсанг, дўстларинг билан
ўйнашга ҳам вақт топасан.



Үқувчиларда қизиқиш уйғотишга йўналтирилган

ЭНГ ОДДИЙ ИККИ МИСОЛ

1-МИСОЛ:

Сотув ва маркетинг ўртасидаги фарқ

Эски ўқитиши усулига кўра, доскага бозорга олиб чиқиб сотмасдан, товарларни маркетинг орқали сотиш учун керакли бўлган элементлар рўйхати ёзиларди. Бундан яхшироқ усул - бу ўқувчиларга мустақил маълумотларни топиш топширигини бериш.

Тайёргарлик: Ўқувчиларга қуруқ фактларни айтиш ўрнига синфга бир неча маҳсулотларни олиб келинг. Масалан, цехда қадоқланган макарон ёки спагеттини ва оддий целлофанга ўралган маҳаллий макаронни.

1-қадам: Синфи 4-6 ўқувчидан иборат гурӯҳларга бўлинг.


2-қадам: Маркетинг нима? Ўқувчиларга бу ҳақда ўз фикрларини ёзиш учун 5 дақиқа вақт беринг.

3-қадам: Синф муҳокамаси. Шундан кейин ўқитувчи хулосаларни доскага ёзади. Эътиборни тортгани - қадоқланган макарон ёки спагетти. Унда:

- ▶ савдо ёрлиғи бор
- ▶ ишлаб чиқарган мамлакатнинг номи кўрсатилган
- ▶ сифатли қадоқланган, қолаверса, кейинги сафар сотиб олиш учун осонлик билан топиш мумкин
- ▶ қандай тайёрлангани ҳақида маълумот берилган
- ▶ таркибида нималар борлиги кўрсатилган
- ▶ ёрлиғида қайси компания ишлаб чиқарганлиги кўрсатилгани кишини шу маҳсулотни яна сотиб олишга ундейди. Қадоқланган ҳолда сотувга чиқарилгани харидорда унинг сифатига ишонч уйғотади
- ▶ саломатлик стандарти сертификати мавжуд
- ▶ ГОСТга эга.

Маҳаллий макарон очиқ сотиляпти. У дўкон токчаларида турибди, харидорнинг эътиборини ҳеч нарсаси билан ўзига тортмайди. Сифати ҳам талабга жавоб бермайди, қадоқланган эмас, баҳоси сал арzon, холос. Харидорда бу макароннинг сифатли эканига унча ишонч йўқ.





2-МИСОЛ:

Маҳаллий макароннинг импорт макаронга нисбатан кўпроқ сотилиши учун қандай маркетинг талаб этилади?

Ўқувчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлайдилар.

Улар импорт макароннинг қандай қадоқланганини дикқат билан ўрганиб чиқишин, маркетинг стратегиясига амал қилиб, харидорлар сотиб оладиган даражага келтириб, тақдимот ўтказишин. Қадоқлашнинг аҳамияти зўрлигини унутмасликлари керак, сабаби, харидор яна сотиб оламан деса, излаб қийналмасин. Ўқувчилар чиройли идишини, савдо ёрлиғи ва бошқаларни ўйлаб топишсин.

Ҳар бир гуруҳ синфга ўз иши натижасини кўрсатиб берсин. Синф барча тақдимотларни тинглаб, қай бир таклиф яхшироқ эканлигини ҳал қилсин.

Янгича ўқитиш усулиниң афзалликлари

“Менинг сердаромад хўжалигум” китобига киритилган дарслар ўқув жараёнида ўқитувчилар ва ўқувчилар ўзаро ҳамкор эканлигини англатиб турадиган тарзда тузилган. Бу ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам янги синов бўлади. Ўқитувчи - бу ресурс-одам (ахборот манбаси) ва уюштирувчидир, у муаммоларни ечишда ва амалиётни ўз ичига олган топшириқларни бажараётганда ўқувчиларнинг кўнгли тўлишини таъминлайди.

Бундан ҳамма ютади. Ўқувчилар муаммоларни аниқлаб, уларнинг сабаблари ва ҳал этиш йўлларини қидиришдан қониқиш ҳосил қиласадилар. Ўқитувчи учун ҳафсаласизлик билан ўқиган ўқувчиларнинг топшириқларни қизиқиш билан бажаришини кўриш мароқли ҳолдир.

Дарсликда қарор қабул қилиш учун қўллов кўрсатилаётган соҳа келтирилганини битириувчилар тушуниши керак. Бу жараён туфайли ўқувчилар ўз қишлоқларида иш юритиш учун амалий билимга ҳам эга бўладилар.



Үқувчиларга вазифалар

Бўлимларда үқувчиларга қандай вазифалар берилади? Баъзи бўлимларда үқитувчи берган маълумотларни ёзib олиш талаб қилинади. Бошқа пайтларда эса үқувчилар кузатиш олиб бориб ёки қарорлар қабул қилиб, дафтарларини синфда ёки уйда тўлдиришлари керак. Үқувчилар бу ишларни масъулият билан бажаришга тайёр бўлишлари лозим.

Меҳмонлар, мутахассислар ва маслаҳатчилар

Үқитувчиларга сабзавот экинларини яхши парвариш қилишда үқувчиларга билим ва тажриба борасида кўмақдош бўладиган меҳмонларни таклиф қилиш тавсия этилади. Ҳар бир қишлоқда сабзавот етиштиришда катта тажрибага эга одамлар бор. Улар үқитувчи учун энг яхши ресурс (ахборот манбаси) бўла олади. Айрим қишлоқларда қишлоқ хўжалиги бўйича маслаҳатчилар бор.

Үқитувчилар: “Биз бундай одамларни қаерга олиб борамиз ва үқувчилар билан тажрибаларини ўртоқлашишга қандай кўндирамиз?” - деб сўрашлари мумкин.

Үқувчиларнинг ота-оналари энг яхши ресурс эканлигини үқитувчи унутмаслиги керак. Ота-оналар ичидан ўқув жараёнида ёрдами тегадиганлари чиқиб қолади. Гоҳида ота-оналар ўқувчилар билан мулоқотдан ўзларини олиб қочадилар. Шунинг учун ўқувчиларни уларга қарашли сабзавот пайкалларига олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Тортиниб юрмасликлари ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашиши учун бирваракайига икки-уч ота-онани таклиф қилса ҳам бўлади. Шунгача ўқувчиларни қизиқтирган саволларни билиб, уларга бу саволларни албатта ота-оналарга бериш кераклигини тайинланг.

Агарда ўқувчиларга муваффақиятли иш юритаётган тадбиркорларни топиб, улар билан сухбат қуришни топширсангиз, у ҳолда ушбу китобни ўзлари билан бирга олволишин, сабаби, бу китобни кўрган ота-оналар нима учун ўқувчилар шундай саволлар билан мурожаат қилишаётганини тушунадилар. Үқувчиларга яна шуни айтингки, улар муваффақият қозонаётган тадбиркорлар билан қай вақтда учрашиш мумкинлигини сўзсиз сиздан сўрашсин.

Синфдаги муҳокамалар

Биринчи муҳокамани бошлашдан олдин ўқувчиларнинг фикрларини диққат билан эшитишга имкон берадиган тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш керак. Үқувчилар ўзлари маъқул бўлган тартиб-қоидаларга боз эгадилар, шу боисдан агар улар муҳокамани турли қоидалар билан чеклашни исташмаса, үқитувчи қуйидаги таклифларга сўяниб иш юритса бўлади.

Раисни сайлаш

Агар ўқувчи раислик қилса, синфдаги муҳокама доим жонли ўтади. Бундай пайтда үқитувчи синфни айланиб юриш, ўқувчиларни кузатиш, дангасаларга танбеҳ беришдан кутулади. Үқувчи раислик қилса, қоидаларни ишлаб чиқиш жараёни ҳам доим силлиқ кечади. Үқитувчи бу жараён давомида ҳеч қачон синф қаршисида пайдо бўлмаслиги керак.

Синфда муҳокама ўтказиш учун тавсия қилинадиган қоидалар:

- Раис доскага чиқиб гапиришни хоҳлаган ўқувчиларни улар қўл кўтарган тартибда ёзib бориши керак. Агар яна хоҳловчилар бўлса, улар ҳам рўйхатга қўшилади.
- Ўқувчилар раисни муҳокамани назорат қиладиган одам сифатида ҳурмат қилишлари лозим
- Ўқувчи сўзлаётганда ҳамма жим ўтириши, диққат билан тинглаши зарур
- Турли тўсқинликлар ва ташқарига чиқишлир бўлмаслиги керак
- Муҳокама пайтида ўқувчиларнинг бир-бири билан гаплашиши мумкин эмас
- Белгиланган вақтдан ортиқча сўзламаслик лозим (1-2 дақиқа).



Котиб ва вақтни назорат қилувчи

Жавобгарлик ҳис этилиши учун ҳар бир муҳокамада котиб ва вақтни назорат қилиб борувчини сайлаб олиш мақсадга мувоғиқ бўлади. Котиб асосий масалаларнинг барчасини доскага яхши кўринадиган тарзда ёзиб боради. Бу муҳокама якунида бир қарорга келишда асқотадиган фикрларнинг умумлаштирилган тарзда ёзиб борилишини англатади.

Янги усуслни ўрганиб олишлари учун бу ролни ижро этиш имкониятини барча ўқувчиларга бериш керак.

Гуруҳдаги муҳокамалар

Синф бир неча гуруҳга бўлинниб ишлаганда ҳам синф муҳокамасида амалдаги қоидаларга бўйсуниш керак. Ҳар бир гуруҳнинг котиби ва раиси/лидери сайлаб олинади, бироқ ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг, ҳатто энг уятчанларининг ҳам бу ролларда чиқишини таъминлаши лозим.

Ўқитувчининг гуруҳ муҳокамаларидағи ўрни:

- Ўқувчиларни гуруҳларга бўлганда уларнинг билим даражасини ҳисобга олиб, бир-бирлари билан ишлашини назорат қилиб боради
- Ўқитувчи вазифани тушунтириб, ўқувчиларнинг саволларига жавоб беради
- Гуруҳлар ишга киришганда ўқувчиларни топшириқни бажаришга йўналтиради
- Ўқитувчи бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиб, зарур бўлганда ёрдамлашади ва барча ўқувчиларнинг эркин ва самарали ишлашига имкон яратади
- Қийинчиликларга дуч келган гуруҳларга ўз тавсияларини беради.
- Дарс охирида синфга ҳисобот бериладими ё йўқми, буни ўқитувчи ҳал қиласди. Ҳисоботга вақт ажратишни унутмаслик керак

Гуруҳлар синф олдида ҳисоб беришга киришишидан олдин ўқитувчи барча ўқувчиларнинг олд томонга қараб ўтиришларини текшириши зарур.


Ташқарида ўтиладиган дарслар

Гуруҳдаги муҳокамалар ташқарида ўтилганда яхши натижа беради. Бу бошқа синфлардаги дарсларга халақит бермасликни таъминлайди, муҳокама чоғида ўқувчиларнинг ўзларини эркин тутишларига йўл очади.

Китобда бир қанча топшириқлар келтирилган. Уларнинг кўпчилигини ташқарида бажарса бўлади. Мактаб ҳовлисида тинч жойни танлаб, бошқаларга нокулайлик келтириб чиқармайдиган бўлиб жойлашиш керак. Муҳокама дарсига ёки меҳмонлар билан учрашувга ўқувчилар ўтиргичлар билан чиққани маъқул.

Кузатишлар олиб боришида ёки маълумот беришга қаратилган дарсларда ўқитувчи болаларни гуруҳларга синфнинг ўзида бўлиб олиши керак. Агар дарсга ихлоси йўқ гуруҳ чиқиб қолса, ўқитувчи шу гуруҳ билан бирга бўлиши лозим. Кейинги сафар бу гуруҳдаги ўқувчилар ҳам ўзларини кўрсатишга ҳаракат қиласди.





1 ━ БҮЛИМ

СЕН ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ



22-бет

Сен ва Бозор иқтисодиёти

33-бет

Бизнес нима?

42-бет

Маркетинг ва сотув

1 - ДАРС

СЕН ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Янги сўзлар

**Режали ёки
маъмурӣ-
буйруқбозлик
асосига
курилган
иқтисодиёт**

давлат ва давлат органлари томонидан бошқариладиган иқтисодий тизимдир. Бу тизимда нима ишлаб чиқариш, қанча ишлаб чиқариш, қаерда ишлаб чиқариш ва қандай баҳода сотишни бозор кучлари эмас, давлат органлари ҳал қиласди. Бундай буйруқбозлик тизимида бозорларни товар билан таъминлаш давлат органларининг кўрсатмаси ва бошқарувида амалга оширилиб, бозорнинг эгилувчанлигига путур етказади. Қайсиdir маҳсулотнинг етарли даражада етказиб берилмаслиги бутун ишлаб чиқариш занжирига салбий таъсир қиласди.

**Бозор
иқтисодиёти**

хусусий мулкни ривожлантириш ва давлат меъёрий-ҳуқуқий базаси доирасида қарорлар қабул қилиш принципларига асосланган иқтисодий тизимдир. Бу тизим марказлаштирилмаган бўлиб, эгилувчанлик хусусиятига эга. Қаерда ва нима ишлаб чиқариш, қайси баҳода сотиш **талағба** қараб, товар ишлаб чиқарувчи ҳамда қарор қабул қилувчи орган фойда кўрадиган даражада белгиланади.

Таклиф

Товар ва хизматларнинг мавжудлиги **таклифни** келтириб чиқаради.

Талаб

истеъмолчининг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжидир.



Дастлаб феодализм даврида яшадик, кейин коммунизмга ўтдик. Энди бозор иқтисодиётига кириб боряпмиз. Давр билан ҳамнафас ҳолда ривожланни бораверамиз

Қирғизистон ССР Совет Иттилоғи таркибидалиги пайтида **режали ёки маъмурӣ-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётнинг** бир қисми бўлган. Марказ Москва тимсолида олисада жойлашган республикаларга субсидиялар бериб турган. Қирғизистон ССР шу республикалардан бири эди. Қирғизистон ССР инфратузилмаси СССРнинг буйруқбозликка асосланган иқтисодиётнинг бир қисми сифатида шу субсидиялар ҳисобидан барпо этилган.

Бугунги кунда Қирғизистонда бозор иқтисодиёти тузилмаси барпо этилди, бироқ мамлакат ҳалиям олдинги буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида турибди.



Қишлоқда бу нимани англатади?

Режали ёки маъмурий-буйруқбозлик асосига қурилган иқтисодиёт

Юқоридан тайинланган колхоз раиси маҳсус тайёргарликка эга мутахассислар ёрдамида режаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Асосий эҳтиёжлар қондирилади, одамлар иш билан таъминланади, уларга маош берилади. Солиқ ва ижтимоий тўловлар амалга оширилади.

Ҳар бир одам режани ўринлатиш билан маълум ҳажмда иш бажаради. Режадан ортиқча иш бажаришга бўлган қизиқиш оз.

Бозорда товарлар камчил, сифат ночор. Давлат томонидан товарларга паст баҳолар белгиланган.

Товар ва хизматларни давлат тақсимлайди, йўллар қуради. Жамиятда осойишталикни таъминлайди. Ўрта таълим, тиббий хизматни йўлга кўяди.

Бозор иқтисодиёти

Мен деҳқонман. Ўзимнинг ерим бор. Қарорларни ўзим қабул қиласман. Солиқларни тўлаб тураман. Давлат қонунқоидаларини бузмайман.

Ўзим хоҳлаган одамни ишга ёллаб, нималарни бажариш кераклигини айтаман.

Молия манбаларимни ўзим назорат қиласман. Қулай шароитли, хавфсиз иш ўринларини яратаман. Маҳсулот сифатини назорат қилиб, бозорни кузатиб бораман, сабаби, баҳолар бозордаги талаб ва таклифга қараб белгиланади.

Ишлаб чиқариш ҳажми озайганда, ташвишлана бошлайман. Сабаби, бундай вазиятда маблағим тугаб, фойда кўрмай қолишим мумкин.

Мен даромад ва ер солиқларини тўлайман. Давлат эса йўллар, мактаблар ва касалхоналар қуради. Бозорнинг ишлаб туришини турли қонунлар орқали таъминлайди. Шунингдек, мен тиббий суғурта учун пул тўлаб тураман, бунга имкониятим бор.

Мен ишчиман. Ишни ўзим танлайман. Ким учун ишлашни ҳам ўзим биламан. Солиқ тўлайман.

Агар яхши малакага эга бўлсан, хоҳлаган пайтимда ишимни ўзgartира оламан.

Мен олган маошимдан солиқ тўлайман. Давлат эса бизни мактаблар, касалхоналар ва хавфсизлик билан таъминлайди ҳамда иқтисодиётни изга солади.

Шунингдек, тиббий суғурта пули тўлайман, сабаби, бунга имкониятим бор.

Ишсиз қолгудек бўлсан, изтиробга тушаман. Бироқ ишлаб турган пайтимда ижтимоий таъминот фондига пул ўтказиб турганлигим учун давлат менга ишсизлик нафақаси тайинлайди. Шундай бўлса-да, мен иш топишим керак.



Асосий тафовутлар

Режали иқтисодиёт тизимида
ким қаерга нима экиши ҳақидаги
қарор давлат томонидан қабул
қилинади. Бу қайси экин ва уруғликни
экиш, қанча миқдорда ўғит солиш,
урұғни ерга қачон қадашни давлат
өчади, дегани. Ҳар бир колхоз нима
етишириши ишлаб чиқариш кво-
таси билан белгиланади. Ишлар
тақсимланади. Маҳсулотни бозорға
етказиш учун транспорт ажратила-
ди. Бозор баҳоларини ҳам давлат
белгилайди. Хұжалик миқёсидаги әнг
мухим вазиға - бу квоталар бүйічә
режани бажариш. Маҳсулот сифатини
күтариш масаласи қўйилмайди.

Бозор иқтисодиётида
барча қарорларни дәхқон ёки тадбиркор, ё
бўлмаса, хўжалик бошлиғи мустақил равишда
қабул қиласди. Қарор қабул қилгач, ишга алоқадор
тайёргарликларнинг ҳаммасини дәхқоннинг ўзи
бажариши керак. Зарур ишчи кучи топиб ёллайди,
экин майдонининг экишга тайёрлигини кўздан кечи-
ради, керакли харажатларни тўлайди. Улуш ер эга-
си ундан фойдаланиш бўйича тегишли қарорларни
қабул қилиш хуқуқига эга бўлиш билан биргалиқда
ўз хўжалиги муваффақиятини таъминлаш, даро-
мадларини ошириш мажбуриятини зиммасига ола-
ди. Бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг тажрибаларини
ўзлаштирган дәхқон этиширилган маҳсулотнинг
юқори сифатини, харажатлар самарадорлигини
таъминлаш билан сарф-харажатлар нима эканлиги-
ни яхшироқ тушуниб боради.

Қиёсий устунлик принципи

Қиёсий устунлик дейилганда, маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш ва бозорда
сотиш ёки хизматларни тақдим этишда бошқаларга нисбатан рақобатбардошликка
кўпроқ эга бўлиш тушунилади.

Агар Қирғизистон бозор талаблариға жавоб берадиган яхши сифатга эга ўрик ва
қўқонгилос етишириста ҳамда бошқа Осиё мамлакатларига қараганда арzonроқ баҳода
сотса, қирғиз ўриги ва қўқонгилосига минтақа бозорида талаб ва эҳтиёжнинг ортиши
шубҳасиз.

Шундай бўлса-да, меркетинг соҳасида биргина маҳсулот нархи эмас, балки бошқа
омиллар ҳам аҳамиятга эга, масалан:

- товар сифати;
- товарни ўз вақтида етказиб бериш;
- товар билан таъминлашда доимийлик кафолати;
- етказиб бериш илдамлиги ва транспортировка қилиш, божхона чиқимлари билан
боғлиқ харажатлар;
- мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатлари.

Бошқаларга нисбатан арzon ишчи кучига эга мамлакат қиёсий устунликка эга бўлади.
Айрим мамлакатлар фойдали қазилмаларни кам харажат сарфлаб қазиб олганлиги учун
жаҳон бозорларини минераллар билан таъминлашда қиёсий устунликка эгадир.

Бир мамлакат ичida хусусий тадбиркорлар, туман ёки қишлоқлар бир-бирига нисбатан
маълум устунликларга эга бўлиши кузатилади. Бир қишлоқнинг иқлими малина (хўжагат)
етишириш учун яхшироқ мос келиб, сифатли ва арzon малина сотишдан катта фойда
кўриши мумкин.

Ҳар бир ишлаб чиқарувчи маълум бир товарни ишлаб чиқаришда қиёсий устунликка
эътибор қаратиб, бу имкониятдан тўғри фойдалана билиши керак.



Глобаллашув

Дунёнинг барча жойларида ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатлашуви глобаллашув жараёнига олиб келди. Бу жараёндан наф кўриш учун уни бошқариш керак. Халқаро савдодаги тўсиқларни бартараф этиш учун тарифлар ва савдо бўйича Бозор имзоланган, 1990 йилда эса Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) тузилди.

Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ)

Қирғизистон Бутунжаҳон савдо ташкилотига 1998 йилнинг 20 декабрида қўшилиб, унинг 133-аъзосига айланди. Россия бу ташкилотга 2012 йили қабул қилинди.

БСТнинг моҳияти унга аъзо мамлакатларга ўз қиёсий устунликларидан фойдаланган ҳолда савдо-сотиқ ишларини эркин ва ҳаққоний ривожлантириш, шу йўл билан бутун дунёда савдо-сотиқни авж олдириб, глобал фаровонликни юксалтиришдан иборат.

Бозор иқтисодиётида индивидуал жавобгарлик

Бозор иқтисодиёти танлов эркинлиги асосида ишлайди. Қабул қилинган ҳар бир қарор ортида жавобгарлик ётади. Қирғизистон фуқароси саналган ҳар бир одам бутун халқ фаровонлиги учун жавобгардир, адолатлиликни таъминлаш орқали бозорни бошқариш эса Қирғиз Республикаси Ҳукумати зиммасига юкландган. Бундан ташқари, регулятив инфратузилмалар, таълим ва касбий тайёргарликни йўлга қўйиш билан мамлакатда қулай муҳит яратиш, ўз фуқароларини жаҳон савдосида иштирок этишга тайёрлаш ҳам Ҳукумат вазифасига киради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир одам бошқаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши, ўзини муносиб тутиши керак. Ўз мажбуриятларини бажармаган одам бошқаларнинг ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатади. Белгиланган меъёрий-ҳуқуқий база барча учун адолатлиликни таъминлайди. Бундан ташқари, ҳар бир одам ўз бурчларига талабдагидек амал қилишини таъминлайдиган маҳсус қонунлар ишлаб чиқилган.

Масалан, агар тадбиркор яхши сифатга эга товар ишлаб чиқармаса, уни сота олмайди. Фойда кўрмаган тақдирда ҳам у барча сарф-харажатларни ёпишга мажбур. Шундай қилиб, фойда келтирмайдиган иш бора-бора ёпилиб қолади.

Агар тадбиркор ишдан чиқкан ёки сифати ночор товарни сотса, бунинг учун харидорга товон пули тўлаши лозим. Бундай ҳолларда нафақат корхонанинг ёпилиши, балки тадбиркорга тегишли уйнинг сотилишигача олиб келадиган кескин чоралар кўрилади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатлар, жумладан, ишчиларга маош тўлаш тадбиркорнинг вазифаси ҳисобланади. Ўз мажбуриятларини қонунга мувофиқ бажармаган тақдирда унга нисбатан суд иши очилади, бу билан у ўз мажбуриятларини бажаришга мажбур қилинади.





1. Қүйидаги бўш катакларга икки хил тизим ўртасидаги асосий тафовутларни ёзиб чиқинг.

Режали ёки маъмурӣ-буйруқбозлика асосланган иқтисодиёт	Бозор иқтисодиёти



Беш ёки олти кишилик гуруҳларда қуйидагиларни муҳокама қилинг:


Сиз нима деб ўйлайсиз, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, одамларга ўз бурчларини бажаришни мажбурият қилиб юклаш стандартларини белгиловчи қонунлар бўлиши керакми? Бунинг учта сабабини ўйлаб кўринг. Нима учун “ҳа”? ёки Нима учун “йўқ”? Бу ҳақда ўз фикрларингизни синфга ҳавола қилинг.



Бозор иқтисодиётида қонун

Бозор иқтисодиётида давлат мухим роль үйнайды. У компаниялар ва хусусий тадбиркорлар ўртасида “ўртамчилик” вазифасини бажаради. Масалан, давлат органлари оддий одамларнинг нокулай вазиятга тушиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида компаниялар ва хусусий тадбиркорлар учун ўзларини қандай тутиш стандартларини белгилайди.

Ривожланган ва индустрялашган жамиятларда бозор иқтисодиёти инсоннинг индивидуал ҳуқуqlари ҳимоясини таъминлайдиган қонунлар билан қўллаб турилади. Харид қилиш, маркетинг ва ишчи кучини ёллаш каби ишга алоқадор битимлар қонун билан бошқарилади. Муваффақиятга сифатли билим, тўғри қарорлар ва машақкатли меҳнат орқалигина эришилишини унутманг. Шартнома ҳуқуки томонлар ўртасидаги муносабатларнинг адолатли тарзда йўлга қўйилишини таъминлайди



Битим

Битим – бу индивидуал шахс ёки компаниялар (шартнома тузувчилар) ўртасидаги бажарилиши юридик жиҳатдан мажбурий бўлган, қонунлар мажмуаси билан ҳаракатга келтириладиган келишимдир.

Битимлар ўзаро ишонч муносабати вужудга келган одамлар ўртасида оғзаки келишим кўринишида бўлиши ҳам мумкин. Бундай ўзаро ишонч бўлмаган тақдирда ҳар икки томон ўқиб чиқиб танишганидан кейин ёзма равишда тузилган шартномани имзолайди.

Қирғизистонда томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини тартибга соладиган шартнома ҳуқуки мавжуд. Ҳар қандай битимнинг асосий жиҳатлари куйидагилардан иборат:

- шартнома тузувчи томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари;
- ўз мажбуриятларини вақтида ёки тўлиқ бажармаган тақдирда қўлланиладиган жазо. Жазо чоралари бажарилмайдиган бўлса, бу масала ҳуқукий база меъёрлари доирасида ҳал этилади.

Масалан, ушбу китобни нашр этиш учун UN Women тузилмаси саҳифалаш ва чоп этиш шартларини кўрсатган ҳолда босмахона билан битим тузди. Тўловнинг биринчи қисми саҳифалаш тугагач, UN Women тузилмаси бу ишни босмахонадан қабул қилганидан сўнг амалга оширилади. Тўловнинг қолган қисми китоб тўла нашрдан чиқарилиб, БМТ Тинчлик қуриш фондининг совғаси сифатида тарқатишга тайёр бўлганидан кейин ўtkазиб берилади.



Ҳар бир одам ёки ташкилот битимларни руҳий зарбаларсиз, учинчи бир томоннинг босимисиз эркин тузиш ҳуқуқига эга. Масалан, кишининг бозорда картошкани ёйиб олиб ўтириши унинг картошка билан савдо қилаётганини англатади. Бу мисолда товар пул тўланганда харидорга тутқазилади. Демак, томонлардан бирининг ўз мажбуриятини бажармаслик эҳтимоли жуда кам. Агар сен уруғлик картошкани уйингга келтириб беришларини истасанг, авансни кузда тўлаб қўйишинг, қолганини эса омбордан уруғликни олиб келганларидан кейин тўлашинг мумкин. Бундай битимда тижорий таваккалчилик мавжуд бўлганлигидан ёзма равища келишим тузганинг маъқул.

Ёзма шартномалар барча томонлар учун тушунарли ва шаффоф бўлиши лозим. Битим имзоланунга қадар унинг шартларини диққат билан ўқиб чиқиш керак. Шартноманинг қайсиdir банди маъқул бўлмаса, уни имзо чекмай туриб бартараф этиш талаб қилинади. Ёзма келишим имзо чекилган пайтдан кучга киради ва бундан кейинги ҳар қандай ўзини оқлашлар юридик аҳамият касб этмайди. Шартноманинг ҳуқуқий мақомини янада мустахкамлаш учун уни нотариал идора ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида тасдиқлатиб олиш керак.

Шартнома мажбуриятлари

Ёзма равища бўладими ёки оғзакими, тузилган ҳар бир шартнома жиддийлик касб этади. Ўзини мажбурият или билан боғлаган ҳар икки томон битим шартларига риоя этиши, зиммасига олган мажбуриятларини талабдагидек бажариши лозим. Шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажармаган, ёки ўлда-жўлдалика йўл қўйган томон жазоланмасдан қолмайди, бу ҳол компания фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Битим шартларини бажармаган томон ўзига бўлган ишонч ва ҳурматни йўқотиб, янги битимлар тузиш имкониятидан маҳрум бўлади. Инсоний муносабатлар ишонч ва ҳурмат асосида қурилади.

Битимлар тузиш, шартномалардан кенг ва муентазам фойдаланиш, шунингдек, томонлар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлганида шартнома ҳуқуқининг ҳакамлик ёки фуқаролик судлари томонидан мажбурлаб бажартирилиши бозор иқтисодиётининг яшаш шарти ҳисобланади.

Бу сен учун нимани англатади?

Бу ўзинг қарор қабул қилиб, унинг оқибатлари учун ҳам ўзинг жавобгар эканлигингни англатади. Агар полиз ташкил қилмоқчи бўлсанг, бу иш жараёнида қандай муаммоларга дуч келишинг, қандай қарорлар қабул қилишинг тўғрисида ўйлаб олишинг керак бўлади. Қўйидагиларга эътибор бер:

- Полизни қаерда ташкил қилмоқчисан?
- Ерни тайёрлашда керак бўладиган иш қуролларини қаердан оласан?
- Картошка уруғи, ўғит ва сувни қаердан, қачон олмоқчисан?
- Сабзавот етиштириш учун қарз олишинг керакми? Олиш керак бўлса, кимдан олмоқчисан?
- Агар қарзга пул олсанг, уни қачон қайтаришинг керак?
- Бошлаган ишинг ўзини оқлаш-оқламаслигини билиш учун полизнинг сарф-харажатлари, ундан келадиган даромадлар тўғрисида қандай ёзувларни юритишинг керак?

Юқорида айтилганлар сенинг жавобгарлигинг ва қарорингга тегишлидир. Албатта, иш жараёнида турли маслаҳатларга таянишинг мумкин, бироқ ҳал қилувчи қарор сенинг ўзингга боғлиқ.



Бозор иқтисодиётида солиққа тортиш

Бозор иқтисодиётида ишлаб топилған маблағ ёки амалга оширилған битимлар ҳисобидан солиқ тұлаш ҳар бир ишловчи одам, тадбиркор ёки сиёсатчининг бурчы ҳисобланади. Солиқ тушумлари давлат томонидан хавфсизликни таъминлаш, кечиктирилмас ёрдам күрсатиш, соғлиқни сақлаш, базавий таълим беріш, иқтисодиётнинг тегишли тарзда коррупциясиз ривожланиши учун шароит яратышга сарфланади.

Қирғиз Республикаси Конституциясининг 13-моддасида шундай дейилади:

1. Қирғиз Республикасининг давлат бюджети республика ва маҳаллий бюджетлардан ташкил топған бўлиб, давлатнинг даромадлари ҳамда харажатларини ўз ичига олади.
2. Республика ва маҳаллий бюджетларнинг тузилиши, қабул қилиниши ҳамда бажарилиши, шунингдек, бажарилишининг текширилиши қонун билан аниқланади. Республика бюджети қонун билан, маҳаллий бюджет эса тегишли вакиллик органларининг қарори билан қабул қилинади.
3. Қирғиз Республикаси худудида ягона солиқ тизими амал қиласи. Солиқларни белгилаш ҳуқуқи Қирғиз Республикаси Жогорку Кенешининг ихтиёридадир. Солиқ тұловчиларнинг ахволини ночорлаштирадиган янги солиқларни белгилаган қонунлар жорий этилмайди".

Давлат бу солиқлардан инфратузилмаларни яхшилаш, шунингдек, ҳамжамиятларда муносиб турмуш даражасини таъминлаш йўлида фойдаланади. Давлат йўллар ва каналлар қурилишини молиялаштиради, одамлар эса улардан фойдаланганликлари учун пул тўлайдилар. Давлат шу йўл билан уларни ишли ҳолатида ушлаб туради, хизмат муддати тугаганда эса, янгисини барпо этади. Давлат касалхоналар қуради, пул тўлашга қодир ҳар бир одам уларнинг хизматидан фойдалангани учун бевосита ёки тиббий суғурта орқали ҳақ тўлайди. Одатда, давлат мактаб таълимими ўз зиммасига олади, аммо айрим одамлар ўз фарзандларини хусусий мактабларда ўқитиб, бунинг учун пул тўлайдилар. Улар давлат хизматларидан фойдаланмасалар ҳам, барibir солиқларни тўлашлари лозим.

Давлат бошқа турдаги солиқлар, масалан, компаниялар даромадидан олинадиган солиқ, иш ҳақи солиғи, ёқилғи солиғи, мулк солиғи, сотишдан тушадиган маблағдан олинадиган солиқ ва ижтимоий суғурта пулини йигади. Солиқларни йигиш, сақлаш, уларнинг айримларидан фойдаланиш ҳуқуқи маҳаллий ҳокимият органларига бериб қўйилган. Бу пуллар ижтимоий хизматларни таъминлаш учун ишлатилади. Кўплаб мамлакатларнинг ҳукumatлари жамиятда ҳеч ким оч қолмаслиги, ёки тиббий хизмат йўқлигидан жабр чекмаслигини кафолатлаш учун ишсизлар, ногиронлар ва кексаларга нафақа беришни йўлга қўйган.

Қирғиз Республикаси Конституциясининг 55-моддасида шундай деб ёзилган:

«Фуқаролар қонунда белгиланган тартиб ва ҳолатларда солиқ ва йиғимларни тўлашга мажбурдир».





Соғлиқни сақлаш ва таълим каби
муҳим соҳалар соликлар ҳисобидан
таъминланади.

Синф муҳокамаси

Ҳар бир ўқувчининг сўзи тинглансин десангиз, мунозара юритиш учун айрим тартибларни белгиланг:

- Сўзга чиқувчиларни танлайдиган раисни сайлаш.
- Сўзга чиқиши истаган ўқувчиларнинг қўл кўтариши ва раис рухсат бергунча кутиб туриши.
- Сўзга чиқувчининг мавзудан четга чиқмаслиги ва бир дақиқадан ортиқ гапирмаслиги.

Мавзу: Давлат қандай хизматлар кўрсатиши керак ва улар учун ким ҳақ тўлайди?

Бозор иқтисодиётида таълимнинг ўрни

Саноати юксалган мамлакатларда шахсий танлов ҳукуки бу танлов билан боғлиқ барча оқибатларни тушуниб етиш учун ҳар бир одамдан яхши билимга эга бўлишни тақозо этади.

Болаларнинг билим олиш, соғлиқни сақлаш, раҳмсиз муносабатлардан ҳимояланишга бўлган ҳукуқлари ота-оналарнинг бурчи ҳисобланганидан, ҳар қандай давлат болаларни бундай мажбуриятларни писанд қилмайдиган, ё бўлмаса, фарзандларини ўқитишдан манфаатдор бўлмаган ота-оналардан ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар қабул қиласди. Ривожланган мамлакатларда болалар беш ёки олти ёшдан бошлаб, кечи билан 15 ёшга тўлмай туриб мажбурий тартибда мактабга қатнайди. Кўпгина мамлакатларда болалар 18 ёшга киргунча билим олишни давом эттирадилар.

Ўрта маълумотли бўлгандан кейин ҳам улар бу билан чекланмай, амалий таълим оладилар. Бу билим уларга мамлакат иқтисодиётига ўз ҳиссаларини қўшишда қўл келади. Ривожланган мамлакатларда кишининг ўқиб-ўрганиши ҳеч қачон тугамайди, балки бутун умр давом этади.



Ривожланган мамлакатларда болалар меҳнати қонун билан ман этилган, қонуннинг ижроси давлат органлари, масалан, милиция ва ижтимоий хизматлар томонидан назорат қилинади. Давлат мактабларда яхши билим берилишини, малакали ўқитувчилар бўлишини, шунингдек, ўқувчиларда зарур дарсликлар, компьютер, илмий лабораториялар ва кутубхоналар бўлишини назорат қиласди. Бундан ташқари, болаларнинг яхши жисмоний формада бўлиши учун уларни турли спорт тадбирларига жалб этиш, шунингдек, жамоавий ишга, рақобатбардошликка ўргатиш имкониятлари яратилади.

Ҳар қандай таълим тизими фуқарога унинг ҳуқуқ ва бурчларини ўргатиши керак. Шунингдек, таълим тизими инсон кўнгилли равишда ўз вақтини жамият манфаатлари йўлида сарфлаганда уни рағбатлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Жамият ва халққа хизмат қилиш - ҳар бир ватанпарвар инсоннинг муқаддас бурчи.



ТОПШИРИҚ



Уй вазифаси бўйича машқ

5 ёки 6 кишилик гурӯҳларда (ёки алоҳида ёзма иш шаклида) малакали ишчи кучи тайёрлаш, бозор иқтисодиётiga амалда эришиш учун мамлакатга зарур бўлган барча предметлар ва фаолият турлари рўйхатини тузинг.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда ўғил болалар ва қизлар мактабда дурадгорликни, бичиш-тикишни, овқат тайёрлашни ўрганадилар. Техник ва интеллектуал кўнималарга эга инсонларнинг кўп бўлиши жамият учун муҳим саналади.

Қирғизистонда ижтимоий фанларни ўрганаётган талабаларга қараганда табиий фанларни ўзлаштираётган талабалар жуда оз, ваҳоланки, мамлакат иқтисодиётининг гуллаб-яшнашида табиий фанларнинг аҳамияти бекиёсdir.



ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ

Ўсмирларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

Ўсмирлар ҳуқуқлари Қирғиз Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган.

Қирғиз Республикаси Конституциясида 18 ёшга тўлмаган фуқароларни ўз жисмоний имкониятларидан ортиқ бўлган оғир ишларга жалб этиш тақиқланиши ҳақида гапирилади.

Меҳнат шартномаси тузиш учун ўсмир 16 ёшга тўлган бўлиши ва ота-онаси бунга ёзма равишда рухсат бериши зарур. Шунингдек, шартномада кўрсатилган иш:

- ўсмирнинг соғлиғи ва ривожланишига зиён етказмаслиги;
- ота-онанинг ёзма розилиги билангина амалга оширилиб, ўқувчининг мактабга қатнашига тўсқинлик қилмаслиги керак.

Қирғиз Республикаси Конституциясига мувофиқ, ёшлар:

- шахсий хавфсизлик, соғлиқни сақлаш, фуқаролик салоҳиятини жисмоний ва интеллектуал ривожлантиришга;
- фуқароликка;
- хавфсиз ва яхши тарбия олишга;
- ўз фикр ва эътиқодини ифодалашга;
- ижтимоий суғуртага;
- бошпана/турар жойга;
- таълимга;
- хусусий мулкка;
- ҳақ тўланадиган ишга жойлашишга ҳуқуқлидир.

ТОПШИРИҚ



- Қирғиз Республикаси Конституциясида кўрсатилган ўсмирлар ҳуқуқларини, шунингдек, уларнинг моҳиятини муҳокама қилинг.
- Қуидаги жадвални тўлдиринг.

Ҳуқуқлар	Ҳуқуқларингдан келиб чиқадиган жамият олдидаги бурчларинг қайсилар?



2- ДАРС

БИЗНЕС НИМА?

Яңги сүзлар

Фойда	сотилаётган товар бирлигига сарфланган барча ишлаб чиқариш харажатлари чиқариб ташлангандан кейин қоладиган маблағ
Зарар	агар умумий ишлаб чиқариш харажатлари товарни сотишдан тушган умумий даромаддан ортиб кетса, зарар кўрилади
Моддий бойликлар	шахсий ёки давлат активларининг пул билан ифодаланган умумий баҳоси
Активлар	бозор қийматига эга бўлган ва кишининг ўз ихтиёридаги мулк
Мажбурият	қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун астойдил ишлашга тайёрлик
Берилганлик	кишининг ўз олдида турган мақсад ва вазифаларни бажариш учун керагича вақт сарфлашга тайёрлиги
Бошқарув	мақсадга эришиш, унинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли чораларни қабул қилиш. Қарор қабул қилишнинг бутун жараёни кенг билимни талаб қиласди
Табиий ресурсларни бошқариш	табиий ресурслардан рационал ва барқарор фойдаланишни йўлга кўйиш
Маркетинг	бозорни тушуниш ва у ҳақда маълумотлар олиш жараёни. Олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотни энг юқори баҳода сотиш учун тегишли чоралар кўриш
Мониторинг	фойдани имкон қадар кўпайтириш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни кузатиб бориш ва ҳисобга олиш
Таваккалчилик-ларнинг олдини олиш	бизнес тижорий, табиий ёки сиёсий характерга эга таваккалчиликлар билан боғлиқ бўлади. Яхши бошқарувчи уларнинг хавфини камайтириш учун барча таваккалчиликларни тушунишга ҳаракат қиласди
Кўра билиш, сезиш	барча раҳбарлар олган мажбуриятлари ва ишга берилганлик даражасидан келиб чиқсан ҳолда келажакка туташ реал орзу-умидлар билан яшаши, ишлаши керак. Одатда, ишдан қочмаган, ўзининг кундалик фаолиятида бошқарув принципларига амал қиласланадиган одамлар мақсадларига етмасдан қолмайди

Бизнес юритиш товар ишлаб чиқариш ва хизматларни йўлга қўйиш, шунингдек, фойда олиш мақсадида уларни сотувга чиқаришга йўналтирилган қатор режалаштирилган фаолият турларини амалга оширишни англатади.

Хўжалик фаолиятини муваффақиятли юритиш омиллари



Бу омилларга эътибор қаратувчи хўжалик бошлиғи улардан кўз юмадиган менежерга нисбатан бизнесни муваффақиятли режалаштириш ва юритишда кўпроқ имкониятга эга.

Полизда ишга киришиш ёки ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини бошлашдан олдин бу омилларга баҳо беришда мутлақо ҳаққоний бўлиш лозим. Бу омиллардан биронтасига “йўқ! деб жавоб берсанг, дарҳол ТЎХТА ва ЎЙЛАБ КЎР, сўнгра ўз мақсадингни қайта қараб чиқ. Ё бўлмаса, ишнинг кўзини билган одамдан маслаҳат ол.

Ўзинг бажаришинг мумкин бўлган иш ҳажмини ҳаққоний баҳола. Ишга киришаётганингда имкониятингга ортиқча баҳо берма.

Доимий режалаштиришсиз эришилган ютуқни маҳкам тутиб қолишининг иложи йўқлигини ёдда тут. Агар фойдани қўлдан чиқарадиган бўлсанг, ўз бизнесингни ривожлантира олмайсан. Бизнесни кенгайтириш учун даромаднинг йўқ деганда бир қисмини сармоя сифатида киритиб туриш керак бўлади. Буни соғин сигир парвариш қилишга тақослаш мумкин. Сигирни яхши боқмасанг, кўп сут бермайди.

ТОПШИРИҚ



Ҳар бир омилнинг аҳамиятини текшириш учун янги сўзларга мурожаат қил ва уларни жадвалнинг тегишли катагига ёз:

Зарар: Ишлаб чиқарилган товарни сотишдан тушган даромадга нисбатан

Мулк: _____ бир кишига тегишли нарсалар.

Бурч: Мақсадларга эришиш учун _____ тайёрлик, жавобгарлик.

Ишга берилганлик: _____ берилиб ишлаш.

Бошқариш: _____ эришиш ва _____ карор қабул қилиш.

Назорат: _____ ёзиб юриш, уларни назорат қилиш.

Фойда: _____

 қолган пул маблағлари.



Фермер хўжалиги

Фермер хўжалиги сотиш учун маҳсулот етиштиришда жисмоний, молиявий ва бошқарув ресурслари қўлланиладиган фаолият тuri ҳисобланади. Полиз - бу ресурсларни ишга солиш билан оила эҳтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдир, тирикчиликдан ортгани эса бозорга олиб чиқиб сотилади.

Фермер хўжалигини юритишда ресурсларнинг уч тоифасидан фойдаланилади: жисмоний, молиявий ва бошқарувга оид.

- Жисмоний ресурслар** – ўз ичига ер, бино/иншоот, техника ва жиҳозлар, сув ва ишчи кучини жамлайди.

Ернинг жойлашуви, шунингдек, тупроқнинг **тури ва сифати** ер участкасининг ишлаб чиқариш салоҳиятини белгилайди. Табиий муҳит, яъни қуёш нури, ҳаво ҳарорати, ёғин тушиши ва бошқалар ҳам жисмоний ресурслар саналиб, фермер хўжалигини юритишда ҳисобга олинади. Гарчанд фермер хўжалиги раҳбари табиий муҳитни ўзгартиришга қодир бўлмаса-да, ҳар қалай айрим ҳолларда табиат синовларига тайёр туриши, маҳсулот етиштиришдаги қийинчилликларни ҳисобга олиши мумкин.

- Моддий маблағларнинг ҳажми ва турлари молиявий ресурсларни ташкил қилиб**, фермер хўжалиги раҳбарининг ихтиёрида бўлади. Айрим одамлар ўз иши (бизнес)ни нақд пул ва бошқа маблағлари ҳисобидан бошлиши мумкин. Бироқ кўплаб тадбиркорлар ўз бизнесини молиялаштириш учун қарз оладилар. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилгандан кейин кўрилган фойданинг бир қисмини бизнесни кенгайтириш учун сармоя қилиб киритиш талаб этилади.
- Бошқарув ресурслари** – бу раҳбар томонидан **бизнесни бошқаришда қўлланиладиган мажбурий чора/усуллар**. Бизнесни қайта профиллаштириш/ қайта йўналтириш эҳтимолини кўриб чиқиш ва баҳолаш учун доимий режалаштириш, амалга ошириш, мониторинг ўтказиш ва ишнинг боришини баҳолаб туриш керак бўлади.

ТОПШИРИҚ



Ҳар бир тоифага кирувчи ресурслар рўйхатини тузинг. Биринчи қаторда тўлдириш намунаси берилган.

Жисмоний ресурслар	Молиявий ресурслар	Бошқарув ресурслари
Er	Хусусий капитал	Режалаштириш





Бизнесни муваффақиятли юритишнинг иккита асосий омили мавжуд. Бунинг учун:

- келгусида нимага эришмоқчи эканлигингни ҳис этишинг;
- мақсадга етиш учун тиришқоқлик билан ишлашинг керак.

Пухта режалаштириш ва бошқариш, доимий ҳисоб-китоб ҳам мұхым омиллардан саналади. Шунингдек, жисмоний ва молиявий ютуқларни таҳлил қилиб туриш талаб этилади.



Шахсий полиз

Бундан кейин мазкур курсни ўрганиш жараёнида ўз полизингни яратиш билан ҳам шуғулланасан. Олган ҳар бир мажбуриятинг учун жавобгар эканлигингни ёдда тут.



Режа ишлаб чиқиш учун қуйидаги қарорларни қабул қилишинг керак:

Бизнес тури: Ўзингни қизиқтирган бизнес турлари билан танишиб чиқ.

Мақсадингни белгилаб ол: Қанча маҳсулот етиштириш ва қанча фойда олишни кўзлаяпсан?

Маркетинг: Маҳсулотга бўлган талабни ўрган, уни сотиш жойи ва усувларини қараб чиқ.

Харажатлар: Бизнесни очиш ва ривожлантириш учун ўз ёнингдан кетадиган пул миқдори.

Жой: Бизнесингни жойлаштиришда бозорларнинг узоқ-яқинлигини ҳисобга ол, ер ва сувга эътибор қарат.

Маълумот: Қишлоқ маслаҳат хизмати мутахассиси ва бизнесда яхши натижаларга эришган одамлар билан маслаҳатлаш.

Узил-кесил қарорга келишдан олдин ўз имкониятларингни аниқ баҳола.




ТОПШИРИК:

Қуйидаги жадвалда берилған саволларға «Ха» ёки «Йүқ» деб жавоб бер:

Менда ... борми?	ҲА	ЙҮК
Қаттиқ ишлашга тайёрлик ва масъулият		
Кундалик вазифаларни бажаришга тайёрлик/берилганик		
Назорат қилиб бориш қобилияти		
Хақконий фикрлаш қобилияти		
Ер, ишчи кучи, иш қуроли, сувга бўлган имконият		
Уруғлик ва ўғит сотиб олишнинг молиявий имкониятлари		
Мақсадим аниқми?		
Вазифалар реалми?		

МУВАФФАҚИЯТ

МУВАФАҚИЯТСИЗЛИК



Имконият + Маблағ + Масъулият

Режа тузилмаган, хисоб-китоб йўқ

Синф мұхокамаси:

Юкоридаги расм нимани билдиради? Фикрларингни қисқача килиб ёз.





Сен яшаб турган қишлоқдаги фермерлик фаолияти турларининг рўйхатини туз. Қишлоқ маслаҳат хизмати мутахассиси ёки тажрибали фермер билан ерингга қандай экин экиш мақбул эканлигини муҳокама қил ва сабзавотнинг учта турини танла.

Сабзавот	Менинг танловим	Кун сайин қандай ишлар бажарилиши керак?	Мен бу ишларни қила оламанми?	
			ҲА	ЙЎҚ

Танлаган учта экинингни яна бир бор баҳолаб, улардан ўзингга энг ёққанини қолдир.

Менинг энг сўнгги танловим:

.....





УЙГА ВАЗИФА

Навбатдаги дарс бошлангунча қуидаги жадвални түлдир, унда қишлоғингда юритилаётган хўжалик фаолияти натижаларини кузатиш бўйича ўз хулосаларингни акс эттири. Бу масалани шахсий полизи ёки фермер хўжалигида яхши натижаларга эришган бирорта одам билан мұхокама этишга ҳаракат қил.

Кейинги дарс олдидан ўқитувчига қуидаги мавзуда қисқача баён ёзіб топшир:
“Үзим танлаган бизнес ёки табдиркорлық фаолиятида муваффақиятга әришиш учун ҳар куни нұма қилишим керак?”



3- ДАРС

МАРКЕТИНГ ВА СОТУВ

Янги сўзлар

Савдо (тижорат) битими	икки ёки бир неча киши, ё бўлмаса, компаниялар ўртасида томонларнинг олдиндан келишилган шартлар бўйича товарлар етказиб бериш, хизмат кўрсатиш тўғрисида тузилган шартнома
Бозор таъминоти занжири	ишлаб чиқариш, савдо, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни харидорларга таклиф қилиш жараёнида индивидуал шахслар ва компаниялар ўртасидаги ўзаро боғлиқ ҳаракатлар
Бозорни ўрганиш	харидорларнинг талабларини ўрганиш бўйича сўров юргизиш. Бундан ташқари, харидорлар сотиб олмоқчи бўлаётган товар ва маҳсулотлар билан қай даражада таъминланганликларини билиш учун сотувчилар ўртасида сўров ўтказилади.

Сен яшаб турган минтақада кун сайин минглаб битимлар амалга ошади.

- Бозордан картошка, сабзи, қалампир, нон ёки бошқа маҳсулотларни харид қилиш орқали сенга бу нарсаларни тақдим этаётган шахс билан савдо ёки тижорат битимини амалга оширган бўласан.
- Фермер уруғлик картошка ёки кооперативдан минерал ўғит сотиб олса, у ҳам савдо битимига киришган бўлади.
- Агар сабзавот этиштирувчи киши кооператив вакилидан картошка экилган ерига кимёвий препарат билан ишлов беришини илтимос қилса, бундай тижорат битими бажарилган ишга ҳақ тўлаш билан ниҳоясига етади.

Маркетинг ва сотув ўртасида тафовут борми?

Тижорат битимлари **маркетинг** ёки **сотувни** ўз ичига олади. **Маҳсулот маркетинги** ва **маҳсулотни сотиш** ўртасида муҳим фарқ бор.

Маркетинг – бу харидорнинг истакларини ўрганиш, кейин эса маҳсулот этиштириш/ишлаб чиқариш ёки харидор талабларини қондириш учун хизматлар ташкил қилишдир. Маркетингни талаб ҳаракатга келтиради ва бозор иқтисодиётининг ҳал қилувчи жиҳати ҳисобланади

ЁКИ

Сотув – бу кимдир со-тиб олади деган мақсадда маҳсулотни бозорга олиб чиқиш ёки хизматларни таклиф қилиш. Сотув таклифга асосланади



Маркетинг – картошкани навларга ажратиб сотиши



Маркетинг ва майда савдо тизими ўртасидаги асосий тафовут

Майда савдо тизими – бу харидор талабларига ниҳоятда оз эътибор бериладиган тизим. Маҳсулот ва товарлар бозорга олиб келиниб, бир жойга қўйилади. Сотувчи товар ёнига ўтириб, харидорларнинг келишини кутади.

Маҳаллий бозорларда таклиф қилинадиган сабзавот ва гўштни олиб кўрайлик:

- Картошка қопланиб, ювилмаган ҳолда сотувга қўйилади. Айрим картошка доналари қазиб олинаётганда кесилган ёки хашаротлар томонидан заарланган бўлиши мумкин. Харидор қопга қўлини солиб, яхши картошка доналарини излаб топишга мажбур бўлади. Нима учун харидор сифатсиз, хашаротлар заарлаган картошкани сотиб олиб, овқатга ишлатиши керак?
- Турли катталиқдаги, эски ва янгиси аралашиб кетган сабзи қоплаб қўйилган. Бу ҳолда ҳам харидор сабзининг каттасини танлаб олиш учун қопга қўлини тикишга мажбур.
- Қанорада мол ва қўй танасининг қаери сотувга қўйилганлигидан қатъи назар, гўшт бир хил баҳода сотиляпти. Айримларга лаҳм гўшт ёқса, айримлар суюклисини сотиб олишни истайди. Шунга қарамай, қассоб гўштнинг ҳаммасини бир хил баҳода пуллайди.

Майда савдо тизими харидорлар учун ноқулайликлар туғдиради. Шунингдек, бу тизимда сотувчи тушунгандарга товарни яхшироқ нархда сотишида қийналади. Харидор қулай ва сифатли тарзда тақдим қилинган товарни қимматроқ баҳода сотиб олишга тайёр. Катта шаҳарларда пулдор ва талабчан харидорлар кўп бўлганлигидан, товарлар бозорларда ҳам худди супермаркетлардаги каби навларига қараб сотувга қўйилади.



Товарларни “шунчаки” сотишдаги муаммолар

Харидорнинг пули бор, сотувчи уни олиб қолмоқчи.

- Агар харидор товарларни сотиб олмаса, ишлаб чиқарувчи ва сотувчининг иши юришмайди.
- Сотувчилар кўп, шу боисдан улар ўртасида харидорнинг талаби ва пули учун рақобат вужудга келиши турган гап. Бундай вақтда товарнинг навларга ажратиб сотилиши харидорни жалб этишда қўл келади.
- Агар харидор картошкани сотиб олмаса, етиштирган одам уни уйига олиб кетишга мажбур. Бу эса унинг харажатларини кўпайтириб, зиён тортишига сабаб бўлади.

ТОПШИРИҚ



Қўйидаги саволларнинг жавобини бўш катакларга ёз:

Савол	Жавоб
Харидор қандай ҳуқуқка эга?	
Майда савдо тизимида кимлар фойда кўради?	
Сотувчи ўз товарини қандай қилиб қимматроқ сота олади?	
Маркетинг ва сотув ўртасидаги асосий фарқ нимада?	
Нима учун товар сифати муҳим аҳамиятга эга?	

Нима учун сотувчи харидорга товарни сотиб олиши учун қулайлик яратиши керак?

Агар товар харидорнинг эътиборини ўзига тортса, у кейин ҳам шундай товарга зориқканда харид учун худди шу ерга келиши мумкин. Бундан ташқари, харидор бу ерда сифатли товар сотилишини таниш-билишлари ва бошқаларга айтади. Бу эса сотувчининг мижозларини кўпайтириб, кўпроқ фойда кўришига йўл очади.

Ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар ўз бизнесини харидорлар пули ҳисобидан амалга оширадилар. Агар харидор товарни сотиб олишни истамаса, майда савдо тизими ўз фаолиятини тўхтатади. Товар ёки маҳсулот қанчалик сифатли, жозибали бўлса, сотувчи унга шунча юқори нарх қўяди, унга бўлган талаб ортиб бораверади.





Иқтисодиёти аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган мамлакатларда майда савдо тизимидан маркетинг тизимига ўтилган. Мазкур тизим давлатнинг тегишли қонунлари билан йўлга солиб турилади.

Маркетинг тизимлари

Товар маркетинги ишлаб чиқарувчи ва сотувчидан стратегик фикрлашни, қаттиқ саъй-харакатларни талаб қилади. Агар сотувчи ўз картошкасини катта-кичиклигига қараб уч навга ажратса, харидорга исталган катталиқдаги картошкани танлаб олиши учун қулайлик яратган бўлади. Майда картошкаларнинг килосини 10 сўмдан, ўртачаларини 15 сўмдан, йирикларини эса 18 сўмдан сотиш мумкин.

Бозорни ўрганиш

Навларга ажратилган картошкани сотишдан қанча фойда олиш мумкинлигини билиш учун бозорни кузатиш керак. Майда картошкани арчганда кўпи пўчоқقا чиқиб кетади, йирик картошкадан оз пўчоқ чиқади. Шунинг учун ҳам харидор, қиммат эканига қарамай, йирик картошка харид қилади.

Бозор тадқиқоти натижаларидан фойдаланиш

Бозорни ўрганиш катта-кичик навларга ажратилган картошкани сотадиган одам учун муҳим аҳамиятга эга. Тажрибали сотувчи маркетинг тадқиқоти натижаларидан маҳсулотини ўз вақтида яхши баҳода сотиш, шунинг эвазига кўпроқ фойда кўриш йўлида фойдаланади.





ТОПШИРИҚ



Бозорни ўрганиш жадвали

Қўйидаги жадвалдан фойдаланган ҳолда картошка етиштирмайдиган бир-иккита одамдан интервью ол, улардан нима учун картошка сотиб олиш яхшироқ эканлигини сўра. Бу ҳақда ўқувчиларга кейинги дарсда сўзлаб бер.

№	Савол	Харидор жавоби
1.	Сиз қандай катталиқдаги картошкани сотиб олишни маъқул кўрасиз?	<input type="radio"/> кичик <input type="radio"/> ўртача <input type="radio"/> катта
2.	Сиз ювилмаган картошкани сотиб оласизми?	Ҳа Йўқ
3.	Кесилмаган картошкани сотиб олганингиз афзалми?	Ҳа Йўқ
4.	Эзилмаган, заҳа етмаган картошкани сотиб олганингиз афзалми?	Ҳа Йўқ
5.	Агар сотувчи картошкани навларга ажратган бўлса, кўпроқ ҳақ тўлашга тайёрмисиз?	Ҳа Йўқ
6.	Ювилган картошканинг ҳар килосига ювилмаган, навларга ажратилмаган картошкага нисбатан қанча сўм қўшиб берган бўлардингиз? сўм





Бозор таъминоти занжири

Таъминотнинг кичик занжири – бу ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулотнинг маҳаллий бозорда сотилиши. Тиришқоқ деңқон оила эхтиёжидан ортадиган даражада сабзи етиштирди, дейлик. У сабзини маҳаллий бозорға олиб чиқиб сота олади.

Таъминотнинг бу занжири қуидаги қўринишга эга бўлади:



Таъминотнинг узун занжири: Кўплаб таъминот занжирлари юқорида айтилганидан узунроқ бўлади. Шарбат ишлаб чиқариш учун мева етиштирадиган фермер ишини кўриб чиқайлик. Унинг фаолиятига қуидаги қадамлар киради:



Таъминотнинг бундай занжирида саккизта қадам ёки бўғин бор. Ҳар бир бўғинга савдо битимини амалга ошириш учун ўзаро алоқада бўладиган одамлар жалб қилинади.



Буни билиш ва тушуниш муҳим

- Агар харидор тайёр маҳсулотни сотиб олмаса, таъминот занжири ҳаракатдан тұхтайди ва фойда келтириш хусусиятини йүқтади.
- Агар юк машиналари ҳайдовчилари меваларни ташишдан фойда күрмайдиган бўлса, юкни фермер хўжалигидан заводга етказиб беришмайди.
- Мабодо, завод эзилиб қолган, сифатини йўқотган меваларни қабул қилмаса, у ҳолда товар ўз қийматига эга бўлмайди.

Шундай қилиб, таъминотнинг бу занжири бир қанча бўғин (қадам) ва ўзига хос муаммолардан иборат бўлади. Ушбу занжирга кирган ҳар бир шахс занжир бўйлаб жойлашган одамлар нимани хоҳлашини билиши лозим, акс ҳолда у фойда кўриш у ёқда турсин, ҳатто зиён тортиб қолиши мумкин. Ҳар бир иштирокчи занжирда ўзидан тепада ёки пастда турган одам билан муносабат ўрнатиши керак. Агар бундай муносабатлар йўлга қўйилмаса, ёки нобарқарор бўлса, хеч қандай таъминот занжирни бўлмайди.

Таъминотнинг узун занжири товарни у ишлаб чиқарилган жойдан олис минтақаларда сотиш имконини беради, бунда йўл харажати товарнинг олдинги нархига қўшилади. Дунёнинг барча мамлакатларида маҳсулотни четга чиқаришда қатъий стандартларга амал қилингандигидан, таъминот занжирининг узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлаш тақозо этилади. Бундай стандартлар соғлиқни саклаш ва хавфсизлик бўйича талабларни, шунингдек, маҳсулотни харидорга етказиб бериш усусларини ўз ичига олади.

Агар воситачи қишлоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олаётib ишлаб чиқарувчи томонидан заҳарли пестицидлар қўлланилмаганига ишонч ҳосил қилмаса, демак, у экспорт учун шарбат ишлаб чиқармоқчи эмас. Бундай мевадан шарбат ишлаб чиқарилган тақдирда ҳам, барибир уни санитария текширувидан сўнг чегарадан ортга қайтаришган бўларди. Мониторинг ўтказиш жараёни ва сифат сертификацияси барча босқичларда “сифат кафолати” деб аталади.

Қирғизистонда кўплаб товарларни бозорда сотиш учун ГОСТ ва ИСО сингари сифат стандартлари талаб қилинади. Халқаро бозорда нисбий устунликка эга бўлган Қирғизистон товарларини, масалан, турли озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилиб ёки қайта ишланиб, қадоқланган тақдирдагина сотиш мумкин.

Халқаро бозор шартлари Қирғизистонга борган сайин кучли таъсир ўтказмоқда. Бундай таъсир ижобий бўлиши ҳам, салбий бўлиши ҳам мумкин. Масалан, кейинги йилларда Қирғизистонда картошканинг баҳоси Россияда унга талаб катта эканлигидан келиб чиқиб белгиланган. Қозогистонда етиштирилган картошка Россияга экспорт қилинган бир пайтда Чуй вилоятида етиштирилган картошка Қозогистонга сотилган. Бишкекни картошка билан Ўш таъминласа, Боткен картошкаси Ўшга олиб келиб сотилган. Картошка тўкиб сотилади, узок жойларга жўнатиб бўлмайди. Бу масалада Қирғизистон Россияда картошкага бўлган талабга қарамадир.

2007 йили Қирғизистонда ўсимлик мойининг нархи кескин юқорилаб кетди. Бунга Хитой каби аҳолиси ривожланган мамлакатларда бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, шунингдек, Евropa Иттифоқи ва АҚШ томонидан тезлашиб бораётган глобал исишининг олдини олиш мақсадида бензинга ўсимлик мойи аралаштириш талабини қўювчи янги қонунларнинг қабул қилиниши сабаб бўлди. Ўсимлик мойи нархининг ортиши Бишкек шаҳри аҳолиси турмушига салбий таъсир қилаётган бир пайтда Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларида писта сотиш ёки ундан мой ишлаб чиқаришдан катта фойда олмоқдалар.




Масъулиятни
хис этиши ва
таесиялардан
түгри фойдаланиш
сени кучли қилади.



Киргизистон маҳсулотлари қайси бозорларда рақобатбардош бўла олади? Боткен ўрик қоқиси халқаро талабларга жавоб беришига қарамай, уни ҳеч ким Европа Иттифоқи давлатларига экспорт қилмайди. Ўрик қоқини улгуржи сотиб олмоқчи бўлган европаликлар қўйган нарх унинг таннахридан ҳам паст бўлди. Қолаверса, экспортга чиқариш мумкин бўлган қоқи жуда оз бўляпти, бунинг устига у сараланмаган. Тоҷикистоннинг Сўғд вилоятида етиштирилган сифатли ўрик ҳосили қуритилиб сараланади ва АҚШгача экспорт қилинади.

Келинглар, энди Боткен вилоятидаги Учқўрғон қишлоғи фермерларининг қўқонгинос етиштириш, уни халқаро бозорга олиб чиқиш тажрибаси билан танишайлик.



Расталарга батартиб териб қўйилган сабзавотлар харидорларни
ўзига жалб қилмай қўймайди.



ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ

Учқўрғон қўқонгилосининг “саёҳати”

Учқўрғон қишлоқ округида мева ва сабзавотларнинг маркетинг канали бундан ўн йил олдин тојик миллатига мансуб икки маҳаллий ишбилиармоннинг ўз ҳамқишлоқларидан Бишкекка олиб бориб ўтказиш учун қўқонгилос сотиб олишга киришганларида вужудга келган. Ўшанда улар 30-40 тонна қўқонгилос тайёрлашиб, кўпини Бишкекка, озроқ қисмини Тошкентга олиб боришган. Фермерлар қўқонгилос қандай фойда келтиришини тушуниб етишгач, бошқа мевали дараҳтларни кесиб ташлаб, ўрнига қўқонгилос экишга киришдилар. Улар қўқонгилос камида 7 йилдан кейин яхши ҳосил бершига қарамай, шу ишни қилишди. Бора-бора бу маркетинг занжирига қўшни қишлоқлар аҳолиси ҳам кўшилди.

Дастлабки кезларда оддий юк машиналарида ташилганлигидан қўқонгилос эзилиб, сифатига путур етганлиги учун баҳоси унча юқори бўлмади. Бугунги кунда терилган қўқонгилос яшчик ёки картон кутиларга оз-оздан солиниб, рефрижераторларда ниҳоятда эҳтиёт қилиниб Қозоғистон, Россия ва Жанубий Кореяга етказилмоқда, ҳатто самолётда Бирлашган Араб Амирликларига жўнатиляпти. Қўқонгилоснинг сифати яхшиланганлиги минтақага улгуржи харидорларни жалб қилмасдан қолмади.

Улгуржи сотувчиларга етиб боргунча қўқонгилос учта қўлдан ўтади. Шундан сўнг кўтарафурӯш товарни юқорида қайд этилган мамлакатларга транспортировка қилиб, замонавий супермаркетлар орқали харидорларга таклиф этади.

Бу маркетинг занжирининг барча бўғинлари ўзининг адолатли улушига эга бўлади, сабаби, ҳар бир воситачи товар нархини ўз манфаатини ҳисобга олган ҳолда белгилайди. Фермер, воситачи, кўтарафурӯш ва улгуржи сотувчи сифатли бажарилган ишдан яхшигина даромад олишади. Табиийки, учқўрғонлик фермер ўз маҳсулотини Сеулдаги уй бекасига тўғридан-тўғри сота олмайди. Бу ишни фермерга маҳаллий бозордагидан яхшироқ пул тўлайдиган воситачи қиласди.

Қўйидаги жадвалда турли мева ва сабзавотлар етиштириш ҳажми, шунингдек, маҳаллий бозорлардаги нарх билан ҳалқаро бозор занжирига қўшилган фермерлар қўйган нарх ўртасидаги фарқни кўриб чиқасиз (рақамлар 2013 йил августидаги газета интервьюсидан олинганлиги учун унчалик аниқ бўлмаслиги мумкин).

Мева ёки сабзавот	Қишлоқ-ишлиб чиқарувчи	2013 йилда сотилган маҳсулот ҳажми	Маҳаллий бозордаги баҳолар	Маркетинг занжири орқали таклиф қилинган нарх	Сўнгги харидорнинг юрти
Янги узилган қўқонгилос	Учқўрғон, Қоратепа, Марказ, Қизилқия	2640 т	35-45 сўм	85-130 сўм	Россия, Жанубий Корея, БАА, Қозоғистон, Ўзбекистон
Янги узилган шафтоли	Учқўрғон, Қоратепа, Хўжа, Сувхона, Қораёғоч	800 т	10-20 сўм	35-45 сўм	Россия, Жанубий Корея, БАА, Қозоғистон
Узум	Сувхона, Учқўрғон	350 т	20-30 сўм	50-60 сўм	Россия, Қозоғистон



Мева ёки сабзавот	Қишлоқ-ишилаб чиқарувчи	2013 йилда сотилган маҳсулот ҳажми	Маҳаллий бозордаги баҳолар	Маркетинг занжири орқали таклиф қилинган нарх	Сўнгги харидорнинг юрти
Олма	Қоратепа, Учқўрғон	700 т	10-20 сўм	25-35 сўм	Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон
Пиёз	Қоратепа, Хўжа, Марказ	1200 т	5-10 сўм	10-15 сўм	Бишкек, Россия, Қозоғистон
Ўрик	Сувхона, Учқўрғон	300 т	10-15 сўм	20-30 сўм	Бишкек, Россия, Қозоғистон

Қўқонгилос етиштириш ва уни саралаш



Катта фойда олишни кўзлаган фермер юқори сифатли, ўртамчилар қўйган талабга жавоб берадиган қўқонгилос етиштириш ҳажмини оширишга ҳаракат қиласди. Учқўрғонлик фермерлар эзилган қўқонгилоснинг маҳсулот умумий ҳажмидаги миқдорини 5-6% га туширдилар. Воситачилар Бирлашган Араб Амирликларига жўнатиладиган энг яхши (премиум класс) қўқонгилос учун 10-15% кўпроқ ҳақ тўлашга рози бўлдилар. Қўқонгилос етиштириш билан шуғулланувчи фермерлар бу ишда тажриба орттирганларни, маҳсулот сифатини яхшилаш учун боғ парваришига сармоя киритишдан қочмасликлари кўриниб турибди.



Қўқонгилос сотишдаги ўртамчилар



¹ Экспорт учун етиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотида касалликлар ва зааркундалар йўқлигини тасдиқловчи сертификат.



Маҳсулот етказишининг юқорида қайд этилган занжири ҳар қандай даражадаги ўртамчилар кўпроқ фойда олиш учун ўз ишини яхши бажариши кераклигини кўрсатади. Бутун бир занжир мажбуриятлар, интизом ва жалб этилган кишиларнинг ўзаро ишончи, шунингдек, мавсумда маҳсулот етказиб беришда узилишлар бўлмаслигига асосланган. Ҳар қандай босқичда талабларнинг бажарилмаслиги бутун бир занжирнинг узилишига олиб келади. Учқўрғонда бу занжирга кўшилган одамлар ўзлари оладиган фойданинг қадрига етганликларидан ўн йил мобайнида маҳсулот етказиб беришда бирон марта ҳам узилиш содир бўлмади.

Учқўрғон қишлоқ округидаги ўртамчилар орасидаги ўзаро муносабатлар

Қўқонгилос етиштирувчилар сони кўпайганлиги учун ўртамчилар ишини йўлга қўйиш зарурати келиб чиқди. Йил сайин баҳорда Учқўрғон қишлоқ округида йиғилиш ўтказилиб, ўртамчиларни географик жиҳатдан тақсимлаш масаласи қараб чиқилади. Фермер ва ўртамчилар ўтасидаги муносабат ишлаб чиқариш ҳажмини келишиб олиш, олдиндан ҳақ тўлаш, ишонч ва “жентельменларча битим”га асосланган маркетинг занжирига таянади. Мустаҳкам илдиз оттан бу қоидалар шу пайтгача бузилмай келяпти.



ТОПШИРИҚ



Ўқувчиларни 4-5 тадан қилиб гуруҳларга бўлинг, улардан қуйидаги саволларга жавоб беришни илтимос қилинг:

- 1 Бозор занжирда иштирок этувчи ҳар бир ишлаб чиқарувчидан тортиб истеъмолчигача бўлган бўғинларнинг ҳар қайсисида қандай жавобгарлик ётади?
- 2 Сиз яшаб турган минтақада етиштириладиган маҳсулотларнинг қайси бирини маркетинг тизимиға киритиш мумкин ва нима учун?
- 3 Сизнинг ҳамжамиятингиз шундай маркетинг занжирни талабларига жавоб берадими? Бошқача айтганда, занжирнинг ҳар бир бўғинига ишонса бўладими? Улар бир-бирини алдамайдими? Қишлоғингиз кишилари ҳаммага фойда олиб келадиган ишни биргаликда бажаришлари учун нима қилиш керак?

Буни ота-онангиз билан муҳокама қилиб, бутун синфга айтиб беринг.



МАРКЕТИНГ



Боткен шаҳар бозорида ўтирган сотувчи аёл ўз товарлари имконияти чекланганига қарамай, уларни растага чиройли қилиб териб, харидорларга таклиф қилади.

СОТУВ



Шамолдисой бозоридағы бу сотуучи салқынға ўтирвөлиб, ёнидан ўтаётган харидорларга эътибор бермаяпты. Бу маркетинг эмас, балки шунчаки саевдо қилишга киради.




Ҳайдаркон бозоридағы бу сотуучилар колбасаларни растага тартиб билан жойлашириб, харидорлар эътиборини тортадилар.



Боткен шаҳар бозорининг катта қисми асфальтланмаган. Яңги олиб келинадиган маҳсулотлар ифлос ерга тўкиб сотилади. Кунлик йиғимларнинг бир қисмини бозор инфратузилмасини яхшилашга сарфлаш тўғри бўлармиди? Шунда сотуучилар шунчаки саевдодан маркетингга ўтган бўлардилар.





2 БҮЛІМ

БИЗНЕСНИ РЕЖАЛАШТИРИШ



56-бет

Бизнесни режалаштириш

64-бет

Тадбиркорлик фаолияти ҳисобини юритиш асослари

73-бет

Бюджетни тузиш асослари

4

ДАРС

БИЗНЕСНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Яңги сүзлар

Бизнес-режа

- бу бизнесни йўлга қўйиш ва уни олиб боришда зарур бўлган жисмоний, молиявий ва бошқарув ресурсларидан фойдаланишнинг ёзма режасидир.

Олдиндан ҳис этиш, кўра билиш

- бу бизнеснинг мақсади ифодаланган хужжат.

Бу дарсда биз бизнес-режа ишлаб чиқишига ёки келажақдаги корхонамиз режасини тузишга киришамиз. Бизнес-режа тузиш унча катта бўлмаган томорқа учун ҳам, Қирғизистоннинг йирик ёқилғи компанияси учун ҳам бир хилдир. Бизнес қанчалик мураккаб бўлса, уни режалаштиришда шунчалик кўп омилларга эътибор қартиш талаб қилинади.

Агар сен ўз бизнесингни томорқа яратишдан бошлаб, йил сайин фойданинг бир қисмини уни кенгайтиришга сарфлассанг, келгусида фермер хўжалиги ташкил қилиш бўйича мураккаброқ бизнес-режа ишлаб чиқишинг мумкин.

Бизнес-режани ёзишдан олдин жавоб бериш керак бўлган асосий саволлар:

Ўз бизнесингни бошлашдан олдин қўйидаги саволларга аниқ жавоб беришинг керак:

1. Қандай бизнес билан шуғулланишни истайсан?
2. Ўз олдингга қандай вазифаларни қўймоқчисан?
3. Бизнесингни муваффақиятли юритиш учун тиришқоқлик билан, масъулиятни ҳис этиб ишлашга тайёрмисан, яъни ўз турмушингни фаровонлаштириш учун пул қилмоқчимисан ёки енгил-елпи ҳаёт кечиришни кўзлаяпсанми?
4. Ўз бизнесингни қандай ва қаерда йўлга қўймоқчисан?

Мажбурият:

Ўз бизнесингни яратишга қарор қилганингдан кейин мажбуриятларингни белгилаб олиш муваффақиятга эришишнинг асосий шарти саналади. Бизнес юритиш бўйича мажбуриятлар ҳаётингдаги энг муҳим вазифалар қаторида бўлиши керак. Ишни шахсий сабабларга кўра тўхтатиб қўйиш тўғри бўлмайди. Шахсий юмушларни кейинга қолдириш мумкин, аммо бизнес бўйича мажбуриятларни доим ўз вақтида бажаришинг зарур.





ТОПШИРИҚ



Жұфтликтарда ишлаб, үз бизнесингизни яратып жараёнини гавдалантириңг. Юқоридаги түртта саволни қараб чиқынг, сүнгра жавобларни қуидеги бүш жойларға Ѽзинг:

- 1.....
-
-
- 2.....
-
-
- 3.....
-
-
- 4.....
-
-
- 5.....
-
-





Олдиндан күра билиш

Агар сен яхши тадбиркор бўлишни истасанг, бозор иқтисодиёти шароитида шахсий бизнесни йўлга кўйиш билан нималарга эришмоқчи бўлаётганингни олдиндан кўра билишинг зарур. Бизнесни режалаштиришдаги биринчи қадам - бу олдиндан кўра билишинг, ҳис этишинг сен учун амалда нимани англатишини тушуниб олишинг. Бир қарорга келишинг биланоқ, уни қофозга туширишинг лозим. Буни **олдиндан кўра билиш ва ҳис этишинг** қисқача аниқ ифодаси, деб аташади.





Жұфтликпар бүлажак бизнеснинг истиқболини қандай тасаввур қилаётгәнликларини Ѽзіб, бутун синфга ўқиб әшиттирсін.

Агар сен ютуққа эришиш йўлидан боришни истасанг, у ҳолда ишни пухта режалаштиришинг лозим. Мақсадларни белгилаётганда имкониятларингни ҳаққоний баҳола. Масалан, агар сен туманда эмас, яшаётган қишлоғингда уруғлик картошқа етиштиришда илғор бўлишни режалаштиранг, имкониятларингни ҳаққоний баҳолаган бўласан. Мақсадинг қанчалик катта бўлса, шунчалик кўп меҳнат қилишингга тўғри келади. Ҳатто ютуқларга эришган пайтингда ҳам у доимий бўлмаслиги мумкин. Муваффақият қозониш учун йиллар давомида фидокорона ишлаш талаб қилинади.

Ютуққа эришиш йўли

Ютуққа эришиш йўли – бу билим ва кўникмалар, олдиндан кўра билиш қобилиятига интилишнинг уйғунлашувидир. Бир сотих томорқани гуллаб-яшнатиш учун унча кўп билим ва кўникма талаб қилинмайди, аммо бизнесинг кенгайиб боргани сайин қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этиб боради.

- **Мажбуриятга жиддийлик билан ёндашиш** ва олдиндан кўра билган вазифаларни ҳал этиш учун изчиллик, қатъият билан ишлаш.
- Ўз бизнесингни яратиш учун **ер ёки биноларнинг** мавжуд бўлиши. Бу шахсий ёки оиланг, дўстларинг ёки бошқалардан ижарага олинган бино бўлиши мумкин. Ерни ижарага олиш ёки ер солиги тўлаш тадбиркорлик фаолиятидаги харажатлар ҳисобланади.
- Ерга ишлов бериш, экиш, бегона ўтларни йўқ қилиш, ҳосилни йиғиб олиш, маҳсулотни бозорга транспортировка қилиш **учун техника ва жиҳозларнинг** бўлиши.
- Хўжалигингда ишчи қўллар етишмай қолган тақдирда **зарур ишчи кучи ёллаш** имкониятининг мавжудлиги.
- Ходимларни ютуқлар йўлида астойдил ишлашга рағбатлантириш учун **меҳнат ресурсларини бошқариш кўникмаларига** эга бўлишинг. Ривожланган мамлакатларда ишчилар корхона фойдасидан улушга эга бўлганликлари учун ўзларини бизнесдаги ютуқдан манфаатдор сезадилар. Агар сен ходимларга нисбатан одиллик билан иш тутсанг, улар жонбозлик кўрсатиб ишлайдилар. Ёмон ишлаганларни эса, бўшатишга ҳақлисан. Ходимлар корхонангда ишлаб қолиши учун уларга қулай ва хавфсиз шароитлар яратиб беришинг керак. Акс ҳолда уларнинг ўрнига келадиган одамларни яна ўқитишинг керак бўлади. Яхши ходимлар ишни меҳнат шароитлари талабга жавоб бермаган тақдирда ташлаб кетадилар. Раҳбар ва ходим бир-бирини яхши тушунадиган, шахсий бурчига ҳурмат билан ёндашадиган, шу жамоа аъзоси эканлигидан ифтихор туйғусини сезадиган бўлиши керак.
- **Мулоқот кўникмалари** – бу бизнесда муваффақиятга эришишнинг асосий омилидир. Асосий эҳтиёж фикрлаш қобилияти, корхонанг ишига ижобий таъсир қила олувчи одамлар билан очиқ мулоқотда бўлишдан иборат. Бундай одамлар корхонанг ходимлари, транспорт воситаларини бошқарувчилар, қишлоқ хўжалик материалларини етказиб берувчилар ёки маҳаллий банк вакиллари бўлиши мумкин. Илғор корхоналарда зарур маълумотларни олиб туриш, таъминотчилар ва харидорлар билан алоқани йўлга қўйиш учун компьютер ва интернетдан фойдаланилади.
- **Ўзинг танлаган иқтисодиёт сектори ҳақида техник билимларга эга бўлиш.** Масалан, уруғлик картошқа етиштирувчи одам картошканинг турли тупроқ ва минтақанинг ҳар хил жойларида экиш мумкин бўлган энг яхши навларини билиши керак.



Шунингдек, у бошқа картошка етиштирувчиларга қараганда экиннинг бу тури ҳақида яхшироқ тасаввурга эга бўлиши лозим.

- **Сотувга чиқариш учун маҳсулот сифатини тўғри аниқлаш кўникмаси.** Сен ажойиб картошка етиштиришинг мумкин, аммо малакасиз ишчиларинг ҳосилни ковлаётib картошка сифатига путур етказиши мумкин. Бу ҳолда бозорга сифатли картошка олиб чиқа олмайсан ва оладиган фойданг унчалик кўп бўлмайди. Агар картошкани қиш киргунча сакласанг, уни қимматга сотасан. Қишига сақланган картошкани кўпроқ фойда келтирадиган нарҳда сотса бўлади.
- **Маслаҳатларга қулоқ тутиш.** Сен ўз ишини яхши билган одамлар, қишлоқ маслаҳат хизмати ходимларининг маслаҳатларини эшишидан қочмаслигинг керак. Шундай бўлса-да, бу маслаҳатлар бизнесингга қандай наф келтиришини мuloҳаза қилиб кўришинг лозим.
- **Бозор ҳақида билиш,** бозор иқтисодиёти тизимида одамлар сенинг манфаатларинг йўлида эмас, ўз фойдасини кўзлаб ишлашини тушуниб етиш. Шу сабабли, одамларни нима қизиқтиришини билишинг, уларнинг талабларига тушуниш билан ёндашишинг керак. Буни бозор иштирокчилари билан яқин мuloқотда билиб оласан.
- **Молия манбалари ва билимга эга бўлиш, улардан самарали фойдаланиш.** Агар сен моддий имкониятингдан четга чиқувчи бизнесга эга бўлишни истасанг, маҳаллий кредитор, кредит кооперативи ёки банкдан қарз олишинг керак. Кредиторлар таваккалчиликка борганликларидан берган қарзлари учун сендан устама оладилар.
- **Бизнесга сармоя киритиш, уни кенгайтириш истаги.** Барча омадли тадбиркорлар олинган фойданинг бир қисмини бизнеснинг кейинги цикли учун сарфлайди. Агар фермер картошка майдонини кенгайтириш, янги навларни экишни ўлламаса, унинг бизнеси ривожланмайди.
- **Бизнес-режангда қайд этилган вазифаларни бажаришда ғов бўладиган ҳолатлардан хабардор бўлиш.** Корхона раҳбари сифатида таваккалчиликларни, улар бизнесингга қандай салбий таъсир кўрсатишини ҳисобга олишинг лозим. Ишда бундай тўсиқларга кўп дуч келасан. Агар ишчилар бир кун олдин меҳмондорчиликда бўлиб далага чиқа олмасалар, ҳосилни кузги ёғингарчиликлар бошлангунча йиғишириб ололмайсан, бу эса кўриладиган фойданинг озайишига олиб келади.

Бизнесда ютуқقا эришиш йўли

- ▶ Мажбурият
- ▶ Ер
- ▶ Техника
- ▶ Ишчи кучи
- ▶ Кадрларни бошқариш
- ▶ Мулокот кўникмаси
- ▶ Техник билимлар
- ▶ Маҳсулот сифатини бошқариш
- ▶ Маслаҳатлар
- ▶ Маркетинг ҳақида маълумотга эга бўлиш
- ▶ Молия
- ▶ Фойданинг бир қисмини ишлаб чиқаришга сарфлаш
- ▶ Таваккалчиликларнинг олдини олиш



Бизнесни режалаштириш


Олдиндан кўра билишда бир қарорга келиб, ютуқ омиллари рўйхатини тузганингдан кейин сен расмий бизнес-режангни ишлаб чиқишга тайёр бўласан. Қуйидаги жадвалда ўз томорқангни яратиш билан боғлиқ кўплаб саволларга дуч келасан. Унда бизнес-режа тузәтиб, ўзингга ўзинг беришинг зарур бўлган саволлар ҳам бор.

Жадвалнинг ўзи бизнес-режа бўла олмайди, сабаби, тўлақонли бизнес-режа учун бюджет талаб қилинади. Бизнес-режада тадбирларни амалга ошириш муддати, уларнинг изчиллиги, жисмоний ресурсларнинг қиймати кўрсатилиши керак. Шунингдек, фойда олиш муддатини белгилаш зарур. Ихтиёрингда доим зарур харажатлар учун маблағ бўлиши керак. Бу пул маблағларининг ижобий оқими ёки корхона тўловларига нисбатан фойда миқдорининг кўплиги, деб аталади.

Қуйида берилган жадвалдаги саволлар уйинг ёнидаги бир сотих ерда картошка етиштириш масалаларини ўз ичига олган. Сен бу иш учун қанча пул кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишинг лозим. Агар ўз бизнесингни очиш учун кредит олишингга тўғри келса, бу қарзни келгуси йилнинг марта, яъни биринчи мавсумнинг даромадидан ёпишинг керак.

Фойда – бу умумий даромад ҳисобидан барча харажатлар, олинган кредит, дивиденклар тўлаб бўлингандан кейин қоладиган пул маблагидир. Фойдани, ҳеч бўлмаганда унинг бир қисмини келгуси йили экин майдонини кенгайтиришига сарфла. Ишни оқилона йўлга қўйсанг, экин майдонингни кенгайтириб, келгусида йирикrok хўжалик ташкил қилиш йўлига тушиб оласан.

Полиз ташкил
қилиш қанчага
тушади?



БИЗНЕС-РЕЖА ЁЗИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ



Дарс давомида таклиф қилинган меҳмоннинг фикрини тинглагач, ўзингда бизнес-режа тузишга рағбат сезасан. Қуйида бизнес-режа ёзаётганда зарур жиҳатларни ёддан чиқармасликка имкон берадиган айрим саволлар берилган. Жавобларни бўш жойларга ёз. Молиявий режага оид саволларнинг ҳаммасига ҳам жавоб бера олмаслигинг мумкин, шунга қарамай, бюджет тузишга уриниб кўр. Барча саволларга жавоб топишга ҳаракат қил.

Бюджет тузиш бўйича ишни тутатганингдан кейин, курснинг сал охирроғида, шу саволларга яна қайт ва жавобларингни мулоҳаза қилиб кўр. Зарур топсанг, жавобларингга ўзгартиш киритишинг мумкин.



Бизнес-режа	Саволлар	Менинг туманимдаги шароит
Бизнесни жойлаштириш	Мен ўз полизимни қаерда ташкил қилишим мүмкін?	
	Оилавий полизим қандай кattалиқда бўлади?	
	Бир сотих 100 квадрат метрдан иборат. Бу томонлари 10 метрга тенг квадратни билдиради, ё бўлмаса: • 10 та катта қадам X яна 10 та катта қадам; • 25 та катта қадам X 4 та катта қадам, дегани.	
	Оилам томорқамизнинг бир сотихидан фойдаланишимга рухсат берармикин?	
	Қандай ишлаб чиқариш кўрсаткичларини кўзлаган ҳолда ишлайман? Бир сотих ердан қанча картошка оламан?	
	Ўз оилам ёки бошқа танишларим ишни бошлашим учун 1000 сўм бериб турға оладими?	
	Ким ерни ҳайдашимга ёрдамлашади?	
Маркетинг	Мен қандай маҳсулот ишлаб чиқарсан экан? Бизнинг мисолимизда бу маҳсулот картошкадир.	
	Бозор талаблари: Мен етиштирмоқчи бўлаётган маҳсулотга талаб борми, агар бор бўлса, қай даражада?	
	Маҳаллий бозоримизга яқин жойда бу маҳсулотни етиштириш билан қанча фермер шуғулланади?	
	Мен ҳам маҳсулотимни бошқаларга ўхшаб сотаманми, ёки кўпроқ фойда олиш учун сотишнинг бошқа усувларига таяниб иш кўраманми?	
	Бозорда сотилаётган турли навдаги картошка ва бошқа маҳсулотлар нархи ўртасида қандай фарқ бор?	
	Мен яшаб турган жойда бу маҳсулот қанча миқдорда етиштирилади?	
	Мен етиштирган маҳсулот бозордаги шундай маҳсулотнинг қанча фоизини ташкил этиши мүмкін?	
	Ўз маҳсулотимни қаерда қимматроқ сотиш им мүмкін?	
	Маҳсулотимни қишлоғимдан ташқарига олиб чиқиб сотсан тўғри бўладими?	
	Бозордаги рақобатчиларим кимлар?	
	Маҳсулотимни бирор бошқа маҳсулот бозордан сиқиб чиқара оладими?	



Бизнес-режа	Саволлар	Менинг туманимдаги шароит
	Синфдошларим билан бирга маҳсулот етиштириб, бозорга күп миқдорда олиб чиқиб сотсак бўладими?	
	Бозорда ўз маҳсулотимни рақобатчиларимга қараганда сифатлироқ тақдим эта оламанми?	
	Харидорларни маҳсулотимга жалб этиш учун нима қилишим керак?	
Ишлаб чиқариш	Қандай навдаги маҳсулот етиштиришим керак ва нима учун?	
	Кимдан уруғлик сотиб олсан бўлади?	
	Маҳсулот етиштириш учун кимдан маълумот ва маслаҳатлар олишим мумкин?	
	Бир сотих ерга қанча уруғлик ишлатишими керак?	
	Менга қанча уруғлик ва ўғит зарур бўлади?	
Бошқарув	Бу вазифаларни бажариш учун менда ишчи кучи етарлимми?	
	Уруғни ўз вақтида экиш учун ерни тайёрладимми?	
	Зарур ишларни ўз вақтида бажариш учун керакли жиҳозларни шайлаб кўйдимми?	
	Келгуси йили мен уюштирув ва ишлаб чиқариш тадбирларини қандай қилиб такомиллаштишим мумкин?	
Молия режаси – бюджет	Менинг бюджетимда барча харажатлар ҳисобга олинганми?	
	Бюджетидаги барча рақамлар ҳаққонийми, ёки мен имкониятларимни ошириб кўрсатяпманми?	
	Маҳсулот ишлаб чиқарышнинг бутун цикли учун эҳтимолий таваккалчиликларнинг ҳаммасини ҳисобга олдимми?	
	Бюджетим харажатлар ва даромадлар ҳисобини юрита оладиган даражада тузилганми?	

Ёзма машқ: Юқоридаги жадвалда келтирилган сарлавҳалар ҳамда саволларга берган жавоблардан фойдаланган ҳолда ҳисбот тайёрла. Бу ҳисбот бизнес-режангнинг бир қисмини ташкил қиласди.

Кейинги икки дарсда бюджетни тузиш бўйича машқлар бажарилади, бу эса тадбиркорлик фаолиятини юритишида асқотади.



ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ АСОСЛАРИ

Янги сўзлар

Асосий капитал	- ер, бинолар, техника ва жиҳозлар, шунингдек, тадбиркорнинг мулки бўлган бизнес юритишда фойдаланиладиган молиявий маблағлар.
Заём маблағлари	- бизнес юритиш учун бошқа молия манбаларидан олинадиган қарз.
Хусусий капитал	бу бутун бизнеснинг қийматини ташкил қиласди.
Доимий харажатлар	- бу корхонанинг каттайиши ёки кичрайишига қарамай, ўзгармай турадиган сарф-харажатлардир. Асосий капитал амортизацияси ҳам доимий харажатлар сирасига киради. Масалан, фермер хўжалигига олиб борувчи йўлни соз ҳолда ушлаб туриш ҳам доимий харажатдир.
Амортизация	- асосий маблағлар дастлабки баҳосининг аста-секин тушиб бориши, яъни ишдан чиқиши. Масалан, трактордан бир неча йил мобайнода, ишдан чиқмагунча, таъмирлаш ўзини оқламай қолгунча фойдаланилади. Шу сабабга кўра, йил сайин трактор қийматининг маълум фоизи операция харажатларига киритилади, бунинг натижасида солиқقا тортиладиган даромад камайиб боради. Шундай қилиб, тежалган маблағлар йигила бориб, бу пуллар эҳтиёт қилинса, янги трактор сотиб олиш мумкин бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти ҳисобини юритиш нима дегани?

Тадбиркорлик фаолияти ҳисобини юритиш – бу маҳсус ҳисоб китоби ёки компютерга жисмоний ва молиявий ресурслардан фойдаланишининг аҳволи, бизнеснинг ривожланиш босқичларини ёзиб бориш жараёни.

Тадбиркорлик фаолияти ҳисобини юритиш тадбиркорга:

- бугунги иш фаолияти жараёнини кузатиш, шунингдек, келажакда нималар бўлишини кўра билиш;
- маҳсулотни сотишдан тушадиган фойданинг тахминий миқдорини чамалай олиш;
- фойданинг тўхтовсиз ортиб боришини таъминлаш учун бизнесни кенгайтириш йўлида даромаднинг бир қисмини сармоя сифатида киритиш имконини беради.

Бундай ёзувларни зарурат туғилган пайтда ҳисоб-китоб ишларини текшириш, тегишли ўзгаришлар киритишда фойдаланиш учун ишончли жойда сақлаш керак. Ҳар қандай янги ҳаракатлар, харид ёки тўловларни ўз вақтида қайд этиб бориш зарур.



Бу дарсда сен полиз бизнесини йўлга қўйишда қайдлар юритишни ўрганасан. Ҳисоб юритишнинг бир қанча тури бор, бироқ ушбу дарсда кўриб чиқиладигани кичик бизнес билан шуғулланадиганлар учун қўл келади.



Тадбиркорлик фаолиятинг ҳисобини юритишни назорат қил.

Ҳисоб журнали ҳақида маълумот

Фермер хўжалиги ёки корхона фаолияти ҳисобини юритишнинг кўп усуллари бор. Ақлли раҳбар ўз вақтини биргина мониторинг ва назорат ишига сарфламасдан, бизнесини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратади.

Асосий капитал ҳисоби

- корхонанинг асосий капитали
- корхонанинг пул мажбуриятлари (заём маблағлари)
- корхона эгасининг хусусий капитали.

Полизингдаги асосий операциялар ҳисоби

Қуйида полизинг учун қилинадиган сарф-харажатлар ҳисобини юритишида ёрдам берадиган саволлар рўйхати берилган:


- Ер участкандан фойдаланишга қачон рухсат олдинг?
- Ер участканга ишлов беришга, уни экишга тайёрлашга қачон киришдинг?
- Ерга ишлов берадиган жиҳозларни қачон олдинг?
- Тупроқ таркибини яхшилаш учун гўнг солдингми?
- Компост тайёрлашда ишлатиш учун бегона ўтларни юлиб ташладингми?
- Уруғликка қачон буюртма бердинг ва уни қачон олдинг?
- Зааркунандаларга қарши химикатларга қачон буюртма бердинг ва уларни қачон олдинг?
- Ерга ишлов бериш учун қишлоқ хўжалик техникаларини шайлдингми, агар шундай бўлса, қачон? (экин майдони катта бўлгандан ва техникага эҳтиёж туғилганда).
- Экинни қачон суғординг?



Операциялар юритишнинг молиявий ҳисоби

- Экин етиштириш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик материаллари (уруғлик, жиҳозлар ва бошқ.).
- Ўз эҳтиёжинг учун етиштирган маҳсулотни ҳам қўшганда ҳосилни сотишдан тушган ялпи даромад.
- Ялпи даромад билан барча харажатлар ўртасидаги фарқ, яъни соф фойда.
- Ҳосилни етиштириш учун ишчи кучига сарфланган харажатлар.
- Фаолиятни амалга ошириш учун пул-заём харажатларидан фойдаланиш.

Сабзвотчилик бизнесига киришар экансан, юқорида келтирилган барча бандлар бўйича ҳисоб ишларини олиб боришинг керак.



Тадбиркорлик фаолияти ҳисобини юритиш шунчалик муҳимми?

1. Ҳисоб журналидан вақтнинг маълум бир қисмida қилинган иш тўғрисида маълумотни топиш мумкин. Масалан:

- Ҳосил етиштириш учун ҳозиргача қанча харажат сарфладинг?
- Ўтган йили бунга қанча маблағинг кетганди? Қанча фойда олгансан?
- Бу йил ўтган йилгига нисбатан кўпроқ ҳосил олдингми?

2. Ҳисоб юритишда бизнесга киритилган капитал ҳақидаги маълумот ҳам эътиборга олинади.

Бизнес эгаси ёки уни бошқарувчи одам биргина шу бизнесга тегишли ҳисоб ишларини юритиб, бошқа харажат ва даромадларни унга қўшиб юбормаслиги керак. Киши ўз бизнесини очиш ва зарур жиҳозлар сотиб олиш учун етарли миқдорда маблағ тўплаши лозим.



Бу харажатлар **капитал** деб аталади. Мәйлум бир бизнес ёки корхона манфаатлари іүлида фойдаланилгани учун ҳам уларни асосий капитал (ёки актив) деб аташади. Корхонада ишлатиладиган иш қуроллари, жиҳозлар, қишлоқ хұжалик техникаси ишлаб чиқарып воситалари деб аталади.

3. Ҳисоб журналида тадбиркорга банқдан кредит олишда зарур бўлган муҳим маълумот ҳам бор.



Мисол: Фараз қилайлик, сен от, арава ва иш қуроллари сотиб олдинг. Бизнесингнинг асосий капитали қийматини белгилаб олайлик.

Капитал	Баҳоси (сўм)
Бир от	40 000
Бир арава ва иш қуроллари	10 000
Асосий капитал қиймати	50 000

Агар сен бюджетда кўрсатилган ресурсларни сотиб олиш мақсадида 20000 сўм кредит олган бўлсанг, у ҳолда асосий капитал ёки компания капитали асосий капитал билан кредит маблағлари ўртасидаги фарқдан иборат бўлади, яъни $50000 - 20000 = 30000$ сўм.

Капитал	Баҳоси (сўм)
Бир от	40 000
Бир арава ва иш қуроллари	10 000
Асосий капитал қиймати	50 000
Кредит	20 000
Ишлаб чиқарып эгасининг хусусий капитали	30 000
Хусусий капитал ёки мулкнинг фоиз улуши	60%



Хусусий капитал – бу бизнес эгасининг шахсий маблағидир.

Хусусий капиталнинг мавжудлиги қарз берәётган кредит ташкилоти ёки индивидуал шахс учун муҳим аҳамиятга эга, негаки, бизнес синган тақдирда ҳам заём олган томон қарзини қайтаришга қодир, қолаверса, шундан кейин ҳам унинг ўзида маълум бир капитал қолади.

ТОПШИРИҚ



Фоиз нисбатлари қатор иш операциялари ҳақида холосага келишда ҳисоб юритишнинг муҳим қуроли ҳисобланади. Бу жараённи яхшироқ тушуниш учун қуйидаги топшириқни бажар:

1. Чорвадорнинг 100 та совлиқ қўйи бор. Агар совлиқларнинг 60 фоизи қўзиласа ва ҳар бири биттадан туғса, ҳаммаси бўлиб қанча қўзи туғилган бўлади?
2. Фермер 6000 кг сабзи етиштириди ва унинг 85 %ини сотди. У қанча кг сабзи сотди?
3. Бензин қўйиш шоҳобчасининг эгаси 900 литр ёқилғи олиб, шундан 75 фоизини сотди. Жами қанча литр бензин сотилди?
4. Сотувчи ҳар ҳафта 40 кг пишлоқ олади. Унинг 90 %ини сотиб, қолган 10 %ини ўзи истеъмол қилиш учун олиб қолади. Қанча пишлоқ сотилиб, қанчаси унинг оиласига қолади?
5. Исфана шаҳри Ўшдан 380 км олисда жойлашган, Боткен эса Исфандан 140 км нарида. Ўш ва Исфана ўртасидаги масофа Ўш-Боткен йўли умумий узунлигининг неча фоизига teng?
6. Полизда 800 кг картошка етиштирилиб, унинг 70 %и маҳаллий бозорда сотилди. Бозорда қанча картошка сотилган?

Физик ҳисоб-китоб юритиш ҳар қандай бизнесни бошқаришда муҳим ўрин тутади.

Фермерлик узоқ муддатли бизнес бўлганлигидан ўз полизингга таъсир ўтказувчи барча омилларни диққат марказида тутишинг керак. Агар сен картошка етиштираётган бўлсанг:

- Картошканинг қандай навини экдинг?
- Вегетация мавсуми давомида неча марта ёмғир ёғиб ўтди?
- Қачон ва қанча муддат кун совиб ёки исиб кетди?
- Картошкага қачон сув тарадинг?
- Экинга қанча ўғит солдинг?
- Картошкани экиб парваришга киришилгандан тортиб уни қазиб олгунча қанча меҳнат куни сарфланди?
- Қанча картошка қазиб олинди?
- Оила эҳтиёжи учун қанча картошка қолдирилди, қанчаси бозорга олиб чиқиб сотилди?



Үқувчиларга ой сайин тўлдириб борилган кундалик намунасини кўрсатиш керак.

Сен: «Мен картошкани экдим, суғордим, ҳосилини йигиб олдим, сотдим ва бундан хурсандман” деб, бажарилган ишлар ҳисобини олмаган бўлишинг мумкин. Агар қилган ишингни ҳисоб-китоб қилиб борганингда, олган ҳосилингни бошқа фермернига солишириб, ўзингга: “Нима учун мен унга қараганда икки марта оз ҳосил олдим?” деб савол берган бўлардинг.

Шундай қилиб, ҳисоб ишларини олиб бориш муаммоларни таҳлил қилиш, корхона ютуғи ёки муваффақиятсизлик сабабларини тушуниб олиш имконини беради.

Кундалик – бу физик ҳисоб юритишdir. Қуйида бир сотих ер майдонида картошка етиштирувчи фермер кундалигидан намуна келтирилади.

Апрель	Иш тури	Изоҳлар
Апрель	<ul style="list-style-type: none"> Ерни экишга тайёрлаш учун одам ёллаш Ўғит ва сомон олиб келиш Уруғлик картошка сотиб олиш Азотли ўғитлар сотиб олиш Уруғни экиш 	Икки кун 36 кг 2 халта
Май	<ul style="list-style-type: none"> Суғориш Ерни юмшатиш 	
Июнь	<ul style="list-style-type: none"> Суғориш Пестицидлардан фойдаланиш 	Химикатлар
Июль	<ul style="list-style-type: none"> Суғориш Картошкани чопиш 	
Август	Пестицидлардан фойдаланиш	Химикатлар
Сентябрь	<ul style="list-style-type: none"> Картошкани қазишга тайёрланиш Ҳосилнинг ярмини сақлаш учун ўра тайёрлаш Ҳосилни қазиш учун ишчи кучи ёллаш 	2 киши
Октябрь	<ul style="list-style-type: none"> Картошкани қазиб олиш Картошкани катта-кичиклигига қараб саралаш Ноябрь ойида юқори баҳода сотиш учун ҳосилнинг ярмини ўрага солиш Ҳосилнинг тўртдан бир қисмини оила эҳтиёжлари учун сақлаб қўйиш Октябрь ойида ҳосилнинг тўртдан бирини сотиш учун бозорга транспортировка қилиш 	1 юк машинаси Ўз кучи билан
Ноябрь	<ul style="list-style-type: none"> Картошкани ўрадан чиқариш учун одам ёллаш Транспорт уюштириш Картошкани юқори баҳода сотиш 	1 киши 1 юк машинаси Ўз кучи билан

Ҳисоб-китобда вегетация мавсуми давомида амалга оширилган барча ишлар ўз ифодасини топган. Бунга яна бир қанча ишларни қўшиш мумкин эди. Ҳисоб ишлари қанчалик мураккаб бўлса, уни юритиш шунчалик кўп вақтни олади, аммо етиштирилган картошканинг ушбу ҳудудда энг сифатли эканлиги фермерни бундай ёзувларни доимий юритишга рағбатлантиրмасдан қўймайди





ТОПШИРИҚ

Юқорида келтирилган кундалик ой сайин тұлдирилади. Бизнесни бошлаётіб, кундалик тутиш ва унга бизнесга алоқадор ишларни ёзіб бориш түрі бўлади. Аслида, у шахсий кундалика ўхшаб кетади, фақат унда бизнесга тегишли ишлар ўз аксини топади.

Қуйида келтирилган кундалики мактаб ҳаётида рўй берган воқеалар билан тўлдир. Масалан, спорт майдончасида муштлашиб кетганинг, синф деразасидан қушча учеб киргани ва ҳоказо. Кундалик саҳифасининг чап бурчагидаги тегишли квадратда санани кўрсат.

Ойлар:

Кунлар	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба/ Якшанба
1-ҳафта						
2-ҳафта						
3-ҳафта						
4-ҳафта						
5-ҳафта						

Молия бюджети ҳам ўзига хос кундалик ҳисобланади, нимага деганда, у қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш билан боғлиқ барча ишларни ўзида акс эттириб боради. Молиявий бюджет физик бюджет билан боғлиқ. Қуйидаги мисолда у ёки бу харажатлар қайси мақсадда қилингани, барча сарф-харажатлар, уларнинг асослари кўрсатилган.

Мазкур бюджет фақат картошка етиштириш билан боғлиқ сарф-харажатларни акс эттиради. Улар экин майдонининг катта-кичиклигига боғлиқ бўлганлигидан **ўзгарувчан харажатлар** ёки жорий харажатлар, деб аталади. Агар картошка 1 сотих эмас, 10 сотихга экилса, сарф-харажатлар ҳам 10 марта ортади.

Бу бюджетдаги бошқа бир тоифага кирувчи сарф-харажатлар **доимий харажатлар** дейилади. Бундай харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмайди ва бизнеснинг мавжудлиги учун тўланади. Масалан, ер солиги экин етиштирилиши ёки етиштирилмаслигидан қатъи назар тўланиши керак. Солиқ миқдори ижарага олинган ер майдони катталашгандан кейингина ортиши мумкин.



Картошка етиштириш учун харажатлар бюджети

Ой	Иш тури	Миқдор	Бирлик баҳоси (сўм)	Жами
Апрель	<ul style="list-style-type: none"> Картошка экиш учун ерни тайёрлашга одам ёллаш Уруғлик сотиб олиш Азотли ўғитлар сотиб олиш Картошка экиш учун одам ёллаш 	Ўз кучи билан 36 кг. 2 халта Ўз кучи билан 1 кун	100 17 15.0 100	(100) 612 30 (100)
Май	• Суғориш		20	20
Июнь	<ul style="list-style-type: none"> Суғориш Пестицидлардан фойдаланиш 	Химикатлар	20 тўланди 2000/100 сотих	20
Июль	• Суғориш		20 тўланди	
Август	• Пестицидлардан фойдаланиш	Химикатлар	2000/100 сотих	20
Сентябрь	<ul style="list-style-type: none"> Картошкани қазишига тайёрланиш Картошканинг ярмини сақлаш учун ўра тайёрлаш Картошкани қазиши учун одам ёллаш 	Ўз кучи билан 1 кун	100	(100)
Октябрь	<ul style="list-style-type: none"> Картошкани қазиб олиш Ноябрда юқори баҳода сотиши учун картошканинг ярмини ўрага солиш Октябрда картошканинг тўртдан бирини (тахминан 138 кг) бозорга олиб чиқиш 	Ўз кучи билан 2 кун	100	(200)
Декабрь	• Картошканинг ярмини (тахминан 137 кг) бозорга олиб чиқиб, юқори баҳода сотиши	Ўз кучи билан 2 кун	100	(200)
Жами:				(900) 702
Харажатларнинг умумий миқдори:				1 602

Бюджетда корхонанинг режалаштирилган даромадини ҳам кўрсатиш керак. Бу мисолда бир сотих ердан олинган картошка 275 кг. Агар ҳосилнинг ҳаммаси сотиладиган бўлса, **умумий даромад** қўйидагича бўлади:

Октябрда сотилган 138 кг картошка (тахминан) 10 сўм/кг = 1380 сўм,

Декабрда сотилган 137 кг картошка (тахминан) 12 сўм/кг = 1644 сўм

Демак, 1 сотих ерда етиштирилган картошкани сотишдан тушган **умумий даромад** = 3024 сўм.



Табиийки, соф фойдани аниқлашда қилингандарни чиқариб ташлаш керак.

Юқоридаги жадвалда барча кутилган харажатлар көлтирилген бўлиб, улар фермер меҳнати қийматини ҳам ўз ичига олган. Расмий рўйхатдан ўтган корхонада бундай харажатлар тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромалар ҳисобидан қопланиши зарур. Лекин полиз билан боғлиқ мисолда келгуси йили фойданинг бир қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаш учун бу харажатларни бизнесда қолдирган маъқул.

Шундай қилиб, **олинган даромад** 3024 сўм - 1602 сўм = 1422 сўм.

Агар сен ўз меҳнатингга ҳақ чегирмасанг, у ҳолда сотишдан тушган даромад 1602 сўм + 900 сўм меҳнат ҳақи = 2322 сўм бўлади.

Бизнес харажатлари

Хулоса чиқараётуб шуни айтиш мумкинки, корхона ёки бизнес харажатлари капитал харажатлар, ўзгарувчан харажатлар ва доимий харажатларни ўз ичига олади.

Демак, харажатлар бюджети икки асосий компонент: капитал харажатлар ва ўзгарувчан харажатлардан иборат экан.

Барча бюджетлар сингари харажатлар бюджети оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Яъни, харажатлар бюджети кичик бюджетлар учун оддий, йирик миёсдаги бюджетлар учун эса мураккаб тузилади.



6

ДАРС

БЮДЖЕТНИ

ТУЗИШ АСОСЛАРИ

Янги сўзлар

Жисмоний ресурслар	тадбиркорликни юритиш учун зарур бўлган ресурслар, масалан, ер ва уруғлик, маркетинг билан боғлиқ харажатлар.
Молиявий ресурслар	жамғармалар ва бизнесга киритиладиган сармоялар.
Харажатлар	булар ишни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш, маҳсулотни сотиш учун бизнесга сарфланадиган ёки сармоя сифатида киритиладиган маблағлар.
Пул маблағларининг ҳаракатланиши	вақтнинг маълум бир қисмида бизнес даромадлари ва харажатлари орасида вужудга келадиган фарқ.

МУҲИМ ИЗОҲ:

Бизнес харажатларини қоплаш учун сенда доим маблағларнинг ижобий ҳаракати бўлиши керак. Табиийки, белгиланган ой давомида сотув ҳажми харажатлар миқдоридан кўп бўлиши, маблағларнинг ҳар қандай етишмаслиги ўз пулинг ёки кредит маблағлари ҳисобидан қопланиши зарур. Агар бизнес-режанг бўйича зарур пайтда нақд пулинг бўлмаса, у ҳолда ишинг тўхтаб қолади. Шунинг учун ўз бизнесингни харажатларни ёпиш манбалари аниқ кўрсатилган режа тузишдан бошлишинг керак.

Бюджетни тузиш нима?

Бюджет тузиш – бу келажакни молиявий жиҳатдан режалаштириш дегани.

Режалаштиришнинг муҳимлиги

Агар оилавий дам олиш учун тоқقا чиқмоқчи бўлсанглар, оиланинг ҳар бир аъзоси керакли нарсани ўзи билан бирга олиши керак. Ота-она транспорт ва озиқ-овқатни уюштиради, болалар ўйнаш учун тўп олволишади. Режалаштириш – бу келажакни ўйлашдир, ўйлаган нарсанг амалга ошмасдан қолмаслиги керак. Агар тўп олволсанг, бу оиланг тўп ўйнашини англатади. Режалаштириш оиланга яхши хордиқ чиқариш имконини беради.



Келинглар, биримиз иккинчи бир одамда йўқ нарсаларни олайлик, шунда зарур нарсаларнинг ҳаммасини олган бўламиз.

Режа зўр чиқди



Бюджетни тузиш – бу режалаштириш ва тахмин қилиш бўйича машқ. Биз режалаштириш бўйича машқни бажарамиз, шунингдек, келажақда нималар бўлишини билишга харакат қиласиз. Бюджет бизнесини тузиш – бу худди биронта байрамни ўтказиш учун режа тузишга ўхшаб кетадиган жараён. Бироқ бизнес бюджети келажакни тахмин қилиш, жисмоний ва молиявий ютуқлар, шунингдек, режалар доирасида ўтказиладиган тадбирларни факт ва рақамлар воситасида қофозга туширишни қўзда тутади. Агар бу бизнес фойда олишни кўзламаса, унга ҳеч ким сармоя киритмайди.

Бюджетда фойдаланиладиган маълумотлар

Корхонангда маблағлардан фойдаланиш, сотиб олинадиган ёки фойдаланиладиган предметлар/ресурслар ҳисобини юритиш учун бюджетга зарур маълумотларни киритишинг керак. Ёғоч, жиҳозлар ва сенга қўмаклашадиган қўшниларингга миннатдорчилик сифатида сўйиладиган товуқларнинг барчаси бизнесингга алоқадор харажатларни ташкил қиласи.



Жисмоний харажатлар ва натижалар

Жисмоний харажатлар ва бизнесда кутилаётган натижалар, яъни полизни вужудга келтириш учун қанча ер керак, қанча уруғлик сотиб олиш зарур ёки ҳафтасига 100 дона тухум олиш учун қанча товуқ бўлиши талаб қилинади?

Молиявий харажатлар/ресурслар

Бизнесни ташкил қилиш учун сарфланган харажатлар, бизнесдаги жорий харажатлар ва маҳсулотни сотишдан тушиши мумкин бўлган даромад. Булар ўз бизнесингни ривожлантириш учун қанча маблағ сарфлашингни, шунингдек, қанча миқдорда қарз олишингни кўрсатади.

Харажатлар

Бу товар ёки маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маблағлардир. Уруғлик ва ўғит сингари жисмоний ресурслар харажатларни ташкил қиласди. Сен уруғлик ва ўғит харид қилиш билан боғлиқ харажатларни ёпишда шахсий жамғармангдан фойдаланишинг мумкин. Ёпик остидаги ёғоч материаллар ҳам бизнес эҳтиёжлари учун ишлатилиши мумкин. Буни ҳам бюджетда бозор баҳосида кўрсатиш керак.

Бюджетни тузишда вақт омили

Бюджет маълум бир вақт оралиғи учун тузилади. Агар сен, масалан, пишлоқ ишлаб чиқарсанг, бизнес муддати бир неча ҳафтага; сабзавот етиширадиган бўлсанг, бир неча ойга; фермер хўжалиги ташкил қилсанг, бир неча йилга чўзилиши мумкин.

Бюджетдан нимада фойдаланилади?

Бюджетни тузишинг ўзинг бошламоқчи бўлаётган ишга пухта тайёргарлик кўрганингни билдиради. Сен бизнес юритишда қандай ресурслар талаб қилинишини, маълум вақт давомида бизнесинг қандай ривожланишини тасаввур этишинг лозим. Бюджет сен учун бизнесинг истиқболини таъминлашда йўл харитаси бўлиб хизмат қиласди. Бюджет қанча маблағ сарфлаганингни, бундан кейин нима иш қилиш кераклигини, сени яна қанча сарф-харажатлар кутаётганини аниқлашда ёрдам беради. Буни барча харажатларни молиялаштиришнинг реал манбаларига таққослаб иш кўришнинг яхши ўйланган, пухта тадбирлар рўйхати деса бўлади.

Бюджет қўлда мавжуд бўлган ресурслардан фойдаланган ҳолда мақсадга тез етиш йўлини кўрсатиб беради. Ҳар қандай одам ҳам турли сабабларга кўра бизнесда қоқилиши, мажбуриятлари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этгандан кейин бизнесини тиклаб, ўз мақсади йўлида давом этиши мумкин.

Бизнесни режалаштирмаслик ва бюджетни тузмаслик нималарга олиб келиши мумкин?

Агар сен фаолиятнинг барча турлари ва харажатлар рўйхатини тузиб олмасанг, бизнесни юритиш учун қанча вақт ва маблағ талаб қилинишини айта олмайсан. Уруғлик сотиб олиб экканинг билан, ўғит харид қилишга пул тополмаслигинг мумкин. Бу бор пулингни сарфлаб бўлганингни, энди фойда кўрмаслигингни англатади. Натижада шу пайтгача қилган меҳнатинг чиппакка чиқиб, пулни ҳавога совурган бўйи қолаверасан.





ТОПШИРИҚ



Кейинроқ шу курс доирасида сен ўзингнинг унча катта бўлмаган полизингни яратасан. Бунинг учун балки оилангдан ёки дўстларингдан айрим ресурсларни сўрашингга тўғри келар. Мана шу ресурсларнинг ҳаммаси режа ва бюджетингга киритилиши керак.

Ўз бизнесингни бошлишдан олдин барча харажатларни пухта ўйлаб ол, токи кейинчалик кўнгилсизликларга дуч келиб турмагин.

Ўз ўйингча қилиниши шарт бўлган барча сарф-харажатларнинг рўйхатини туз

Харажат	Миқдор	Бирлик баҳоси	Умумий қиймати	Ёллаш, харид ёки қарз олиш?
Жами:				

Синфда жадвал тўлдирилгандан кейин маҳаллий бозорга кириб, ўз маълумотларингни текшириб кўришинг мумкин. Бу машқни маълум муддат ичида бир неча марта такрорласанг, айрим материалларнинг баҳоси уларга бўлган мавсумий эҳтиёжга қараб ўзгариб туришини сезасан.



Бюджет ҳамма вақт ҳам түғри тузиладими?

Бюджет – бу ўз бизнесинг табиатидан келиб чиқсан ҳолда келажакда ишинг қандай кечиши, нималарга эришишинг ҳақида тузган режангдир. Сен картошкани экканингдан кейин ёмғир ёғишини кутасан, сабаби, баҳорда ёғингарчилик кўп бўлади. Аммо амалда ёмғир ёғмаслиги ҳам мумкин, бу ҳолда сен яхшироқ ҳосил олиш учун экинга тез-тез сув тарашинг керак бўлади. Бу эса қўшимча меҳнат, қўшимча маблағ дегани. Бюджетни тузатганда турли таваккалчиликлар режадан ташқарига чиқиб кетишингга олиб келишини эътиборда тутишинг керак. Ўзига хос бундай йўл харитаси айрим бир муаммоларни ўрнида ҳал этишда ёрдам беради.

Пул маблағларининг ҳаракатланиш бюджети

Пул маблағларининг ҳаракатланиш бюджетини ўргангач, ўқувчилар даромадларнинг тусиши вақти ёки олдинда турган харажатларни ёпиш учун маблағ зарурлигини тушуниб оладилар.

Келинглар, “Тадбиркорлик фаолияти ҳисобини юритиш асослари” мавзусидаги картошка етиштириш бўйича мисолга мурожаат этайлик. **Вақтинчалик интервал** бунда **бир ойга** тенг. Сен бир хил тоифадаги харажатлар бир неча ой оралиғида такрорланишига гувоҳ бўласан. Ўз меҳнатинг харажатлари апрель, сентябрь ва октябрдаги ёзувларда қайд этилади. Бундай харажат ва даромадлар пул маблағлари ҳаракатланиши кўрсатилган жадвалда келтирилган. Қуйидаги жадвалда акс эттирилган пул маблағларининг ҳаракатланиши кўпроқ маълумотларни қамраганлиги учун ҳам полиз бюджетига қараганда мураккаброқдир.

1 сотих ерда картошка етиштириш учун пул маблағларининг ҳаракатланиш бюджети


Модда	апр	май	июнь	июль	авг	сент	окт	нояб	дек	йигинди
Харажатлар										
Уруғлик картошка	612									
Ўғит	30									
Суғориш		20								
Химикатлар			20		20					
Умумий харажатлар	642	20	20		20					702
Сотув							1380		1644	3024
Йигилган соф дефицит ёки профицит	-642	-662	-682	-682	-702	-702	+678	+678	+2322	+2322

Изоҳ: бу ойда харажатларнинг умумий ҳажми фаолият билан боғлиқ бўлмаган даромадлар, яъни шахсий жамғарма ёки кредит ҳисобидан молиялаштиришни тақозо этади. Шу 1 сотих ер мисолида сарфлаган меҳнатинг ҳисобга олинмаяпти.

Пул маблагингнинг ҳаракатланиш бюджети 2322 сўм миқдорида даромад олганнингни кўрсатади. Картошкани сотишдан тушган 3024 сўм миқдоридаги даромаддан 702 сўм ҳажмидаги харажатларни чиқариб ташлаш керак. Бу ҳисоб ичida меҳнатинг қиймати йўқлигини унутма. Соф фойда эвазига келгуси йили картошка майдонини кенгайтиришинг мумкин, қолган пулни меҳнатингга берилган мукофот, деб қабул қилсанг бўлади.







3- БўЛИМ

МАСЛАҲАТЛАР ВА МАБЛАҒ ОЛИШ



80-бет

Таваккалчиликларнинг олдини олиш

85-бет

Микрокредит сари йўл

96-бет

Маслаҳатлар олиш

7- ДАРС

ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Янги сўзлар

**Тадбиркорликдаги
таваккалчиликлар**

бизнеснинг самарали ва натижадор бўлишига салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай муаммо ва тўсиқлар.

**Таваккалчиликларни
бошқариш**

корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи турли таваккалчилик омилларининг олдини олиш ёки хавфини камайтириш санъати.

Бу дарсда сен бизнесингга хавф соладиган таваккалчиликларни аниqlашнинг самарали усусларини, шунингдек, уларнинг олдини олиш ва хавфини камайтириш йўлларини билиб оласан.

Аввал фермер хўжалиги ишини кўриб чиқайлик:



Фермер хўжалигига фаолиятнинг уч тури юритилади:
• Сабзавотчилик
• Боғдорчилик
• Сут берувчи эчкичилик

Мазкур хўжалик фаолияти шу уч йўналиш бўйича маҳсулот сотишга боғлиқdir. Ҳар бир маҳсулот маркетинг занжирининг бир ҳалқаси ҳисобланиб, маҳсулотларнинг ҳар биридан маълум мақсадларда фойдаланилади.

Хўжалик менежери фаолиятнинг уч тури билан шуғулланар экан, таваккалчиликларни ҳам уч тоифага бўлиб иш кўради. Бошқача айтганда, шу маҳсулотларнинг баҳоси бирданига тушиб кетишига ишониш қийин. Бундан ташқари, маҳсулотлар йилнинг турли вақтларида ҳар хил бозорларга олиб чиқилиб, яхши баҳоларда сотилади.



Хўжалигинг учун таваккалчилик манбалари

Хавф-хатар манбалари ҳар хил бўлиши мумкин. Фермер хўжалиги учун таваккалчиликнинг иккита асосий омили мавжуд:

- иқлим ва об-ҳавонинг ўзгарувчанлиги, шунингдек, ўсимлик зааркунандалари, парранда ва чорва молларнинг касалланиши;
- бозорда товар конъюктурасининг ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалик материаллари ва маҳсулотлар нархининг бир хилда турмаслиги.

Таваккалчилик манбаи	Таваккалчиликка мисоллар
Табиий хавф-хатарлар	Қурғоқчилик, сув тошиши, ёнгин, ҳароратнинг кескин пасайиши ва кўтарилиши. Чорва моллар, паррандаларнинг четдан келган касаллilikлари, ўсимлик зааркунандалари. Жониворлар орасида касаллик кенг тарқалганда карантин эълон қилиниб, уларни бозорга олиб чиқиб сотиш тақиқланади.
Хўжалик бошқаришдаги таваккалчиликлар	Қишлоқ хўжалик юмушларини вақтида ўтказмаслик, масалан, кўчатни кечикиб ўтқазиш, ҳосилни йиғишириб олишда техниканинг йўқлиги.
Бозор тизими	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозорга олиб чиқиши чеклайдиган ҳукумат қарорлари, халқаро бозор шартларининг ўзгариши.
Молиявий таваккалчиликлар	Зарур пайтда молиялаштиришнинг тўхтаб қолиши ёки чекланиши, кредит фоизларининг ортиб кетиши.

ТОПШИРИҚ





Иккитадан бўлиб уч групхга бўлининг, қуйидаги суратни диққат билан ўрганиб, фермер кўрган заарнинг рўйхатини тузинг. Фермер қандай қилиб заарнинг олдини олиши мумкин эди?



Бизнес учун таваккалчиликлар қаердан келиб чиқади?

Бизнес учун таваккалчиликларни турли манбалар келтириб чиқаради.





Икки кишилил гурұхларда ишлаб, юқорида берилған диаграммани диққат билан күриб чиқинг. Ҳар бир доира ичига рўй бериши мүмкін бўлган таваккалчиликка иккитадан мисол ёзинг. Ижтимоий муносабатларга оид мисол келтирилган.

Ўзгаришларни бошқариш

Фермерлар учун хавф туғдирган муаммолардан бири гоҳида рўй бериб турадиган ўзгаришлардир. Кўп ўзгаришлар ўз бизнесини кузатиб бормайдиган тадбиркор учун таваккалчилик яратади. Ўзгаришлар худди мода каби янги, рақобатга чидамли маҳсулот кўринишида кутилмагандага келиб чиқади. Ҳушёр менежер буни олдиндан кўра олади.

Ўзгаришлардан чўчимаслик керак. Бу тажрибали менежер учун қулай имконият яратадиган ҳодисадир, сабаби, кўпчилик бундай ҳолатга кўнига олмай, рақобатбардошликтин йўқотади. Ўз ишини пухта билган менежер бозорни тадқиқ этиб, вужудга келган имкониятларни эътиборга олади ҳамда маҳсулотини янги талабларга мослаштириш чораларини кўради.

Тадбиркор таваккалчилик даражасини қандай пасайтира олади?

Айрим хатарлар ташқаридан хуруж қиласи. Шунга қарамай, тадбиркор ўзини кўпгина салбий ҳолатлардан ҳимоя қилиши, таваккалчилик хавфини пасайтириши мүмкин.

Билим

Тадбиркорни турли хатарлардан ҳимоялайди. У ўз бизнесига алоқадор технологияларни ўрганиши, бошқарув кўнималарини орттириши, ҳатто бизнесни юритиш шароитлари ўзгарган тақдирда ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши керак.

Хабардорлик

Менежерга хос энг муҳим фазилат. Тадбиркор кўп ўқиши, кўплаб одамлар билан мулоқотда бўлиши, корхонаси мансуб бўлган бизнес муҳитидаги янгиликлардан четда қолмаслиги керак.

Коммуникация тизими

Тадбиркор янги маълумотларга яқин туриши, бундан ўз рақобатбардошлигини оширишда фойдаланиши лозим. Бозор иқтисодиёти шароитларида ҳамма зарур маълумотларни олишда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, бошқа товарларнинг нархини билишда турли ахборот манбаларига (радио, телевидение, интернет ва босма нашрлар) таянади. Агар одамлар бундай маълумотларга эга бўлмаса, бозорда нималар бўлаётганини билмаганликларидан ўз ҳаракатларини тўғри йўналтира олмай, оқим бўйлаб сузишга мажбур бўладилар.

Маслаҳатлар олиш учун мурожаат қилиш

Қирғизистоннинг барча вилоятларида бизнесни муваффақиятли юритиш бўйича маълумотлар билан ўртоқлашишга тайёр малакали маслаҳатчилар, кооперативлар бор. Шундай бўлса-да, бизнесига бўлган хатарлардан воқифлик тадбиркорнинг ўзига керак бўлганлиги учун бу ҳақда шахсан ўзи қайғуриши лозим.



Кўптармоқли тадбиркорлик

Агар фермер хўжалигида бир вақтнинг ўзида сабзавот ва мева етиширилса, шунингдек, эчки парвариш қилинса, бундай хўжалик кўптармоқли деб айтилади. Кўптармоқли хўжаликда бир қанча фаолият турлари юритилади, мабодо, маҳсулотнинг бир турини сотишдан харажатлар қопланмаса, йилнинг бошқа муддатида қимматроқ сотиладиган бўлак маҳсулот барча чиқимларни қоплаши мумкин.

Маҳсулотни сотиш вақтини танлаш

Сомон ёйиб совуқдан сақлаш йўли билан эртаки картошка етишириш, бозорда рақобат кучаймай туриб уни қимматга сотиш мумкин. Полиэтилен плёнкадан иссиқхона қуриш, ерни сомон тўшаб совуқдан сақлаш йўли билан эртаки помидор етишириб сотиш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Фермер турли сабзавотлар етишириш билан бизнесига бўлган хатарни озайтира олади.

Маҳсулот сифати

Товар бозордан ўз ўрнини топа оладими-йўқми, буни унинг сифати белгилайди. Ишлаб чиқариш деталларига эътиборсизлик хатарни келтириб чиқарувчи асосий омил саналади. Юқори сифатга эга маҳсулот ҳатто рақобат кучли шароитда ҳам қимматга сотилади.

Қонунни тушуниш

Тадбиркор ўз фаолиятига тегишли бўлган қонун ва низомлар, меъёрий актларни билиши зарур. Тадбиркорлик фаолияти озиқ-овқат гигиенаси, битимлар ва солиқ тўғрисидаги қонунлар билан бошқарилади.

Синф муҳокамаси:

5-8 кишилик грухларда ишлаб, нима учун юқорида айтилган қонун ва низомлар бозор иқтисодиётининг самарали ишлашини таъминлаши, нима учун тадбиркор уларга риоя қилиши зарурлигини муҳокама этинг.

ЁЗМА ИШ



Ҳар бир ўқувчи грух баҳсидан чиқарган хулосаси ҳақида бир саҳифали ҳисбот ёзиши керак.

Бу бизнес сеники, шунинг учун ишингга салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай таваккалчилик ҳақида маълумот тўплаш ўзингнинг вазифангдир.



МИРОКРЕДИТ

САРИ ЙЎЛ

Янги сўзлар

Кредит	маблакқа мухтож одамларга кредит шартномаси асосида қарзга берилган пул
Микрокредит (кичик кредит)	гаровсиз бериладиган қисқа муддатли қарз
Гаров	қарз олувчи одам томонидан кредитни тўлаш кафолати сифатида таклиф қилинган мулк
Ўзаро ёрдам гуруҳи	бештадан саккизтагача одамни ўз ичига олган гуруҳ. Гурухнинг ҳар бир аъзоси тўловни амалга оширишга қодир бўлмаган шериклари учун қарзни тўлаш мажбуриятини олади. Бундай ўзаро мажбурият гаровсиз қарз олишга имкон яратади.
Жамғармалар	бир неча ой ёки йил мобайнида ўзаро ёрдам гурухининг ҳар бир аъзоси томонидан ўз мажбуриятларини бажариш ва интизомлилигини кўрсатиш, пулга бўлган доимий эҳтиёжга қарамасдан, сақлаш учун йигилган пул маблағи.
Кредитнинг асосий миқдори	кредит сифатида олинган пулнинг бошланғич миқдори.
Фоизлар	кредит олувчи томонидан қарз эвазига тўланадиган кўшимча пул. Бу пул кредит берувчига харажатларини қоплаш, ўзини инфляция хатарига қўйиб бергани учун тўланади.
Сармоя	пул улуши, капитал харажат, молиялаштириш.

GTZнинг «Қирғизистонда қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш» лойиҳаси доирасида қишлоқ жойларда кўплаб микрокредит агентликлари тузилди. GTZ мухтож оиласарга бериш учун уларни пул маблағлари билан таъминлади. Бу агентликлар маҳаллий ҳамжамиятлар томонидан бошқарилади. Ҳаммаси Қирғиз Республикаси Миллий банкида ҚРнинг “Қирғиз Республикасининг кичик молиялаштириш ташкилотлари тўғрисида” Қонунига мувофиқ рўйхатга олинган.

GTZ микрокредит моделининг асосий жиҳати

GTZ микрокредит моделининг асосий жиҳати кредит олувчиларнинг қарз олишга бўлган эҳтиёжини аста-секин йўққа чиқаришдан иборат. Бунга ўқитиш, ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, сармоя киритилаётган бизнесдан энг кўп даражада фойда олиш орқали эришилади.

Қўйида қандай қилиб тўрт сотих ерда сабзавот етиштириш билан кредитга бўлган эҳтиёждан фориғ бўлиш мумкинлигига мисол келтирилади.

Фараз қилинг, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинган соф фойда бизнесга киритилган дастлабки сармояга тенг бўлди. Қарз олувчи фойданинг ярмини келгуси йили бизнесни кенгайтиришига қолдирди, ярмини эса қиши мавсумида ишлатди. Кредитга таяниб иш кўрилган икки йил мобайнида қарз олувчи учинчи йил учун зарур сармояни ўзи топа олади ва кредит олиш эҳтиёжидан қутулади.

Агар тадбиркор учинчи йили ўз ихтиёридаги молиявий ресурсларни сармоя сифатида киритишга сарфласа, тўртинчи йили у қўшимча фаолият турлари учун яна кредит олиши мумкин. У ўз жамғармасини уч йилдан бери шуғулланаётган бошланғич бизнесига қўшиши керак. Шундай қилиб, соф фойданинг ярмини тўғри сарфлаш билан бир неча йил ичida унинг хўжалиги оёққа туради.

Ўқувчиларга GTZнинг кичик кредитлар бериш тажрибаси ўзини тўлиқ оқлаганлиги ва барча қарз олувчилар кредитни қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини 100 фоиз бажарганликларини айтиб беринг.

Микрокредит олишдан мақсад

Микрокредит муҳтож одамларга ўзларининг лимитлаштирилган ресурслари потенциалидан тўла фойдаланишлари учун зарур қишлоқ хўжалик материаллари, уруғлик ва ўғит сотиб олиш имконини беради.

GTZ микрокредит агентликларини қандай тузади?

Унча катта бўлмаган жамғармаларга эга ўзаро ёрдам гуруҳлари мавжуд қишлоқларда микрокредит агентликларини тузиш кўзда тутилган. Ҳамжамиятларда одамлар бир кишидек бўлиб ишлаб, ўзаро ишончда яшайдиларки, бу МКА муваффақиятининг ҳаётий омили ҳисобланади.

Ўзаро ёрдам гуруҳларида қуйидаги қадамлар ташланиши шарт:

1. Ўзаро ёрдам гуруҳининг микрокредит агентлиги олдидаги ўз мажбуриятини бажаришини тасдиқлаш.
2. Ўзаро ёрдам гуруҳининг микрокредитга бўлган эҳтиёжини аниқлаш.
3. Қишлоқ аҳолисининг микрокредитлар олиш имконияти йўқлигини тасдиқлаш.

Қишлоқ ҳамжамияти билан маслаҳатлашув

GTZ қишлоқ йиғинида бизнес эгалари кўпчилигининг иштироқида микрокредитлар бериш ва маҳаллий МКА концепцияси тақдимотини ўтказади.

Шундан сўнг GTZ МКАни бошқарадиган маҳаллий комитет аъзоларини танлашда ёрдамлашади.

GTZ консультантни
маҳаллий МКА билан иш
олиб боряпти.





GTZ ва Жалолобод қишлоқ маслаҳат хизмати ходимлари Жалолобод вилоятининг турли жойларида микрокредит агентликлари ва кооперативлар тузишни режалаштириптилар.



GTZ ва TES Ўқитув Маркази ходимлари Боткен вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида кўргазмали тадбирлар ўтказишга тайёрланшияпти.



Боткен туманидаги Ғоз қишлоғи аҳолиси GTZ лойиҳаси ходимлари томонидан Бишкекдан таклиф қилинган амалдорлар учун қишлоқни ривожлантириш матрицаси тақдимотини ўтказишмоқда. Бу имкониятдан фойдаланган Мехнат ва ижтимоий ҳимоя вазири Боткен туман давлат маъмурияти вакилларига қишлоқ аҳолиси билан қандай ишлаш кераклигини тушунтиряпти.



Маҳаллий комитетни сайлаш

Маҳаллий комитет таркибиға:

- **Аёллар:** аёлларнинг кўпчилиги кредит олади. Бундан ташқари, дунё тажрибаси аёллар олган кредитларидан самарали фойдаланишини кўрсатади.
- **Ўқитиш бўйича мутахассис/мобилизатор;** ўқитиш бўйича мутахассис/мобилизатор одамларга гуруҳларга бирикиш ва қандай ишлашни ўргатади, шунингдек, гуруҳнинг ўз жамғармаси борлигини тасдиқлайди.
- Кредит мутахассиси;
- Бухгалтер;
- Қишлоқ хўжалиги бўйича маслаҳатчи;
- Қарз оладиган одамнинг чиндан ҳам ижтимоий мухтоҷ кишилар гуруҳига мансуб эканлигини тасдиқловчи қишлоқ округи вакили киради.

Комитет аъзолари юқоридаги мезонлар асосида сайлангандан кейин GTZ вакили ёки маҳаллий мутахассис (ташкилотчи) комитет аъзоларини ўқитади.

Қирғиз Республикаси Миллий банкида МКАни рўйхатдан ўтказиш

Дастлаб маҳаллий фонд тузилади, Миллий банкда рўйхатдан ўтгандан кейин у МКА мақомига эга бўлади.

Қарз оувучи микрокредит учун аризани қандай тайёрлайди?

Гаровсиз микрокредитларнинг асосий хусусияти бутун гуруҳнинг жавобгарлиги принципидадир.


1. Бўлажак қарз оувучилар 5-8 кишилик гуруҳларга бирлашадилар. Гуруҳнинг барча аъзолари зарурат туғилганда бир-бирининг қарзини тўлашга тайёр эканликларини келишиб оладилар.
2. Гуруҳ аъзолари узоги билан тўрт ой давомида пул тўплаб, омонат кассасига қўйишилари керак. Бу жамғарма улар киритадиган сармоянинг бир қисми ҳисобланади. Олинадиган кредит миқдори шу жамғарманинг миқдорига боғлиқ бўлади.

Бизнес-режа тузиш

5-8 кишилик ўзаро ёрдам гуруҳи тузилиб, узоги билан 4 ойнинг ичидаги пул йигилганидан кейин комитет уларга бизнес-режа ишлаб чиқиша кўмаклашади.

МКА комитети кредит оувучилар билан бизнес-режаларни муҳокама қилмоқда.





GTZ Боткен вилойтининг кўплаб қишлоқларини ривожлантириш бўйича семинарлар ўтказишга тайёр бўлишилари учун маҳаллий хизмат кўрсатувчиларни ўқитди. Бундай семинарлар пайтида қишлоқда яшовчилар ўз имкониятлари ва муаммоларни аниқлаб олдилар, шунингдек, өазиятни қандай қилиб тузатишни муҳокама қилдилар. Ўз қишлоғи ривожига улуш кўшган ҳамжамиятлар давлат ташкилотлари ва донорларга кредит сўраб мурожаат этишса, албатта олишлари турган гап. Донорлар факат яхши уюшган, ҳамжиҳат жамоалар билан иш кўрадилар. Даёвлат органларини ҳам биринчи наебатда худди шундай ҳамжамиятлар қизиқтирилса керак.



Қуида келтирилган жадваллар тадбиркор томонидан кредит олиш учун тайёрланган бизнес-режанинг бир қисми ҳисобланади:

4 сотих ерда картошка етиштириш учун бизнес-режа

Бизнес-режа

Харажатлар	Харид қилиш даври	Үлчов бирлиги	Бирлик қиймати (сүм)	Умумий миқдор (сүм)
Уруғлик	Апрель	150 кг	16,8	2520
Химикатлар	Апрель (Май)	18 пакет	10	180
Нитрат	Апрель (Июль)	12 кг	15	180
Трактор	Апрель	Битта	120	120
Суғориш – 3 марта	Май/Август	Мавсум	20	20
Транспорт	Октябрь	Битта	780	780
Бозордан ижарага жой олиш	Октябрь	10 кун	20	200
Жами:				4000

Даромад

Даромад манбаи	Сотув вақти	Үлчов бирлиги	Бирлик қиймати (сүм)	Умумий даромад (сүм)
Картошка	Октябрь	1100 кг	8	8800
Жами:				8800

Зарур бўлган кредит миқдори

Бошланғич сармоя (бизнес-режанинг умумий қиймати)		Ариза берувчининг шахсий жамғармалари - жами сармоянинг 25 фоизи		Зарур бўлган кредит миқдори
4000	Олув	1000	баробар	3000

Кредит қанча ойга мўлжалланган (тегишли рақамни доира ичига ол).

5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	----	----	----

Нақд пул ҳаракатланишининг режалаштирилган графиги

№	Ой	Фойдаланилган кредит миқдори	Шахсий жамғармалар	Сотувдан тушган даромад	Кредит фоизи	Нақд пулнинг ҳаракатланиши
1	Апрель	3000			100	-3100
2	Май		100		100	-3300
3	Июнь		100		100	-3500
4	Июль		200		100	-3800
5	Август		100		100	-3900
6	Сентябрь		300		100	-4300
7	Октябрь		200	8800	100	+4200
	Жами:	3000	1000		700	



Фойда

Умумий даромад		Бошлангич сармоя		Кредит фоизи		Соф фойда
8800	Олув	4000	Олув	700	Баробар	4100
Даромаднинг фоиз ҳисоби						
Соф фойда		Умумий сармоя (бошлангич сармоя+кредит чиқимлари (4000/700)		Фойда фоизи		Соф фойда фоизи ҳар қандай сармоя имкониятларини таққослашга шароит яратади. Бу миқдор қанчалик юқори бўлса, бизнес шунчалик кўп фойда олиб келади.
4100	Бўлув	4700x100	Баробар	87.2%		

Микрокредит миқдори

Кредит миқдори гурух жамғармаси ҳажмига қараганда уч ёки тўрт баробар кўп бўлади. Бизнес-режада кўрсатилганидек, умумий сармоя кредит ва шахсий жамғармадан иборат бўлади.

Кредит олиш учун ариза талабга жавоб берсагина тасдиқдан ўтади.

Комитетнинг назорат функцияси

Комитет гурух мониторингини мунтазам ўтказиши, шахсий жамғарма ва кредитдан иборат сармоя аниқ мақсад билан фойдаланилаётганига далиллар келтириши керак.

Кредитни қайтариш

Ой сайин қарз олувчиларга кредитни белгиланган муддатнинг охиригача қайтариш зарурлигини эслатиш учун улардан тўлов ундирилади. Сармоялар билан қандайдир муаммо туғилгудек бўлса, қарз олганлар комитет аъзоларини бу ҳақда хабардор қилишлари керак. МКА комитети аъзолари барча қарз олганларнинг уйига бориб, хулоса ва тавсияларини берадилар.

Кредитнинг асосий қисмини қайтариш

Фойда ола бошлишинг биланоқ кредитнинг асосий қисмини тўлашга киришишинг зарур. Кредитни тўлаш пул оқимида ижобий оқим кузатилган даврга тўғри келиши керак.

Кредит муддати

Кредитни тўлаш муддати бизнес-режада кўрсатилган. Кредит фойда олингандан кейин бизнес-режага мувофиқ тўланади.

Кредит ўз вақтида тўланса, қишлоқнинг бошқа одамлари учун ҳам кредит олишнинг яхши имконияти вужудга келади. Қарз олувчининг кредитни тўлашга маблағи бўлишига ишонч ҳосил қилиш учун кредит муддати маҳсулотни реализация қилишдан фойда тушадиган даврни ўзида ойнадек акс эттириши керак. Картошка етиштирувчидан бу давр ҳосил йиғиб олинган вақтга тўғри келади.

GTZнинг «Қирғизистонда қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш” лойиҳаси доирасида тузилган ва капиталлаштирилган барча МКАларда кредитларни қайтариш кўрсаткичи 100 фоизни ташкил қилди, қолаверса, белгиланган муддатда тўланди. Қирғизистонда бошқа биронта ҳам модель бундай муваффақиятга эришгани йўқ.





Комитетнинг ҳамжамият олдида ҳисоб бериши ва янги комитетни сайлаш

Молия йили тугагач, комитет ҳамжамият олдида ҳисоб бериши керак. Келгуси йил учун комитет аъзоларини кредитни ўз вақтида қайтарган, янаги мавсумда ҳам кредит олишга ҳақли бўлган одамлар сайлайдилар.

Комитет аъзолари ишига ҳақ тўлаш

Комитет яхши фаолият юритса, унинг аъзолари МКАнинг инфляциядан ташқари тўпланиб қолган капитали ҳисобидан ҳақ оладилар. Агар комитет самарали ишлай олмаса ва МКА капитали ўсмаса, комитет аъзоларига ҳақ тўлаш учун маблағ топилмайди. Шуни қувонч билан қайд этиш керакки, тузилган комитетларнинг барчаси яхши ишлаб, аъзолар ҳақ олиб турдилар ва даромад солигини ҳам тўлаб бордилар.

Кредит ўз вақтида қайтарилимаса нима бўлади?

Олинган кредитни вақтида тўламаган одам кейинги кредитларни олиш имкониятидан маҳрум бўлади. Шунингдек, у аъзо бўлган ўзаро ёрдам гурухининг бошқа аъзоларига ҳам шерикларининг қарзи учун жавобгарликни ҳис этмаганлиги учун кредит берилмайди. Гурух аъзоларидан бири тўлов қобилиятини йўқотганлиги ёки оиласвий фожиа туфайли қарзни қайтара олмаса ва бу қарзни гурухнинг бошқа аъзолари ёпишса, у ҳолда бутун гурух яна кредит олишга ҳақли бўлади. Гурухнинг пул мажбуриятларини бажариш гурухнинг ўз зиммасида бўлиб, бунга МКАнинг ҳеч бир алоқаси йўқ.

Жалолобод вилоятидаги кичик кредитлар

Жалолобод вилоятида GTZнинг «Қирғизистонда қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш» лойиҳаси бўйича қишлоқларда МКАлар тузилганий йўқ, нимага деганда, қишлоқ маслаҳат хизматларининг туманлардаги идораларида бир неча йилдан бўён маҳаллий фермер гурухлари билан иш юритаётган аёл маслаҳатчилар ва қишлоқ ташкилотчилари фаолият кўрсатади. Аёл маслаҳатчилар бошқарадиган МКАлар тузилгандан кейин фермерлар маҳаллий маслаҳатчилар томонидан GTZ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бизнес-модулларни танлаб олиб, ўз бизнесларини молиялаштириш учун кредитлар олдилар.

Фоиз тўловлари қишлоқлардаги ташкилотчилар ва туманлардаги маслаҳатчиларга тўлаб берилиши керак бўлган ҳақни ҳам ўз ичига олади. Маслаҳатчилар бутун ишлаб чиқариш циклида мижозларга бозор баҳолари ҳақида маълумотлар беришдан тортиб бошқа ёрдамларни ҳам кўрсатадилар.





ТОПШИРИҚ

Сен 6 сотих ерда пиёз етиштирмоқчисан. Бунинг учун кредит олишинг керак.

Доиралар ичидаги маълумотлардан кредит олиш учун буюртма ёзишда фойдалан, бунинг намунаси кейинги саҳифада берилган. Бу харажатлар ва даромад нима эканлигини тушунишингда ёрдам беради. Доиралардаги маълумотларни пухта ўрганиб чиқ, уларни қуйидаги жадвалларга жойлаштириб.

**Бир сотих ердан
600 кг пиёз
олинади**

**Бир сотих
ерни суғориш 6 сўм,
6 марта. 2014 йилнинг
август-октябрь, 2015
йилнинг апрель, июнь,
июль, августи**

**1 кг уруғлик
500 сўм,
2014 йил августи**

**2015 йил
сентябрда
пиёз йиғишириб
олинади**

**Ҳар сотихга
3 сўмдан ер
солиғи,
август**

**6 сотихга
сепилган пиёз
уруги 0,720 кг**

**Соф
фойда, сўм
ва фоиз**

**Умумий даромад
(ялпи даромад) 4800
сўм/сотих**

**Пиёз уруғи
2014 йил сентябрда
сепилган, ҳосил 2015 йил
сентябрда йиғишириб
олинади**

**Ўғитлантириш
45 сўм/сотих,
2014 йил сентябрда
1 марта, 2015 йил
апрелда
2 марта**

**Зааркунан-
даларга қарши
дорилаш,
2015 йил май,
15 сўм/сотих**

**Пиёзнинг
ярмини сотиш,
октябрь-ноябрь, 7
сўм/кг, қолган ярми
2016 йил январь-
март, 9 сўм/кг**

**Пиёзни
экиш ва
ҳосилни йиғишириб
олишда ишчи кучи
қиймати 100 сўм/сотих,
2014 йил сентябрда
1 марта, 2015 йил
сентябрда 2 марта**

**Умумий
харажатлар
??? сўм**

**Бегона
ўтларга қарши
препаратларни қўлланиш, 2015 йил
май, 15 сўм/сотих.**

**Пиёзнинг ўртача
баҳоси 9 сўм/кг. 2014
йил октябрь-ноябрь 10
сўм/кг, декабрь-март
8 сўм/ кг.**

**Бозорда
сотиш ва
маркетинг харажатлари.
1 қоп (45 қоп) – 5 сўм,
бозордаги ўрин учун – кунига
20 сўмдан (10 кун), ташиб
етказиш – 0,40 сўм/кг.**

**Касалликларга
қарши дори
сепиш,
2015 йил май,
15 сўм/сотих.**



ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ

6 сотих ерда пиёз етиштириш учун бизнес-режа

Бизнес-режа

Харажатлар	Харид қилиш даври	Ўлчов бирлиги	Бирлик баҳоси (сўм)	6 сотих ернинг умумий баҳоси (сўм)
Умумий харажатлар				

6 сотих ердаги пиёзниң ҳар сотихидан 600 кг, жами 3600 кг ҳосил олинди.

Даромад манбаи	Сотув даври	Ўлчов бирлиги	Бирлик баҳоси (сўм)	Умумий даромад (сўм)
Жами даромад				

Зарур бўлган кредит миқдори

Сармоя (бизнес-режанинг умумий қиймати)		Ариза берувчининг шахсий жамғармаси - сармоянинг 25 фоизи		Зарур бўлган кредит миқдори
Шарх:				
	Олув		Баробар	

Кредит қанча ойга мўлжалланган (тегишли рақамни доира ичига ол)

5	6	7	8	9	10	11	12 ёки ундан узоқ>
---	---	---	---	---	----	----	--------------------



Нақд пул ҳаракатланишининг режалаштирилган графиги

№	Ой	Зарур кредит миқдори	Шахсий жамғармалар	Сотувдан тушган даромад	Кредитни тўлаш (%)	Нақд пулнинг ҳаракатланиши
1	Август					
2	Сентябрь					
3	Октябрь					
4	Ноябрь					
5	Декабрь					
6	Январь					
7	Февраль					
8	Март					
9	Апрель					
10	Май					
11	Июнь					
12	Июль					
13	Август					
14	Сентябрь					
15	Октябрь					
16	Ноябрь					
17	Декабрь					
18	Январь					
19	Февраль					
20	Март					
Жами:						
Шарх:						

Соф фойда ва фоизлар ҳисоби

Умумий даромад	Бошланғич сармоя	Кредит ва маслаҳатлар учун чиқимлар	Соф фойда
Олув	Олув	Баробар	
Даромаднинг фоиз ҳисоби			
Соф фойда	Умумий сармоя (бошланғич сармоя+кредит чиқимлари)	Фоиз ҳисоби	Соф фойда фоизи ҳар қандай сармоя имкониятларини таққослашга шароит яратади. Бу миқдор қанчалик юқори бўлса, бизнес шунчалик кўп фойда олиб келади.
Бўлув	x 100	Баробар	%



9-

ДАРС

МАСЛАҲАТЛАР ОЛИШ

Яңги сўзлар

Кенгаш баҳоси	режалаштириш, бошқариш, бизнесни ривожлантириш ёки ўзгартериш бўйича олинган маслаҳат ва маълумотларнинг фойдалилиги ва мақбуллиги даражасини белгилаш. Бу қийинчилик ва тўсиқларни енгидиши аниқланади.
Кооператив	одамларнинг ўзаро фойдали манфаатларни қондириш мақсадида умумий тижорий фойда кўриш учун аъзолик асосида тузилган расмий бирлашмаси. Кооперативнинг ҳар бир аъзоси бир қанча пайга эга бўлиши, бироқ фақат битта овоз хукуқидан фойдаланиши мумкин. Қирғизистоннинг қишлоқ жойларида кооперативлар одамларга ресурслардан фойдаланиш, кредитлар олиш, билимларини орттириш, ахборотлар олиш ва бозорга чиқишлиарида ёрдам бермоқда. GTZнинг «Қирғизистонда қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш» лойиҳаси Боткен ва Жалолобод вилоятларида таъминот билан шуғулланувчи кооперативларни ташкил қилди. Ҳозирги пайтда кооперативлар аъзолари сони бир неча мингга етди, улар қишлоқ хўжалик материалларига биргалиқда буюртма беришмоқда. Кооператив аъзолари бир неча йилгача олинган фойданни ташкилотнинг ўзида қолдиришга қарор қилганликлари учун кузда қишлоқ хўжалик материалларига буюртма бера оладилар. Материалларни уларга баҳорда етказиб беришади, ҳақини эса кузда ҳосил сотилгандан кейин тўлашлари мумкин.
ҚМХ	Қишлоқ маслаҳат хизмати (ҚМХ) 1999 йилда Қишлоқ хўжалик тараққиёти Халқаро фонди грантлари, Швейцариядан келган грантлар, шунингдек, Бутунжаҳон банки Қирғизистонга ажратган маблағлар ҳисобидан ташкил қилинган. ҚМХ Қирғизистоннинг барча туманларида иш олиб боради. 2003 йилдан GTZнинг «Қирғизистонда қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш» лойиҳаси ҚМХ билан Боткен ва Жалолобод вилоятларида ишлайдиган қишлоқ консультантларини ўқитиш бўйича ҳамкорлик қиласи.
Қишлоқ консультантини	ҚМХнинг қишлоқ консультантлари GTZнинг «Қирғизистонда қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш» лойиҳаси доирасида ўқидилар ва фермерларга маслаҳатлар бериб, турли хизматлар кўрсатмоқдалар. Уларнинг орасида GTZнинг «Қирғизистонда қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш» лойиҳаси доирасида тузилган кооперативлар ва микрокредит агентликлари билан ишлайдиган консультантлар бор.

Маълумки, инсон бутун умри давомида ўқиб-ўрганади. Ҳар бир янгилик ва кашфиёт ўзиға хос ёндашувни талаб қилиб, турмушга адашиш ва қоқилишлар билан татбиқ этилади. Учқўрғон қишлоқ округида мева етиштириш тажрибаси кўрсатганидек, маҳаллий фермерлар қўқонгилос етиштириш бўйича билимларини ошириб боришга



ҳаракат қиладилар. Шунга қарамай, улар божхона билан боғлиқ масалаларда айрим нарсалардан бехабар қолишаётганини эътироф этиб, ўзларининг қўқонгинос етиштириш бўйича кўнікмаларини кенгайтириш, маҳсулотни экспортга чиқаришни эса шу ишни билган одамларга топширишга қарор қилдилар. Муваффақиятга эришиш учун киши ўз билим ва кўнікмаларини ҳаққоний баҳолаши, қайси соҳада билимларини чукурлаштириш кераклигини билиши лозим. Шундан кейингина у маслаҳат олиш учун мурожаат этса бўлади. Маслаҳат сўраб мурожаат қилиш бозор иқтисодиёти йўлидан бораётган барча мамлакатларда оддий кўриниш ҳисобланади. Бундай мамлакатларда маслаҳат хизматларининг бутун бир тармоғи фаолият юритади. Табиийки, ҳар қандай қимматли маслаҳат учун пул тўлаш керак. Бу тадбиркорликда учрайдиган оддий чиқимлардан биридир.

Нима учун маслаҳат олиш керак?

Фермер хўжалиги тузиш ва унинг ишини йўлга қўйиш сендан кенг билимларга эга бўлишни тақозо этади. Бунгача олган билиминг камлик қилиб қолса, бир қатор маълумот манбаларига маслаҳат учун мурожаат этишинг, ўзларининг билим доирасини доимо кенгайтириб борадиган мутахассислардан пуллик маслаҳатлар олиб туришинг керак бўлади. Ҳақ тўлаш билан сен профессионал ва ҳаётий маслаҳатлар оласан, сабаби, нотўғри маслаҳатлар берувчи консультантларни хизматда ушлаб туришмайди.

Маслаҳат учун мурожаат этиш тадбиркорнинг ожизлигидан далолатми? Бу саволга жавоб фақат битта бўлиши мумкин: “Йўқ!”

Тадбиркорнинг маслаҳатлар олиш учун мурожаат этмаслиги унинг ўзига ортиқча ишонганлиги, ақлсизлигини билдирадими? Жавоб: “Ҳа!”

Дунёдаги энг омадли одамлар доимо маслаҳатлар олиб турадилар. Ҳукумат раҳбарлари, дунёдаги энг йирик компанияларнинг директорлари ва кичик корхоналарнинг менежерлари маслаҳат учун бошқаларга мурожаат этиб турадилар.

Тадбиркор бошқаларнинг маслаҳат ва шарҳларини диққат билан эшлиши керак, бу маслаҳатларнинг қай биридан фойдаланиш эса унинг ўзига ҳавола. Тадбиркор қабул қиладиган қарорлари, иш натижаларига ўзи жавоб беради.

Тадбиркор маслаҳат олиш учун кимларга мурожаат этиши мумкин?

Тадбиркор ўз бизнеси келажагини кўра билиши, шунинг асосида белгиланган мақсадларга етишда ёрдам берадиган маслаҳатларга амал қилиши зарур. Таклиф этилган тавсия ва маслаҳатларни қабул қилиш ёки қабул қилмасликни тадбиркор ўзи ечади.

Маслаҳат хизматларининг расмий ва норасмий манбалари бор.

Норасмий манбалар (малакасиз, янглиш маслаҳатлар бериши мумкин):

- ота-она, яқин қариндошлар;
- дўстлар;
- сен шуғулланмоқчи бўлаётган бизнес турини яхши тушунган ҳамқишлоқларинг;
- маҳаллий нодавлат ташкилотлар (НДТ).

Расмий манбалар (малакали ва профессионал ходимлар):

- ҚМХнинг қишлоқ консультантлари, TES Марказ ва бошқа ташкилотлар;
- кооперативлар;
- қишлоқ микрокредит агентликлари (МКА);
- давлат нотариуслари;
- бухгалтерлар;
- интернет-сайтлар.



Ривожланган мамлакатларда фермерлар уларга қишлоқ хўжалик материаллари етказиб берадиган компаниялардан маслаҳатлар олади. Масалан, минерал ўғит савдоси билан шуғулланадиган компания турли қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда тупроқ таркибиغا қараб ҳар хил ўғитларни қандай қўлланиш ҳақида маслаҳатлар беради. Компания бу ишни бажонидил бажаради, сабаби, у кўп миқдорда ўғит сотиб, катта миқдорда фойда олаётганидан хурсанд. Кооперативлар ва маҳаллий микрокредит агентликлари ҳам сенга маслаҳат беришга тайёр, чунки улар ҳар бир фермерни потенциал аъзо ёки мижоз сифатида қабул қилиб ўрганиб қолган.



ТОПШИРИҚ

Қишлоғингда ёки яқин аҳоли пунктларида иш юритаётган расмий ва норасмий маслаҳат манбаларининг рўйхатини туз. Уй топширигини бажариш учун айрим расмий манбаларга мурожаат қилиб, бу маслаҳат манбалари ишлаш-ишламаслигини аниқла. Ўқитувчинг айрим маслаҳат хизматлари ходимларини кўрсатилаётган хизматлар ҳақида сўзлаб бериш учун синфга таклиф қилиши мумкин. Тақдимотдан сўнг бу маслаҳат хизматлари зарурат туғилганда пул тўлашга арзийдиган тавсияларни бера олиш ёки бера олмаслигини муҳокама қилинг.

Маслаҳат олмасликнинг оқибатлари

Ўз билим даражасини ҳаққоний баҳолай олмаган одамлар маслаҳат сўраб мурожаат этмайдилар. Бу одат қийинчиликларга, ҳатто бизнеснинг ёпилишига олиб келиши мумкин. Тиришқоқлик билан ишлайдиган кўплаб одамлар фаолиятнинг дастлабки босқичида юзага келган қийинчиликларни енгib ўтади. Шундай бўлса-да, улар ўз вақтида маслаҳат олиб туришмаса, таваккалчилик ва муаммолар даражасини пасайтиришмаса, бизнеснинг фойда келтириши ортга тортади. Пул тўлаш зарур бўлганда ҳам маслаҳат олишдан қочмаслик керак!

Тадбиркор маслаҳат учун пул тўлаши керакми?

Бу олинадиган маслаҳатнинг характеристига боғлиқ. Бизнес миёси қанчалик катта ва нечоғлик мураккаб тузилишга эга бўлса, маслаҳатлар олиш шунчалик зарурdir. Одатда, керакли маслаҳат ва тавсиялар учун пул тўланади. Маслаҳатлар учун тўловлар бозор принципларига амал қиласидан корхонанинг бевосита харажатларига киради: маслаҳат учун тўланадиган пул миқдори уни қўлланиш натижасида кўриладиган нафга қараганда анча оз бўлиши керак. Умуман олганда, маслаҳат олиш учнчалик қимматга тушмайди. 1000 сўмга баҳоланадиган икки соатли консультация сенга қимматга ўхшаб кўриниши мумкин. Аммо фермер хўжалигинга маслаҳат бериш учун келган ветврач ўз ташрифи учун 1000 сўм олиш билан 30000 сўмлик отингни асрар қолса, бундай маслаҳат ўзини ортиғи билан қоплаган бўлади!

Ишни муваффақиятли йўлга қўйган тадбиркорлар доим яхши маслаҳатларга эҳтиёж сезадилар ва бунинг учун пул сарфлашдан қочмайдилар. Шундай қилишмаса, олаётган фойдалари озайиб, бора-бора бизнеспаридан айрилиб қолишлари ҳеч гап эмас. Қайси бизнесмен кўпроқ фойда олишни истамайди дейсиз?

Бизнес-режа ҳақида
берган маслаҳатинизнинг
катта ёрдами төгди, биз
ўзимизга ортиқча баҳо
бермасдан, қайтарисига
кўзимиз етган миқдорда
кредит олдик.



Маслаҳат хизмати учун тўловлар турли шаклларда амалга оширилади. Масалан, GTZ лойиҳаси ва ҚМХ қишлоқ консультантлари тармоғи орқали маслаҳатлар ҳамда кредит бериш бўйича биргалиқда фаолият кўрсатадиган Жалолобод вилоятида комиссия ҳақи ой сайн тушиб турадиган устама маблағлар ҳисобидан тўланади. Боткен вилоятида ҳам шундай бўлиб, GTZ лойиҳаси томонидан тузилган маҳаллий микрокредит агентликлари (МКА) маслаҳат ва кредитлар бериб боради. GTZ лойиҳаси доирасида тузилган «Мол Тушум» қишлоқ хўжалик кооперативи етиштирилган маҳсулотлар баҳосини белгилашда гуруҳ раҳбарлари ва қишлоқ агентларининг хизматига тўлаб бериладиган фоизларни ҳам кўзда тутган.

Бу ташкилотларнинг барчаси барқарор ишлаб, турли операциялар харажатларини мижозларга тақдим этиладиган хизматлардан тушган тўловлар ҳисобидан қоплайди. Улар ҳеч кимга қарам бўлмасдан, фақат ўзларига ишонадилар.

Қирғизистонда маслаҳат хизмати манбалари

ҚМХнинг қишлоқ консультанти


Қишлоқда яшовчилар деҳқончилик юзасидан маслаҳатларни ҚМХнинг консультантларидан олишади. Бундай маслаҳат хизмати йўқ жойларда қуидаги ишлар бажарилмай қолади:

- қишлоқ аҳолисини турли муаммолардан хабардор килиш;
- аҳолини қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг янги технологияларига ўқитиш;
- муаммоларни таҳлил қилиш ва ечишда ёрдамлашиш;
- ўзаро ёрдам гуруҳлари тузишда кўмаклашиш;
- қишлоқ хўжалиги ривожига турткি берадиган маълумотларни тарқатиш.

Қишлоқ консультантининг асосий мақсадларидан бири одамларга муаммоларни ечишда ёрдам беришдан иборат. Муаммони ечиш учун қатор тадбирларни изчиллик билан бажариш талаб қилинади. Кўпинча тўғри йўлни топиш осон кечмайди, шунинг учун муаммони пухта таҳлил қилиш, мақбул ечимга тўхташ зарур.



Муаммони ечишнинг ўн қадами



Муаммолардан чиқишининг усулларига оид узил-кесил қарорни тадбиркорнинг ўзи қабул қилишини унумта.

Консультант шунчаки маслаҳатлар беради, шу билан биргаликда у муаммога бошқа томондан қарашни ўргатади.

Кооперативларни ривожлантириш

19-асрда Европада эркин рақобатнинг жорий этилиши ва ерга бўлган эгаликнинг реструктуризация қилиниши майда фермер хўжаликларини қарзга ботирди. Ҳосил битмаган йиллар ва ундан кейинги бир неча йил вазиятни янада оғирлаштирди. 1864 йилда немис Фридрих Райффайзен кооператив ташкил қилиб, қашшоқликдан азоб чеккан фермер хўжаликларига кредит беришни йўлга қўйди.

Яна бир немис Герман Шульце иқтисодий шароитни барқарор яхшилашга кучсиз фермерларни ўзаро ёрдам гуруҳларига бирлаштириш йўли билангина эришиш мумкин, деган қарорга келди. Бундай гуруҳлар ўзаро ёрдам кўрсатиш ва жавобгарлик принципига асосланиб тузилди.



1889 йилга келиб Германияда «Кооперативлар түғрисида» Қонун кучга кирди, унда кооператив органларининг ҳуқук ва вазифалари, кооперативларда мустақил аудит ўтказишнинг молиявий ва бухгалтерлик қоидалари ўз аксини топган эди. Кооперативлар бирлиқ, тенглик ва демократик қадриятларга асосланиб тузилади.

Бирлик – бу кооператив фаолияти ҳар доим барча аъзоларнинг манфаатларини кўзлашини билдиради. Кооперативлар аъзоларнинг тенг жавобгарлиги асосига курилади.

Тенглик ва демократия – бу барча аъзоларнинг бир хил ҳуқук ва мажбуриятларга эга эканлигини англатади.

Тенглик ва демократия дейилганда, кооператив барча аъзоларининг тенг ҳуқук ва мажбуриятларга эга эканлиги тушунилади. Таъминот билан шуғулланадиган кооперативлар ўз аъзоларига уруғлик, ўғит, химикатлар, шунингдек, қишлоқ хўжалик жиҳозлари сотиш ва етказиб бериш вазифасини бажаради. Жиҳозларни ижарага берувчи ёки техник масалаларда маслаҳат хизмати кўрсатувчи кооперативлар ҳам бор. Бундан ташқари, кредит олишда ёрдамлашадиган кооперативлар иш юритади. Маркетинг кооперативлари ўз аъзолари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яхши шартнома баҳосида сотади ёки бозорда нарх кўтарилигунча сақлаб туради.

Қирғизистондаги кооперативлар

Қирғизистонда ҳар бир қишлоқда кооператив тузиш имкони мавжуд. Қирғиз Республикаси қонунчилигига мувофиқ, 7 киши бирикиб кооператив таъсис этиши мумкин. Кооператив нодавлат ташкилот мақомига эга бўлиб, ўз фаолиятини бозор иқтисодиёти принциплари ва «Кооперативлар түғрисида» Қонунга мувофиқ олиб боради.

Қирғизистонда энг қулай шароитлар мавжудлигидан кооперативлар сони кўпаймоқда, уларнинг самарадорлиги ҳам шунга яраша ортиб боряпти. GTZнинг «Қирғизистонда қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш» лойиҳаси доирасида 2004 йили Боткен вилоятида «Мол Тушум» қишлоқ хўжалиги кооперативи тузилди. Бугунги кунда Қирғизистон Боткен вилоятида энг яхши хизматларни тақдим этувчиларга эга бўлиб, улар Россияга мева етказиб беришмоқда. Йилдан-йилга ривожланаётган, аъзолари сони 2000 кишидан ортиб кетган «Мол Тушум» кооперативи бунга яхши мисол.

«Мол Тушум» қишлоқ хўжалик кооперативининг манзили: Қирғизистон, Боткен шаҳри, Султонмурод мингбоши кўчаси-14, электрон адрес: abdirashit@mail.ru.

Кооператив аъзоларининг устунликлари

- кооператив турига қараб кўплаб хизмат турларидан фойдаланиш. Масалан, таъминот кооперативи ўз аъзоларига уруғлик ва ўғит етказиб беради. Кооператив аъзоларининг буюртмалари жамланса, сертификацияланган қишлоқ хўжалик материалларини анча арzon баҳода сотиб олиш мумкин, шунингдек, бу материаллар улар айтган жойга етказиб берилади;
- техник, маркетинг, юридик масалаларда билим олиш ва улар доирасини кенгайтиришда ёрдам бериш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жамлаб, биргалиқда сотища кўмаклашиш;
- кооператив аъзолари иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш.

Кооперативларга индивидуал тарзда аъзо бўлиб кириш мумкин, бироқ уларга оилавий фермерлардан бошқа тадбиркорларнинг кўшилиши мумкин эмас.

Кооперативга аъзолик

Кооперативга ҳаммаям аъзо бўла олмайди, аъзоликка киришни истаганлар маълум талабларга жавоб бериши керак. Кооперативга аъзо бўлганлар унинг пайчиларига айланади. Ҳар бир кооператив бадал пули ва харажатлар миқдорини мустақил белгилайди. Кооперативга аъзо бўлишни истаганлар ариза билан мурожаат этишлари лозим. Ҳеч ким автоматик тарзда аъзо бўлиб киролмайди. Жорий аъзолар ариза берувчини кооперативга қабул қилиш ёки қабул қилмаслик түғрисида овоз беради. Кооперативга қабул қилингандан сўнг янги аъзолар кооперативнинг ўзлари келгунча кучга кирган барча қарорларини бажариши керак, шунингдек, улар кооператив аъзосига хос барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар, мажбуриятларни тўлиқ бажарадилар. Нима учун сиз ота-онангизга қишлоқда кооператив тузишни таклиф қилмаяпсиз?






Жалолобод вилояты қишлоқ маслаҳат хизматининг менежери (ўнгда) Чотқол туманида ҚМХ қўлловида фаолият юритаётган гуруҳ лидери билан сабзавотчилик хўжалиги даромадини ошириш йўллари ҳақида сұхбатлашмоқда.



ҚМХнинг қишлоқ консультантни «Мол Тушум» қишлоқ хўжалиги агенти билан Боткен вилоятининг Қиштиут қишлоғидаги унга қарашли ветеринария дўйконида. Бу ерда қишлоқ хўжалик материалларига буюртма бериш ва улардан фойдаланиш усувлари ҳақида маслаҳатлар олиш мумкин.

Ургуллик картошка етишиширувчи фермер Лайлак туманидаги Дейноо қишлоғидан бўлган консультантдан маслаҳат олмоқда. GTZ лойиҳаси Боткен ва Жалолобод вилоятларининг 20 та қишлоғида ургуллик картошка етишишига турткы берди.





4 БҮЛІМ

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК



104-бет

Конституция ва гендер тенглик; «жинс» ва «гендер» атамалари таърифи, уларнинг фарқи

106-бет

Гендер роллар ва сифатлар

109-бет

Қирғизистонда гендер тенглик

112-бет

Қишлоқ аёллари ташабbusлари

10-

ДАРС

КОНСТИТУЦИЯ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК; «ЖИНС» ВА «ГЕНДЕР» АТАМАЛАРИ ТАЪРИФИ, УЛАРНИНГ ФАРҚИ

Гендер бўлимига кириш

Конституция – бу ҳуқуқий меъёр ва қонунларнинг уйғунлашуви бўлиб, давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг асосидир. Қирғиз Республикасининг амалдаги Конституцияси 2010 йилнинг 27 июнида ўтказилган референдумда қабул қилинган бўлиб, ўзидан олдингисини алмаштирган. Шунга қарамай, у аввалги Конституцияларга жуда ўхшаб кетади. Бундай ўхшашиблик, айниқса, инсон ҳуқуқларини, масалан, яшашга ва қонун ҳимоясига, таълим олишга, тиббий хизматлардан фойдаланишга, эркин никоҳдан ўтишга, турмуш ўртоғини танлашга, эътиқод эркинлигига, касб танлашга бўлган ҳуқуқларни кафолатловчи моддаларда яққол кўринади.

Қирғиз Республикаси Конституцияси эркаклар ва аёллар ҳуқуқи тенглигини кафолатлади, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича мажбуриятларни тўлифи билан давлат ихтиёрига бериб қўйган. Инсон ҳуқуқлари дахлсизdir, ҳар бир инсон туғилганидан тортиб, қайси давлатда яшашидан қатъи назар, ҳуқуқларга эга бўлади. Конституция инсон ҳуқуқларини чекламайди ва уларни қандайдир бир тартибга солмайди, у барча давлат органларига бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш ваколатини беради. Аслини олганда, инсон ҳуқуқларини фақат давлат бузиши мумкин. Бу, масалан, агар давлат амалдорлари маҳбусларни қийноққа согланда тўғридан-тўғри тажовуз сифатида, ёки давлатдан ташқари бўлган органларнинг қонунбузарлиги ва жинояткорона хатти-ҳаракатлари, олайлик, ҳеч бир жазосиз қизларни ўғирлаш, эрта никоҳга мажбурлаш каби кўринишларга қарши чора кўрмайдиган самарасиз орган сифатида намоён бўлиши мумкин.

Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқларга эга. Ҳар ким иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда эркин ҳамда тенг қатнашиш ҳуқуқига эга. “Менинг сердаромад ҳўжалигим” курсига нисбат бериб айтадиган бўлсак, ҳар бир ўқувчи, жинсидан қатъи назар, бирлашган қишлоқ ҳўжалик кооперативлари тузиш, бизнесни рўйхатдан ўтказиш, бозордан жойни ижарага олиш ёки етиштирган маҳсулотини сотиш, ерга ва сувга юридик жиҳатдан эгалик қилишда тенг имкониятларга эга. Бунга барчанинг солиқ мажбуриятлари бир хил эканлигини ҳам қўшиш керак.

Қўйида Конституциядан айrim моддалар келтирилган:

16.1. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тортиб олинмайди, ҳар бир одам уларга туғилгандаёқ эга бўлади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Улар бевосита ҳаракатда бўлади ва қонун чиқарувчи, ижроия ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари фаолиятининг мазмун ва моҳиятини аниқлайди

16.3. Қирғиз Республикасида барча одамлар қонун ва суд олдида тенгдир.

16.4. Қирғиз Республикасида эркак ва аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тенг, шунингдек, уларни ҳаётга татбиқ қилиш имкониятлари ҳам тенгдир.



36.5. Никоҳ ёшига етган шахслар никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эга. Ҳар қандай никоҳ унга киругчиларнинг ихтиёрий ва икки томонлама розилигисиз бўлиши мумкин эмас. Никоҳ давлат томонидан рўйхатга олинади.

37.1. Қирғиз Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига зид келмайдиган халқ урф-одатлари ва анъаналари давлат томонидан қўллаб-кувватланади.

16.2. Қирғиз Республикаси ўз худуди доирасида ва ўз юрисдикцияси остидаги ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қиласди ва таъминлайди.

Ҳеч кимни жинси, ирқи, тили, ногиронлиги, этник мансублиги, дини, ёши, сиёсий ва бошқа эътиқоди, билими, келиб чиқиши, мулкий ва бошқа ҳолати, шунингдек, бўлак вазиятлар бўйича камситиш мумкин эмас.

Халқаро мажбуриятларга мувофиқ турли ижтимоий гуруҳлар учун тенг имкониятларни таъминловчи қонунда белгиланган маҳсус тадбирлар камситиш ҳисобланмайди.

Шундай қилиб, ҳеч ким жинсий белгисига қараб камситилмаслиги керак. Агар шундай бўлса, “ЖИНС” нима, сиз бирон марта **ГЕНДЕР** сўзини эшитганмисиз? Чиндан ҳам, **ЖИНС** ва **ГЕНДЕР** дейилганда, нимани тушуниш керак?

“Гендер”, «жинс» атамалари таърифи, уларнинг фарқи, гендер хилма-хиллик

Гендер – бу эркаклар ва аёллар ўртасида ижтимоий асосда пайдо бўлган (шу боисдан ўзгарувчанликка мойил) фарқлардир.

У эркак ва аёл ўртасидаги биологик тафовутни англатувчи «жинс»дан шуниси билан фарқ қиласди.

«Жинс» категорияси инсон туғилганда тиббиёт/биология мутахассислари томонидан чақалоқ жинсига мувофиқ ёзиб қўйилади ва/ёки кейинчалик аҳолини ҳисобга олиш тизими томонидан ҳам кўрсатилади. Одамлар жамият томонидан мунтазам равиша “эркак” ва “аёл”га ажратиб борилади.

«Гендер» атамаси тез-тез “жинс” атамаси билан галма-гал ишлатилади, аммо “жинс” атамасидан биологик мазмунда қўлланилса, «гендер» атамасидан, масалан, ижтимоий фаолиятда қўлланилади.

Эркак ва аёллар ўртасидаги биологик/жинсий ва гендер тафовутлар улар эҳтиёжларининг турлилигини, гендер тенгизлигидан келтириб чиқарувчи ресурслар ва ҳокимиятга етишиш имкониятлари даражаси ҳар хил эканлигини белгилайди.

Гендер хилма-хиллик кўплаб халқларга хос танлов ва афзал қўришлар, ўз фикрини ифодалаш одатдаги гендер меъёрларидан ташқарига чиқишини тан олади. Гендер хилма-хиллик турли маданият ва тарихларда ўз ифодасини топган инсон тафаккурининг алоҳида бир қисми ҳисобланади.

Бундан ташқари, қачонлардир маълум бир жинс учун тўғри келмайди деб ҳисобланган нарса тарихнинг бошқа бир даврига келиб, инсоният тараққиётининг юришига қараб бутунлай мақбул ҳодисага айланиши мумкин. Масалан, сирфа тақадиган эркакларни, татиуровка қилдирувчи аёлларни олиб қўрайлик. Шўролар даврида аёллар троллейбус мингандан бўлса, энди кўпчилиги автомашина ҳайдайди, самолётни бошқаради, ҳатто космосга парвоз қилмоқдалар, бунгача фақат эркакларнинг иши бўлган ҳарбий хизматдан ҳам қочишмаяпти.



11.
ДАРС

ГЕНДЕР РОЛЛАР ВА СИФАТЛАР

Машқ:

«Оила. Биз фарзанд кутяпмиз»

Материаллар:

- ручка; қалам ёки маркерлар (расм чизиш мүмкін бўлган нарса);
- ўйин ўтказиш учун ижтимоий роллар ёзиб қўйилган варақалар (бобо, буви, ота, она, ўғил, қиз);
- жадвалли флипчартлар.

Ишнинг бориши:

Ўқувчиларга оила аъзоларининг ижтимоий роллари ёзилиб, найча қилиб ўралган варақалар берилади. Иштирокчилар хона бўйлаб тез ҳаракат қилиб, сигнал берилгунча бу қоғоз найчаларни бир-бирларига тутқазадилар.

«Оила» деб сигнал берилгандан сўнг иштирокчилар қўлларидағи қоғоз найчаларни очиб, ўзларининг исм-шарифи ва у ёки бу оиласда бажариши лозим бўлган ижтимоий ролларини ўқийдилар ва хонанинг турли бурчакларида оиласларга бўлиниб, бир-бирларининг тиззаларига “бобо - буви - ота - она - ўғил - қиз” тартибида ўтирадилар. Бу босқичда оиласнинг турли хиллари ҳақида тушунча бериш тавсия этилади. Масалан, бобо ва буви бошлиқ ҳисобланган ёки ёлғиз ота ёки онадан иборат оиласи мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу тариқа қатнашчилар уч гуруҳ ёки учта оиласага бўлинади ва “оила”да фарзанд дунёга келишини жонлантирадилар.

Ҳар бир оиласага жадвалли карточка берилиб, биринчи устундаги фазилатлардан фарзандларида ҳам бўлишини истаган 20 тасини ажратиб кўрсатиш тавсия қилинади. Бу босқичда ҳали чақалоқнинг жинси маълум эмас.

Бу машқ Хелена Минчени ва Ольга Сасункееванинг материалларидан олинди.
Гендер Ликбез (2013) <http://www.gender-ehu.org/files/File/gendernyj-likbez-text.pdf>



Оилаларга ультратовуш аппарат қыз туғилишини аниқлаганлыги хабар қилинади. Оилалар биринчи устунда күрсатилган сифатлардан қызы фарзандда күришни истаганларини иккинчи устунда қайд этиш таклиф қилинади.

Хатолик ўтибди! Барча оилалар ўғил фарзанд күтепти. Шунинг учун иштирокчилар жадвалнинг учинчи устунида оилалар ўғил фарзандда күришни истаган сифатларни қайд этадилар.

№	Сифат	1	2
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			
7.			
8.			
9.			
10.			
11.			
12.			
13.			
14.			
15.			
16.			
17.			
18.			
19.			
20.			

Иштирокчилар флипчартларда бажарилган ишлари тақдимотини ўтказадилар.

«Санаб ўтилган тавсифлардан қайсилари фақат ўғил болаларга, қайсилари эса фақат қизларга тегишли?»

Мунозара: «Гендер роллар ва сифатлар»

Сиз қандай сифатларни биласиз?

Аёллар ва эркакларга тегишли сифатларга мисоллар:

Аёлларга хос сифатлар: эрга тегиш ва бола туғиши. Аёл киши ўз оиласи фаровонлигини шахсий манфаатларидан устун қўйиши керак. У севиши, шафқатли, меҳрибон ва мушфиқ бўлиши, тарбияли эканлигини кўрсатиши, ўзига оро беришга вақт топиб, ётиқдошига ёқишига ҳаракат қилиши лозим.

Эркакларга хос сифатлар: ўзига тўқлик, етарли маблаққа эга бўлиш, зарур пайтда химоячига айланиш. У ғайратли, рақобатга чидамли, мустақил, жасур ва хизмат поғонасидан кўтарилишга мойил бўлиши, ҳиссиётларга берилмаслиги, ҳеч қачон кўз ёши тўқмаслиги керак.

Мерос қилиб олинган гендер роллар, сифатлар ва ижтимоийлашув кўп ҳолларда эркакларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги иштироки рағбатлантирилиши билан изоҳланади, шу боисдан бугунги кунда биз эркаклар устунлиги даврида яшаб турибмиз.



Гендер ролларнинг мавжудлигини кўпинча инкор қилишади, сабаби, инсон яралиши биланоқ унга гендер роллар табиат томонидан ато этилган, деб ҳисоблайдилар. Агар шундай бўлса, табиий деб ҳисобланган ва биологик тизимимизнинг бир қисми бўлган қайсиdir нарса нима учун ўн йиллар ёки бир неча авлод умри давомида, ё бўлмаса, юзлаб чақириллар ва чегаралар оша ўзгариб боради? Бу ўринда сиз ақлий хужум усулидан фойдаланиб, маданий ва географик ўзгачаликларга мурожаат қилишингиз мумкин. Кўплаб ўсмирлар ва қизлар, эркак ва аёллар ўзларига “гендер роллар”ни ёпиштирадиган талаблардан изтироб чекадилар. Гендер ролларни қатъяян белгилаб қўйиш эркак ва аёллар ўртасидаги тенгсизликка, гендер зўравонликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айрим замонавий ва саводли жуфтликлар билимнинг қадрига етадиган, фуқароликка қабул қилиб аёлларга ҳам тенг имкониятлар яратадиган, болаларга ҳам тенг имкониятлар бериб, уларнинг келажагини таъминлайдиган Канада, Австралия, Фарбий Европага бориб яшашни орзу қиладилар. Биз бундай одамларни ўз ютида қолиб, унинг ривожига ҳисса қўшишга чорлашимиз керак эмасми?

«Гендер роллар» ва «гендер сифатлар» атамалари кўпинча синонимлар ўрнида қўлланилади. Булар анъанавий роллардир. Мисол ўрнида “яхши” аёл таърифини келтириш мумкин. Бизда “яхши” аёл дейилганда, йигитлар билан юрмасдан эрта эрга тегадиган, кўп ўғил фарзандлар туғиб берадиган, фарзандлари ва эри тўғрисида доимий ғамхўрлик қиладиган, меҳрибон ва эри билан баҳслашмайдиган аёл тушунилади. Бу сифатлар аёлнинг гендер ролини белгилаб беради.

Баъзан гендер роллар вазиятга қараб ўзгаради. Масалан, агар она касал болага қараш учун уйда қолиб ишга бормаса, у “аёлнинг анъанавий гендер роли”ни бажарган бўлади. Эртасига боласини мактабга жўнатиб, оила боқувчиси ўрнида ишга кетса, энди у “эркакнинг анъанавий гендер роли”ни бажаришга киришади.

Гендер роллар ҳамжамиятлар томонидан белгиланганлиги, шунингдек, улар ўртасида жинсий мансубликка ўхшаб аниқ тафовутлар бўлмаганлиги учун ҳам ҳамжамиятларнинг янги талабларига яраша ўзгариб бориши мумкин. Масалан, агар эркак ахборот технологиялари соҳасида ёки таржимон бўлиб ишласа, уйдан ташқарига чиқмай компьютер дастурлари ишлаб чиқиши мумкин (ҳозирда бу “эркакларнинг анъанавий гендер роли” ҳисобланади). Мабодо, аёл киши университетда ўқиса ёки қандайдир идора ходимими, тоғ-кон компаниясида инженер бўлиб ишласа, уйга келганда бола тарбияси (“аёлларнинг анъанавий гендер роли”) билан ҳам шуғулланади. Юқорида тилга олинган роллар, такомиллашиб боришига қараб, вақт ўтиши билан барча жамиятларда ўзгаришларга учрайди. Аёллар ва эркаклар ўртасидаги фарқни биз биологик характер ва жинсий мансубликка нисбат берибгина эмас, балки ҳамжамиятларда қарор топган турли ролларни (гендер тафовут) ҳисобга олган ҳолда ҳам қабул қиласиз.



12-

ДАРС

ҚИРГИЗИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

Кейинги йилларда Жогорку Кенеш аёлларни ижтимоий ҳаётга кенг жалб қилиш, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини кенгайтириш, нозик жинс вакилларини зўравонликлардан сақлашга қаратилган бир қанча қонунларни қабул қилди. Бу қонунлар Қирғиз Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган эркак ва аёллар ўртасидаги тенг ҳуқуқлиликка янгича мазмун баҳш этади. Масалан, Саноқ палатаси, Олий суд, Конституциявий суд ва Марказий сайлов комиссиясидаги позицияларнинг 70 фоиздан ортигини бир жинс вакиллари эгаллаши мумкин эмаслигини белгиловчи гендер квота (улуш) мавжуд. Бу қолган 30 фоиз ўрин аёлларга тегишли эканлигини англатади.

Қонуннинг ҳақиқий талабларини бузиб, аёл номзодларга босим ўтказадиган, уларни эгаллаган ўринларидан воз кечишга мажбурлайдиган одамлар ҳам йўқ эмаски, бундайлар квота сақланиши учун бир жинс вакилининг ўз ўринини иккинчи жинс вакилига бериши қонунчиликда тақиқланмаганидан фойдаланадилар. Агар бу бўш ўрин аёл номзодга эга бошқа бир ваколатли партияга берилганида, шу квотани сақлаш мумкин бўларди.

Бундай кўринишни сайловда қатнашадиган партия рўйхатида кўплаб кузатиш мумкин. Масалан, сайлов рўйхати орқали ҳокимиятга илашиш учун эркаклар рўйхатда ўзларидан юқорида турган аёлларга босим ўтказиб, уларни ҳисобдан чиқариб ташлашга ҳаракат қиласидилар. Ҳозирча бизда амалга киритилмаган бир механизм мавжуд, аммо бунга таъсири зўр амалдорлар йўл бермасликлари мумкин. Бу ҳам бўлса, агар аёл номзод депутатлик ўринини эгаллашни истамаса, бу ўринни рўйхатда ундан кейин турган аёлга ёки бошқа бир кучли партиянинг рўйхатидаги аёл номзодга беришнинг қонунлаштириб қўйилишидир. Агар бўшаган ўрин бошқа бир расмий партия рўйхатидаги аёл номзодларга таклиф қилинганида, биронта ҳам аёл ўз номзодини олиб ташламаган бўларди! Бу шунчаки куруқ гап бўлмасдан, Парламентда аёлларнинг кўп бўлиши унинг ишига сифат жиҳатдан янги мазмун бағишиллаган бўларди. Ҳозирги пайтда Қирғизистон Парламентида кучли аёллар ишлаб турибди, шу билан бир вақтда эркак депутатлар ҳам гендер тенглик ва мамлакат ҳар бир фуқароси учун тенг имкониятлар бериш учун ҳуқуқий меъёрлар (қонун устуворлиги)ни таъминлаш устида фаол иш олиб боришмоқда.

Шундай қилиб, камчиликлар қонуннинг йўқлигидан эмас, балки мавжуд қонунларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнлари билан боғлиқ кўрсаткичларнинг озлигидан содир бўлади. Агар инсон ҳуқуқига тегишли қонунларни олиб қарайдиган бўлсак, давлат ўз органлари салоҳиятини ошириш, одамларга ютуққа эришишда ёрдам бериш учун керакли ресурсларни ажратиши керак. Албатта, давлат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ жавобгарликни тўлиғи билан ўз зиммасига олишдан кўра баландпарвоз қонунларни қабул қилиш осонроқ. Юқорида айтилганларнинг барчаси давлат учун ўз фуқаролари олдидаги миллий ва халқаро қонунлар билан боғлиқ бурчларини бажармасликка баҳона бўлмаслиги керак.

Қыз ўғирлаганлик учун жазони күчайтиришга қаратилган қонуннинг тақдири нима бўлди? Қонун талаб қилишига қарамай, судьялар мазкур модда бўйича биронта ҳам одамни озодлиқдан маҳрум этишгани йўқ. 2012 йилга келибгина, Жиноят кодексининг 155-моддаси бўйича ўтказилган кампания туфайли қыз ўғирлаганлик учун жазони 10 йилгача озодлиқдан маҳрум этиш билан күчайтиришга эришилди. Кейинги пайтда хукуқни муҳофаза қилиш органлари аста-секин бу моддага амал қилиб, жиноятчиларни турмага тиқмоқда. Бу амалий натижага олиб келди: кўплаб одамлар илк бор қыз ўғирлашнинг жазога лойик жиноят эканлигини, бошқалар эса мажбурий никоҳлар ёш оиласи бузилишига олиб келишини, келин уйдан қочиб кетса, уни ўғирлаб келганинг оиласи бошини кўтара олмай қолишини тушуниб етдилар.

Қирғизистон Парламенти (Жогорку Кенеш)да аёллар

Сайланган йили	Парламент аъзоларининг умумий сони	Парламентрий аёллар	Аёл депутатларнинг парламентдаги иштироқи
1995	105	5	5%
2000	105	7	7%
2005	75	0	0%
2007	90	23	26%
2010	120	28	23%
2011	120	30	22%

Қирғизистонда аёллар бандлик соҳасида ҳам камситишларга дуч келадилар. Мамлакат аёлларининг 64,4 фоизи қишлоқ хўжалик секторида ишлайди, бироқ дехқон хўжаликларининг атиги 15,1 фоизи аёллар, шунда ҳам бева, эридан ажрашган аёллар томонидан бошқарилади.

«Менинг сердаромад хўжалигим» қўлланмасининг асосий мақсади ерга бўлган мулкчилик масалаларини муҳокама қилишдан иборат. Жамоага тегишли ерлар мавжуд бўлган муниципалитетларда ҳар бир ўғил ва қыз бола жамоанинг аъзоси сифатида уй куриш ва экин экиш учун ерга бўлган ҳуқуқда тенг имтиёзларга эгадир. Қыз бола куёвга чиқиб, бошқа оиласининг аъзосига айланса-да, агар шу жамоада қолса, ўз ер улушига бўлган ҳуқуқини йўқотмайди. Агар туғилиб ўсган оиласи ер улушкини ундан олиб қўйса, ер барibir юридик жиҳатдан унга тегишли бўйдан қолаверади. Аммо ажрашиш рўй бергандан, қонунга амал қилиш, ортирилган мулкни тенг тақсимлаш қийинлашади.

Эридан ажрашган ёш аёл ота-онасиникуга қайтиб келганда, ўзига қарашли ер улусидан фойдаланиши мумкин, нимага деганда, бу улуш юридик жиҳатдан унивидир. «Менинг сердаромад хўжалигим» қўлланмаси унча катта бўлмаган ер участкасидан катта фойда олишга ўргатади. Шу билан биргалиқда ғалла етиштириш учун катта ер участкаси ва оғир қишлоқ хўжалик машиналари керак. «Менинг сердаромад хўжалигим»ни ўқиб чиқсан одам кичик ердан, масалан, томорқадан экинларни интенсив парвариш қилиш йўли билан қандай қилиб юқори даромад олишни билиб олади.

Қирғизистон Республикасида экин майдонларининг озлиги қўплаб низоларга сабаб бўлаётган бир пайтда ер ва сув ресурслари чекланганлиги шароитида юқори даромад олиш кўнижасини ортириш бундай келишмовчиликларнинг олдини олиш ва бартараф этишда қўл келади. Қирғизистонга хос гендер сифатлар - бу эркакларнинг далада ва яйловда ишлаши, аёлларнинг томорқа юмушлари билан банд бўлишидир. «Менинг сердаромад хўжалигим» қўлланмаси томорқада ишлаб фойда кўриш, шунингдек, аёл кишининг ўз уйининг асрорчиси сифатидаги анъанавий ролини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Шунингдек, бу китоб ўғил болаларни ҳам ўз кучини полизда синааб кўришга тайёрлаш ва анъанавий гендер ролларни йўқ қилишга қаратилган. Агар улар қишлоқ хўжалик



экинлари етиштиришда мувафақият қозонса ва маҳсулотнинг катта қисмини бозорда сотишга эришса, у ҳолда бошловчи бизнесменларга хос кўникмаларга эга бўладилар. Бу эса эркак ролининг гендер сифатларига киради.

Ўғил болалар ва қизлар имконият борасида тенг бўлишлари лозим. Мазкур курс, жинсий мансублигидан қатъи назар, ўқувчиларга ресурслардан самарали фойдаланишнинг асосий кўникмаларини беради. Болалар ишлаб чиқариш ва маркетинг, фойданинг бир қисмини сармоя сифатида киритиш воситасида бозор иқтисодиётида фаол қатнашиш амалий кўникмаларига эга бўладилар. Олинган фойданинг бир қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаш йўли билан оила таянчига айланадиган ферма бунёд этиш мумкин. Қанча кўп одам хусусий бизнес юритса, ҳамжамиятнинг иқтисодий таъсири шунчалик ортади. Сотадиган товарингизнинг нархи юкорилаб, ўғит ва уруғликка кетадиган харажатларингиз қисқаради. Агар ўғил болалар ва қизлар ерга яхши ишлов беришса, катталарга кўмакчи бўлишса, мамлакат ривокини тезлатишга ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар. Бироқ аҳолининг фақат ярми хўжалик фаолияти юритишдан манфаатдор бўлганлигидан бу жараён жуда секинлик билан боради.

Қиз олиб қочиши қирғиз халқининг азалий урф-одатларидан бири сифатида қаралиши керакми, деган масала қурултойда кўтарилди. Бу одат халқимизнинг устувор анъаналаридан бири бўла олмайди, бунга қонунларимиз ҳам йўл қўймайди. Шунинг учун қиз олиб қочиши қонун томонидан жазоланади.



13-

ДАРС

Қишлоқ

АЁЛЛАРИ

ТАШАББУСЛАРИ

Яңги сүзлар

МКА	микрокредит агентлиги – бу кам таъминланган фуқароларга кичик кредитлар билан құллов күрсатувчи муассаса.
Кредит	қарз олувчига кредит шартномасынан муюнни бериладиган пул.
Фойда	ишлаб чиқарылған маҳсулотни сотишдан тушган даромаддан барча харжатлар, жумладан, маҳсулотни бозорга етказиш учун кеттеган харжатлар чиқариб ташланғандан кейин қоладиган пул.
Қишлоқ аёллари ташаббуслари	аёллар томонидан мавжуд маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали амалга ошириладиган фаолият турлари.
Маслаҳатлардан фойдаланиш	амалий ташаббусларнинг маҳаллий шароитларга муюнни баҳолаш, шунингдек, самарали натижаларга эришишнинг намойиши.
ЖМҚМХ	Жалолобод минтақавий қишлоқ маслаҳат хизмати.



«Жалолобод минтақавий қишлоқ маслаҳат хизмати» (ЖМҚМХ) Жалолобод вилояты фермерларига қишлоқ хұжалигини ривожлантириш бүйича маслаҳат хизматлари күрсатади. ЖМҚМХнинг асосий фаолият йұналиши қишлоқ аёлларига құллов күрсатыша қаратылған.

2003 йилдан 2007 йилгача GTZ қишлоқ хұжалик ишлаб чиқариши ва даромадларни ошириш йўли билан қишлоқ аёллари турмушини яхшилаш мақсадида «Мехнатга озиқ оқиғат билан ҳақ тұлаш» лойиҳасини амалға оширди.

Шу лойиҳа доирасида Жалолобод вилоятида иккита - «Беш-Арал» ва «Сары-Челек» микрокредит агентстиклари ташкил қилинди. Мазкур МКАларнинг мақсади даромад көлтирувчи фаолият турларини құллаш учун қишлоқ аёлларига микрокредитлар берішдан иборат. Булар:

- 0,01-0,04 га полизда карам, картошка, пиёз, саримсоқ, бодринг, қулупнай каби сабзавот турларини етиштириш;
- паррандачилік – тухум ва гүшт берадиган товуклар, курка ва ўрдаклар;
- мева-чевани кичик миқёсда қайта ишлаш.

МКАларнинг асосий үзгачалиги ва афзалліктери биргина сұраптап қарзни берішида бўлмай, танлаб олинган қишлоқ хұжалик фаолияти бўйича амалий маслаҳатлар беріш, тренинглар ўтказишида ҳам кўринади. Юқоридаги иккى МКА Жалолобод қишлоқ маслаҳат хизмати билан ҳамкорликда иш юритиб, фермерларнинг юқори сифатли қишлоқ хұжалик материаллари, масалан, сертификацияланган уруғлик олишини енгиллаштиради.

Харажатлар ва соғ фойда ҳисобини олиш учун оддий иқтисодий таҳлил ўтказиш, шунингдек, маҳсулотни реализация қилишнинг қулай усусларини ўрганиш қўшимча мавзулар сирасига киради.

Шундай қилиб, бу МКАларнинг мижозлари, яъни қишлоқ аёллари хизматларнинг тұла пакетидан фойдаланадилар. Бундай ёндашувнинг мақсаддаға мувофиқлиги ва мұхимлигини қуйидагилардан билиб олиш мүмкін.

Қишлоқ хұжалигидан табиғи тәжірибелі жағдайлар

1. Шахсий ташаббус.
2. Ер ва қишлоқ хұжалик материаллари (урұғлик, күчатлар, ўғит ва бошқалар) дан фойдаланыш имкониятлари.
3. Молиявий манбаларнинг мавжудлиги (микрокредитлар).
4. Қишлоқ хұжалик мутахассисининг ёрдами – әқинларни етиштиришнинг замонавий технологияларига ўргатыш, илғор тажрибани намойиш этиш ва бошқалар.



Жалолобод вилоятида қишлоқ аёлларига құллов күрсатувчи микрокредит агентликлари

«Беш-Арал» МКА жамоатчилік фонди

2007 йилда тузилган «Беш-Арал» МКА тоғли Чотқол туманинде аёлларга қишлоқ хұжалигини ривожлантириш учун микрокредитлар ва маслаҳатлар беради. МКА кредит портфели 2013 йилда 1008000 сүмни ташкил қилди. МКА 34 аёллар гурухына хизмат күрсатади, уларнинг ҳар бирида 4-10 тадан аъзо бўлиб, жами 224 фермер аёлларни бирлаштирган. Аёлларнинг ёши 20 дан 60 гача.

Кредит миқдори ва шартлари	Гурухнинг ҳар бир аъзоси 3000-4500 сүмдан пул олади. Бу бутун гурух тахминан 18000-45000 сүм миқдорида гаровсиз кредит олади, деган сўздир. Ойлик устама 3% ёки 135 сўмга teng. Кредитнинг асосий қисми ҳосил йиғишириб олингандан кейин тұланиши керак. Кредитлар қуйидаги мақсадлар учун берилади: - картошка, карам, пиёз, саримсоқ, бодринг, қулупнай етиштириш, курка боқиши Кредитлар 7-9 ойда қайтарилиши керак, қишида фақат 5 ой муддатга берилади (қайта ишлаш учун).
Асосий мижозлар: Оила учун:	“Кам таъминланған”лиги қишлоқ бошқаруви томонидан тасдиқланған аёлларга фойда олишлари учун хизматлар мажмуюи күрсатилади: тренинг+кредит+сифатли уруғлик.
Боғланиш учун маълумот	Жалолобод вилояти, Чотқол тумани, Қанишқия қишлоғи (ўрмон хұжалиғи бошқармаси биноси, Дўстлик кўчаси, 7)
Электрон манзил:	akk_chatkal@mail.ru
Менежер:	Рисбекова Эркеайим Сатимбаевна
Ходимлар:	5

«Сари-Челек» МКА жамоатчилік фонди

«Сари-Челек» МКА Ахси, Бозорқўғон, Новкент, Тўқтағул ва Сузоқ тумандаридаги 758 аёлга ёки 69 фермерлик гурухына кредитлар ва қишлоқ хұжалигини ривожлантириш бўйича маслаҳатлар беради. МКА кредит портфели 2013 йили 3500000 сүмни ташкил қилди.

Кредит миқдори ва шартлари	Гурухнинг ҳар бир аъзоси 3000-4500 сүмдан пул олади. Бу бутун гурух тахминан 18000-45000 сүм миқдорида гаровсиз кредит олади, деган сўздир. Ойлик устама 3% ёки 135 сўмга teng. Кредитнинг асосий қисми ҳосил йиғишириб олингандан кейин тұланиши керак. Кредитлар қуйидаги мақсадлар учун берилади: - полиз ва томорқадан самараали фойдаланиш (камида 2 хил сабзавот етиштириш) - картошка етиштириш; - паррандачиллик - товуқ ва курка боқиши Кредитлар 7-9 ойда қайтарилиши керак, қишида фақат 3 ой муддатга берилади (қайта ишлаш учун).
Асосий мижозлар:	“Кам таъминланған”лиги қишлоқ бошқаруви томонидан тасдиқланған аёлларга полизини сердаромад соҳага айлантиришлари учун тренинг+кредит+сифатли уруғлик хизматлар мажмуюи күрсатилади.
Боғланиш учун маълумот	Жалолобод шаҳри, Курманбек кўчаси, 10
Электрон манзил	ofmka_sary-chelek@mail.ru
Менежер:	Жолдошова Салтанаткан Сейдеевна
Ходимлар:	7



ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ ТАРИХИ

«Мевали бөг» гурухининг мевалари

Чотқол туманиндағы Курулуш қишлоғи аёллари Чотқол қишлоқ маслағат хизматининг гурухларни тузиш ва маблағтарни тежаш бүйича ўтказилған тренингларда қатнашдилар. Бунинг натижасыда б 6 аёлдан иборат “Мевали бөг” гурухи ташкил қилинди. Аъзолар гурух уставини ишлаб чиқиб, фонд очилар ва ҳар бири ой сайн фондга 20 сүмдан күшиб борди. Жалолобод қишлоқ маслағат хизмати сабзавот етиштиришнинг самарали усуллари, зааркунандалар ва ўсимлик касаллукларига қарши кураш, сабзавот ва сутни қайта ишлаш, уй шароитида қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқалар бүйича тренинглар уюштириди.

Фондда унча катта бўлмаган микдорда пул йигилгач, аёллар бир гектар ерга буғдой, ярим гектар ерга ёғ учун сафлор (маҳсар) экишди. Сафлордан ҳосил олишмаган бўлсада, 20 қоп буғдой олишга муваффақ бўлдилар ($20 \times 35 - 40 \text{ кг} = 700 - 800 \text{ кг}$). Улар буғдойни ўзаро бўлишиб олдилар, ҳар бирига 4 қопдан, бошқача айтганда, 160 кг. дан буғдой тегди. Ўша йили гурух аъзоларидан бири 0,01 га томорқасыда қулупнайдан яхши ҳосил олди. У олинган даромадни гурухнинг бошқа аъзолари билан баҳам кўрди, шундан сўнг улар келгуси йили қулупнай етиштирилар.

2007 йилда Чотқол туманида «Беш-Арал» МКА тузилиб, аёллар гурухларига кредит бериш билан шуғуллана бошлади. «Мевали бөг» гурухи аъзолари ҳам 18000 сўм кредит олиб, Базаралиева Маржангулга қарашли 0,20 га, Таирова Гулжанга қарашли 0,10 га полизда қулупнай етиштирилар.

2008 йили Маржангул қулупнай майдонини 40 сотихга, Гулжан эса 20 сотихга етказди. Қулупнай ҳосилдорлигини оширган аёллар ер майдонини янада кенгайтирилар. 2013 йилга келиб Маржангул 60 сотихда, Гулжан эса 40 сотихда қулупнай етиштириди.

Келинг, Таирова Гулжан 40 сотих ерда июнь-июль ойларида қулупнайдан қанча даромад олганлигини кўриб чиқайлик.

Сана	Териш	Бир пақир қулупнайнинг баҳоси (сўм)	Неча пақир	Сўм
1 июнь	I	420	10	4.200
5 июнь	II	420	15	6.300
9 июнь	III	420	18	7.560
13 июнь	IV	420	20	8.400
17 июнь	V	420	25	10.500
21 июнь	VI	420	30	12.600
25 июнь	VII	420	25	10.500
29 июнь	VIII	420	20	8.400
3 июль	IX	420	18	7.500
7 июль	X	420	15	6.300
11 июль	XI	420	10	4.200
Жами:		420	206	86.460

Жадвалдан кўриниб турганидек, июнь-июлда даромад 86460 сўмни ташкил қилди. Навбатдаги ҳосил 15 августдан 10 октябргача териб олинади. Тахминан 200 чеҳак қулупнай терилади. $200 \times 420 \text{ сўм} = 84000 \text{ сўм}$.

Шундай қилиб, қулупнайдан олинган умумий даромад $406 \text{ чеҳак} \times 420 \text{ сўм} = 170520 \text{ сўмга} \text{ тенг} \text{ бўлди.}$

Харажатлар:

- 5-синфда ўқийдиган 4 қиз – ойлик иш ҳақи 1500 сўм $\times 4 \text{ ой} = 6000 \times 4 \text{ ой} = 24000 \text{ сўм}$;
- 8-синфда ўқийдиган 4 қиз – ойлик иш ҳақи 2500 сўм $\times 4 \text{ ой} = 10000 \times 4 \text{ ой} = 40000 \text{ сўм}$.

Барча харажатлар = 64000 сўм.



Қулупнайни бегона ўтлардан тозалаш, яганалаш, чопиқ қилиш, ҳосилни териш учун ўкувчи қизларни ёллашди. Қизлар ёзги таътил кунларида бироз пул ишлаб топишди. Бу пулга улар ўзларига кийим-кечак сотиб олиб, тириклиликда ота-оналарига ёрдам берган бўладилар.

0,40 га ерда етиштирилган қулупнайдан олинган соф фойда

170520-64000 = 106520 сўм соф фойда

Маржангул 0,60 га ердан 500 пақир қулупнай териб олди. $500 \times 420 \text{ сўм} = 210000 \text{ сўм}$ – ишчи ёллашга 96000 сўм = 114000 сўм соф фойда.

ГУЛЖАН ЎЗ ЮТУГИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:

Олдин мен оддий уй бекаси эдим. Оилам учун зарур бўлган нарсаларни бозордан сотиб олардим. Полизимга бозордан сотиб олинган картошка уруғини экиб юрдим, аммо яхши ҳосил бермади. ЖМКМХ қўллови билан аёллар гуруҳи тузилганда, мен ҳам аъзо бўлиб кирдим. Даромад келтирувчи фаолият турлари бўйича тренингларда қатнашдик. Кейинроқ яна бир имконият пайдо бўлиб, «Беш-Арал» МКА тузилди ва микрокредитлар бера бошлади. Буларнинг ҳаммаси менга ва оиламга таъсир кўрсатди. Энди биз қулупнай етиштиряпмиз, Худога шукр, топишимиз яхши. Топган пулимиз озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа эҳтиёжларимизга етиб турибди. Қулупнай етиштириш билан нафақат қўшниларимнинг, балки эримнинг ҳам ҳурматини қозондим. У мен билан фаҳрланади, ҳатто қулупнай етиштиришда ёрдамлашяпти.



Тажрибадан кўриниб турганидек, ҳатто сабзавот етиштириш қийин бўлган тоғли Чотқол тумани шароитларида ҳам қишлоқ аёллари даромад келтирувчи фаолиятни йўлга қўя олишган! Ҳар бир аёл оиласи бюджетини мустаҳкамлаш билан қўшнилари, ҳамқишлоқлари, энг муҳими, ўз оиласи ва эрининг ҳурматини қозоняпти. Бу бошқа қишлоқ аёллари учун яхши намуна бўлиб, уларни ҳам даромад келтирадиган фаолият турлари билан шуғулланишга ундейди.



Чотқол тұманинде Айғир-Жал қишлоғида яшовчи Бердібекова Жибек уруғликтің сифаты ва микрокредит олиш бүйіч маңағат сұраб мурожаат қилды. Кейин у 0,02 га ерда карамнинг мутахассислар тавсия қилған «Голден болл» навини етиштиришга киришди. Аёл яхшигина ҳосил олиб, уни сотищдан фойда күрди.

500 дона карам \times 40 сүм = 20000 сүм.

Харажатлар:

№	Иш турлари	Қиймати, сүм
1	Уруғлик сотиб олиш	700
2	Ерни ҳайдаш – солярка	450
3	Тракторчининг ҳақи	200
4	Пестицидлар	60
5	Парник учун пластик плёнка	300
Жами:		1710

Кредит миқдори - 4500 сүм. Устамаси 135 сүм \times 7 ой = 945 сүм.

Жами 5445 сүм тұлаш керак.

2 сотих ердан олинган фойда:

20000 – (5445 - 1710) = 12845 сүм соф фойда.

Сифатли уруғлик борлигидан хабар топған Жибек ўзига керакларини бирданиға сотиб ололмади, етмаганини кейинроқ бозордан олиб келди. У мутахассислар тавсия этгандан уруғлиқдан яхши ҳосил олди, бозордан сотиб олғаны эса бу ернинг иқлимиға мос тушмагани учун деярли ҳосил бермади. Ўшандан бүён Жибек ЖМҚМХ ва МКА тавсия қилған уруғликтан әкиб келяпты. Эндилікта иссиқхонада ўзи карам күчатларини етиштириб, эрта баҳорда далага күчириб ўтқазыпты, органини құшниларига сөтепти.

Шунингдек, Жибек 2 сотих ерга бодрингнинг «Авелла» навини әкиб, 300 кг ҳосил олди. 300 \times 40 сомов = 12000 сүм (даромад).

Уруғлик баҳоси – 650 сүм **12000 - 650 = 11350 сүм (соф фойда).**

Қанишқияда яшовчи Турдиев Кочконбай «Агаве» навли картошка етиштириб, яхши даромад олди

Харажатлар	Даромад
Уруғлик 120 кг \times 30 сүм = 3600 сүм Ерни ҳайдаш – 600 сүм Химикалар - 80 сүм	Ҳосил - 1800 кг \times 15 сүм = 27000 сүм
Жами: 4280 сүм	
Соф фойда: 27000 – 4280 = 22720 сүм	


Картошканың «Агаве» нави маҳаллий навларға қараганда баландроқ, авж олиб ўсади. Бир хил катталиқта, чиройлы ва текис мева тугади, заарқунандаларға чидамли.

ТОПШИРИҚ

1) Сизнің қишлоғингизде тадбиркорлық фаолияти юритиш учун қандай имконияттар ва түсіктер мавжуд?

Имконияттар	Түсіктер





5-БҮЛИМ

СУВ



120-бет

Сув, санитария ва ўқувчилар гигиенаси

137-бет

Полизда сувдан тўғри фойдаланиш
асослари

14-

ДАРС

СУВ, САНИТАРИЯ ВА ЎҚУВЧИЛАР ГИГИЕНАСИ

Янги сўзлар

Ичимлик сув	– табиий ҳолида ёки қайта ишлангандан кейин (тозалаш, заарсизлантириш) норматив талабларга жавоб берувчи, ичиш ва овқат тайёрлаш, инсоннинг майший эҳтиёжларига яроқли бўлган сув.
Саломатлик	– инсон организми барча аъзо ва тизимларининг ташқи муҳит билан тўла мувофиқлиги ва қандайдир оғриқли ўзгаришларга учрамаган ҳолати.
Гигиена	– (юнонча <i>Hygienos</i> - соғлом) – яшаш ва меҳнат шароитларининг инсон соғлиғига таъсирини ўрганувчи тиббиёт соҳаси; касалликларнинг олдини олиш, ҳаёт кечириш, соғлиқни сақлаш ва умрни узайтиришнинг оптимал шароитларини таъминлаш учун ишлаб чиқиладиган тадбирлар.
Санитария	– (лотинча <i>sanitarius</i> – соғлиқка кўмаклашувчи) – илмий гигиена ишлаб чиқсан нормативлар ва талабларнинг жорий этилишига қаратилган амалий чоралар мажмуи.
Антисанитария	– тозалик ва микроблардан холиликнинг акси. Асосан, аҳоли пунктларида тирик мавжудотлар ахлатларининг кўпайиши билан боғлиқ равишда касаллик келтириб чиқарувчи бактерия ва инфекцияларнинг тарқалиши учун қулай шароит пайдо бўлиши, бу ахлатларни олиб чиқиш учун зарур ассенизация воситаларининг йўқлиги, шунингдек, ҳудуднинг умумий ифлосланганлиги.
Инфекция	– (лотинча <i>infectio</i> - заҳарланиш, <i>inficio</i> – бирон заарарли нарсани киритаман, заҳарлайман) инсон ёки ҳайвон организмига патоген (касаллик қўзғатувчи) паразитларнинг кириши, организмнинг заҳарланган ҳолати. ¹

Сув, санитарияга оид ҳуқуқий масалалар КРнинг Сув кодекси, тегишли қонунлари, норматив ҳужжат ва стандартлари асосида тартибга солинади. Маҳаллий даражада бундай масалалар ўзини ўзи бошқариш органлари, ичимлик сув билан таъминловчилар, ичимлик сувдан фойдаланувчиларнинг Қишлоқ жамоат бирлашмалари томонидан ечилади.

Уибу дарс учун маълумотлар қуйидаги адабиётлардан олинди:

¹ Санитария и Гигиена» для школьных команд, ОФ MSDSP KG г. Ош 2012.

² Жалал-Абад шаарынданғы областтық санэпидстанциянын материалдары.

³ Руководство для учителей «Вода, Санитария и Гигиена» для школьников UNICEF 2012.

⁴ Питьевая вода и методы её очистки. Курохтин А.В., Домашов И.А. Бишкек-2008



Хавфсиз ичимлик сув

Ичимлик сув – инсон саломатлигининг асоси. Сув – инсон танасидаги бosh «қурилиш материали» бўлиб, унинг вазнининг 65-70 фоизини ташкил қилади. Одам қанчалик ёш бўлса, танасида сув миқдори шунчалик кўп бўлади. Инсон организми учун суткасига 3,5 литр сув талаб қилинади, саҳрова бу талаб 7,5 литрга етади. Одам овқатланмай 40 кун, сувсиз - 8 кун, ҳавосиз 5 дақиқагача яшаши мумкин.

Шунинг учун сув ҳаводан кейин турадиган бебаҳо ресурс саналиб, ўзига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни ва тежамли фойдаланишини тақозо этади.

Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилар ичиш, овқат тайёрлаш ва индивидуал гигиена учун зарур бўлган хавфсиз сувга эҳтиёж сезадилар¹.

Жалолобод вилоятидаги 460 мактабнинг 307 таси марказлаштирилган водопровод суви билан таъминланган, 153 таси эса сувни очик ҳавзалар (арик, канал, булок ва бошқалар)дан олади. Ер ости сувлари – бу 10 метр атрофидаги чуқурликдаги сувдир (кудуқ суви, кўл мосламаси билан тортиб чиқариладиган сув). Бундай сувлар ниҳоятда ифлос бўлиб, ичтерлама касаллигининг асосий манбаси ҳисобланади. Ер бетида тўплланган барча ифлос нарсалар – жониворларнинг ахлатлари, ювиш воситалари қолдиқлари, химикатлар ва бошқа нарсалар шу сувга сингади. Одатда совун кўпирмайдиган бу қаттиқ сувларни истеъмол қилиш буйракда тош йиғилишига олиб келади. Кудуқ сувлари ер остидан, 25 метр атрофидаги чуқурликдан олиниб, нисбатан тоза ҳисобланади.²

Ўқувчилар қуийдагиларни билишлари шарт:

- ♦Ҳар доим ишончли манбадан сув ишлатиш.
- ♦Ичимлик сувнинг хавфсиз шароитларда сақланишига эътибор бериш.
- ♦Ичимлик сувни олиш, ташиш, сақлаш ва фойдаланиш талабларига амал қилиш.
- ♦Ифлос ва заҳарланган сув соғлиққа зарар етказишини ҳамиша ёдда тутиш.
- ♦Хавфсиз ичимлик сувни топиш қийин бўлиб қолганда, уни маҳаллий таъминотчилар етказиб бериши мумкин.



Ўқувчилар кун сайин 1-2 литр тоза сувга эҳтиёж сезадилар. Бу сув синфларда ёки бошқа хоналарда, ҳар бир ўқувчи истаган пайтда фойдалана оладиган қилиб сақланиши керак. Ичимлик сув тоза канистрларда ёки бошқа ёпик контейнерларда ифлос қўллардан заарланмайдиган, ахлат ва хашаротлар тушмайдиган шароитда сақланади. Имконият даражасида ҳар бир бола ўз кружкасига эга бўлиши, янаям маъқулроғи, ичимлик сув қуийлган шиша ёки бошқа идишни ўзи билан олиб юриши керак.

Сув чанқоқни қондириш ёки овқат тайёрлаш учунгина керак бўлмасдан, у кўл ювиш, чўимилиш, кир ювиш, жониворларни суғориш, автомобилларни ювиш ва бошқа мақсадларда ҳам ишлатилади.³

ТОПШИРИҚ



Сиз оиласда ва қишлоқда ичиш, бошқа кундалик эҳтиёжлар учун сувни қаердан оласиз?


Сув манбалари	Белгиланг (+)/(-)	Нимага ишлатасиз?
Ариқлар, каналлар		
Қор, ёмғир		
Ер ости сувлари		
Кудуқлар		
Булоқлар		
Водопровод		
Бошқалар		



ИЧИМЛИК СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАВФ-ХАТАРЛАР

Ичимлик сув таъминоти чекланган шароитда одамлар дарёлар, ҳовузлар, цистерналардаги ифлосланган сувни ичиш ва бошқа мақсадларда ишлатишга мажбур бўладилар. Ўқувчилар бундай манбалардаги сувлар ўз саломатлигига зарар етказишини билмасликлари мумкин.

Болалар ўзлари чўмилаётган ариқ ёки канал сувини оқибатини ўйламасдан ичадилар.



ИЧИМЛИК СУВНИ ТАШИШ ВА САҚЛАШ



Контеинерлар кичик ёшдаги болалардан эҳтиётланади. Ичимлик сув контеинердан тоза идишларга қуилади.³



Сув ёпиқ ва тоза контеинерларда сақланиши, транспортировка қилиниши зарур.

Уй шароитида сув ифлосланмаслиги учун ёпиқ контеинерларда сақланиши керак.



Мактабларда сувни сақлашда жўмракли бочкалардан фойдаланилади. Бочканинг қопқоги доим ёпиқ туриши ва қайта ифлосланмаслиги учун дока билан ўраб қўйилиши керак.²

Ичимлик сув сифатини аниқлашнинг органолептик (визуал) усуллари


Ҳид ва таъм – сувда хавфли моддалар йўқ бўлиши мумкинлигини кўрсатувчи асосий белгилар. Сувда, айниқса, юқори ҳароратда (30-40 дараҷа атрофида ва ундан юқори) чиритувчи бактериялар ривожланиб, кучли ҳид келиб туради.

Стаканга сув қуиб, уни ёруғликка тутинг:

Бундай сувни тозаламасдан ичиш мумкин эмас!




АГАР СУВ:




Қизғиш тусда бўлса

Лой, қум ва коррозия
унсурлари билан
заарланган




Яшил доғли бўлса

Таркибида мис бор
ёки кислоталилиги
юқори




Яшил, яшил-қўнғир
ва сариқ тусда бўлса

Сув ўсимликлари
мавжуд



Қорамтири бўлса

Таркибида марганец
бор



Сувни тозалашнинг оддий усуллари

Тиндириш

Хлор моддаси ва муаллақ суввучи қаттиқ заррачаларни йўқотиш учун сув тиндирилади.

Бунинг учун катта челякка қўйилган водопровод суви бир неча соат давомида тиндириб қўйилади.

Бироқ бу усул сув таркибида турли кимёвий ифлослантирувчилар бўлган тақдирда кутилган натижани бермайди.



Қайнатиш

Ҳаммамиз болалиқдан хом сувни эмас, қайнатилган сувни ичиш яхшироқ эканлигини биламиз. Сув унинг таркибидаги биологик ифлослантирувчилар (вирус, бактерия, микроорганизм ва бошқалар)ни йўқ қилиш, хлор моддаси ва бошқа паст ҳароратли газлар (радон, аммиак ва бошқалар)ни чиқариб ташлаш учун қайнатилади. Чиндан ҳам, қайнатиш сувни тозалашда ёрдам беради. Аммо бунда қуйидагиларни ёдда тутиш лозим:

- ◆ сув камиди 10-15 дақиқа қайнатилади;
- ◆ қайнатилган сув қайта ифлосланмаслиги учун 24 соат мобайнида ёпиқ идишда сақланади;
- ◆ сувни қайнатиш билан унинг таркибидаги минерал заррачалар ва кимёвий моддалар эритмалари йўқ бўлиб кетмайди.




Оз микдордаги сувни қўёш нури ёрдамида дезинфекциялаш мумкин.

Бунинг учун шишага фильтрланган тоза сув қўйилиб, 6 соатга қўёш тифига қўйилади (том устига қўйилгани яхши).



Фильтрни ўз қўлимиз билан ясаймиз



Қўлбола фильтр

Сувни кимёвий ифлослантирувчилардан тозалашда қуйидаги қурилма ёрдам беради.

Кичикрок идишини олиб, унга қуйидагиларни қаватлаб жойлаштирамиз:

- 1.→ Қум ёки майда шағал (10-15 см).
- 2.→ Ип газлама ёки дока.
- 3.→ Қум ёки майда шағал (10-15 см).
- 4.→ Ип газлама ёки дока.
- 5.→ Активлаштирилган ёки писта кўмир (20-25 см).
- 6.→ Ип газлама ёки дока.

Сув шу қатламлардан ўтказилади, кейин касаллик келтириб чиқарувчи микроорганизмларни йўқ қилиш учун 10 дақиқа давомида қайнатилади. Бу сувни 45 дақиқа тиндиргандан кейин ичиш мумкин.


Қўлбола фильтр 70-100 литр сувни тозалаш имконини беради, шундан кейин тозалаш самарадорлиги кескин пасайиб, янги фильтр қилиш керак бўлади.⁴

Ўқувчилар маҳаллий материалларга таянган ҳолда фильтрнинг бошқа турларини ясашлари мумкин.



Сувни ифлослантирувчи манбалар

Сувнинг сифати одамлар соғлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.




Қирғизистонда бугунги кунда 700 та қишлоқ тоза ичимлик сув билан таъминланмаган. Бу қишлоқларда яшовчилар ичиш ва овқат пишириш учун сувни очиқ ҳавзалар - ариқ, дарё, каналлардан олишади. Қишлоқларда сув таъминотининг кўплаб тизимлари эскирган бўлиб, капитал таъмирга муҳтож ёки бутунлай бошқа қуриш керак. Шундай бир шароитда республика бўйлаб йил сайин 50 мингтага етиб турли ичак инфекциялари ва паразитар касалликларга чалингандар рўйхатга олинади. Ҳар йили республикада 200 дан ошик 14 ёшгача бўлган ўқувчилар ўткир ичак касалликларидан ўлади.¹

“Касалликнинг нажас орқали тарқалиши” диаграммаси



Қишлоқ жойларда сув ҳавзалари ёки дарёдан олинган сув рўзгор мақсадларида, жумладан, идиш-товоқ ювиш, овқат тайёрлаш ва кир ювишда ишлатилади.

Аҳоли бундай сувларни ишлатиш, жумладан, ичиш potential хавф туғдиришини тушуниб етиши керак.¹



Ошқозон-ичак йўлларининг юқумли касалликлари

Юқумли ичак касалликларини вирус, бактерия, гижжа ва бошқа инфекциялар чақиради. Бундай касалликларга асосан мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар чалинади. Юқумли ичак касалликларининг сабабчиси биринчи навбатда ифлос, ювилмаган қўллардир.

Сув билан тўғри муомалада бўлиш, уй шароитида уни сақлаш билан боғлиқ масалаларни одамларга тушунтириш сув хавфсизлигини иншоотлар қуриш, қувурлар ётқизишдан кўра тезроқ ва жўнроқ таъминлаши мумкин. Жойларда ўтказилган тадқиқотлар бундай тушунтириш ишлари ошқозон-ичак касалликларининг 35-42 фоиз камайишига олиб келишини кўрсатди.

Сувнинг ифлосланиши турли заҳарланишларни келтириб чиқаради: **дизентерия, ичтерлама, «А», «Е» вирусли гепатитлари, гижжа** сингари паразитар касалликлар (острица, аскаридоз, лямблез ва бошқалар).¹

Дизентерия

Дизентерияни Shigella тоифасига кирувчи бактериялар қўзғатади, шунинг учун касаллик «шигеллез» деб ҳам аталади. «Дизентерия» деган ном юнонча – «dys» (бузилиш) ва «enteron» (ичак) сўзларидан олинган.

Дизентерия қандай юқади?

Дизентериянинг юқиш механизми – касал одамнинг ичагидаги бактерия соғлом одамнинг ошқозон-ичак йўлига тушади.

Қўзғатувчи ўтишининг бир неча йўллари маёжуд:

- **Маиший йўл** – шахсий гигиенага амал қилинмагандага ювилмаган қўллар орқали ўтади;
- **Овқатланишда** – озиқ-овқат маҳсулотларига бактериялар тушганда, инфекция тушган сувни истеъмол қилганда;
- **Ифлосланган сув ҳавзаларида чўмилганда.**



Дизентериядан қандай сақланиш мумкин?

Шахсий ва коммунал гигиена қоидаларига риоя қилиш шигеллалар юқишининг олдини олади:

- ◆ Овқатланишдан олдин ва ҳожатхонадан чиққандан сўнг қўлларни ювиш.
- ◆ Озиқ-овқат маҳсулотлари ва сувни сақлаш қоидаларига амал қилиш.
- ◆ Беморларни парвариш қилганда чойшаблар ва уларга теккан ахлатларни дезинфекция қилиш, bemor билан мулоқотдан сўнг қўлларни тозалаб ювиш мухимdir.
- ◆ Бемор ўқувчилар ахлати таҳлили салбий натижа бермагунча мактабга келмасликлари керак.
- ◆ Умумий овқатланиш корхоналари ходимлари ҳам ахлат таҳлили салбий чиқмагунча ишга бормайдилар.²





Гижжалар

Паразит чувалчанглар чақирадиган ичак касалликлари (гижжалар) бутун дунёда кенг тарқалган. Ўқувчилар бундай инфекциялар олдида ожиз бўлиб, уларнинг организмида соғлиққа зарар етказувчи гижжалар кўп миқдорда ўрнашиб олган. Бу паразитлар ўқувчиларнинг умумий аҳволини ёмонлаштиради, уларнинг жисмоний ва ақлий ривожига салбий таъсир қиласи, мактабда давомат ва ўзлаштиришнинг пасайишига олиб келади.


Гижжалар ичакларда яшайди, қайта заарланишда уларнинг сони янада ортади. Кўпинча ўқувчилар бир неча турдаги гижжаларни орттирадилар.

Инфекциянинг оғир турларида организмида бир ёки бир неча хил гижжалар кўпаяётган ўқувчиларда куйидаги умумий белгилар кузатилади:


- ◆ иштаҳанинг йўқолиши;
- ◆ қориннинг осилиб қолиши;
- ◆ қоринда оғриқ пайдо бўлиши;
- ◆ йўтал;
- ◆ танадаги юқори ҳарорат;
- ◆ қусиш;
- ◆ ланжлик, ўзини ёмон ҳис этиш.¹



Острица



Аскарида



Лямблия



Гигиена

«Гигиена» термини юонча *hygienos* сўзидан олинган бўлиб, шифобаҳш, соғлиқ олиб келувчи деган маъноларни англатади. Бу атаманинг пайдо бўлишини саломатлик маъбудаси, тиббиёт худоси Эскулапнинг қизи Гигиен номи билан боғлайдилар. Гигиен ўз қўлида илон ўраб олган қадаҳни тутиб турган қиз кўринишида тасвирланган. Илон ҳаёт қадаҳидаги заҳарни сўриб олиб, уни заарарсизлантирган. Бора-бора илон чирмашган қадаҳ тиббиёт рамзи бўлиб қолди.

Бугунги кунда сайёрамизда 2,6 миллиард одам, жумладан, бир миллиард атрофидаги ўқувчилар антисанитария шароитида яшамоқда. Ёмон санитария шароити туфайли ҳар 20 сонияда бир гўдак нобуд бўлади. Бу эса йил сайин ярим миллион жон ҳаёт билан видолашаётганини англатади, ваҳоланки, бу ўлимларнинг олдини олиш мумкин эди.



Ичимлик сувга қўйиладиган гигиеник талаблар

Сувни усти ёпик, эмал идишлардагина сақлаш керак. Сақлаш муддатини узоқ чўзиг бўлмайди (24 соатгача), акс ҳолда сув қанча узоқ вақт сақланса, у инсон учун фойдали бўлган табиий-кимёвий хусусиятларини шунчалик йўқотиб бораверади.

- ◆ Сув сақланадиган идишлар тоза ва усти ёпик бўлиши керак.
- ◆ Сувни олаётуб ва уни сақлагандага бирон кимсага қўлларини тиқишига, шунингдек, идишнинг ўзидан чанқофини қондиришига йўл қўйманг.
- ◆ Сув сақланадиган идишларнинг бўйни имкон қадар ингичка бўлиши, бировлар идишга қўл солмаслиги учун тиқин билан маҳкамлаб қўйилиши керак.
- ◆ Агар бунинг иложи бўлмаса, идишдан сувни чўмич ёки кружка билан олиш керак.
- ◆ Суви тугамаган идишни ҳадеб сув билан тўлдираверманг.
- ◆ Ичидаги сув тугагач, идишни яна тўлдиришдан олдин тоза сув билан яхшилаб чайқаш зарур.
- ◆ Сув сақланадиган идишни доим тозалаб ювиб, дезинфекциялаб туриш керак.
- ◆ Уй ҳайвонларини сув сақланадиган жойдан олисроқ тутинг.



Маиший мақсадлар учун идишларга олиб қўйилган сув имкон қадар тезроқ ишлатилиши керак.¹

ДИҚҚАТ!

Ҳар бир ўқувчининг ўз кружкаси бўлиши зарур. Ё бўлмаса, уйдан баклажкада қайнатилган сув олиб келиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар ким фақат ўз баклажкасидан сув ичиши керак. Битта баклажкадаги сувни бир неча ўқувчи ичиши ёки ишлатилиши ман этилади.²



Ичимлик сувга нисбатан қандай гигиеник талаблар қўйилади?

Ўқувчиларнинг фикри	Норматив талаблар



Мактабда умумий гигиена

Нормага кўра, синфда 25 тагача ўқувчи бўлади. Ўқувчилар сони кўп бўлса, масалан, 35-40 тага етса, болалар чарчаб қоладилар, жойнинг торлиги уларнинг ўтиришини қийинлаштиради ва дарсларни ўзлаштиришга салбий таъсир кўрсатади.

Норма бўйича ҳар 8-10 ўқувчига битта умивальник қўйилиши керак. Кўпинча бутун бошли мактабда 500-700 ўқувчига атиги бир нечта, баъзида эса 1 ёки 2 тагина умивальник бўлади.

Қўлни артиш учун ҳаммага битта сочиқ бўлиши тўғри эмас.

Ёритиш - хоналарнинг кучсиз ёритилиши ўқувчиларда кўз касалликларини келтириб чиқаради.

Ҳаво алмашинуви – ҳаво алмашинувининг етарли даражада эмаслиги ўқувчиларнинг толиқиши, давомат ва ўзлаштиришнинг пасайишига олиб келади.²

ЎЙ ГИГИЕНАСИ

Ўйда ҳар бир ўқувчининг ўз ўқув хонаси бўлиши керак (стол, стул ва етарли даражада ёруғлик. Ёруғлик чап томондан тушиб туриши лозим).

Ўйда қандай гигиеник тадбирларни амалга оширишингизни ёзиб чиқинг.

Ўй ичида	Ҳовлида	Ҳожатхонада	Ванна/ душхонада	Омборхонада

Ўй – бу инсоннинг бутун фаолияти кечадиган жой. Ўй гигиенаси амалиёти дейилгандা, оилани номуносиб санитария билан боғлиқ бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш тушунилиб, куйидагиларни ўз ичига олади:

- ◆ Овқатланиш гигиенаси – соғлиққа хавфсиз таомларни пишириш, сақлаш, чиқиндиларни фойдали суратда ишлатиш.
- ◆ Шахсий гигиена, бунга қўл ювиш ҳам киради.
- ◆ Умумий гигиена (ҳожатхона, душхона ва бошқаларни, хоналарни тозалаш, чойшабларни ювиш).
- ◆ Оиланинг ҳар бир аъзоси, айниқса, кексалар ва болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш.
- ◆ Ўй ҳайвонларига ғамхўрлик кўрсатиш.
- ◆ Ҳашаротларни назорат қилиш.



Водопровод суви ва/ёки марказий канализация билан таъминланмаган жамоатлар куйидагиларга эътибор қаратиши керак:

- ◆ Одамларнинг ахлатларини хавфсиз утилизация қилиш;
- ◆ Ўй хўжалигига сувга тўғри муносабатда бўлиш ва уни талабдагидек сақлаш.¹



Ҳовлида:

Ҳовли тоза бўлиши, дарахтлар ва гуллар кўп экилиши керак.

Ҳожатхона ва омборхоналар уйдан 25 метр узоқликда жойлашиши, шамол ёмон ҳидни қарама-қарши томонга олиб кетадиган бўлиши зарур.²

Омборхонада алоҳида маҳсус кийимлар бўлиши керак (халат, қўлқоп ва резина этик).²





Сиз шахсий гигиенага амал қиласизми? Қандай қилиб?

Нима?	Қандай бажарилади?	Қанча муддатда?	Нимадан фойдаланилади?
Тиш			

Ўқувчининг шахсий гигиенаси

Ҳар бир ўқувчининг тиш пастаси, тиш чўткаси, тирноқ олиш асбоби, совун, сочиқ ва тароқдан иборат ўз гигиеник тўплами бўлиши керак.

Ҳар бир ўқувчи:

- ◆ Қўл ва оёқларини тоза тутиш учун тирноқларини вақтида олиши;
- ◆ Тишларини кунига камида икки марта тозалаши;
- ◆ Сочларини тоза тутиши, қўтириб касаллигини келтириб чиқарадиган бит ва каналарнинг жойлашиб олмаслиги учун орқага қараб тараб туриши керак.

Тери гигиенаси

Тери парвариши – шахсий гигиенанинг асоси. Тери ёш ва чиройли бўлиши учун уни доим тўғри парваришлаб туриш керак.

Бадан гигиенаси

Бадан гигиенаси – инсон маданиятининг биринчи белгиси. Агар сиз ўзингизга қарамай қўйсангиз, шахсий гигиенани унутсангиз, бу дарров кўзга ташланади. Инсон танаси яхши созланган механизм эканлигига қарамай, тўғри парвариш қилинmasa, ўзининг аввалги ҳолатини йўқотади ва киши оғриб қолади. Ётишдан олдин одам албатта юзи, бўйни, қулоқлари, оёғини ювиши, янаям яхшиси, душ қабул қилиши керак. Совуқ сув теридаги ёғ ва тангачаларни, майда ковакчалар ичидаги кирни йўқ қила олмайди, шунинг учун ювингандан илиқ сув, совун ва мочалкадан фойдаланиш керак.

Кийимлар гигиенаси

Кийим-кечак (гигиеник талаблар) ҳар қандай об-ҳавода организмдаги иссиқлик мувозанатини таъминлаши, шунингдек, танани механик жароҳатланиш ва ифлосланишдан сақлаши керак.

Тиш гигиенаси

Оғиз бўшлиғи катта эътиборни талаб қилади, сабаби, тиш муаммоси оғриқ азоби ва кўп харажатларга олиб келади. Тишни кунига икки марта тозалаш керак, энг яхшиси, овқатлангандан кейин. Одатда тиш нонуштадан кейин ва уйқуга ётиш олдидан ювилади, бунинг учун 1,5-2 дақиқа вақт кифоя қилади. Ҳар бир овқатланишдан кейин оғиз чайқалиши керак. Тишни юваётганда чўткани милкнинг ташқи ва ички томонларига теккизиб (милқдан тиш томонга қараб), ётиқ ва тик ҳолатда ишқаш керак.¹



Мактабда менструация (ҳайз кўриш)ни бошқариш

Юқори синфлардаги жинсий балоғатга етган қизларнинг бачадонидан табиий ва соғлом равишда секрет суюқлиги ва қон ажралиб чиқади. Бу жараён менструация (ҳайз, ой кўриш) деб аталади.

Мактабда гигиена бўйича асосий чораларни кўриш билан биргаликда қизлар учун зарур шароитлар яратиб бериш талаб қилинади:

- ◆ Эшиги ичидан илиб қўйиладиган ҳожатхоналар.
- ◆ Ҳайз кўриш пайтида фойдаланиш учун гигиеник таглик ёки санитария латталари.
- ◆ Қўлни ювиш учун совун ва сув.
- ◆ Ташқи жинсий органларни ювиш учун совун ва сув.
- ◆ Вақтинчалик оғриқ ва спазмнинг ўтиб кетиши учун ёлғиз қолиш мумкин бўлган жой.
- ◆ Ҳар 3-4 соатда алмаштириладиган бир марталик гигиеник тагликлардан фойдаланган маъқул.
- ◆ Гигиеник таглик ва санитария латталарини алмаштираётганда ташқи жинсий органларни совунлаб ювиш керак.
- ◆ Ишлатиб бўлинган гигиеник тагликларни целлофан пакетга солиб, ахлат идишига ташлаш керак.
- ◆ Қизлар ҳожатхонасидан фақат қизлар фойдаланади. Ҳар бир қиз ноқулай ҳолатга тушиб калака бўлмаслиги учун маҳсус ажратилган жойда ёлғиз қолиб, муаммоларини бартараф этиш имкониятига эга бўлиши лозим.



Қўлни совунлаб ювиш


Қўлни совунлаб ювиш энг муҳим гигиеник тадбирлардан бири бўлиб, кишини дизентерия, диарея ва ўткир респираторли касалликлардан ишончли тарзда ҳимоя қиласади.³

Ўқувчилар қўйидагиларни билиб олиши керак:

- Қўлни шунчаки сувда ювишнинг ўзи кифоя қилмайди – бунинг учун албатта совундан фойдаланиш зарур.

Қўл қачон ювилади:

- Ҳожатхонадан чиққандан кейин.
- Чақалоқнинг таглигини алмаштирганда.
- Овқат пиширишга киришишдан олдин.
- Овқатланиш ёки ўқувчиларга овқат бериш олдидан.
- Хом масаллиқларни тайёрлаб бўлгач (товуқ, мол-қўй гўшти, балиқ, тухум, ювилмаган сабзавот ва мевалар).
- Ифлос нарсалар ушланганда (ахлат идишлари, пол ювиш латтаси).
- Уй жониворларини ушлаганда.
- Қон ёки организмдан чиққан турли суюқликларга қўл теккизганда (инсон ахлати, қусқи ва бошқ.).
- Жароҳатларни боғлаганда, шунингдек, беморга қарагандан сўнг.
- Бурун қоқканда.






Санитария

Санитария – гигиена талабларига амал қилишга йўналтирилган амалий тадбирлар мажмуи, яъни, бошқача айтганда, санитария – бу гигиеник нормалар ва талабларнинг амалда қўлланишидир.

Санитариянинг асосий мақсади – одамлар соғлиғи ва фаровонлигини таъминлаш. Кундалик турмушда зарур санитария хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўриладиган тиббий-санитария чоралари касалликларнинг олдини олиш, одамлар ҳаётини сақлаб қолишда ёрдам беради. Бундай чоралар аҳолининг, айниқса, уй ишлари билан шуғулланиш пайтида ўз ҳаётини хавф остига қўядиган кўплаб одамларнинг турмуш сифатини яхшилайди.¹



- ◆ **Ишлаб чиқариш-санитария тадбирлари** – ишлаб чиқаришдаги заарли омилларнинг ишловчиларга (завод, фабрика, мактаб устахонаси ва тикув цехларида) таъсирини йўқ қилиш ёки камайтиришга қаратилган тадбирлар мажмуи.
- ◆ **Тураг жой-коммунал санитарияси** – аҳоли пунктлари, жамоат жойлари, ётоқхона, мактаб ва интернатларни ободонлаштириш билан боғлиқ тадбирларни ўз ичига олади.
- ◆ **Маший санитария** – мактаб ечиниш хоналари, дам олиш ва овқатланиш жойлари, мактаб устахоналари ва тикув цехларида мөхнат дарсларида шахсий гигиена билан боғлиқ тадбирлар.²

ТОПШИРИҚ

Учта гурухга бўлининг. Санитариянинг юқорида санаб ўтилган турларидан қайсилари мактабингиз ёки қишлоғингизда мавжудлигини аниқланг. Фикрларингизни синфдошларингиз эътиборига ҳавола қилиб, флипчартларда бутун синфга тақдим этинг.



Нажас ва ахлатларни хавфсиз йўқ қилиш


Инсон ахлати (нажас ва сийдик)ни санитария қоидалари асосида йўқ қилиш дизентерия ва диареяниң йўлига тўсиқ қўяди. Бунга эришиш учун одамларнинг ҳаммаси ҳожатхонадан фойдаланиши керак.

Ҳожатхонага кирмасдан, очиқ жойда ҳожат чиқариш мутлақо нотўғри бўлиб, санитарияга зиддир. Ҳар бир ўқувчи қуидагиларни билиши лозим:

- ◆ Очиқ жойда ҳожат чиқариш мумкин эмас – бунинг учун албатта ҳожатхона ёки маҳсус ажратилган жойлардан фойдаланиш керак;
- ◆ Нажасларни хавфсиз йўқ қилиш касалликларнинг олдини олади;
- ◆ Ҳожатхоналар доим тоза тутилиши керак.



Барча мактаблар ўз ҳожатхоналарига эга бўлиши зарур. Агар йўқ бўлса, ота-оналар, жамоатчилик ва маҳаллий маъмурият мактабга ҳожатхона куришда ёрдам кўrsatiши лозим.



Ҳожатхонадан фойдаланиш

Ўқувчиларга мактаб ва оиласда қазилган ҳожатхоналардан қандай фойдаланиш кераклигини ўргатиш талаб қилинади. Болалиқда тувакка ўтириб ўрганган айrim ўқувчилар ҳожатхонадан қандай фойдаланишни билмасликлари мумкин. Шунинг учун катталар вақт сарфлаб, уларга ҳожатхонада қандай ҳожат чиқариш кераклигини ўргатадилар.



Ҳожатхоналарнинг турлари, уларнинг қандай ишлаши ҳақидаги специфик маълумотларни маҳаллий органлар /ичимлик сув истеъмолчиларининг қишлоқ жамоатчилик бирлашмалари (СООППВ), қишлоқ соғлиқ комитетлари (ҚСК)/ ва халқаро ташкилотларнинг вакилларидан олиш мумкин (**ЮНИСЕФнинг минтақавий вакилликлари**).³



Ҳожатхона қандай тутилади

Ҳамма жойда, шунингдек, мактабларда ҳам ҳожатхона тоза бўлиши керак. Ҳожатхонани тоза тутиш бўйича кунлик вазифалар қуидагилардан иборат:

- Девор ва плиталарни чўтка билан тозалаш, полни супуриш ва ювиш.
- Ахлатни олиб чиқиш.
- Тозалаш воситаларини тўлиқлаш.
- Экосанитария ҳожатхоналарининг кул заҳирасини тўлиқлаш.
- Қўл ювиладиган совун ва сувни алмаштириш.
- Ҳожатхона эшиги ва ундаги қулфнинг ҳолатини текшириш.
- Ҳожатхона атрофини тоза тутиш, ўт ва ахлат бостирмаслик.



ТОПШИРИҚ



Мактаб ҳожатхонасининг аҳволи ҳақидаги фикрларингизни жадвалга ёзинг.

Муаммо	Яхшилаш йўллари	Қачон?	Ким?

Мактабни тоза тутинг

Ўқувчилар:

Тоза ичимлик сувни ер устидаги маҳсус жойларда, ҳайвонлар тегмайдиган ҳолатда сақлаш кераклигини;



Тоза ҳожатхоналардан
кўлни совунлаб ювиш
билишлари керак.³ фойдаланиб,
лозимлигини



Биз ҳожатхоналарни доим тоза тутиб, улардан қандай фойдаланилаётганини кузатиб борамиз.

Ахлат ва ифлос сувлардан холи хавфсиз спорт майдончамиз бор.

Фойдаланамизми-йўқми, биз барча санитария объектларини яхши ҳолатда ушлаб туриш учун кенг жамоатчиликни жалб этамиз.



Сув, санитария ва гигиена мактабдан ташқарида


Ўқувчилар ўз оиласи, жамоат ва ижтимоий гурухнинг муҳим аъзоси ҳисобланадилар. Улар муҳим коммуникатор сифатида ўрганганларини мактабдан ташқарида ҳам ёйиб, кенг жамоатга етказишлари керак. Ўқувчилар ССГ (сув, санитария ва гигиена) ҳар бир одам учун муҳим аҳамият касб этишини, ўзларининг соғлиғи ва яшаб турган жойлари учун ўzlари масъул эканликларини билишлари лозим.

- ◆ Касалликларнинг олдини олиш ва камайтириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар муваффақияти жамоатнинг ҳар бир аъзоси гигиена ва санитария соҳасида ибрат бўлиши лозимлигига асосланади.

Ўқувчиларни тарбиячилар ўрнига қўйиш

Ўқувчиларни тарбиячилар ўрнига қўйиш уларга ўзини ўзи баҳолаш имконини бериб, соғлом юриштуришини мустаҳкамлайди.

Ўқитувчи ўқувчиларга аниқ маълумотларни бериши, улар ўzlари ва одамлар учун тушунарли, қизиқарли бўлган материаллардан фойдаланаётганига ишонч ҳосил қилиши зарур. Атрофдаги муҳитни ўзгартириш, тенгдошлари билан таассуротларини ўртоқлашишга қандай юриштуриш таъсир қила олишини аниқлашда ўқувчиларга ёрдам керак бўлади.³



15-

ДАРС

Полизда СУВДАН ТҮҒРИ ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ

Янги сўзлар

СФА (АВП)	–Сувдан фойдаланувчилар ассоциацияси - қишлоқда фермерларни суғориладиган сув билан таъминлаш учун тузилган жамоат бирлашмаси, муассаса.
ҲСХБ	–Ҳавза сув хўжалиги бошқармаси - сув хўжаликларини бошқаришнинг вилоятлар даражасидаги давлат тузилмаси.
ТСХБ	–Туман сув хўжалиги бошқармаси – сув хўжалигини бошқаришнинг туманлар даражасидаги тузилмаси.
МЎЎБ	–Маҳаллий ўзини ўзи бошқаруви.
СФА ҚБ	–Сувдан фойдаланувчилар ассоциациясининг вилоят ва туманлар даражасидаги қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўлими.
ИХТ	– Ирригация хизматлари учун тўлов.
Табиат ресурслари	–Кишилик жамиятининг яшashi учун зарур бўлган ва хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган табиий манбалар.
Муҳим табиий ресурслар	–Ер, сув, ўрмонлар, яйловлар, табиий муҳит, кўмир, қимматбаҳо рудалар ва бошқалар.
Ресурс	–Захиралар, маблағларнинг манбалари, пул, капитал, технологиялар, усувлар, ҳаракат йўллари ва бошқалар.
Стратегик ресурс	–Сув. У мамлакат фаровонлиги, одамларнинг манфаати ва инсониятнинг глобал муаммоларини ҳал этиш учун қимматлидир.
ТСТ	–Томчилатиб суғориш тизими – экинларни томчилатиб суғоришни таъминловчи жиҳоз ва воситалар тўплами.

Глобал сув ҳавзалари ва уларнинг цикллари

Ерда барча тирик организмларнинг ҳаётини сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сайёрамиз юзасининг 75 фоизи океан ва денгизлар билан ўралган. Бу барча сув заҳиралари ҳажмининг 97,5 фоизини ташкил этади. Бу асосан шўр сув бўлиб, ичиш ва суғоришга ярамайди. Қаттиқ сувни ҳосил қиласидаган қор ва муз билан куруқликнинг 20 фоизи қопланган. Бу барча заҳиранинг 2,5 фоизини тузади. Бу музликлар, қор ёки чуқур ер ости сувларининг чучук суви бўлиб, одамлар томонидан истеъмол, саноат ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилади ҳамда унинг миқдори чекланган.

Аҳоли сонининг ўсиши, иқлим исиши муносабати билан чучук сувга бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб бормоқда ва шу сабабли чучук сув заҳирасидан тўғри фойдаланиш жуда муҳимдир.

Табиятда сув доимий айланишда бўлади ва у сув цикли деб аталади.



Глобал сув цикли, ёғинлар, буғланишлар, сиртқи оқимлар, шунингдек, ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамлар томонидан сувнинг доимий сарфланиши кўллар, дарёлар ва ер ости сувлари орқали таъминланади.

► ИЗОҲ:

Бу бўлимни тайёрлашда “Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш асослари” кўплланмасининг маълумотларидан фойланилди.

Лидия Плюсс, Паязидин Жоошов, Э. Текбаев, Бишкек – 2012 йил.



Дунё ва Қирғизистонда сув ресурсларининг муаммолари

Сув энди стратегик ресурсга айланиб бормоқда. Иқлим үзгариши сувни сақлаш деган янги атамани пайдо қилди. Ичимлик сувнинг танқислиги сабабли дунёда йилига 20 миллиондан ортиқ одам ўз уйларини ташлаб чиқиб кетади. **БМТ маълумотлари**га кўра, дунёning 43 мамлакатидаги 700 миллиондан ортиқ одам доимий равишда “сув стресси” ва танқислиги шароитида яшайди. Агар дунёда бугунги кунда асосий глобал муаммолардан бири энергияни сақлаш бўлса, иқлим үзгариши шароитида эса биринчи ўринга сувни сақлаш муаммоси чиқиб олади.

Экспертларнинг ҳисоб-китоб қилишларича, яқин келажакда дунёning кўплаб минтақалари, асосан, Африка, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиёда сув етишмаслиги юз беради.

Иқлим үзгариши

Қирғизистонда кейинги 50 йил ичидаги ҳаво ҳарорати 0,3-1,2°C даражага кўтарилиган. Келажакда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши иқлим қурғоқчилигининг кучайишига олиб келиши кутилмоқда.

Қирғизистонда сув. Қирғизистон сув ресурслари заҳираси бўйича Марказий Осиёда иккинчи ўринда туради. Қирғизистон тоғ тизмаларида кўп сонли дарё ва сойлар шаклланади, мамлакат ҳудудининг 4,2 фоизини музликлар майдони ташкил этади, 5237 дан ортиқ музликлар бор. Музликлар чучук сувнинг аккумуляторлари, дарёларнинг озиқ манбаларидан бири ҳисобланади. Тоғ музликларидаги чучук сув заҳиралари 650 куб метрга, кўлларда эса 1745 куб метрга тенг. Қирғизистон дарёларининг сув манбалари сифати яхши.

Республикада сув манбаларининг 94-96 фоизи суғориш ва қишлоқ хўжалигида сувга бўлган эҳтиёжни қондиришга ишлатилади. Суғориладиган ер майдони **1,1 миллион гектарга** яқин. 1 гектар суғориладиган майдонга республика бўйича ўртача **6500-8000 куб метр** сув керак бўлади.

Қирғизистонда сув танқислиги истеъмол даражасининг ўсиши ва катта қайтариб бўлмас йўқотишлиар, сиртқи ва ер ости сувларининг ифлосланиши, ишлаб чиқариш чиқиндилари туфайли атмосферада CO₂ аралашмаси миқдорининг кўпайиши ҳамда глобал иқлим үзгариши оқибатида сезила бошлади. Фақатгина кейинги 30 йил ичидаги музликлар майдони 15 фоизга камайди. 2100 йилга бориб музликларнинг астойдил эриши дарёларнинг умумий сиртқи оқиб кетишини 2 мартадан кўпроқ қисқартиши мумкин ва бу ҳолат энергетика ва қишлоқ хўжалиги учун жиддий муаммо туғдиради.

Иқлим ҳолатларидан ташқари сув заҳирасининг қисқаришига сув манбаларини унумсиз бошқариш таъсир кўрсатади. Мамлакатда кейинги йиллари суғориладиган сув танқислиги ва турли даражадаги сув жанжаллари анча кучайиб боряпти.

Сув бўйича қўшни мамлакатлар, ҳудудлар, туманлар, қишлоқлар ўртасида, айниқса, қурғоқчилик йиллари жанжаллар бўлиб туради.

Маҳаллий даражада, яъни қишлоқларда суғориладиган сув танқислигининг асосий сабаблари қуйидагилар:

- Дренаж – ернинг захини қочириш тизими билан паст даражада таъминланиш – умумий суғориладиган ҳудуднинг фақат 20 фоизи.
- Сувни нотекис тақсимлаш – каналнинг бошидаги одамлар мўл-кўл таъминланса, охиридагилар танқисликка учрайди.
- Кўплаб СФАда сувнинг ҳисоби юритилмайди, бунинг оқибатида СФА мироблари ва фермерлар ҳамда қўшни дехқонлар ўртасида турли жанжаллар келиб чиқади.
- Фермерлар томчилатиб, қисқа жўяклар билан, иккинчи жўяк орқали каби суғоришнинг оддий нам сақловчи технологияларини билмайди ва фойдаланмайди ҳамда турли қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режими (суғоришнинг муддати, меъёри ва давом этиши)га риоя қилмайди.
- **Суғориш ва сув тақсимлаш тизимларининг қониқарсиз техник ҳолати,** жиҳозларнинг ейилиши сабабли суғориладиган сувни йўқотиш.



Муаммоларни ҳал этиш йўллари


Сув ресурсларини бошқаришни яхшилашнинг асосий чоралари қуйидагилар:

- ◆ муаммоларни ечишнинг барча даражаларида аёллар ва эркакларнинг мувозанатли ваколатларини эътиборга олган ҳолда сувдан фойдаланувчилар ассоциацияси (СФА) ишини яхшилаш;
- ◆ суғориш тизимларини қуриш, таъмирлаш ва тозалаш;
- ◆ СФА ва фермерлар ўртасида жанжалларнинг олдини олиш учун СФАни сув ўлчовчи жиҳозлар билан таъминлаш;
- ◆ сувни ҳисобга олиш, сув манбаларини самарали тақсимлаш ва фойдаланиш усуслари бўйича СФА мутахассисларининг билим даражасини ошириш;
- ◆ барча СФАда ирригация хизматлари учун тўловни олинган сув ҳажмига қараб амалга ошириш;
- ◆ суғоришнинг турли нам сақлаш усусларини қўллаган ҳолда далаларда сувдан янада оқилона фойдаланиш.

Қирғизистонда бошқариш ва сув тақсимлаш тизими

Ҳозирги даврда Қирғиз Республикасида сув фондини бошқаришнинг кўп босқичли, тармоқли тизимидан фойдаланилмоқдаки, бунда сув бўйича алоқалар соҳасида вазифалар ва маъсулият турли вазирликлар ва идоралар ўртасида тақсимланган.

Қуйидаги схемада суғориладиган сувни тартибга солиш тақдим этилган:



СФА – Сувдан фойдаланувчилар ассоциацияси

СФА фермер ва дехқон хўжаликлари – СФА аъзоларига эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда сув етказиб беришни ташкил этади.

СФА тузилмаси



Аёллар ва эркаклар барча даражаларда вакил қилинади.



Ким СФА аъзоси бўла олади?


СФА хизмат кўрсатиш ҳудудида яшаб, 3 йилдан ортиқ муддатга фойдаланиш ҳуқуқи бор ер участкасига эга бўлган хоҳлаган аёл ёки хоҳлаган эркак СФА аъзоси бўла олади.

СФА органлари	Вазифа ва мажбуриятлари	
Ассоциациянинг бошқарув органлари	Умумий мажлис/ Вакиллар мажлиси	СФА уставини ишлаш, чора-тадбирларни режалаштириш жараённида қатнашадилар. Ҳисоботлар, бухгалтерия баланслари ва йиллик бюджетни тасдиқлайдилар. Кенгаш ва тафтиш комиссияси вакилларини танлаш қоидаларини ишлаб чиқадилар.
	Ҳудудий вакиллар	Қишлоқнинг ҳар бир ҳудудидан ҳудудий вакил танлаб олинади. Бу вакиллар йиллик бюджетлар, ҳисоботлар ва баланслар, иш режалари, аъзолик қоидалари, бадаллик тўловлари ва жарималар миқдорларини тасдиқлашда қатнашадилар.
	СФА Кенгаши	Кенгаш таркиби 5 кишидан кам бўлмайди. Кенгаш СФА фаолияти ва ижроия органини умумий назорат остига олади.
	Жанжалларни ҳал этиш бўйича комиссиялар	3-5 аъзодан иборат бўлади. СФАнинг турли даражадаги низо ва жанжалларини ҳал этишни тартибга солади.
	Тафтиш комиссияси	СФА ва раиснинг молиявий ҳамда иқтисодий фаолиятини назорат қиласи.
Ижроия органи	СФА директори	СФА уставига биноан фаолиятининг жорий бошқарувини амалга оширади.
	Бухгалтер ва кассир	СФА фаолиятининг молиявий ҳисоби.
	Инженер	Келаётган сув ҳажмини ва мироблар томонидан тақсимланишини ҳисобга олади, директор ва сувдан фойдаланувчилар билан бирга қишлоқлар учун суғориш графигини ишлаб чиқади.
	Мироблар	Сувни фермерлар далаларига тақсимлайди.
	Сувдан фойдаланувчилар	Ўз участкаларида сувдан тўғри/рационал фойдаланиш ва СФАга хизматлар учун ўз вақтида тўловларни амалга оширишга масъулдирлар.



Қишлоқларда сув узатиш схемаси

Бизнинг полизларга сув қаердан келади? Техник жиҳатдан суғориш тизими **сув манбай** (дарё ёки сув омбори), сувни қишлоқларга ва фермерларга етказиб бериши таъминлайдиган **магистрал ва тақсимлаш каналлари, суғориш ва сувни ташлаш ариқлари**дан иборат бўлади.




Суғориш усуллари

Суғоришининг турли усуллари:

- Ер устидан суғориш (пол олиб ва жўяклаб);
- Ёмғирлатиб суғориш;
- Томчилатиб суғориш;
- Майда зарраларга бўлиб суғориш;
- Тупроқ ичини намлаш ёки ер остидан суғориш;
- Бостириб суғориш.

Қирғизистонда суғориладиган ерларнинг 90 фоизида суғориш ишлари ер устидан суғориш усулида олиб борилади.



ЁМҒИРЛАТИШ – суғориш усули бўлиб, бунда суғориладиган сув босим остида ёмғирлатувчи аппарат билан ҳавога сочиб юборилади, майда томчиларга парчаланади ҳамда ўсимлик ва тупроққа ёмғир ҳолида тушади.

Бу кўп куч талаб қиласидиган усул бўлиб, ундан фақат бадавлат фермерларгина далаларида фойдаланишади. Бундан ташқари ундан кўпроқ уйда, полизларда, майсанзорларда ва санаторийларда фойдаланишади.



ЧЕКЛАРНИ БОСТИРИБ СУГОРИШ – энг қадимий суғориш усулларидан бўлиб, қисқа муддат ичидаги сув бостирилганда чидай оладиган экинларни ўстириш учун қўлланилади. Шунингдек, бундай усулдан тупроқни намлаш, ер шўрини ювиш ва шолипояларни суғоришда фойдаланилади.

ЖЎЯК ОЛИБ СУГОРИШ – Қирғизистонда энг кенг тарқалган суғориш усулларидан бири бўлиб, ҳозирги дамда ва яқин келажакда энг ишончли технология ҳисобланади, чунки у фермерлар учун янгилик эмас, лекин такомиллаштирилиши керак.



Томчилатиб сұғориш

Томчилатиб сұғориш – бу шундай усул бўлиб, унда ўсимликка сув бериш маҳсус томизғич орқали тўхтосиз сув узатиш йўли билан амалга оширилади.

Томчилатиб сұғориш тизими сув танқис жойлар, сұғорилмайдиган ёнбағирлар, текис бўлмаган ва тоғ олдидағи участкаларда; юқори даражада сув ўтказиб юборадиган тупроқларда (тошли, қумли, шағалли ва ҳоказо); сұғоришнинг бошқа усуллари (жўяқ тортиш ва пол олиш, ёмғирлатиш ва ҳоказо) кўлланилмайдиган ва самара бермайдиган ерларда ишлатилади.



Тизим қандай әкинлар учун ишлатилади?

- ◆ Боғдорчилик: ўриқ, олма, шафтоли, қўқонгилос, узум.
- ◆ Очик тупроқдаги сабзавотчилик: помидор, қалампир, бодринг, қулупнай, тарвуз, қовун ва бошқа юқори даромад келтирадиган қишлоқ хўжалиги әкинлари.
- ◆ Иссикхоналардаги сабзавотчилик.

Қирғизистонда ТСТдан фойдаланиш амалиёти



Боткен вилоятидаги кўчатхона.

Иссиккўл вилоятидаги боғ.



Томчилатиб суғориш тизими니 етказиб берувчиларнинг манзиллари

№	Ташкилот	Манзил	Телефон рақами
1	“АгроБазар” қишлоқ хўжалиги сервис кооперативи – Тарбизогли Ильгиз	Ўш шаҳри, Ленин кўчаси, 428	0773 11 95 29
2	“Капля Плюс” қишлоқ хўжалиги сервис кооперативи – Жоошов Паязидин	Бишкек шаҳри, Ак-Босого, Чуй, 55/21	0555 32 44 60 0705 32 44 60
3	Жалолобод Қишлоқ маслаҳат хизмати – Осмонов Нургази	Жалолобод шаҳри, Курманбек, 10	0770 87 01 02 0553 17 87 92
4	Кушбак Абдрамов	Ўш шаҳри	0553 00 65 96
5	Раҳмонберди Бурхонов	Ўш шаҳри	0550 28 60 62

Нотўғри суғоришда кўрилиши мумкин бўлган зарап

Суғоришда кўпинча хатога йўл қўйилади, масалан, фермерлар кўп ҳолларда суғоришининг энг қулай меъёрлари, муддатлари ва давом этиш вақтига риоя қилишмайди. Бу хатолар нимага олиб келиши мумкин?



1.	Тупроқнинг шўрланишига – текислик ҳудудида тез ва ҳаддан ташқари суғориш ер ости сувлари сатҳининг кўтарилишига олиб келади ва тупроқнинг тақрорий шўрланишига сабаб бўлиши мумкин.
2.	Тупроқ эрозиясига – ёнбағирдаги ерларни тез суғориш тупроқ юқори қатламининг ювилишига олиб келади.
3.	Ҳаддан ташқари суғоришда сувни ортиқча сарфлаш юз беради.
4.	Тупроқ унумдорлигининг пасайиши - озиқ моддалари ва ўғитларнинг суюқликда эриб ажralиб чиқишига олиб келувчи ҳаддан ташқари суғориш оқибатида юз беради.
5.	Тупроқнинг қотиб қолиши – ёмғирлатиб суғориш ёки бостириб суғориш тупроқ юзасининг тузилишини ёмонлаштиради ва натижада қатқалоқ ҳосил бўладики, у тупроқнинг ҳавога тўйинишини камайтиради ҳамда сувнинг сингишини қийинлаштиради.
6.	Ўсимликлар касалликларининг кўпайиши ҳам ҳаддан ташқари суғоришдан. Ўсимликларнинг илдизлари сувга ўта тўйингач, шикастланади ва шундай қилиб касалликларнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратилади.
7.	Етарли даражада суғорилмаса экиннинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги пасаяди, шунингдек, касалликлар ва зааркундалар юқиши кўпаяди.





Сувни йўқотишлар

Каналлардан фермерларнинг далаларигача бўлган йўлда 30 фоизгача сув йўқотилади. Йўқотишнинг сабаби шуки, каналлар таъмирланмаган, тўлиб қолган, ўт босган ва ўзани балчиқка ботган. Шунингдек, сувни йўқотишлар ҳаддан ташқари кўп суғорилган далаларда ҳам учрайди. Бундай пайтда сувнинг катта қисми тупроққа сингиб, ўзига “губка” каби тортиб олади. Далада йўқотилган сувнинг ҳиссаси берилган сувнинг 50 фоизигача тўғри келиши мумкин.



Суғоришнинг омиллари

Суғоришнинг меъёрлари, муддатлари ва тезлиги иқлим, сув ва тупроқ каби омилларга боғлиқ бўлади.

1. Иқлим.

Ҳарорат, атмосфера ёғинлари, ҳавонинг намлиги, шамол қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг сувга, демакки, суғоришга бўлган эҳтиёжига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ҳисобланади. Шундай қилиб улар қайси қишлоқ хўжалиги экинларини маълум иқлим шароитлари учун ўстириш зарурлиги юзасидан шарт яратишади.

ҲАРОРАТ. Иссик об-ҳавода одам кўпроқ суюқлик истеъмол қилади, чунки терлаш натижасида кўп сув йўқотади. Шунингдек, ўсимликларда ҳам юқори ҳароратда сув буғланиши кўпаяди. Демак, уларда ҳам сувни кўпроқ истеъмол қилишга талаб пайдо бўлади.

АТМОСФЕРА ЁГИНЛАРИ. Намликнинг етишмаслиги ўсимликларни суғоришга сабаб бўлади. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш учун бутун йил давомидаги эмас, вегетация даврида ёққанини ҳисобга олганда камида 400 мм ($4000 \text{ м}^3/\text{га}$) ёғин керак бўлади.

ҲАВОНИНГ НАМЛИГИ. Ҳавонинг намлиги ҳаво сувни қай даражада ютиб юборганини аниқлайди. Бу сувни йўқотишнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Агар ҳавонинг намлиги паст бўлса, у ҳолда сув кўп буғланади.

ШАМОЛ. Шамол қанчалик кучли эсса, буғланаётган юза ёнида ҳавонинг намлиги шунча паст бўлади, ҳаво ва тупроқ қуруқ бўлади ҳамда ўсимликларда суғоришга эҳтиёж ошади.

Сувни истеъмол қилишга шамолнинг таъсири



Манба: Helen Vukusin et al.: Production without destruction. Natural Farming Network ZW

2. Суғоришнинг тупроқ омиллари – тупроқ таркиби, тузилиши ва бошқа хусусиятларига боғлиқ ҳолда турларга бўлинади (қумлоқ тупроқли, қумли, қумоқ тупроқли, қумоқ қоратупроқли ва гил тупроқли) ва улар учун суғоришнинг тегишли меъёрлари белгиланган.

3. Қишлоқ хўжалиги экинлари (ўсимликлари) – улар ҳам суғориш омилларига киради. Ривожланиш фазасига қараб уларнинг қанчалик сув истеъмол қилиши аниқланади. Бунда қишлоқ хўжалиги экинини таърифловчи муҳим шартлар **илдиз тизими, ривожланиш фазаси, ўсимликлар барглари ва тупроқдан буғланиш ҳисобланади**. Улар турли экинларда фарқланади ва сувга бўлган талабни аниқлайди.





Транспирация: Үсимликларнинг илдизлари яшаш ва үсиш учун тупроқдан сувни сүриб ёки суғуриб олади. Бу сувнинг асосий қисми үсимликтин барглари ва пояси орқали буғ бўлиб атмосферага чиқиб кетади. Бу жараён транспирация (үсимликларнинг баргларидан буғланиш) деб аталади. Бу кўпинча кундузги пайтда рўй беради.

Эвапорация: Сув очик сув юзасидан атмосферага кун бўйи буғ ҳолатида буғланади. Худди шундай ҳолат тупроқ юзасида жойлашган сув билан ҳам юз бериши мумкин. Бу жараён эвапорация (тупроқ юзасидан буғланиш) дейилади.

Эвапотранспирация: Қишлоқ хўжалиги экинларининг сув истеъмол қилиши транспирация суммаси ва эвапорацияданд иборат бўлиб, у эвапотранспирация деб аталади.

Үсимликларни суғориш муддатини аниқлашнинг оддий усуллари

Суғориш муддатини тақсимлаш суғориш меъёридан фойдаланиш каби шунчалик муҳим: бир томондан қишлоқ хўжалиги экинига қанча сув зарурлигини билиш зарур бўлса, иккинчи томондан уни қачон суғоришни ҳам билиш керак бўлади. Биз дала шароитларида суғориш муддатини аниқлашнинг қўйидаги оддий усулларини тавсия этамиз.

Үсимликлар физиологик ҳолатининг белгилари бўйича (органалептик) усул.

Үсимликлар баргларини ушлаб кўриш усули

Үсимликларнинг баргларидаги намликтин миқдорини бармоқлар билан ушлаб билиш мумкин. Агар барглар эгилувчан, нисбатан совук, тўқ яшил рангли, мўрт бўлиб, буқкан пайтда характерли қирсиллаган овоз чиқса, экинни суғориш талаб этилмайди. Агар баргларнинг четларида кучсиз сўлиш кузатилса, унда 2-3 кундан кечикмай экин суғорилиши керак.

- ◆ Барг шапалогининг ўртасигача сўлиб, кўкимтири рангда бўлса, 1 кундан кейин суғориш зарур бўлади.
- ◆ Барглар эгилиб сўлиб қолса, зудлик билан суғориш талаб этилади.
- ◆ Бутунлай сўлиган (латта каби) ва ушлаганда иссиқ барглар шундан далолат берадики, үсимликларнинг “сувга ташналиги” бошланган. Бунда ҳатто зудлик билан суғорилганда ҳам 15 дан 30 фоизгача ҳосилни йўқотиш кутилиши мумкин. Яна бу шу нарсани кўрсатадики, ҳеч қачон тупроқни мушкул ҳолатгача қуритиб юбормаслик зарур.

Бу усулда шу нарсани ёдда тутиш керакки, уни эрталаб **соат 6-7 дан соат 9-10 гача ёки кечки пайт соат 17-18 дан соат 20-21 гача қўллаган афзал**. Бундан ташқари, унутмангки, кундузлари (июль-августда) иссиқ пайтида үсимликларнинг юқори транспирацияси сабабли барглар вақтинча сўлиши эҳтимол.

Тупроқнинг қайишқоқлик усули


- 1) 20-30 см чуқурлиқдан тупроқ олиб уни сиқиб, 1 м баландликдан ташлаб юборилади. Агар сиқимланган тупроқ ерга тушиб майда қисмларга бўлинмай, хамирдек ялпайиб ёрилса, у ҳолда етарли даражада намлика эга бўлади ва суғориш талаб этилмайди. Агар ўша тупроқ ерга урилиб, тўла майдаланса навбатдаги суғориш талаб этилади.
- 2) Диаметри 1 см қилиб тупроқдан шарчалар тайёрланади, сўнг ўша шарчалар диаметри 3 мм бўлган ипга думалатилади. Агар ип 1-2 мм узунликдаги бўлакларга майдаланмаса, бу тупроқда етарли миқдорда сув борлигидан дарақтир. Агар ип майда бўлакларга бўлинниб кетса, бу тупроқдаги сувнинг етарлича эмаслигини билдиради ва навбатдаги суғориш талаб этилади.



Полизларда сұғоришни яхшилаш үчүн оддий ёрдамчи воситалар

Дала ва полизларда сувни йўқотишин камайтириш үчүн оддий ёрдамчи воситалардан мосламалар тайёрлаш мумкин.


Полимер трубачалар түрли диаметрли (15-60 мм) бўлиб, узунлиги – 50-60 см. Полимер трубачалар жўякнинг бошига – жўяк дамбасига кўмилади. Бунда трубачалар жўяк тубидан 2 см юқори ва сув чиқарувчи жўяқдаги сув сатҳидан 3-5 см паст бўлиши керак. Трубача ўрнатилгач, қазилган жой тупроқ тортиб кўмилади ва трубача атрофидан сув сизиб чиқиб кетмаслиги үчун пухталик билан шиббалаб қотирилади.



ТРУБАЧАЛАР



БАКЛАЖАЛАР



ПЛЁНКА



Пластик бутилкалар минерал сувдан бўшаган, оғзининг диаметри – 20 мм, сув ўтказиш куввати - 0,15 л/с. Минерал сувдан бўшаган полиэтилен бутилкаларни жўякнинг бошига ўрнатиш худди полимер трубачаларни жойлаштиришга ўхшайди.

Бироқ, бир бутилканинг узунлиги жўяк дамбасини энламагани үчун 2 бутилкани тубларини кесиб ташлаб бирлаштириш тавсия этилади. Маҳкам бирлаштирилган бутилкалар (узунлиги 55 см бўлади) жўякнинг бошига кўмилади. Жўякни пластик бутилкалар билан мустаҳкамлаш полимер трубачаларга қараганда анча арzon тушади.

Полиэтилен плёнка – салфетка. Полиэтилен салфетка полимер плёнкадан 50×50 см ўлчамда қирқиб олиб тайёрланади ва жўякнинг бошига тўшалади.



СУГОРИШНИНГ СУВ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Харорат ва қурғоқчилликнинг ҳамда суғориладиган сув билан бөглиқ мұаммаларнинг үсишини ҳисобга олған ҳолда суғоришнинг инновацион сув сақлаш технологияларини күллаб, суғориладиган сувдан самарапироқ фойдаланиш фурсати келди.

Суғоришнинг сув сақлаш усуллари тупроқ унумдорлыгини сақлаб ва ҳосилдорликни ошириб, мавжуд суғориладиган сувдан самарапироқ ва тежамкорлик билан фойдаланиш, далаларда сувни тенг тақсимлаш, суғоришнинг меъёрларига риоя қилишга имкон беради. Шунингдек, суғориладиган сув ўта танқис ёки ҳатто йүк бўлган жойларда мослаштирилган, камхарж, самарапи технологияларни кўллашга йўл очади.

Ер устидан суғоришнинг сув сақлаш усуллари:


- ◆ Қисқа жўяклар бўйлаб суғориш;
- ◆ Иккинчи жўяқ орқали суғориш;
- ◆ Ўзгарувчан оқим билан суғориш;
- ◆ Импульсли суғориш;
- ◆ “Шарбат суви” усули;
- ◆ Контур суғориш.

Қисқа жўяклар бўйлаб суғориш

Кўплаб фермерлар ўз далаларида вақтдан тежаш учун узун жўяклардан (200 м дан 700 м гача) фойдаланишади. Бироқ, узун жўяклар орқали суғоришда жўякнинг бошлари ҳаддан ташқари сувга тўйиб, этакларига сув етмайди. Қисқа жўяклар орқали суғоришда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ва ернинг қиялигига қараб қисқа жўяклар тортилади. Айниқса, бу енгил тупроқ учун жуда қўл келади.

Фойдаси:

Суғориш анча тезроқ ва сифатлироқ амалга оширилади, тупроқ бир текисда намланади ва ўсимликлар бир хил суръатда ўсади; суғориш вақти ва суғориладиган сув тежалади. Суғоришнинг ушбу технологияси озроқ жисмоний харажат ва вақт талаб қиласи, бироқ тупроқнинг намланиши жўяк бўйлаб бир текисда кетади.



Қисқа жўякдан фойдаланиш бўйича фермернинг амалиёти:

Фермер А. Касимов 0,5 га ерда пахта ўстиради. Илгари оддий усул – узун жўяк бўйлаб суғорарди. Даласининг узунлиги – 640 м, жўягининг узунлиги эса 160 м эди. Суғориш меъёри - 1 га ерга 5184 м³. 2012 йили у қисқа жўякларда суғориш усулини кўллади. Жўягининг узунлиги – 80 м. Суғориш меъёри 3456 м³/га гача пасайди. Пахта ҳосилдорлиги “узун жўяк” усулига нисбатан 20 фоизга ошди.

Фермернинг қисқа жўякдан фойдаланиш бўйича фикр ва қузатувлари:

- ◆ Тупроқда намлик жўяк бўйлаб анча текис тақсимланади.
- ◆ Тупроқнинг ҳосилдор қатлами озроқ ювилади.
- ◆ Суғоришга сарфланган сув ва вақт тежалади, ҳосил мўл бўлади.



Иккинчи жўяқ орқали суғориш

Бундай суғоришда сув ҳар иккинчи жўяқка берилади, биринчи жўяқ қуруқ туради, яъни сувни жўяклар бўйлаб беришни шундай алмашлаш мумкин: биринчи суғоришда сув 1, 3, 5, 7-жўякларга берилади, иккинчи суғоришда эса 2, 4, 6, 8-жўякларга берилади. Ушбу усул қўллашга жуда енгил, бироқ, сув вертикал эмас, кўпроқ горизонтал йўналиш бўйлаб юриши учун ўзига мос тупроқ талаб қиласди. Бу усулдан қумли тупроқларда фойдаланиб бўлмайди. Ҳар бир жўяқ бўйлаб суғоришга нисбатан кўп сув оқимини талаб қиласди.



Фойдаси:

30 фоизгача сув тежалади; ёввойи ўтлар камаяди; тупроқнинг шўрланиши ва ўсимликларнинг шикастланиши озаяди; саёзроқ суғориш мумкин (масалан, сабзавотлар учун). Фалла ва кўп йиллик ўтлардан ташқари амалда ҳамма экинларни суғориш мумкин.

Импульсли суғориш

Сув оқими жўяқка қисмларга бўлиб берилади, яъни дастлаб сув жўякнинг 1/3 қисмигача минимал сарф билан берилади ва тўхтатилади. Орадан 20 дақиқа ўтгач, жўякнинг 2/3 қисмигача ўртacha сарф билан берилади ва тўхтатилади. Яна 20 дақиқадан сўнг сув максимал сарф билан берилади ва жўякнинг охиригача чиққанда сувни ташлаб юбориш ўлчамига қараб сарф камаяди.



Фойдаси:

- ◆ Сувдан фойдаланишининг юқори самарадорлиги.
- ◆ Жўякнинг барча узунлиги ва чуқурлигига тупроқнинг бир текис намланиши.
- ◆ Ҳосил анча текис ва юқори.
- ◆ Сувни ташлаш озроқ бўлса, сув тежалади.

Таваккалчилик:

- Ушбу усул мураккаб ва ўқиш ҳамда илмий тажриба ўтказишини талаб қиласди.
- Қумли ва тошли тупроқларда суғоришнинг давомийлиги тезлаштирилиши мумкин.
- Ушбу усулни ҳар бир дала учун алоҳида мослаштириш зарур.




“Шарбат суви” усули

Бу технологияда даланинг бошига эни 2 м, узунлиги 5 м ва чуқурлығи 0,5 м үра тайёрланади. Остига плёнка тұшалади ва ичига илгари тайёрлаб қойилған органик үғитлар ташланади, сув тұлдирилади ва 3-5 кунға ачитиш учун қойилади.

Сув көлтирувчи канал бүйлаб оқаётган сув даланинг бошидаги “шарбат үраси”га тушади. Сув автомат рацишда “шарбат” ва озиқ моддалар билан аралашади ҳамда бу әртма жүякларға ва тупроққа сингиб кетади. У ерда сувда эригач, түғридан-түғри үсимликларнинг илдизлари ҳазм қилиб юборади.

Натижада тупроқдаги намлиқ пайдо бўлган юпқа мульча қатлами ҳисобига узоқроқ сақланади. Тупроқ гумусга тўяди, ундаги озиқ режими яхшиланади.



Үғит учун зарур материаллар, уларнинг меъёrlари ва суғоришлар сони:

- ◆ Ярим чириган гүнг – 500-600 кг/га.
- ◆ Товуқ ахлати – 100-120 кг/га.
- ◆ Бошоқли дон экинлари – 2-3-вегетацион суғориш, поя чиқара бошлагандан в а дони етилаётганда, суғориш меъёри - 1000-1300 м³/га.
- ◆ Маккажүхори дон учун – 8-10 барг чиқарғандан бошлаб доннинг сут олган думбул вақтигача “шарбат” билан 2-4 суғориш.
- ◆ Картошка – гуллаш даври ва тугунак шаклланғандан 2-3 суғориш.

Таваккалчилик:

- Янги гүнгдан фойдаланиш далаларда ёввойи үтлар босишини кўпайтириб юбориши мумкин.
- “Шарбат суви” учун органик үғитларни олдиндан тайёрлаб қойиш зарурати (гүнг – ярим чириган, товуқ ахлати – ачиғандан кейин).
- “Шарбат суви”дан ер ости сувлари яқин бўлган участкаларда фойдаланиб бўлмайди.

Контур суғориш

Контур жүяклардан 25 фоиз (0,25) дан юқори қиялиги бор тұғри участкаларда тупроқ эрозияси хавфини камайтириш учун фойдаланиш мумкин.

Контур жүякларнинг тузилиши айрим меңнат харажатларини талаб этади, бироқ қилингандар ҳаракатлар үзини оқлайды – ердан құшимча даромад олиш мүмкінки, уни бошқа йўл билан топиб бўлмайди.



Адирларда ёмғир сувини тұплаш

Суғориладиган сув етиб бориши қийин бўлган участкаларда, шунингдек, боғ барпо этиш мақсадида қайроқи (суғорилмайдиган) ёнбағирларни ўзлаштириш учун ёмғир сувини тұплаш технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади. Қияликдан иборат участкаларда ўра қазилади ва унинг туби ва деворлари лойсувоқ қилинади. Ўрага плёнка тұшалади ва унинг атрофида ёмғир суви тұпланадиган жой ҳозирланади. Сўнг ўранинг усти ёпилади ва пақирда сув олиш учун жой қолдирилади. Бу резервуарларни етарли миқдорда пул бўлса бетонлаштириш мумкин. Бу уларнинг хизмат кўрсатиш муддатини узайтиришга имкон беради. Плёнкадан фойдаланиш – анча тежамли усул. Бироқ, хизмат кўрсатиш муддати бетондан кўра озроқ, албатта, шунинг учун вақти келиб эскиргач, плёнкани алмаштириш керак бўлади. Қишки ва баҳорги ёғинлар давомида резервуарда сув тұпланади. Ундан фермер мавсум пайтида мевали дараҳтлар ва полизларни суғориш учун фойдаланиши мумкин.

Кўплаб қурғоқ ва ярим қурғоқ ҳудудларда ёмғир сувини тұплаш катта потенциалга эга ва улкан ресурс ҳисобланади, гарчи кўпинча ерларни қайта тиклаш ва қайроқи ерлардан сермаҳсул фойдаланиш аслида қўллаб-куватланса-да, амалда ишламай қоляпти.



Ўранинг тепасини текислаш ва деворларини суваш. Сувни тұплаш учун жой ҳозирлаш.



Резервуар ичига плёнкани жойлаштириш.

Резервуарни ёпиш.



Демо – қайроқи ёнбағирда боғдорчилік учун ёмғир сувини түплаш бўйича участка. Боғнинг ўлчами – 0,30 га.

Ўстирилаётган экинлар: ўрик, узум, бодом, олма.

Подак қишлоғи, Олабуқа тумани, демо-фермер Холмурод Туранов (ўнгдаги суратда).

Уйларнинг томларидан ёмғир сувини түплаш

Уйларнинг томларидан ёмғир сувини түплаш янгилик эмас, бу амалиёт айрим қишлоқ фуқаролари ўртасида Совет Иттифоқи давридан қўлланиб келган. Томлардан оқова трубалари ёрдамида ёмғир сувлари унчалик катта бўлмаган идишлар (темир баклар) га қўйилган. Бироқ, бу амалиёт етарли ҳажмда қишлоқ фуқаролари ўртасида ёйилмади. Кўплаб қишлоқларда агромавсум қизиган паллада ҳамқишлоқлар ва айниқса янги курилган уйлар яшовчилари сувга бўлган катта навбат ва ариқларда сувнинг йўқлиги сабабли полизларини суғора олишмайди, ўз оиласлари учун сабзавотлар ўстира олишмайди. Шундай муаммолар учун уйларнинг томларидан ёмғир сувини түплаш технологиясидан фойдаланиш амалиёти тушунарли ва оддий ечим бўлиб қолиши мумкин, чунки Қирғизистон етарли миқдорда ёғинлар ва яхши потенциалга эга.

Худудларга боғлиқ ҳолда Қирғизистонда ҳар йили 300-600 мм ёғинлар ёғади, бу иилига ҳар квадрат метр ерга 300-600 литр ёмғир суви тұғри келади демақдир. Агар биз хисобга 400 мм деб олсак, фермер уй хўжалигининг участкаси ўртача тахминан 80 м²ни қопласа (гарчи Қирғизистонда кўплаб уйлар бундан каттароқ), томга ёғадиган ёмғир сувининг йиллик миқдори тахминан 32 000 литр ёки 32 м³ ни ташкил қиласди.

Агар фақат 50 фоиз ёмғир суви түпланса, уйлар томларининг ёмғир сувини түплаш имконияти тахминан 16 м³ ёки 16 000 литр, яъни полизларда сабзавотлар ўстириш учун бу етарли даражада кўп сувдир.

Томлардан ёмғир сувини түплаш учун зарур қадамлар томнинг чеккаларига оқова трубаларини ўрнатишни ўз ичига оладики, уларга томлардан ёмғир сувлари оқиб тушади. Шунингдек, умумий труба ёки шланг ҳам ўрнатиладики, унинг бир учи тўпловчи идиш – пластик бочкалар, темир баклар, бетон ёки оддий плёнкали кудуқларга уланади.

Ҳозир кўплаб қишлоқ фуқаролари пишиқ-пухта ва анча узоқ муддат фойдаланиш мумкин бўлган бетон қудуқлар қуришяпти. Бироқ, мос равиша етарли даражада сарф-харжат талаб қиласди. Плёнкали кудуқлар анча арzon вариант бўлиши мумкин, бунда кудуқ учун тайёрланган ўра одатда икки қаватли плёнка билан қопланади, устидан эса қопқоқ ёпилади. Қудуқларда тешик ҳам ҳозирланиб, ундан суғориш учун сув олинади. Полизнинг жўякларига тўғридан-тўғри сув узатиш учун электр насоси ўрнатиш ҳам мумкин.



Шундай қилиб, қишлоқ фуқаролари уйлар томларидан ёки саройлардан ёмғир сувини түплаш технологиясидан фойдаланиб, ўзларини суғориладиган сув билан таъминлай оладилар ва ўз полизлари, иссиқхоналарида сабзавотлар ўстира оладилар, суғориладиган сувдан чиқадиган жанжалларни пасайтира оладилар, шу билан бирга курғоқчиликдек иқлим ўзгаришининг оқибатларига тайёр туришлари зарур.



Ёмғир сувини түплаш орқали уй хўжалигини сув билан таъминлаши тизими.
(www.emas-international.de)

Бу фермер
Тожикистанда
уйнинг томидан
ёмғир сувини
түплаш учун оддий
плёнкали қудук
барпо этди.



Сурат муаллифи: Франк Ловен



Мульчалаш

Ёз мавсумида қүёш нурлари ва радиация тупроқтарнинг ҳимояланмаган юзаларининг ҳароратини турли даражаларгача ошириб юборади, үсимликлар, айниқса, ёш күчатлар ва тупроқ организмларигача шикаст етказади.

Эвапорация сабабли сувни йўқотишни камайтириш, шунингдек, тупроқ организмлари ва ёш күчатларга қулай турмуш шароитларини яратиш учун мульчадан фойдаланиш содда, шу вақтнинг ўзида жуда фойдаланылади.

Мульчалашнинг үсимликлар бўйига таъсири



Манба: Helen Vukusin et al.: *Production without destruction. Natural Farming Network ZW*

Мульчанинг ҳар хил турларидан дараҳтлар кўчатларининг атрофи ёки турли қишлоқ хўялиги экинларининг жўякларида тупроқнинг юзасига ёпиш учун фойдаланилади. Кўпинча органик материаллар – барглар, шохлар, сомон ишлатилади.

Бироқ, қофоз, қум, графит каби материаллардан мульчалашда фойдаланиб бўлмайди.



Жўяклардаги сабзавотларни мульчалаш.




Мевали дараҳтларни мульчалаш.

Суратлар муаллифи: Франк Ловен







6 БҮЛИМ

Полизда ишлаш



160-бет

Ер ресурсларини барқарор бошқариш

170-бет

Ердан рационал фойдаланиш ва
компост тайёрлаш

181-бет

Полизда ишлаш

193-бет

Сувдан самарали фойдаланиш

16
ДАРС

ЕР

РЕСУРСЛАРИНИ

БАРҚАРОР БОШҚАРИШ

Янги сўзлар

Табиий ресурс

бу атроф-муҳитнинг чекланган элементи. Ер, сув, ҳаво, ўсимликлар ва жониворлар табиий ресурсларга киради.

Табиий ресурсларни бошқариш

табиий ресурслардан рационал фойдаланиш йўли билан барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш.

Экология

тирик организмлар ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Экотизимда тирик организмлар бир-бири билан турлича боғланишда бўлади. Биргина омилнинг бузилиши ёки барбод бўлиши бутун бир тизимни мувозанатдан чиқариши мумкин.

Озиқ моддалари

ўсимликлар ёки жониворларнинг ўсиши учун зарур бўлган энергетик ресурслар.

Йиртқичлар

этхўр жониворлар.

Хлорофилл

ўсимликлардаги хлоропластларга яшил тус берувчи пигментлар. У қуёшдан келадиган ёруғлик энергиясини тутиб қолиб, уни ўсимликнинг ўсиши учун зарур бўлган шакар моддаси ва крахмалга айлантиради.

Қишлоқ хўжалик экология тизими

қишлоқ хўжалик тизимида тупроқ, ўсимликлар ва жониворлар олами ўртасидаги ўзаро алоқадорлик.

Тупроқ эрозияси

тупроқ унумдор қатламига зарар етиши, шамол ёки сув таъсирида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши. Таркибида органик моддалар бўлмаган, юзасини ўт-ўлан қопламаган тупроқни шамол осонлик билан учирив кетади, сув юваб ташлайди. Тупроқ эрозияси ернинг ҳолсизланишига, таркибида органик моддалар бўлган қатламнинг йўқолишига олиб келади.

Гумус

ジョンворлар жасади ва ўсимликларнинг чириши натижасида ҳосил бўлган органик бирикмалар.

Мульча

сувнинг тез буғланиши ёки тупроқнинг тўнғишига йўл бермаслик мақсадида ер бетига ёпиладиган материал қатлами. Бу вазифани табиий органик модда ёки полиэтилен плёнкасига ўхшаш саноат ишлаб чиқариши чиқиндилари бажара олади.



Табиий ресурслар нима?

Табиий ресурс		Аҳамияти
Ер	Тупроқ	Агар тупроқ унумдорлигини йўқотган бўлса, унда ҳеч нарса ўсмайди.
	Дарё, анҳор, океанлар	Тупроқ намни ўзида тутиб қолади. Тупроқдаги озиқ моддалари сувда эрийди ва ўсимликларни озиқлантиради.
	Ўсимликлар	Жониворлар қуёш энергиясини ўзига ютиб шакар моддаси ва крахмалга айлантирадиган ўсимликлар билан озиқланади. Ўсимликлар, шунингдек, ҳавони кислород билан бойитади.
	Жониворлар дунёси	Ўлган жониворларнинг қолдиқлари ўсимликлар учун озиқ моддаларига айланади.
Иқлим	Ҳаво ҳарорати (иссиқ/совук)	Иқлим тупроқ ҳароратига, ўсимликлар ва жониворларнинг ўсишига таъсир қилади, шунингдек, жониворларнинг энергияга бўлган эҳтиёжини қондиради.
	Ёғингарчилик (ёмғир/қор)	Ёғингарчиликнинг миқдори, унинг географик ёйилиши ва давомийлиги бутун йил давомида ўсимликларнинг ривожи ва тупроқ эрозиясига, шунингдек, жониворларнинг энергияга бўлган эҳтиёжига таъсир кўрсатади.
	Намлиқ	Ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликка боғлиқ.
	Шамол	Ўсимликлар ва жониворларнинг ўсишига, тегишли тарзда ривожланишига таъсир ўтказади. Тупроқ эрозиясини келтириб чиқариши мумкин.
	Қуёш нури	Қуёш нурисиз атроф-муҳит мавжуд бўла олмайди. Ўсимликлардаги хлорофилл қуёш нурини ютиб, шакар моддаси ва крахмалга айлантиради. Йил давомида қуёшли кунлар миқдорининг ўзгариши жониворларнинг кўпайиш мавсумига ўз таъсирини ўтказади.
Денгиз сатҳидан баландлик	Тоғлар	Баланд тоғли жойларда атроф-муҳит водийлардагидан фарқ қилади. Баланд тоғ яйловларидағи ўсимлик ва жониворлар олами водий жойлардагидан фарқланади.
	Водийлар	Ҳавода кислород қўп бўлади. Агар ҳарорат ўртамиёна бўлса, ўсимликларнинг ривожига яхши таъсир қилади.
	Текисликлар	Текисликларда иссиқ кучли бўлади, шамол эсиб, қурғоқчилик рўй беради.
Атмосфера	Кислород	Ўсимликлар ва жониворлар учун зарур бўлган модда.



Озиқ моддаларининг табиий айланиши (цикл)

Озиқ моддаларининг табиий айланишини оддий ҳаракат тизими кўринишида намойиш этиш мумкин.

Тирик жонзот борки, барчаси энергияни қуёшдан олади. Ўсимликларда бу энергия шакар моддаси ва крахмалга айланади. Ўсимликлар қўшимча озиқни тупроқдан олади. Ўсимликларни эса ўтхўр ҳайвонлар ейди. Ўтхўр жониворларни ейдиган этхўр ҳайвонлар ўлганидан кейин чириб, тупроқка қўшилиб, унинг таркибини яхшилайди. Бундай озиқ моддалари қуёш нури билан бир қаторда ўсимликларнинг ўсишини таъминлайди. Бу цикл йил сайин такрорланаверади.



Инсоннинг экологик циклга таъсири

Экологик алмашинув цикли ғаройиб жараён бўлиб, одамлар озиқ-овқат, кийим-кечак, қурилиш материаллари, тирикчилик учун зарур бўлган барча ресурсларни табиатдан олганликлари учун ҳам уни осонлик билан бузишлари мумкин. Бундай аралашувнинг атроф-муҳитга зиён етказмаслиги ўта муҳим. Одамларнинг табиатга доимий салбий аралашуви бутун инсоният келажагини хавф остига қўяди.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, атроф-муҳитга энг катта зарарни одамлар етказадилар. Бугунги кунда кўпчилик олимлар одамларни сайёрамизда ҳароратнинг кўтарилиб кетиши, ёғингарчиликнинг нормадан ортиши, шунингдек, шамол хусусиятининг ўзгараётганлигига айблашмоқда. Бир пайтлар қор билан қопланиб турадиган тоғлар кескин иқлим ўзгаришлари туфайли бугунги кунда қорсиз қолди.



Инсон табиий ресурслардан ўзи пайдо бўлгандан буён фойдаланиб келади. Аҳоли сонининг тез ўсиши ва индустрIALIZация табиий ресурслардан интенсив ва норационал фойдаланишга олиб келди. Афсуски, турли мамлакатлардаги барча одамлар ҳам экологик мувозанатнинг жуда нозик эканлигини тушунмайдилар. Экологик мувозанатнинг бузилиши ёки табиий ресурслардан ҳозирги суръатларда фойдаланиш келажак авлодларни қийин ахволга солиб қўйиши мумкинлиги тўғрисида ким бош қотиради?

Қирғизистон аҳолисининг ўсиши

Йиллар	Аҳоли сони, млн.
1900	1 284
1950	1 740
2000	4 685
2005	5 329
2050	7 394
	Қирғиз Республикаси Миллий статистика комитети

Аҳоли сони ўсиб бориши билан дехқончилик қилинадиган ерларда турага жойлар, йўллар ва заводлар қурилаётганини ерлардан тўғри фойдаланишни долзарб вазифага айлантироқда.

Экология ва полиз

Ҳар қандай бизнесни очиш ва юритишда унинг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсирини ўйлаб кўриш керак. Ҳатто полизни бунёд этаётганда ҳам бу ишнинг атроф-муҳитга таъсирини мулоҳаза қилиб кўришимиз, ўз ҳаракатларимизни агротехниканинг замонавий ва барқарор усусларига таяниб амалга оширишимиз зарур.

Қишлоқ хўжалик экотизими моҳиятини тушуниш экинлар етиштириш ва жониворларни парвариш қилишимизда ёрдамга келади. Ўз навбатида бу билимлар ёрдамида атроф-муҳитдан нималарни талаб қилмаслик лозимлигини билиб оламиз.



Қишлоқ хўжалиги экотизими



Қишлоқ хўжалиги экотизими табиатнинг экологик тизимидан қўйидаги белгилар билан фарқланади:

- фойдаланилган ресурслар заҳирасини тўлдириш;
- кўпинча мазкур худудда учрамайдиган турли ўсимликлар ва жониворларнинг сони;
- химикатлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида тупроқдаги фойдали микроорганизмларни билмасдан йўқ қилиш;
- фермер хўжалигида иқлимини тартибга солиш ва тупроқдан рационал фойдаланишга қаратилган тадбирлар ўтказишга эҳтиёжнинг мавжудлиги.

Фермер хўжалиги ишини назорат қилиш, мувозанатни таъминлаш, шунингдек, зарурат туғилганда ишлов берилаётган участкада ресурсларни тузатиш ва тиклаш фермернинг бурчи ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги экотизими модели кўрсатиб турганидек, тупроқ, ўсимликлар ва жониворлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик бир-бирларининг ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсир қиласи.

Хозирги пайтда Қирғизистонда тупроқда органик моддаларнинг етишмаслиги кузатиляпти. Етарли органик моддаларга эга бўлмаган тупроқ ёзда ҳаддан ташқари исиб, қишида қаттиқ совиб кетади. Тупроқда органик моддалар, чувалчанг ва қўнғиз каби микроорганизмларнинг бўлиши унинг таркибини яхшилайди. Бу эса ўсимликларнинг тез ривожланишини таъминлайди ва уларни истеъмол қиладиган жониворларнинг ўсишини тезлаштиради.





ТОПШИРИҚ

Ўқувчилардан жуфтликларга бўлиниб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган томорқа суратини дикқат билан ўрганиб чиқишларини илтимос қилинг. Сўнгра қўйидаги жадвални тўлдиринг.



Инсон фаолияти туфайли келиб чиқсан муаммолар	Муаммони ҳал этиш бўйича таклифлар

Синфга жадвалнинг мазмунини сўзлаб бер. Синфдошларинг билан бирга бешта асосий муаммони, уларни ечиш йўлларини муҳокама қил. Натижаларни доскага ёз.



Тупроқнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Тупроқнинг унумдорлиги паст бўлса, унга экилган ўсимликлар ва уларни ейдиган жониворлар ривожи қониқарсиз бўлади. Навбатдаги жадвалда тупроқнинг унумдорлигини оширишда ёрдам берадиган омиллар санаб ўтилган.

Бошланғич геологик тузилиш	Ҳосил бўлган тупроқ тури	Тупроқнинг табиий унумдорлиги	Тупроқ ўзгаришининг эҳтимолий омиллари	Қирғиз Республикасида географик жойлашуви
Вулқон отилиши натижасида пайдо бўлган	Асосан гилли тупроқ ва қумоқ ер, бироқ гранитли тупроқ қумли бўлиши ҳам мумкин.	Жуда унумдор бўлиши мумкин, гранит тупроқда эса ҳосил унмайди.	Таркибида катта миқдорда фосфор бўлиши мумкин, аммо ерга азот, фосфор ва бошқа сунъий ўғитлар, шунингдек, органик ўғит солмаса бўлмайди.	
Ётқизиқ-ларнинг мавжудлиги	Асосан, қумли ва қумоқ тупроқли.	Унумдорлиги паст, айрим жойларда ҳаддан ташқариnochор.	Азот, фосфор ва бошқа сунъий ўғитлар, шунингдек, органик ўғит билан озиқлантириш керак.	
Аралаш	Гилли ва қумли тупроқ	Ўртадан пастга қараб	Органик ўғитлар солиш талаб қилинади.	


ТОПШИРИҚ



Сўнгги устунни география дарсида тўлдир.

Тупроқ эрозияси

Таркибида органик моддалар бўлмаган тупроқ ҳатто кучсиз ёғингарчиликда ҳам жиддий зиён кўриши, масалан, эрозияга учраши, сув тагида қолиши мумкин.



Тупроқ қатлами сув остида қолганда, ёмғир туфайли бўладими ёки томчилатиб суғорилгандами, сув гравитация кучи ёрдамида тупроқнинг таркибини айнитади.

Қандай қилиб тупроқ эрозиясининг олдини олиш мумкин?

- Тупроқни ёмғирдан ҳимоя қилиш учун унинг устки ва ички қатламига органик ўғит солиш керак.
- Тупроқни шамол таъсиридан ҳимоя қилиш учун ернинг устига дарахт шохлари ва ўсимликларни ташлаб қўй.
- Ёнбағир жойларда сув оқимини пасайтириш учун ташламалар қил ва сув йўлига зинасимон тўсиқлар қўй.



Тупроқдаги органик моддалар

Органик моддалар тупроқ учун ниҳоятда зарур ҳисобланади. Органик модда асосан ўсимликлар ва жониворлар жасадининг чиришидан пайдо бўлади, бунинг натижасида **гумус** ёки қоратупроқ ҳосил бўлади. Гумус тупроқ унумдорлигининг асосидир, нимага деганда, унинг таркибида ўсимликлар ривожини тезлатувчи барча зарур моддалар мавжуд. Ер устини сомон ёки органик ўғит билан ёпиш ҳам тупроқда органик моддаларнинг кўпайишига олиб келади.

Тупроқдаги организмлар

Ишониш қийин, лекин бу - ҳақиқат:

Ўн сантиметр қалинликдаги ер қатламида яшовчи тирик организмларнинг вазни ер устида ҳаракатланувчи одамлар ва жониворларнинг вазнига нисбатан беш марта ортиқдир. Бундай тирик организмларга ўсимликларнинг илдизи, бактериялар, чувалчанглар, қўнғизлар, қирқоёқ ва чумолилар, шунингдек, тупроқдан овқат топиб ейдиган типратиконлар киради.

Фермерлар ўсимлик зааркунандаларини йўқ қиласиз деган ўй билан тупроқка химикатларни сочадилар, аммо бу билан фойдали организмларни ҳам йўқ қиласилар. Химикатлар ўта кўп миқдорда ишлатилса, иқтисодий нуқтаи назардан олиб қараганда, салбий натижаларни келтириб чиқаради. Химикатларни қўлланишдан олдин ҳар доим мутахассислардан маслаҳат олиш керак.

ТОПШИРИҚ



Тўрт-олти кишилик гурухларга бўлиниб, полизга киринг. Белкурак билан 10 сантиметр чукурликдан тупроқ намунасини олинг. Олинган тупроқни оқиш мато ёки қофозга ёйинг. Ундаги митти жониворлар (чувалчанг, қўнғиз, чумоли ва бошқалар)ни санаб чиқиб, кейин қўйиб юборинг.

- Агар сиз атиги бир нечта митти жонивор топсангиз ёки улар умуман бўлмаса, нима учун улар оз ёки умуман йўқ?
- Таркибида турли майдо жонзотлар кўп бўлган тупроқ ҳақида нима дейиш мумкин?

Тупроқда сув режими

Тупроқда намлик бўлмаса, ўсимликлар ривожланмайди. Ўсимликларнинг илдизи нам тупроқдан ўзида керакли моддаларни сўриб олади. Тупроқда намлик қолмагандан ўсимликлар ўсишдан тўхтайди. Органик моддаларга қанча бой бўлса, тупроқ намни ўзида шунчалик яхши тутиб қолади. Бу ҳолат ўсимликларнинг сув орқали ўзларига керакли моддаларни олишини енгиллаштиради, улардаги ишлаб чиқариш жараёнини яхшилайди.

Аэрация (тупроқни кислородга тўйинтириш)

Талабдагидек ўсиш ва ривожланиш учун ўсимликлар кислородга мухтоҷдир. Тупроқда кислород етарли бўлмаса, ўсимликлар нобуд бўлади. Тупроқнинг кўпчилик турларида кислород етарли бўллади, аммо сув миқдорининг кўплиги ўсимлик илдизига кислород етиб боришини қийинлаштиради. Ҳадеб суғоравериш экиннинг қуриб қолишига олиб келади.



Ўсимликлар парваришида эътиборга олиш зарур бўлган омиллар

Ўсимликларни етиштириш ва уларнинг селекцияси

Ўсимликлар селекцияси – бу иқтисодиётнинг ихтисослашган соҳаси ҳисобланиб, мураккаб ва қиммат фаолият турларини амалга оширишни талаб қиласди. Бу иш билан йирик трансмиллий компаниилар шуғулланади. Улар ихтисослашган уруғчилик хўжаликларини уруғликлар билан таъминлайди, ўз навбатида бу хўжаликлар майда фермерлар билан иш юритади. Майда фермерлар сифатли уруғликни кооперативлардан сотиб олиши мумкин.

Полизда нима етиштиришингдан қатъи назар, сифатли уруғликни танлашинг керак. Ҳар йили ёки ҳар мавсумда янги уруғлик билан иш қилиш муҳимлигини ёдда тут.

Иқлим (ҳарорат ва куннинг узунлиги)

Ёзнинг юқори ҳароратида ўсадиган ўсимликлар эрта уруғлаб, қиш совуғи тушмай туриб нобуд бўлади. Ўсимликларнинг кўплаб турлари тупроқ ҳарорати 4°Сдан паст бўлганда яхши ўスマйди. Маккажӯхори сингари экинлар тупроқ ҳарорати 20°С га етмагунча ўスマй туриб қолади. Шунинг учун фермерлар ўзлари экмоқчи бўлаётган экинларнинг қайси бири қандай ҳароратда бўй чўзишини билиб олишлари керак.

Иқлимнинг ўсимлик учун аҳамияти бекёёс. Иқлим экишдан тортиб то ҳосил йиғишириб олингунча бажариладиган ишларга таъсир кўрсатади. Иссиқхоналар ташкил қилиш ёки очик ер устига сомон, органик ўғит ёйиш эртаки, ё бўлмаса, қишлоқ хўжалик ишлари тугагандан кейин ҳам ҳосил олиш имконини беради. Бу билан фермернинг даромади ортади.

Куннинг узунлиги ҳам экинларнинг пишиб етилишида муҳим омил саналади. Соя, маккажӯхори ва пахта сингари экинлар қуёш нуридан вегетация даврида маълум муддат баҳра олгандан кейин пишиб етилади.

Ўсимликларнинг озиқ моддалари қуйидагилардан иборат:

- ўсимлик ўзига оладиган нур миқдори ва сифати;
- ўсимлик ўз илдизи орқали оладиган минерал элементлар;
- сувнинг мавжудлиги;
- ўсимлик илдизига етиб борадиган кислород миқдори.

Ўсимликтин кўкка бўй чўзиши учун фосфор, олтингурут, магний, кальций, калий ва азот сингари асосий элементлар, шунингдек, жуда оз миқдорда мис, рух, темир, марганец, бўр, молибден ва хлор элементлари талаб қилинади. Тупроқда шу элементлардан атиги биттаси бўлмаса, ўсимлик ўзининг генетик салоҳиятига яраша ривожлана олмайди.

Азотли ўғитлардан йил сайин фойдаланиш тупроқ хусусиятининг бузилишига олиб келиб, кислоталилилк даражасини оширади, шунингдек, тупроқдаги элементларнинг мувозанатини бузади. Тупроқ таркибини таҳлил қилиш сенга полизинг қандай ўғитга эҳтиёж сезаётганини аниқлашда ёрдам беради.

Ўсимлик касалликларининг қуйидаги турлари бор:

- юқумли касалликлар, масалан, мозаикали вирус;
- паразитар, масалан, картошкага тушадиган колорадо қўнғизи;
- айрим муҳим элементлар, масалан, япроқларда хлорофилл ишлаб чиқаришда зарур бўлган магнийнинг етишмаслиги чақирадиган касалликлар;
- ўсимликка заҳарли, масалан, гормонал препаратлар сепилганда пайдо бўладиган токсинли касалликлар.



Жониворларни күпайтиришда эътиборга олиниши зарур бўлган омиллар

Чорвачилик ҳам худди дехқончиликка ўхшаб бир қанча омилларни ўз ичига олади, яъни:

- күпайтириш ва селекция
- иқлим
- озиқлантириш ёки озиқ моддалари
- касалликлар.

Кўшимча омил ҳам мавжуд:

- жониворларни парваришлаш учун яратилган шароит.

Чорвачилик омиллари кейинги дарсда кўриб чиқилади.



Кичик томорқада қўл меҳнатидан ёки от тортадиган омочдан фойдаланилади.



Кыргизистоннинг тогли районларида ерни 10 сантиметр чукурликда ҳайдаш керак. Бу жойларда оғир культиваторли тракторларни ишлатиб бўлмайди.

Ерни ўта чуқур ҳайдаш тупрок унумдорлигини пасайтириб, ҳосилдорликнинг тушиб кетишига олиб келади.



Ерни 25 сантиметргача чукурликда ҳайдайдиган оғир культиваторли тракторларни тупрок қатлами қалин бўлган жойларда ишлатиш таёсия қилинади.

17-

ДАРС

ЕРДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ ВА КОМПОСТ ТАЙЁРЛАШ

Янги сўзлар

Компост тайёрлаш	тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида органик моддаларни тайёрлаш ва қўлланиш.
Минераллар	тоғ жинсларининг емирилишидан ҳосил бўлган унсурлар.
Ўғит	ўсимликларнинг чиришидан пайдо бўлиб, тупроқ хусусиятини яхшилаш учун ишлатиладиган озиқ моддалари.
Тупроқнинг кислоталилик даражаси (рН)	pH индикатори тупроқнинг кислоталилик даражасини белгилашда ишлатилади. Агар pH 0.7 га тенг бўлса, тупроқ ўртача хусусиятга эга бўлиб, кислоталилик даражаси меъёрида эканлигини, ишқор моддалар кўп эмаслигини билдиради. Агар pH 3.0 дан 7.0 гача бўлса, тупроқнинг кислоталилик даражаси юқори бўлади. 7.0 дан 10.0 гача бўлган кўрсаткич тупроқнинг шўрлашганини англатади.

Тупроқ унумдорлиги

Тупроқ унумдорлиги бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асоси ҳисобланади. Экиннинг ҳосилдорлиги бевосита тупроқ унумдорлигига боғлиқdir, яъни тупроқ таркиби қанчалик яхши бўлса, экиндан шунча кўп ҳосил олинади, ёки аксинча.

Полиз ва томорқада оила эҳтиёжларидан ортиб, бартер ва сотиш учун қоладиган микдорда сифатли сабзвотлар етишириш мумкин. Одатда томорқа участкаси кичик бўлганлигидан ҳосил миқдорини тупроқ унумдорлигини ошириш орқали кўпайтиришга ҳаракат қилиш керак.

Тупроқ нима?

Тупроқ – бу ернинг устки қатлами ёки органик ва ноорганик моддаларнинг аралашмаси. Тупроқ атмосфера таъсирида тоғ жинсларининг (ноорганик таркибга эга) емирилиши ва нобуд бўлган ўсимликлар қолдиқлари ҳамда жониворлар жасадларининг чиришидан ҳосил бўлади. Тупроқни юқорида тилга олинган унсурлар унумдор қиласи.




Тоғ жинслари қуёш ва шамол таъсирида майда қисмларга бўлинади. Ёмғир ёки оқар сув таъсирида кичик зарраларга ажралишда давом этади. Бу зарралар органик моддалар билан қўшилиб, тупроқка айланади.

Ўсимликлар қолдиқлари, жониворларнинг жасади чириб, турли заррачалардан иборат органик моддаларни ҳосил қиласди. Чиришнинг узоқ давом этиши натижасида гумус ҳосил бўлади. Гумус заррачалари нисбатан ёпишқоқ бўлиб, тупроқ унсурларини бир-бери билан бирлаштиради, тупроқда намликтини сақланишини таъминлайди.

Нам тупроқка солинган ўғит осон эрийди ва ерга тез сингади. Ўғит таркибидаги айрим кимёвий моддалар тупроқка сингиб гумусга ёпишади, ўсимлик илдизи сўриб олмагунча ёки қаттиқ ёмғирда, шунингдек, сугориш пайтида ювилиб кетмагунча сақланиб туради.

Тупроқнинг тузилиши

Тупроқ тузилишини ўрганиш сенга ўсимликларнинг қандай ўсиши, ердан рационал фойдаланиш усусларини тушунишда ёрдам беради. Тупроқ тузилишини ўрганиш учун чуқурлик қазиш керак. Ерни қанча чуқурроқ қазисанг, тупроқ ранги ва тузилишидаги ўзгаришларни шунчалик яққол кузатасан.



ТОПШИРИҚ



Агар ўқитувчи рухсат берса, тўрт-беш кишилик гурӯхларга бўлининг ва мактабга яқин ердан чуқур қазиш мумкин бўлган жой топинг. Ерни 30-40 см чуқурлиқда қазиб, тупроқ кесимини кузатинг. Тупроқ кесими эскизини чизинг, ҳар бир қатламга алоҳида белгилар қўйиб чиқинг. Топшириқни бажаргандан сўнг қазиган жойингизни кўмиб қўйишни унутманг.



Тупроқдаги озиқ моддаларининг фойдаси нимада?

Тупроқ таркибидаги органик моддалар қуйидаги афзалликларни таъминлайди:

- қишида тупроқдаги иссиқликни тутиб қолади, ёзда эса уни совитади;
- ўсимликларнинг ривожи учун мос ҳароратни сақлаб, қишлоқ хўжалик мавсумини узайтиради;
- буғланишни камайтириб, тупроқдаги намликни тутиб туради;
- ўсимлик илдизи, масалан, картошка меваларининг тупроқда осонлик билан ривожланишига йўл очади;
- тупроқдаги чувалчанг, қирқоёқ, қўнғиз каби микроорганизмларни озиқ моддалари билан таъминлайди;
- тупроқдаги микроорганизмларнинг ҳаёт кечириши, кўпайиши учун қулай муҳит яратади;
- ўсимликлар илдизи учун озиқ моддалари банки вазифасини бажаради;
- тупроқ эрозияси олдини олишда ёрдам беради (сув ва шамол таъсири);
- тупроқнинг кислоталилик даражаси ўзгариши таъсирини енгиллаштиради.

ТОПШИРИҚ



Жадвалдаги бўш катакларга жавобларни ёз.

1. Тупроқ унумдорлиги нега қишлоқ хўжалиги учун бу қадар катта аҳамиятга эга?	
2. Тупроқда ноорганик моддалар қандай ҳосил бўлади?	
3. Органик модда нима?	
4. Гумус нима?	
5. Нима учун биз ерга гумус соламиз?	
6. Тупроқ қандай қатламлардан иборат?	
7. Нима учун тупроқ устки қатламишининг унумдорлиги юқори?	
8. Органик моддалар тупроқка баҳш этадиган тўртта афзалликни келтир.	



Тупроқ юқори қатламининг полиз ва томорқа учун аҳамияти

Тупроқнинг юқори қатлами, унда органик моддаларнинг мавжудлиги ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Ўсимликларнинг илдизи ерга асосан 20 см. гача кириб боради. Айрим мевали дараҳтлар илдизи тупроққа 40 см. гача кирса, кўпчилик ўсимликлар 20 см атрофида илдиз отади.

Сабзи, пастернак (ширин илдизли хушбўй ўт), шолғом сингари илдиз мевали ўсимликларнинг томири тупроққа 15-20 см кириб боради, аммо карам, қалампир ер қатламига 10 см. гача киради, холос. Қандай экин бўлишидан қатъи назар, унинг томири тупроқни осонлик билан ёриб ўтиши, ундаги органик моддалар билан озиқланиши керак.

Тупроқдаги органик моддалар

Тупроқлар ҳар хил бўлиб, ҳар бири ўзига алоҳида муносабатни талаб қиласди. Қирғизистон худудининг катта қисмида тупроқда органик моддаларнинг ётишмаслиги кузатилади. Россия ва Европа давлатлари агротехникасини қўлланиш Ўрта Осиёда катта миқдордаги экин майдонларининг деградациясига сабаб бўлди.

Ерларни шудгорлашда тупроқни 40 см. гача бира тўла ағдарадиган омочлардан фойдаланиш тупроқ устки қатламидаги органик моддаларнинг йўқолишига олиб келди. Бу усул Европанинг органик моддаларга бой, бўлиқ тупроқли ерларига мос тушгани билан, унчалик унумдор бўлмаган, органик моддалар оз Қирғизистон ерлари учун умуман тўғри келмайди.

Қирғизистонда ерни экишга тайёрлаш унинг юзасидаги органик қатламни сақлашга йўналтирилиши керак.

Қирғизистонда ерни чуқур ҳайдашга одатланишган. Одамлар бу билан олинадиган ҳосилни камайтираётганликларини тушунишмайди. Ўз ишини анча яхши билган фермерларнинг ерларида ҳам тупроқнинг устки қатламида органик моддалар қолмаган хисоб.

Тупроқнинг кислоталилик даражаси (рН)

Тупроқнинг кислоталилиги ёки ишқорлилиги ўсимликларнинг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Кислоталилик даражасини аниқлаш учун тупроқни таҳлил қилиш керак. Кислоталилик даражасини белгилашда «рН» кимёвий термини ишлатилади.

pH 7.0 кўрсаткичи тупроқнинг ўртача ҳолатда эканлигини, таркибида ортиқча шўр ва ишқорлар йўқлигини билдиради.

Агар pH 7.0 дан паст бўлса, бу тупроқнинг шўрлашганини, pH 7.0 дан юқори бўлса, таркибида ишқор моддалар кўпайиб кетганини англатади.

pH 5.5 - pH 6.5 кўрсаткичга эга тупроқда ўсимликларнинг кўпгина турлари яхши ўсади, аммо айрим ўсимликлар тупроқнинг кислотаталик даражаси pH 7.5 дан ортиқ бўлса тез ривожланади. Қирғизистонда тупроқнинг кислоталилик даражаси pH 7.0 билан pH 8.0 оралиғидадир.

Энг муҳим озиқ моддаларининг кўпини ўсимликлар pH кўрсаткичи 5.5 билан 7.5 оралиғида бўлган тупроқдан олади.



Тупроқ таҳлилиниң аҳамияти

Тупроқнинг кислоталилик даражасидан ташқари яна бир қанча омиллар ҳосилдорликка таъсир қиласа-да, унинг хусусиятларини яхши билиш сенга полиз ва томорқангдан қанча ҳосил олиш мумкинлигини аниқлашда қўл келади. Озиқ моддалари, сув ва қуёш нурининг етарли бўлиши, уруғлик сифати шу омиллар қаторидадир.

Агар тупроқ қатлами ҳаддан ташқари шўрлашган ва ишқорли бўлса, ўсимликларнинг бу тупроқдан ўзларига керакли озиқ моддаларини ажратиб олиши қийинлашади, буни уларнинг суст ўсишидан ҳам билса бўлади. Қишлоқ маслаҳат хизмати ходимидан тупроқни қаерда ва қандай қилиб текшириш мумкинлигини сўраб бил.

Сабзавотчилиқда тупроқнинг кислоталилик даражаси

Қўйидаги жадвалда айрим сабзавот турларининг ҳар хил рН даражасида ўсиши мумкинлиги (масалан, пиёз рН 5.0 - рН 7.0), айримлари эса ишқорларга нисбатан сезувчан бўлганигидан тор диапазонли рН да (масалан, картошка рН 5. 0 - рН 6.5) ўсиши кўрсатилган. Бундан қатъи назар, рН кўрсаткичи ҳосилга таъсир этадиган омиллардан фақат биттаси эканлигини ёдда тут. Сен ер эгаси сифатида ўз участкангда тупроқнинг ҳолати устидан синов ўтказишинг, кузатишлар олиб боришинг зарур.

Сабзавот	Оптимал рН	Сабзавот	Оптимал рН
Ловия	6.0-7.0	Пиёз	5.0 - 7.0
Қизилча	5.6-6.6	Пастернак	5.0 - 7.0
Брокколи (карамнинг бир тури)	6.0-7.0	Нўхат	5.6 - 6.6
Карам	5.6-6.6	Ерёнгоқ	5.0 - 6.0
Сабзи	5.0-6.0	Қалампир	6.0 - 8.0
Гулкарам	6.0-7.0	Картошка	5.8 - 6.5
Аччиқ қалампир	5.0-6.0	Кунгабоқар	6.0 - 7.0
Бодринг	5.0-6.0	Маккажўхори	6.0 - 7.0
Бақлажон	5.0-6.0	Помидор	5.0 - 7.0
Саримсоқ	5.0-6.0	Шолғом	5.0-7.0

Ўсимликлар учун зарур озиқ моддалари

Ўсимликларга, худди одамлар сингари, озиқ моддалари зарур. Улар озиқни тупроқдан олади. Агар тупроқда қайсиdir озиқ моддаси етишмаса, бу ҳол ўсимликтарнинг ривожига салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан сабзавот етишираётган одам ўсимликларни кун сайин кузатиб, улар муҳим элементларга эҳтиёж сезмаётганига ишонч ҳосил қилиб бориши керак.

Ўсимликлар ривожланиш ва ҳосилга кириш учун минерал озиқ моддаларни талаб қиласи. Уларнинг ўсиши учун кўп миқдорда зарур бўлган энг муҳим озиқ моддалари - **азот, фосфор ва калий**.



Азот	ўсимлик баргларининг ўсиши учун зарур бўлган модда.
Фосфор	ўсимлик илдизи, новда ва шохлари ривожини таъминлайди.
Калий	ички кимёвий реакциялар жараёнига таъсир этади; ўсимликнинг ҳужайра деворларини қалинлаштириб, чидамлилигини оширади; ўсиш жараёнини тезлаштириб, касалликларга қаршилигини кучайтиради; ўсимликка ранг ва ҳид беради.

Ўсимлик ривожи учун оз миқдорда зарур бўлган минерал моддалар:

Магний	ўсимликка яшил тус берувчи хлорофилл моддасининг пайдо бўлишини ва унинг функциясини таъминлайди. Хлорофилл қуёш нурини ўзига сингдириб, уни ўсимликнинг кўкка бўй чўзиши учун зарур бўлган шакар моддаси ва крахмалга айлантиради.
Кальций	ўсимликнинг ўсишига ёрдам беради.
Олтингугурт	ўсимлиқда оқсил моддаларини ҳосил қиласи.

Бундан ташқари, ўсимликларнинг ўсиши учун оз миқдорда **темир, марганец, мис, молибден, бўр, хлор ва рух** моддалари талаб қилинади.

Ўсимликларда озиқ моддалари етишмаслигининг қуидаги белгилари бор:

Минерал озиқ моддалари	Етишмаслик белгилари
Темир	ўсимликнинг тепа қисми ва етилган барглари қаттиқ сарғаяди (барглар томирчаларининг атрофидан ташқари); ишқорли тупроқда учрайди
Магний	эски барглар четларидан тортиб сарғаяди; шўрлашган ва ишқорли тупроқда учраши мумкин.
Мис	ўсимлик сарғаяди, кейин эса кўк-яшил тусга киради.
Молибден	ўсиш нуқталари жароҳатланади; шўрлашган тупроқда учрайди.
Бўр	карам поясининг ичи коваклашади, беда барглари қизғиш тусга киради; ишқорли тупроқда учрайди.
Хлор	ўсимлик баргларининг атрофи сарғаяди.
Рух	ўсимлик поялари қисқа ўсиб, барглари ҳам катта бўлмайди.

Ўсимлик учун озиқ моддалари етишмаётганлигини аниқлашнинг мураккаблиги шундаки, бунинг белгиларини вирус инфекциялари ва сув етишмаслигининг умумий белгилари билан адаштириш мумкин. Ривожланган мамлакатларда фермерлар бу муаммони аниқ ҳал қилиш учун тупроқ ёки ўсимлик тўқималарини текшириб кўрадилар.





Үйинг (мактабинг)дан унча олис бўлмаган экинзорга чиқиб, у ерда ўсаётган ўсимликларни диққат билан кузат. Озиқ моддалари етишмаслигининг ҳар қандай белгиларини ёзib олиб, участка эгасига маълум қил.

Муаммо	Сабаблар

Ўғит ва гўнг

Ўғит – бу ўсимликлар учун зарур бўлган озиқ моддаларини ўз ичига олган сунъий кимёвий бирикмадир.

Гўнг – бу жоноворларнинг ахлати бўлиб, таркибида ўсимликларга керакли озиқ моддалари мавжуд бўлган органик бирикма.

Кимёвий ўғитлар ўсимликларни зарур озиқ моддалари билан таъминлайди, бироқ улар гўнгнинг ўрнини тўлиқ боса олмайди. Гўнг тупроқни биргина органик моддалар билан таъминлаб қолмасдан, ердаги намликни сақлайди, ҳарорат ўзгариши таъсирини камайтиради.

Азотли ўғитларни кўп ишлатиш ерни ағдариб чуқур ҳайдаш ва органик моддаларни пастки қатламларга солиш билан кўшилиб, тупроқ структурасини бузади, ўсимликларнинг томир отиши ва сувни сўриб олишини қийинлаштиради, тупроқ устки қатламининг шўрлашига олиб келади.



Чуқур илдиз отадиган ўсимликларнинг йўқлиги ернинг шўрлашига олиб келди.



Компост тайёрлаш

Компост тайёрлаш – экинзорни озиқ моддалари билан бойитишнинг арzon ва оддий усули. Бу ишда катта масъулият талаб қилинади, нимага деганда, компост тайёрлашга бир неча ой кетади, уни тайёрлашнинг ilk босқичидан тортиб то охиригача натижанинг ижобий бўлиши учун қайғуриш керак. Худди шу сабабга кўра, компост тайёрлашга кузда киришиш керак, шунда у қишлоқ хўжалик мавсуми бошланадиган баҳоргача тайёр бўлади.

Компост – бу тупроқ структурасини бойитишга ёрдам берадиган озиқ моддалари бўлиб, у:

- тупроқда чувалчанг ва бошқа микроорганизмларнинг кўпайиши;
- тупроқ қатламида мўътадил ҳарорат бўлиши;
- тупроқда намнинг узоқ сақланиши;
- ўсимликларнинг бўй чўзиши ва ҳосилга кириши учун қулай шароитларни вужудга келтиради.

Компост тайёрлашда ишлатиладиган материаллар

Қўнғиз, қирқоёқ, чувалчанг сингари жониворлар ер қатламидаги органик моддалар билан озиқланиб, гумус учун материаллар ишлаб чиқаради. Бу жониворлар қаттиқ ва ёғоч материалларни майдалай олмайди. Шунинг учун компост уюми ёш ўсимлик поялари, япроқлардан иборат бўлиши керак, улар ҳам майда бўлакларга бўлиб кўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Компост уюмидаги доим маълум миқдорда намлик бўлиши зарур. Масалан, ёзда ва кузда унга қовун-тарвуз қолдиқларини ташлаш мумкин.

Бир пайтлар тирик организм ҳисобланган ҳар қандай материални компост учун ишлатиш мумкин. Дараҳт япроғи, сомон, ўсимлик поялари, ошхона чиқитлари (фақат гўшт эмас, сабаби, у пашибаларни ўзига тортади), гўнг, газета парчалари ва картон шундай материаллар қаторига киради. Йирик материалларни майдалаш зарур, бу чириш жараёнини осонлаштиради. Компост уюмига касалланган ўсимлик пояларини кўшмаслик керак.






Чиқитлардан компост тайёрлаш

Компост тайёрлаш ныҳоятда самараги усул саналиб, қишлоқ ва шаҳарларда ахлатлар түпланишини озайтиради. Ошхона чиқитларини компост уюмiga күшишдан олдин алюминий банкалар, шиша ва пластмасса идишларни ажратиб олиш керак. Бунинг атроф-мухит тозалиги учун фойдаси катта. Бундай хиллашни ошхонада, овқат пишираётib бажариш керак.

Органик моддаларни ахлатдан ажратиш каламуш ва сичқонларга қарши курашда ёрдам беради. Бундан ташқари, ошхона чиқитларини атайин қазилган чуқурга ташлаб ёки бир жойга компост қилиб уюш билан олинган озиқ моддалари тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қиласы.

Құшнилар билан биргалиқда ишлаш

Компост тайёрлашга киришаётib, құшниларингдан органик чиқитларни беришларини илтимос қил. Компост тайёрлаш ва ундан фойдаланиш экин ҳосилдорлигини күпайтиришини намойиш эта олсанг, ҳатто энг дангаса құшниларинг ҳам сендан үрнак олиб, компост тайёрлай бошлайди. Бу усул әкинлар ҳосилдорлигини оширибгина қолмасдан, қишлоқда тозаликни таъминлашда ҳам құл келади.



Компост тайёрлашнинг йўл-йўриқлари

Компост тайёрлашнинг кўплаб усуулари мавжуд. Уни чуқурлиқда тайёрлаш ҳам мумкин. Бу усулга таянилганда, чуқурлиқда сувнинг кўп тўпланишига йўл қўймаслик керак. Сувнинг меъёрдан кўп бўлиши компостни бузади ва уни экинзорга солиб бўлмайди.

Компост учун алоҳида яшчик тайёрлаш ёки компостни бир жойга тўплаб, устини ёпиб қўйиш маъқулдир. Ер устида компост тайёрлаш унинг ичига етарли миқдорда кислород киришини таъминлаб, бактериялар фаолиятига яхши шароит яратади. Бундан ташқари, компостни ағдариш йўли билан шамоллатиб туриш ундаги ҳароратнинг ўта ортиб кетиши олдини олади.

Компост учун яшчик тайёрлаш:

1. Компост материаллари кўпинча квадрат шаклдаги ёғоч яшчикларга солинади. Унинг томонлари бир ёки бир ярим, баландлиги тахминан бир метр бўлиши мумкин. Унга қоқилган тахталарнинг оралиғи тахминан 1 см бўлиши керак.
2. Агар тахта йўқ бўлса, компост уюмини экинзорнинг бир бурчагида жойлаштириш мумкин. Бунинг учун бир квадрат метр жой талаб қилинади. Органик чиқитлар шу ерга тўкилади.
3. Дараҳт япроқлари, тўкилган мевалар, экинзордан йиғишириб олинган ўсимликлар қолдиқларини тахминан 15 см қалинликда тахлаб чиқ.
4. Ҳосил бўлган қатлам устига тахминан 5 см қалинликда гўнг ташла.
5. Гўнгдан сўнг 3 см қалинликда тупроқ ёй.
6. Ҳар бир қатламда намлик етарли бўлишига эътибор бер. Зарурат бўлса, сув соч.
7. Қолдиқларни ташлашда давом эт, ҳар бир қатламдан кейин 15 см қалинликда гўнг ёйиб, бироз сув соч.
8. Бир неча кундан кейин компост уюмини ушлаб кўрсанг, унинг исий бошлаганига ишонч ҳосил қиласан.
9. Компост уюми ердан тахминан 1,5 метр кўтарилгач, 2 см. ли тупроқ қатлами билан ёп. Ёмғир ва қор суви кирмаслиги учун уюм устини яхшилаб ёпиб қўй.
10. 20 кундан кейин компост уюмини эҳтиёткорлик билан ағдар, бунда ҳали чириб улгурмаган органик моддаларнинг уюм ўртасида қолишига аҳамият бер. Бу ишни ҳар ойда такорла.

ТОПШИРИҚ



Компост уюмининг расмини чизиб, ҳар бир қатламнинг номини ёз.



Натижа

Ёзда органик материаллардан компост тайёрлаш олти ҳафта вақт олади. Бактерияларнинг фаолияти чекланган қиш ойларида бу иш қиш бўйи давом этиши, ҳатто баҳорнинг бир ёки иккى ойини ҳам банд этиши мумкин. Бу Қирғизистоннинг қайси минтақасида яшашингга боғлиқ. Қани, ўзингни бир синаб кўр-чи!

Боғингдан олинган органик материалларнинг тўла равишда озиқ моддаларига айланиши учун турлича вақт талаб қилинади. Талаб қилинадиган муддат компост учун қандай материалларни танлаганингга боғлиқ. Агар ўсимликлар поялари қотиб, таркибида сув бўлмаса ёки дараҳтнинг қаттиқ шохлари ҳам қўшилган бўлса, уюминг компостга айланиши учун кўп вақт керак.

Компост уюмида намлиқ доим етарли бўлиши керак, бироқ унинг ичига сув кириб кетмаслиги учун устини ёпиб қўйиш зарур. Агар кузда компост тайёрламаган бўлсанг, бу ишни баҳорда қилганинг яхши.


Ўсиб бораётган дехқончилик бизнесинг эҳтиёжини бутун қишлоқ хўжалик мавсуми давомида қондириш учун бир нечта компост юми тайёрлаганинг маъқул.

Тупроқни компост билан бойитиш экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олиш имконини беради. Компост – бу кони фойда, чиқитларни пулга айлантирувчи мўъжизадир!

Компост тайёрлашда каламуш ва сичқонлар муаммоси

Мева ва сабзавотларни арчганда тўпланадиган ошхона қолдиқлари каламуш ва сичқонларнинг эътиборини ўзига тортади. Агар сен компостни тўғри ууб, устини сув ўтказмайдиган нарса билан ёпиб қўйсанг, унга каламуш ва сичқонлар эътибор бермайди. Қиш ойларида ошхона чиқитларини алоҳида бир чуқурга тўплаб, баҳор келганда ундан компост тайёрлашда материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Ошхона чиқитларидан фойдаланишининг яна бир йўли - бу полизнинг бир четида ерни 20-30 см чуқурлиқда қазиб, овқат қолдиқларини шу чуқурга ташлаб бориш керак (фақат гўштни эмас, у пашшалар эътиборини ўзига тортади). Каламуш ва сичқонлар чуқур тубига тушмайди, чиқитлар бевосита тупроқ ичиди чириб,чувалчанг ва бошқа микроорганизмларнинг кўпайишига йўл очади. Бу микроорганизмлар экинзорингни озиқ моддалари билан бойитади.



Ошхона чиқитларини каламуш ва сичқонлардан сақлаш учун кўмиб қўйиш керак.



18-

ДАРС

ПОЛИЗДА ИШЛАШ

Янги сўзлар

Оқсил	инсон организми ва соғлиғи учун зарур бўлган озиқларнинг муҳим қисми.
Витаминлар	инсон организмидаги ўта муҳим кимёвий реакцияларнинг амалга ошиши учун оз миқдорда зарур бўлган органик бирикмалар.
Озиқ-овқат толаси	овқатнинг йўғон ичақда ҳазм бўлмасдан, унинг функциясига ёрдам берадиган қисми. Уни тўқима деб ҳам аташади.
Минераллар	озиқ-овқат маҳсулотларидағи органик химикатлар, организмнинг ўсиши ва ишлаши учун зарур.

Полиз маҳсулотларининг соғлиққа фойдаси

Пухта режалаштириш, сифатли уруғликни ўз вақтида экиш ва экинни тўғри парвариш қилиш туфайли полизда оиласиз соғлигини мустаҳкамлайдиган сифатли маҳсулотларни кўп миқдорда етишира оласиз. Бундан ташқари, ошганини бозорда сотиб, фойда кўришингиз мумкин.

Сабзавот экинлари қуёш энергиясини ўсимлик шираси ёки энергияга айлантиради, илдизлари орқали тупроқдан органик моддаларни сўриб олиб, инсон организмини зарур минераллар билан таъминлайди.

Сабзавотлар инсон организмига оқсил моддаси, витамин ва минералларни етказиб беради. Улардаги озиқ-овқат толаси овқатнинг ҳазм бўлишига ёрдам беради, ичаклар фаолиятини яхшилайди.

Сабзавотлардан мўл ва сифатли ҳосил олиш уларнинг қандай парвариш қилинишига боғлиқ. Экишдан олдин тупроққа зарур бўлган минерал озиқларни солиш керак, шунда у ёзда ортиқча исиб кетмайди, қишида эса қаттиқ тўнғиб қолмайди. Бундан ташқари, тупроқ ва ўсимликлар ўз вақтида сувга қондирилиши, ўғит билан озиқлантирилиши керак.

Мақбул участкани танлаш

Сабзавот экинларида қуёш нурларини ўсимлик энергиясига айлантириш қобилияти юқори бўлиши учун полизга участкани қуёш нури етарли миқдорда тушадиган ердан танлаш керак. Аммо ёз ойларида қуёшнинг ўта қаттиқ қиздириши айrim сабзавот турларининг қуриб қолишига олиб келиши мумкин. Шу боисдан полизнинг бир қисми сояди ўсгани мақсадга мувофиқ.

Айрим жониворлар полизни пайхон қилиб ташлаши мүмкін, шунинг учун унинг атрофини түсіб чиққан маңқул.

Кундалик әхтиёжни қоплайдиган даражада ҳосил бера бошлаши билан оқ полизнинг аҳамияти ортади. Полиздан олинадиган сабзавотлар оила бюджетига барака киритибина қолмасдан, оила аязоларининг соғлиғини ҳам мустаҳкамлайды. Парваришни яхши ташкил қылсанг, полиздан оила әхтиёжларидан ортиб қоладиган миқдорда ҳосил оласан. Ошиқча ҳосилни бозорда сотиб, құшимча даромадга зә бўласан.

Ернинг унумдорлигини оширишда фойдаланиладиган компост тайёрлаш қишлоқ тозалигини таъминлашда қўл келади, нимага деганда, ошхона чиқитлари, юлиб ташланган ўт-ўлан, бошқа органик материаллар бир жойга йигиб борилади. Бунда ҳар ерда сочилиб ётадиган консерва банкалари, шиша ва пластик идишлар ҳам териб олиниб, иккиласми фойдаланишга жўнатилиши мүмкін.

ТОПШИРИҚ



Оила аязолари учун анкета:

Оила қайси сабзавотларни истеъмол қиласиди?	
Сабзавотни ҳар куни истеъмол қиласизми?	
Ортиб қолган таомларни нима қиласиз?	
Картон ёки қаттиқ қоғозларни нима қиласиз?	
Тунука банкалар, шиша ва пластик идишларни нима қиласиз?	
Үйингизнинг ёнида томорқа учун жой борми?	
Томорқангиз қанча одамни боқиши мүмкін?	
Томорқангиз ҳосилдорлигини қандай қилиб қўшиналарга нисбатан анча оширишингиз мүмкін?	

Полиз қандай катталиқда бўлиши керак?

Ер участкаси оила әхтиёжларини қондирадиган, ошиғини бозорга олиб чиқадиган миқдорда сабзавот етиширадиган даражада бўлиши керак. Бироқ сен полизинг қанча катталиқда бўлиши ҳақида бир қарорга келишдан олдин экиш ва парваришга қанча куч ва вақт ажратса олишингни ўйлаб кўришинг керак. Полиз билан шуғулланишга астойдил киришмоқчи бўлсанг, ўзингга мажбурият олишинг, экинлар парваришига масъулият билан ёндашишинг зарур. Агар бу иш сен учун янги бўлса, ишни кичик участкадан бошла ва қобилияtingни синаб кўр. Билим ва тажрибанг ортганидан сўнг участкангни кенгайтириш ҳақида ўйласанг бўлади.



Аввалги дарсларда полиз яратишни бир сотих майдондан бошлаш кераклигини муҳокама қилганимиз. Бир сотих 100 квадрат метрга тенг эканлигини, бу 10 га 10 метр, ёки 25 га 4 метр бўлишини тушуниб етганимиз. Шундай ҳажмга эга полиз биринчи марта сабзавот етиштирадиганларга жуда мос бўлиб, ўз қобилиятларини синашда қўл келади, қолаверса, ортиқча таваккалчилликларга бориб юрмайдилар. Агар танланган ерда бунгача дехқончилик қилинмаган бўлса, бу ерни экинбоп қилиш учун кўп ишлаш тақозо этилади.

Тупроқ таркиби яхши бўлса, экин вақтида суғорилиб, вақтида озиқлантирилса, бир сотих ер бир эмас, бир неча одамни боқади. Қирғизистон тажрибаси бир сотих ерга маҳаллий уруғликни экиб, бир йилда 275 кг картошка олиш мумкинлигини кўрсатади. Орттирилган тажриба, сифатли уруғликни экиш ҳосилдорликни 600 кг. га етказиш имконини беради. Ерни сифатли тайёрлаган, компост ёки ўғитдан фойдаланган одам биринчи йилиёқ юқоридаги икки кўрсаткич оралиғида картошка етиштириши мумкин.

Балки сен картошка ўрнига сабзи, карам, пиёз, саримсоқ, чучук қалампир, аччиқ қалампир, помидор, шолғом ёки қовун етиштиришни истарсан. Бу - сенинг ихтиёринг, аммо тириклигингда қайси сабзавот кўпроқ асқотишини, ортиғини бозорда сотсанг, қай биридан кўпроқ фойда олишингни ўйлаб кўришинг лозим. Оила эҳтиёжидан ортадиган полиз маҳсулотларини бозорда сотиш ёки бошқа товарга алмаштириш мумкин. Агар ота-онанг сенга полизни яратишда ёрдам берса, бу пулни маҳсулотнинг бозор нархида қайтаришинг керак бўлади. Бу каби харажатлардан ортган маблағ ўзингники бўлади, уни сен полизни кенгайтиришга сарфлашинг мумкин.

Сабзавотчилик – бу маълум бир қарорга келиш учун кузатишлар олиб бориладиган илмий машғулотдир. Бу ишда вақт асосий омил ҳисобланади, чунки полизни вужудга келтириш, компост тайёрлаш, етиштирилган маҳсулотни бозорга олиб чиқиш учун қариб бир йил талаб қилинади.

Полиз ишларини қандай режалаштираман?

Энг оддий усул – бу уйингдан узоқ бўлмаган жойдан бир сотих участкани танлаш ва унинг атрофини тўсиш. Бу ерда сабзавот етиштириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилгач, майдонни тошдан тозала ва тупроқ таркибини яхшила.

Барча масалаларни ҳисобга олган ҳолда ўз полизингнинг режасини туз. Бунда **“Бизнесни режалаштириши”** мавзусида ўтилган дарсда келтирилган мисолга таян. Мавзу ва саволлар полизни яратишга мослаб тузилган.

Мен ўз полизимнинг бизнес-режасини машғулотлар чогида тузганимизга асосланиб ишлаб чиқаман.





Қүйидаги саволларга жавоб беринг:

Бизнес-режа мавзуси	Полизга оид саволлар	Полиз ҳақида шарҳларинг
Жойлашув	Экинзорингни қаерга жойлаштиromoқчисан?	
	Полизинг қандай катталика бўлади?	
	Полизимиз учун 1 сотих ер етади, бу 100 квадрат метрга тенг бўлиб, 10 метрга 10 метр, ёки <ul style="list-style-type: none"> • 10 та катта қадам x 10 та катта қадам, ё бўлмаса, • 25 та катта қадам x 4 та катта қадам, деганидир. 	
	Оила аъзоларинг ҳаммаларига тегишли ер участкасининг бир сотихидан фойдаланишингга рози бўлишадими?	
	Нима етиштиromoқчисан? <ul style="list-style-type: none"> • сабзавот тури • ҳажми 	
	Уруғликнинг баҳоси қанча? Бошқа қишлоқ хўжалик материаллари қанча туради (атрофни тўсиш ва бошқ.)? Пулни қаердан оласан?	
	Уруғликни арzonроқ баҳода сотиб олиш учун бошқаларга қўшила оласанми?	
	Полиз билан шуғулланишда сенга кимдир ёрдам бериши мумкинми? Ким?	
Заараркунандаларга қарши кураш	Ер участканг бозордан қандай масофада жойлашган? Экинзорингга кун бўйи қуёш нури тушиб турадими? Экин учун сувни қаердан оласан? Сувнинг сифати яхшими?	
	Экинингга қандай заараркунандалар зиён етказиши мумкин? Экинингни қайси жониворлар еб қўйиши ёки пайҳон қилиши мумкин?	
Томорқанг қайси йўналишда жойлашган?	Ёзда полизингга қуёш нури қайси томондан тушади? Фарбданми?	Экинзор шарқ ёки жанубга қаратиб, қуёш нуридан bemalol баҳра оладиган қилиб жойлаштирилиши керак
	Қиши ойларида совуқ шамол қайси томондан эсади?	Экинзорингни шамолдан сақлашга ҳаракат қил
	Водий жойларда пастликларга экин экма, акс ҳолда қишида тўнғиб қолади. Агар баланд жойларни танлассанг, эрта баҳорда сабзавот экиб, ҳосилни эртароқ йиғиштириб оласан.	
Тупроқ тури	Иложи борича тошлоқ ерга сабзавот экишдан қоч.	




Бизнес-режа мавзуси	Полизга оид саволлар	Полиз ҳақида шарҳларинг
Сув	Экинни күп сугориш ўсимлик илдизига кислород етиб боришини чеклайди ва қуриб қолишига олиб келади. Сув тупроққа тез сингиб кетяптими?	
	Тупроқда намликни ушлаб туралыган, ўсимликларга озиқ бўладиган органик моддалар етарли миқдордами?	
	Ер тошлоқми ёки қумлоқми? Бу ерга қўшимча тупроқ қатлами ётқизишига ҳожат борми ё йўқми?	
	Кучли ёмғирдан ҳосил бўладиган сел полизингни ювиб кетмайдими?	
Тупроқ ва бегона ўтлар	Бегона ўтларни компост учун ишлатса бўлади. Уларни юлиб олиб, бир жойга йиғиб қўйсанг бўладими?	
	Бегона ўтлар кўпайиб кетмаслиги учун ер бетини газеталар билан ёпиб қўя оласанми?	
	Полизга химикатлар билан ишлов берасанми?	
Тупроқнинг устки қатламини совуқдан сақлаш ва компост тайёрлаш	Компост тайёрлаш учун зарур миқдорда материаллар топа оласанми?	
	Органик моддаларнинг тупроққа қандай нафи борлигини эслайсанми?	
	Компост тайёрлаш учун сенда чириган ёки истеъмолга яроқсиз сабзавотлар, тўкилган мевалар, бегона ўтлар, жониворларнинг ахлати борми?	
Бошқариш	Ёлғиз ўзинг бу ишни уddyалай оласанми? Агар ёрдамга муҳтоҷлик сезсанг, ким сенга кўмаклашиши мумкин?	
	Уруғни вақтида экиш учун ҳамма нарса тайёрми?	
	Барча юмушларни ўз вақтида бажариш учун зарур жиҳозлар шай қилиб қўйилганми?	
	Келгуси йил учун ташкилий-ишлаб чиқариш ишларини қай тарзда такомиллаштириш мумкин?	
Молиявий бизнес-режа	Бюджетингда барча зарур харажатлар кўзда тутилганми?	
	Бюджетдаги барча рақамлар ҳаққонийми? Ёки сен амалда эришиш мумкин бўлган кўрсаткичдан яхшироқ натижани хоҳляяпсанми?	
	Ишлаб чиқариш цикли учун бюджет тузатганда барча таваккалчиликларни ҳисобга олдингми?	
	Бюджетинг барча чиқим ва киримлар аниқ ҳисобга олинган ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнида бўлиб туралыган қўшимча харажат ва даромадларнинг ҳисоб-китоби юритиладиган тарзда тузилдими?	



Полизга ишлов беришдаги айрим қийинчиликлар

Мутахассислар Қирғизистонда қишлоқ хўжалик әкинлари ҳосилдорлиги пасайиб бораётганини айтишмоқда. Нима учун бундай бўляпти?

Фермерлар сабзавот етиштириш учун:



Унда нима учун ҳосилдорлик пасаяяпти?

- Янги ва сифатли уруғликни экяпсанми?
- Ишончли жойдан сертификацияланган сифатли уруғлик сотиб олиш ўрнига йил сайин бир хил уруғлиқдан фойдаланяпсанми?
- Ўсимликни меъёрида сугоряпсанми?
- Сувда туз миқдори кўп эмасми?
- Қандай ўғитни ишлатяпсан?
- Экинга қанча ўғит соляпсан?
- Тупроқ таркиби яхшими?

Тахминий жавоблар:

- Яхши унмайдиган ва ривожланмайдиган уруғликни экяпсан.
- Тупроқ таркибида органик моддалар оз, шунинг учун ўсимлик илдизи сувдан бўғилиб, унга кислород яхши етиб бормаяпти, ёки илдиз чирий бошлаган.
- Азотли ўғитлар ўсимликнинг ривожи учун зарур бўлган элементларни етказиб бера олмаяпти.
- Балки калийли ёки фосфорли ўғитлар керакдир?
- Балки тупроқнинг кислоталилик даражаси ортиб кетгандир?
- Тупроқ шўрлашган бўлиши ҳам мумкин.
- Балки экинзорга кўпроқ органик ўғитлар солиш керакдир?
- Эҳтимол, сен ерингда ҳар йили бир хил экин етиштириб, текинхўр микроорганизмларнинг кўпайишига йўл очгандирсан.


Полиз ишларини режалаштириш

Полизни турли шаклда вужудга келтириш мумкин. Одатда, у квадрат ёки тўғри тўртбурчак кўринишида бўлади. Ўз участканга сен унча катта бўлмаган иккита ёки учта эгат олишинг мумкин. Бу ишни бажариш учун бир сотих ёки 100 квадрат метр ҳажмдаги ер бўлиши лозим. Бу участка 10 га 10 метр, 25 га 4 метр, ё бўлмаса, 50 га 2 метр бўлиши мумкин.

Уруғ ташланган уяларнинг оралиғи экин турига қараб фарқ қиласди, чунки айрим ўсимликларнинг япроғи катта бўлади. Тақдим этилган рақамларни тахминий тавсия сифатида қабул қилганинг тўғри бўлади. Органик моддалар тупроқнинг кислоталилик даражасини пасайтиради.

Қирғизистонда тупроқнинг кислоталилик даражаси тахминан 7.0 - 8.0 ни ташкил қилиб, сабзавот етиштириш учун унчалик қулай эмас. Бу даражада кўплаб сабзавот әкинлари учун ортиқчалик қиласди. Ерни музлашдан ҳимоялаш ва органик моддалар билан озиқлантириш тупроқда намликтинг сақланишини таъминлайди, уни сабзавот етиштиришга мослаштиради.





ТОПШИРИҚ



Қүйидаги жадвални ўрган, кейин ўзинг етиштиromoқчи бўлаётган сабзавот турларини, бўш катакларга эса зарур маълумотларни ёзиб чиқ. Уруғ ташланадиган уялар ва жўяклар орасидаги масофа экинзорнинг қаерда жойлашганлиги ва атроф-муҳитга боғлиқ бўлганлигидан ушбу жадвал тахминий йўл-йўриқ вазифасини бажаради, холос. Қирғизистонда картошкани одатда тавсия этилган нормалардагига нисбатан қалинроқ қилиб экишади. Бундай йўл тутиш тупроқнинг тез чарчашига сабаб бўлиб, замбуруғли касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Сабзавотлар	Уруғ экилувчи уялар орасидаги таклиф қилинган масофа (см)		Жўяклар орасидаги таклиф қилинган масофа (см)		Sabzavot etishtiresh учун pH nинг энг мақбул даражаси	Бир кг. даги уруғ сони
	Вариант-лар	Ўртача	Вариант-лар	Ўртача	(Тупроқнинг кислоталилик даражаси)	
Карам	23-41	32	70-90	80	5.6-6.6	319,000
Сабзи	2.5-5.0	3.5	40-50	46	5.0-6.0	858,000
Маккажўхори	20-30	25	60-70	65	6.0-7.0	5,500
Бодринг	15-30	22	90-180	135	5.0-6.0	37,400
Бақлажон	40-50	45	70-90	80	5.0-6.0	220,000
Пиёз	10-15	12	25-45	35	5.0-7.0	268,000
Чучук қалампир	30-46	38	70-90	80	6.0-8.0	160,000
Картошка	20-33	26	70-90	80	5.8-6.5	Ўртача 10 дона уруғ
Аччик қалампир	30-40	35	60-70	65	5.0-6.0	160,000
Помидор	40-50	45	70-90	80	5.0-7.0	374,000
Шолғом	5.0-15.0	10	30-60	45	5.0-7.0	484,000

Полизинг ҳақида маълумотлар

Энди полиз учун қанча уруғлик кетишини ҳисоблаб чиқишинг керак.

Қўйидаги жадвалда юқорида келтирилган сабзавотларга тегишли рақамлар берилган.





Фараз қилинг, сиз помидор ёки бодринг эмас, балки аччиқ қалампир ёки шолғом экмоқчисиз. Бунинг учун қанча уруғлик сотиб олишингизни хисоблаб чиқинг.

Номланиши А	Участканинг узунлиги (см) Б	Жүйклар оралығы (см) В	Жүйклар сони Г (=Б/В)	Жүйклар узунлиғи (см) Д	Уруғ ташланған уялар оралығы (см) Е	Жүйклардаги уруғ сони Ж (=Д/Е)	Уруғнинг үмумий сони З (=ГxЖ)	Бир кг. даги уруғ сони И	Көрек бўлган уруғликнинг вазни К (=З/I)	Бир кг ёки граммдаги уруғ сони Л
Картошка	1000	80	12	2,500	26	96	1152	14	82кг	82кг
Пиёз	1000	35	28	2,500	12	208	5824	268,000	0.022	22г
Карам	1000	80	12	2,500	32	78	936	319,000	0.003	3г
Сабзи	500	46	11	2,500	3.5	712	7832	858,000	0.009	9г
Помидор	500	80	6	2,500	45	55	330	374,000	0.001	1г

Энди хисоб-китоб қилгач, помидор ва сабзининг ўрнига аччиқ қалампир билан шолғом ҳақидаги маълумотларни ёзиб чиқиш керак.

Аччиқ қалампир										
Шолғом										

Изоҳ: Эҳтимол, сен полизга пиёз, карам, помидор экмоқчидирсан. У ҳолда рақамлар бошқача бўлади.





Қүйидаги квадратсимон қофозга полиз режасини чиз. Полизни тұртға бўлиб, бир қисмида картошка, иккинчи қисмида пиёз, учинчи қисмида карам, тұртнинчи қисмида эса помидор етиштирасан.

Масштаб: 1 тұртбурчак 1 квадрат метр ерга тенг.

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25
1																									
2																									
3																									
4																									
5																									
6																									
7																									
8																									
9																									
10																									
11																									
12																									
13																									
14																									
15																									
16																									
17																									
18																									
19																									
20																									
21																									
22																									
23																									
24																									
25																									
26																									
27																									
28																									
29																									
30																									

Полизни тайёрлашда үн қадам:

- Жойни танла.
- Полизинг чегараларига қозық қоқиб чиқ ва атрофини түс.
- Участкани тош, ўсимлик илдизлари ва бегона үтлардан тозалаш учун белкурак, бешлик, кетмөнча ва хаскаш тайёрла.
- Ерни 8-10 см чуқурлиқда ковла. **Ерни чуқур ковлама**, нимага деганда, органик моддалар ернинг устки қатламиға яқин жойлашган бўлади.
- Катта кесакларни майдалаб, тупроқни хаскаш билан тортиб юмшат.



- Агар гүнг бўлса, уни тупроққа солиб аралаштири.
 - Минерал ўғит бор бўлса, 2 килограммчасини ер юзасига юпқа қилиб ёйиб, тупроққа аралаштири.
 - 20-30 см чуқурлик қазиб, ошхонадаги овқат қолдиқларини кўмиб қўй (**компост** тайёрлаш мавзуси ёритилган дарсга қара).
 - Агар ерни **кузда** тайёрлассанг, ўсимлик қолдиқлари, япроқлар, қуриган ёки кўкариб турган ўсимликларни, тўклилган меваларни териб олиб, тупроқ юзасига 15 см қалинликда ёйиб чиқ. Органик моддалардан иборат бундай қатлам тупроқни қиш ойларида иссиқ сақлайди, шунингдек, органик моддаларнинг емирилишини секинлаштиради. Агар ерни **баҳорда** тайёрлассанг, у ҳолда сен учун варианtlар йўқ бўлиб, қуруқ ерни ағдариш ва уруғни экишдан бошқа иложинг қолмайди. Бироқ компост тайёрлаш учун материални баҳор, ёз ва куз ойларида йиғишинг мумкин.
 - Баҳор, ёз ва кузда маҳсус қазилган чуқурликка сабзавот ва мева қолдиқларини ташлаб бор.

Энди сен ерга уруғ қадашинг ва сабзавот етиштириш бўйича ишларни кейинги дарсларда келтирилган йўл-йўриқларга таянган ҳолда қадам-бақадам амалга оширишинг мумкин. Эгатларнинг ўртача катталиги ва улар орасидаги масофа юкоридаги жадвалда берилганлигини үнутма!



ТОПШИРИК

Шундай қилиб, ўз полизингни яратиш учун дастлабки қадамни қўйдинг. Буни кундалигингга ёзиб қўй, биринчи куни бажарган ишларингни тўлиқ акс эттири. Ҳар сафар полизга кирганингда, кузатишларингни кундаликка ёзиб бор. Шундай қилсанг, полиз билан боғлиқ ҳар бир юмушни қачон қўлганинг ҳақида маълумотга эга бўласан. Бу - ёзувларни юритиш бўйича сенинг биринчи қадаминг.

Кундалигингга уруғликни қачон сотиб олганинг ва унинг нархини ёзиб кўйишни эсдан чиқарма.

Сенинг полиз бўйича кундалигинг

Муваффақият қозонған барча фермерлар ерни әкишга тайёрлаш, уруғни әкиш, суғориши, үғит солиши, ҳосилни йиғишириб олиш бүйича ишларни кундаликка ёзид борадилар. Шунингдек, полизга қачон асос солинганлыги, органик үғитлар қачон ва қанча миқдорда берилгандыгини ёзишни ҳам унұтмайдилар.

Кундалик оддий, түлдириш учун қулай, осон үқиладиган бўлиши зарур. Қуйида кундалик намунаси келтирилган.

Полиздан қанча ҳосил олиш мүмкін?

Фермер учун ўз полизидан олган ҳосилини таққослаб бориш қизиқарлидир. Қуйидаги жадвалда Австралияда бир сотих (100 квадрат метр) ерда етиштирилген айрим сабзавот турлари ҳосилдорлиги көлтирилған. Австралияда ёз ниҳоятда иссик бўлишига қарамай, қиши Қирғизистондагига ўхшаб қаттиқ эмас. Узоқ давом этадиган вегетация даври австралиялик фермерларга яхши ҳосил олиш имконини беради, шундай бўлсада, Қирғизистон ва Австралияда сабзавот ва мевалардан олинадиган ҳосил ўртасидаги фарқ нисбатан катта эмас.

Юқоридаги жадвалда көлтирилганидек, ҳосилнинг оз ёки кўплиги жўяклар оралиғидаги масофа ва участкадаги жўяклар миқдорига боғлиқ бўлади. Австралиялик фермерлар далага кўп миқдорда органик моддалар солиши ва ерни совуқдан сақлаш чораларини кўришига эътибор қаратинг.

Чиқарилган сабоқлар


Иш ҳар доим ҳам ўнгидан келавермайди. Кичик хатолар барча ҳаракатни йўққа чиқариши мүмкин. Шунга қарамай, бажарилган ишларни ва хатоларни таҳлил қилиш келгусида бундай хатоларнинг такрорланмаслигига замин яратади. Ҳар қандай тажриба ютуқ ва омадсизликларга асосланади.

ТОПШИРИҚ



Қирғизистондаги полиз экинлари ҳосилдорлигини ўрганиб чиқ, агар бу қўрсаткичлар Австралиядагига ўхшаб юқори бўлмаса, бунинг сабабини тушунтиришга ҳаракат қил.

Сабзавот	Австралияда 1 сотих ердан олинадиган ҳосил	Қирғизистонда олинадиган ҳосил
Карам	18-36 кг	
Сабзи	220 кг	
Ширина маккажўхори	360-720 сўта	
Бодринг	233-280 дона	
Бақлажон	90-135 кг	
Пиёз	97-290 кг	
Чучук қалампир	110-180 кг	
Картошка	333 кг	
Аччиқ қалампир	100-150 кг	
Помидор	60-120 кг	
Шолғом	28-43 кг	





Боткен туманидаги Учтепа қишлоғидан бўлган бу фермер деегредацияга учраған ерни ҳосилдор экинзорга айлантириди. Суратдан кўриниб турганидек, фойдаланилмаётган бундай ерлар кўп.



Боткен туманидаги тогли Доро қишлоғида яшовчи бу фермер ердан самараали фойдаланиш эвазига машина сотиб олди, энди ўзига янги уй қуряпти.



Лайлак туманидаги Ўзариш қишлоғида яшовчи бу оила унчалик катта бўлмаган ер участкаси ва томорқадан унумли фойдаланади.



19-

ДАРС

СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Янги сўзлар

Сув танқислиги	ўсимликлардаги сув етишмаслигининг белгилари.
Тупроқнинг сув сигими	ёзда экин қондириб суғорилгандан кейин бир кун ўтгач, тупроқ бетида қоладиган сув ҳажми.
Қурғоқбардошлик	айрим ўсимликларнинг сув танқислигига қарамай ҳосил бериши.
Мульча	тупроқ бетига ташланган 15 см қалинлиқдаги органик материал қатлами.
Уруғнинг униб чиқиши	уруғдан илдизлар ва баргларнинг ўсиб чиқа бошлиши.
Кўчат	ҳосил олишни тезлаштириш учун ўтқазиладиган ёш, етилмаган ўсимлик.
Ҳосил туғиши	мевали дараҳтлар гулларидан ҳосил нишоналарининг пайдо бўла бошлиши.
Тугунакнинг пайдо бўлиши	картошка ўсимлигининг тупроқ остидаги новдалари учларининг шишиб, крахмалга тўла бошлиши.

Тупроқдаги сувнинг аҳамияти

Ўсимликларнинг ўсиши учун тупроқда етарли миқдорда сув бўлиши керак. Ўсимликларнинг 80-90 фоизи сувдан иборат бўлади. Демак, улар ўсиш учун тупроқ ва атмосферанинг сув аралашмасидан сув ва озуқа моддаларини тортиб олиши зарур. Тупроқда етарли миқдорда намлик бўлмаса, ўсимлик ўз тўқималаридағи сувни йўқотади, ҳолсизланади ва қуриб қолади.

Ўсимликлардаги сувнинг ҳаракати

Ўсимликлар сувни тупроқдаги сув аралашмасидан илдизлари орқали тортиб олади. Ўсимликнинг илдизларида илдиз қилчалари деб аталган майда куртаклар бўлади. Одатда илдиз қилчалари бир қават ҳужайрага эга бўлиб, у тупроқдаги сувга тегиб туради. Ўсимлик ўзига сув ва минералларни айнан шу илдиз қилчалари орқали сўриб олади.

Шунингдек, ўсимликларнинг баргларида **оғизчалар** деб аталувчи маҳсус ҳужайралар - кўзга кўринмайдиган кичкина тешикчалар ҳам бўлиб, улар ўсимликка намлиknи буғлаб ёки чиқариб ташлашга имкон беради. Бунинг оқибатида сув буғи ҳавога аралашиб кетади. Сув етишмаган пайтда ўсимликларнинг **оғизчалари** ёпилиб қолади. Шундай қилиб, ўсимлик ўзида мавжуд бўлган барча намлиknи сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Ўсимликлардаги сув илдизлардан баргларга қараб юқорига ҳаракатланади, унинг талай миқдори барглар орқали атмосферага буғланади.

Тупроқдаги сув

Тупроқлар ўзининг нам сақлаш хусусияти билан фарқланади. Тупроқ сақлаб қолиши мумкин бўлган сув миқдори қуйидаги омилларга боғлиқ:

- тупроқда гил, лойқа ёки қум миқдори;
- тупроқдаги органик модда ёки гумус миқдори, чунки органик модда сувни сақлаш хусусиятига эга;
- тупроқ бетида мульчанинг мавжудлиги;
- ернинг шамолга очиқлиги;
- охирги марта суғорилган ёки ёмғир ёқсан кун.

Тупроқда сув ҳажми зарур миқдорда бўлиши керак. Сувни **ўта кўп** қўйиш ёки сув **танқислиги** ўсимликни ҳалокатга учратиши мумкин. Қуйида кўрсатилганидек, сувнинг меъёри **тупроқнинг сув сиғими** чегараси ва **сўлиш нуқтаси** оралиғида бўлиши зарур. Шундай қилиб, экинларни сўлиш нуқтасига етказмай, ўз вақтида суғориш керак. Бироқ, шу билан бирга уларни ҳаддан ортиқча суғориш ҳам ярамайди!

Тупроқдаги сувнинг ҳаракати



Сўлиш нуқтаси униб чиқаётган ўсимликнинг турига боғлиқ бўлади. Айрим ўсимликлар курғоқчиликка чидамли бўлса, шу билан бирга полизларда етиштириладиган кўплаб сабзавотлар эса курғоқчиликка бардош бера олмайди.



Тупроқнинг сув сақлаш хусусияти

Иирик донали тупроқни иирик қумли тупроқ, майда донали тупроқни эса юпқа чангсимон гил ташкил этади. Ҳар хил тупроқлар сувни турли миқдорда сақлайди. Навбатдаги жадвалда турли тупроқларнинг сув сақлаш хусусияти **бир сантиметр чуқурликдаги тупроқقا бир миллиметр сув** миқдорида кўрсатилган.

Тупроқнинг тузилиши	Тупроқнинг сув сифими (A)	Сўлиш нуқтаси (B)	Сувнинг мавжудлиги (=A-B)
Иирик донали қумоқ ер	0.6	0.2	0.4
Майда донали қумоқ ер	1.0	0.4	0.6
Гил тупроқли қумоқ ер	1.4	0.6	0.8
Қумоқ гил тупроқли ер	2.0	0.8	1.2
Гил тупроқли ер	2.7	1.2	1.5
Гил аралашган қоратупроқ	3.2	1.4	1.8
Қоратупроқ	4.0	2.5	1.5

Жадвалдан кўриниб турибдики, ёмғирдан ёки суғоришдан кейин гил аралашган қоратупроқ ва қоратупроқ қумоқ ерга қараганда кўпроқ сув сақлай олади.

ТОПШИРИҚ



- Тоза пластик бутилка тайёрла.
- Ўз полизингдан катта бир ҳовуч тупроқ олиб бутилкага сол ва ярмигача тоза сув билан тўлдир, кейин эса уни қопқоғи билан қаттиқ ёп.
- Бутилкани эртаси куни мактабга олиб бориб, дарс бошланиши олдидан уни 1-2 дақиқа силкитиб, сув билан тупроқни аралаштир.
- Бутилкадаги тупроқ тиниши учун уни ерга қўй.
- Дарс тугагач, бутилка ичидаги нарсаларни дикқат билан кузатиб:
 - I. Сув юзасига органик моддаларнинг қалқиб чиқиши;
 - II. Тупроқнинг турли минерал компонентлари – лойқасининг тепада қолиши, иирик донали қумларнинг эса остига чўкишини кўрамиз.

Нима учун сув ва тупроқ ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳақида билиш зарур?

Ёғинлар ва ҳароратнинг ҳисобини юритиш экинларни суғориш вақтини аниқлаш учун муҳимдир. Навбатдаги жадвалда Бишкек ва Ўшда ҳарорат ва ёғинларнинг ҳисоби кўрсатилган. Бу кўрсаткичлар йилдан-йилга ўзгариб туриши мумкин. Бироқ, шундай бўлишидан қатъи назар, тарихий ёзувлар асосида ҳар йилги табиат ҳодисалари тўгрисида умумий тасаввурга эга бўлиш мумкин.



Бишкек ва Ўш шаҳарларидағи ҳаво ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$) ва ёғинлар (мм) күрсаткичлари

Ой	Бишкек 1961-1990 йиллар				Ўш 1961-1990 йиллар		
	Кунлик минимум $^{\circ}\text{C}$	Кунлик максимум $^{\circ}\text{C}$	Ёғинлар		Кунлик минимум $^{\circ}\text{C}$	Кунлик максимум $^{\circ}\text{C}$	Ёғинлар
			Ўртача (мм)	Кунлар ўртача сони			
Январь	-8.6	2.7	26	6.2	-3.3	3.9	35.0
Февраль	-7.3	3.3	31	6.4	-1.7	6.1	42.2
Март	-0.3	10.1	47	8.5	3.9	12.8	61.5
Апрель	6.3	18.1	76	8.8	8.9	19.4	67.8
Май	10.9	23.1	64	7.9	13.3	24.4	47.0
Июнь	15.1	28.4	35	4.4	16.7	30.0	23.1
Июль	17.5	31.4	19	3.2	18.9	31.6	9.9
Август	15.7	29.9	12	2.2	17.8	31.1	7.1
Сентябрь	10.6	24.8	17	2.7	13.3	26.7	6.1
Октябрь	4.5	17.1	43	5.8	8.3	19.4	37.6
Ноябрь	-1.1	10.1	44	6.5	2.2	12.2	36.3
Декабрь	-5.4	4.8	28	5.6	-2.2	5.0	47.8
Жами:			442				421.4

Тупроқ ҳарорати бутун йил мобайнида ҳаво ҳарорати қандай бўлса тахминан ўшанча бўлади. Умуман, баҳорда тупроқ ҳарорати ҳаво ҳароратидан бир оз пастроқ бўлади, бироқ ёзда у кўтарилади. Кузда тупроқ ҳарорати ҳаво ҳароратига нисбатан бир неча даражага кўтарилиши мумкин, қишининг ўрталарига бориб бу икки кўрсаткич тенглашади.

Органик моддалардан фойдаланиш ва тупроқ юзасига мульча қўшиш ҳаво ҳароратининг кундалик ва мавсумий ўзгаришларидан қатъи назар, тупроқ ҳароратининг бирдек сақланиши учун шароит яратади.

Тупроқ ҳарорати уруғларнинг униб чиқиши ва тупроқ юзасида ўсимликлар пайдо бўлишининг тезлашига таъсир этади. Агар ўта совуқ ҳароратдаги тупроққа уруғ сепилса, ўсимлик кўкариб чиқмаслиги ёки жуда секин ўсиши мумкин. Агар тупроқ ҳарорати жуда юқори бўлса ҳам уруғ униб чиқмайди, тупроқда чириб кетади.

Илғор фермер ёки маслаҳатчидан қишлоғингда сабзавот уруғларини экиш учун энг қулай давр тўғрисида кенгашиб ол.

ТОПШИРИҚ



Қўйида тақдим этилаётган графикка Бишкек ва Ўш шаҳарлари учун максимал, минимал ва ўртача ҳароратни ёз. Графикдаги шартли белгилар қайси рангли чизиқдан фойдаланишни кўрсатади.

Агар сен ўз қишлоғинг учун кўрсаткичларни топсанг, график туз ва уни сақлаб қўй. У ўз полизингни суғориш даврига тегишли қарор қабул қилишингда сенга ёрдам беради.

Тузилган ҳарорат жадвали ва графикни тажрибали сабзавоткор ёки маслаҳатчи билан муҳокама қил ва ўз полизингни суғориш даври ҳамда суғоришнинг давомийлиги юзасидан маслаҳатлашиб ол.



**Үш ва Бишкек шаҳарлари учун максимал, минимал ва ўртача ҳарорат
кўрсаткичларининг графиги**



Энди қўйидаги жадвалдан турли сабзавотлар ўстириш учун қандай ҳарорат тўғри келишини кўр. Сенинг қишлоғингда сабзавотлар уруғларини экиш учун қайси вақт мос келишини аниқла.



Сабзавотлар уруғини ундиришда талаб қилингандык ҳарорат

Сабзавотлар	Шу күрсаткичдан паст бўлган ҳароратда уруғлар секин униб чиқади	Уруғлар яхши униб чиқадиган ҳарорат	Шу күрсаткичдан юқори бўлган ҳароратда уруғлар секин униб чиқади ёки бутунлай чиқмайди
Карам	5°C	10°C-25°C	25°C
Сабзи	5°C	10°C-35°C	35°C
Бодринг	15°C	15°C-35°C	35°C
Бақлажон	20°C	20°C-30°C	30°C
Саримсоқ	7°C	7°C -15°C	Октябрь-ноябрда экилади
Пиёз	5°C	5°C-35°C	35°C
Қалампир	15°C	15°C-35°C	35°C
Картошка	6°C	15°C-21°C	25°C
Маккажӯхори	15°C	20°C-35°C	35°C
Помидор	10°C	10°C-35°C	35°C
Тарвуз	20°C	20°C-35°C	35°C

Турли экинларнинг сувга бўлган тахминий эҳтиёжи

Қўйидаги жадвалда экинларнинг зарур ўсиши учун керак бўлган сув миқдори кўрсатилган. Шубҳасиз, суғоришдан ташқари экилган ўсимликларнинг навлари, ўғитларни ишлатиш ва ер шароитлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Жадвалда тақдим этилаётган маълумот мўлжал сифатида хизмат қиласи, чунки Қирғизистоннинг ҳар хил минтақаларида турлича шароитлар мавжуд. Шунингдек, ўсимликларни суғориш даври тўғрисида ҳам маълумот берилган.

Ўсимлик	Суғориш даври	Суғоришга эҳтиёж	Сувни 10 литр ҳажмдаги пақирда ўлчаганда
Сабзи	Илдизи тўла етилгунга қадар доимий суғориш керак	Ўсиш чўққисида сабзи кунига 4-6 мм сув талаб қиласи	Кунига 4-6 литр сув (кунига 1 кв м га ярим пақир)
Карам	Карам боши шаклланиб ўсаётганда	Мавсум мобайнида карам 380-500 мм сув талаб қиласи	Кунига 2-3 литр сув (кунига 1 кв м га ярим пақир)
Маккажӯхори	Маккажӯхори попукларини чиқарганда, чангланиб ва сўтаси тўлаётганда	Маккажӯхори ўсиш чўққисида кунига 6 мм сув талаб қиласи. Бутун ўсиш жараёнинда 5210 мм сув истеъмол қиласи	Кунига 4-6 литр сув (кунига 1 кв м га ярим пақир)
Бодринг	Гуллаш, ҳосил туғиши ва ривожланиши пайтида	Экиш ёки ўтқазишдан кейин 25 мм сув талаб қиласи. Ўсиш жараёнининг қийин пайтида қуриб қолишига йўл қўйма	Кунига 2-3 литр сув (1 кв м га ярим пақир)
Бақлажон	Гуллаш, ҳосил туғиши ва ривожланиши пайтида	Ҳафтасига 25 мм сув талаб қиласи	Кунига 4-6 литр сув (1 кв м га ярим пақир)



Үсімлік	Суғоришиң даври	Суғоришиң әхтиёж	Сувни 10 литр қажмдагы пақирда үлчаганда
Саримсоқ	Боши шаклланиб ўсаётганды	Хафтасига 25 мм дан суғор	Кунига 4-6 литр (кунига 1 кв м га ярим пақир)
Пиёз	Боши шаклланиб ўсаётганды	Пиёз үсиш чўққисида кунига 4-5 мм сув талаб қилади. Хафтасига 25 мм дан суғор. Мавсум мобайнида пиёз 350-500 мм сув талаб қилади	Кунига 4-6 литр (кунига 1 кв м га ярим пақир)
Қалампир	Гуллаш, ҳосил туғиши ва ривожланиш пайтида	Хафтасига 25 мм дан суғор	Кунига 4-6 литр (кунига 1 кв м га ярим пақир)
Картошка	Тугунаклари шаклланиб, уларнинг диаметри 1,5 см га етганда	Картошка үсиш чўққисига етганда кунига 5,5-6 мм сув талаб қилади. Мавсум мобайнида 300-500 мм сув талаб қилади	Кунига 4-6 литр (ҳар куни 1 кв м га ярим пақир)
Помидор	Гуллаш, ҳосил туғиши ва ривожланиш пайтида	Хафтасига 25 мм сув талаб қилади	Кунига 2-3 литр (ҳар куни 1 кв м га ярим пақир)
Қулупнай	Ўтқазишдан кейин, гуллаш, ҳосил туғиши ва ривожланиш пайтида	Тупроқни қуриб қолишига йўл қўйма. Ҳар икки кундан сўнг 6-8 мм дан суғор	Кунига 2-3 литр (ҳар куни 1 кв м га ярим пақир)
Малина	Ўтқазишдан кейин, гуллаш, ҳосил туғиши ва ривожланиш пайтида	Малина үсиш чўққисида кунига 5-8 мм сув талаб қилади. Гуллашдан бошлаб ҳосилни териш бошлангунча ҳафтасига 25-37 мм дан суғор	Кунига 2-3 литр (ҳар куни 1 кв м га ярим пақир)

Сувнинг сифати

Сабзавот экинларининг үсиши ва ҳосил йиғиши учун жуда кўп марта суғориши керак бўлади. Бунинг устига сувнинг сифати ҳам яхши бўлиши зарур. Шўр сув ҳосилни пасайтириб юборади. Тупроқ таркибидаги асосий тузлар: хлорид, карбонат, сульфат, аммоний фосфати, фосфат шаклидаги натрий, калий, кальций ва магний. Маълумки, Қирғизистон ерлари ишқорга нисбатан холис бўлганидан бу тузлар тупроқда учраши мумкин. Афсуски, агар тупроқ таркибида тузлар юқори даражада бўлса, бунинг устига шўр сув билан суғорилса, сабзавотларнинг тузларга бардош берувчи навлари экилмаса, яхши ҳосил кутишнинг фойдаси йўқ.





Тупроқнинг шўрланиши

Бутун дунёда қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритиш тизими қишлоқ хўжалиги катта майдонларининг шўрланишига имкон яратган. Тупроқнинг шўрланиши қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни издан чиқариши мумкин. Бунга кўплаб сабаблар бор, бироқ уларнинг асосийси дaraohтларни кесишидир.

Дaraohtлар ерга чуқур илдиз отади. Дaraohtлар худди сабзавотлар каби катта миқдорда сув истеъмол қиласди. Дaraohtларни кесишда тупроқ эритмаси чуқур ер остида қололмайди ва ундаги сув ер юзасига кўтарилади. Сув билан бирга, шунингдек, тупроқ таркибида табиий ҳолда бўладиган туз ҳам ер юзасига кўтарилади. Бунинг устига ўсимликлар учун одамлар томонидан кўлланадиган кўплаб ўғитлардаги туз ҳам ер юзасига кўтарилади. Ортиқча туз билан курашиш учун қуидаги усувларни қўллаш мумкин:

- сув хўжалиги тадбири деб аталган дaraoht кўчатларини қайта ўтқазиш;
- сабзавот ўстириш учун яроқсиз шўр ерларга сен беда экишинг ва ундан чорва ҳайвонлари учун озуқа сифатида фойдаланишинг мумкин. Беданинг чуқур илдизлари тупроқ қўшимча шўрланишининг олдини олади;
- иложи борича кўпроқ органик моддалардан фойдалан;
- тузнинг таъсирини йўқотадиган қимматбаҳо кимёвий моддаларни қўллан.

Тупроқ шўрланишидан ҳимоя

Тупроқ шўрланишидан ҳимоя усули уруғ ёки кўчатларни жўяк чўккисидан пастроқса экишидир. Сув тупроқ юзасининг энг юқори нуқтасигача ҳаракатланади ва тупроқдан буғлана бошлади. Сув буғланадиган нуқтада тупроқдаги туз энг юқори даражада тўпланади. Гарчи бу амалиёт фойдали бўлса-да, бироқ у шўрланиш муаммосини ҳал эта олмайди. Бу жараён тартиби қуидаги расмда кўrsатилган.





Қадамжой туманидағы “Жани-Жер” маҳаллий жамоат бирлашмаси бир неча йил мобайнида 400 га қайроқи ерни қайта ўз ҳолига келтириши учун пул маблаги ва ишчи кучини сарфлади. GTZ бир неча каналлар қурилишини молиялаштируди. Лайлак туманидағы Максат қишлоғида GTZ гидрантларни ишлатыш йўли билан қувурлар ёрдамида сүвдан самарали фойдаланиши тизимини ишлаб чиқди ва объект қурилишини молиялаштируди. Бундай тизим ёнбағирликдаги өрлар эрозиясининг ва ер ости сүвлари сатҳининг Тожикистон томонига кўтарилишининг олдини олади ва низони четлаб ўтишга имкон яратади.



Маҳаллий жамоат яккахўжаликнинг фойдаси учун бузилган жамоат каналларини ўз назорати остига олди. Лайлак тумани Қатрон қишлоғидаги каналга лоқайдлик билан муносабатда бўлишгани, техник жиҳатдан қаров кўрсатилмагани учун энди уни қайта таъмирлаш жуда қимматга тушади. GTZ зарур қурилиш материалларини сотиб олиб берди, жамоат эса ҳашар йўли билан ишчи кучи тақдим этди.


Лайлак түманида баҳор. Боткен вилояты.



Чотқол түманида ёз. Жалолобод вилояты.




Толас вилоятида күз.



Хайдаркон шаҳарчасида қиши.





7 - БўЛИМ

ЗАМОНАВИЙ ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ



204-бет | Хўжалик хавфсизлиги

212-бет | Ўсимликларни ҳимоялаш. Табиий дорилар

220-бет | Ўсимликларни ҳимоялаш. Кимёвий дорилар

20-

ДАРС

ХўЖАЛИК

ХАВФСИЗЛИГИ



Хавфсизлик – бу дунёдаги саноати ривожланган мамлакатларда ўта пухта тадқиқ этилган масала. Иш ўрнидаги хавфсизлик тадбиркорликнинг муваффақияти ва мамлакат иқтисодиёти учун ўта муҳим ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ривожланган давлатларга маҳсулотни экспорт қилишда ривожланиб бораётган мамлакатларга иш ўрнидаги хавфсизлик қоидаларини сақлаш талаби қўйилади.

Сабаби: Ҳар бир одамдаги энг бебаҳо бойлик унинг саломатлиги ва келгусида ўзининг яхши ҳаётини таъминлаш учун зарур бўлган ишчанлик қобилияти ҳисобланади.

Иш ўринларидағи хавфсизликка риоя қилишнинг аҳамияти баҳтсиз ҳодисалар эҳтимоллигини камайтиришдан иборат

Баҳтсиз ҳодиса ҳар вақт содир бўлиши мумкин, бироқ бу ҳақда одамларнинг олдиндан хабардор бўлиши унинг содир бўлиш эҳтимоллигини камайтиради. Ҳар бир одам қандайдир баҳтсиз ҳодиса ва касалликка дучор бўлиши мумкин. Бироқ кўпчилик одамлар касалликлардан хабардор бўлганлиги учун оғримасликка ҳаракат қиласилади. Шунингдек, уларнинг соғлом бўлишга яна бир оз ҳаракати ва у ҳақда хабардорлиги юз берадиган катта фалокатнинг ҳам олдини олиши мумкин.

Ишчининг баҳтсиз ҳодисага дуч келиши, дардга чалиниши ёки бетоб бўлиши ишнинг юришига халақит беради, шу билан бирга мамлакат иқтисодиётига катта чиқим келтиради. Баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдан ишчилар ҳам, бизнес эгалари ҳам манфаатдор бўладилар. Ривожланган мамлакатларда хавфсизлик таъминланмаган корхоналарнинг эгалари хавфсизлик қоидаларига риоя қилмагани ва бунинг оқибатида ишчилар жабр кўргани учун қамоққа олинадилар.

Огоҳлантирувчи белгилар:

Корхоналар ва жамоат жойларида шу саҳифанинг бошида берилгани каби огоҳлантирувчи белгилардан кенг фойдаланилади. Хавфли жойларда, ишчилар ёки умуман аҳолининг хавфсизлигини муҳофазалаш учун маҳсус белгилар ўрнатилади. Мактабларда эса хавфли кимёвий моддалар мавжуд бўлган лаборатория синфларида, темирчилик ва дурадгорлик устахоналарида, юқори кучланишли электр симлари тортилган жойларда ана шундай огоҳлантирувчи белгилар илинган бўлиши керак.

Газета-журналлар, телевидение ва радио, мактабдаги дарсларда бу белгилар ва рамзлар маъносини тушунтирувчи мақолалар чоп этилиши, кўрсатувлар ва эшиттиришлар берилиши, тарбиявий соатлар ўтилиши керак. Айниқса, мактаб ўқувчилари ҳам турли хавф-хатардан эҳтиёт бўлиш учун ана шу огоҳлантирувчи белгиларни ўрганадилар.





Хўжаликда бўладиган баҳтсиз ҳодисалар:

Хўжалик – бу юз бериши мумкин бўлган турли хавф-хатарни қамраб олган маскан. Бу масканда одам ҳар доим ҳушёр бўлиб, ўз хавфсизлигини муҳофаза қилиши керак. Шунингдек, хўжалик эгаси ўзининг қўл остида меҳнат қиласидаги ишчилар ва у ердаги яқинларининг хавфсизлиги учун ҳам жавобгардир. Ишчиларнинг жавобгарлиги эса ўз хавфсизлигига ғамхўрлик қилиш билан бирга бошқаларни ҳам хавф-хатардан сақлашдир.

Хўжаликда юз берувчи фалокатларнинг манбалари

Хўжаликда содир бўлиши эҳтимол фалокатларнинг манбалари кўп, улар:

- картошка ковладиган тракторлар, аравалар, экинларни йиғиширувчи комбайнлар;
- юқ ташувчи машина, енгил машина ва мотоцикллар;
- болға, кетмон, пичоқ ва бошқа рўзгор буюмлари;
- мол, от, қўтос каби чорва моллари;
- қўй, эчки, чўчқа, кучук сингари майда жониворлар ва паррандалар;
- ёввойи ҳайвонлар, масалан, заҳарли илонлар;
- чорва моллари ёки ўсимликларга, улардаги касалликлар ва иллатларга, зааркундаларга қарши қўлланувчи кимёвий дорилар;
- омборхоналарни ёритиш ёки жиҳозларни ишлатиш учун ўрнатилувчи электр қурилмалар;
- ғалла ҳосилини ўриб-янчиш ва сақлаш, қўрадаги гўнгни полизга олиб бориб сепишда нафас олишга халақит қилувчи чанг;
- одамлар томонидан оғир юкларни кўтариш ва ташиш;
- ёруғ етарли бўлмаган шароитда кўзга зиён етказувчи майда ишларни бажариш, масалан, кашта тикиш, гилам тўқиши.

Қирғизистонда бугунги кунда қўлланиб келаётган кўплаб қишлоқ хўжалиги техникаларига 20 йилдан ошди. Айниқса, шундай эски техникаларни мутахассис бўлмаган одамлар бошқариши, таъмиралиши натижасида кутилмагандан жиддий фалокатлар юз бериши мумкин. Шу боисдан эски техникаларни ишлатишда эҳтиёт бўлишинг зарур. Масалан, Германиядан келтирилган қишлоқ хўжалиги техникаси Хитойникига нисбатан қимматроқ бўлишининг бир сабаби – Германияда бу техника юқори даражада хавфсизликни таъминлай оладиган ҳолда ишланади. Хавфсизлик қоидалари билан танишиб, уларга доим риоя қилишга одатланишинг керак. Энг асосийси – фалокатнинг олдини олиш!





Кейинги бетдаги расмга қараб, берилған жадвалга барча хавфли вазиятларни рүйхатта олиб ёзіб чык.

Хўжаликдаги асосий хавфлар



Хўжалик юритишдаги хавфларни бошқариш

Хўжалиқда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишнинг энг самарали усули эҳтимолий хатардан хабардор бўлиш ва соғлом фикр юритиб, олдини олиш йўлларини излаш. Бунда қуидаги амалларни бажариш керак:

- эҳтимол бўлган хавфни аниқлаш;
- унинг фалокатга олиб келиш эҳтимолларини баҳолаш;
- хавфнинг манбаларини назорат қилиш;
- хўжалиқда фалокатга олиб келувчи хавфларни назорат қилишни ташкил этиш ва кўрилган чораларни ёзиб бориш. Бу чоралар ҳақида хўжалиқдаги одамларнинг барчасига етказиш ва вақти-вақти билан уларга эслатиб туриш. Ҳар бир хўжалиқда дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш учун кўл етадиган жойда дорилар қутичаси (аптечка) ва ўт ўчирувчи мослама бўлиши шарт! Ҳар уч йилда буларни янгилаштириш зарур. Бу нарсаларни сотиб олиш тадбиркорликнинг асосий сарф-харажатларига кириши керак.

Ўқитиш

Хўжалик раҳбарлари ва ходимлари бирга йиғилиб, тадбиркорлик фаолияти давомида эҳтимол бўлган соғлиққа хавф туғдирувчи вазиятларни муҳокама қилиб, қандай қилиб уларнинг олдини олиш йўлларини излашлари керак.

Бундан ташқари хўжалик раҳбари ҳар бир янги келган ходимни иш бошлашдан аввал хавфсизлик қоидалари билан таништиришга масъулдир. Шундай таништириш ёки ўқитиш пайтида, шунингдек, хўжалиқда қўлланувчи асосий кимёвий дори-дармонлар билан хавфсиз ишлашнинг йўриқномалари ҳам берилиши керак. Буларнинг барчаси ривожланган мамлакатларда одатий ҳолдир. Қирғизистонда ҳам шундай бўлиб қолиши эҳтимол. Сен қандай бўлади, деб ўйлайсан?

Кимёвий моддалардан хавфсиз фойдаланиш

Хўжалик эгаси кимёвий моддаларни сақлашда, бир жойдан иккинчи жойга ташишда ва қўлланишда ўзининг ва атроф-муҳит хавфсизлигини ёдан чиқармаслиги керак. Хоҳлаган кимёвий моддалар, табиийми ёки заводда тайёрланганми, уларнинг барчаси эҳтиёткорлик билан қўлланиши зарур, чунки уларнинг чиқарган буғи ёки бевосита таъсири соғлиққа зарар етказиб, шу билан бирга заҳарлаши ё бўлмаса куйдириб қўйиши эҳтимол.

Кимёвий моддалардан фойдаланганда маҳсус ҳимоя кийимини кийиб олиш зарур!

Асосий кимёвий дорилар

Қишлоқ хўжалиги кимёвий дорилари тоза ёки аралашган ҳолда бўлади. Асосий кўп фойдаланиладиган кимёвий дориларга пестицидлар, гербицидлар ва фунгицидлар киради. Улар маҳсус ёрлиқлар ёпиштирилган идишларда сотилади. Ёрлиғини ҳеч қачон олиб ташлама. Агар сен кооперативдан оз миқдорда дори сотиб оладиган бўлсанг ҳам тайёрлаб беришган идишга ёрлиқнинг кўчирмасини ёпиштириб беришларини талаб қил. Бўшаган идишлардан бошқа мақсадларда фойдаланиб бўлмайди, чунки кимёвий моддалар инсон саломатлиги учун ўта хавфлидир.

Қўшимча таъсири

Кимёвий дориларнинг қўшимча таъсири кимёвий модданинг тури ва таъсир этиш даражасига боғлиқ бўлади. Агар кимёвий модда ютиб юборилса, терига тегса ёки буғ, чанг ҳолатида нафас билан кирса ўша заҳоти ёки бир оздан кейин қуидагича таъсир этиши мумкин:



- захарланиш;
- бош оғриши;
- кўнгил айниши;
- терига тошма ташиши, қичишиш;
- кимёвий куйиш;
- саратон;
- одам ва жониворларнинг туғма нуқсонлари;
- ўпка, жигар ва буйрак касалликлари;
- асаб тизими хасталиклари.

Хўжалиқда кимёвий дориларнинг хавфсиз қўлланиши

Кимёвий дориларнинг барчаси улардан фойдаланганларнинг ва улар қўлланилган жойга яқин турганларнинг соғлиғига зарарлидир. Хўжалиқда қўлланилган кимёвий воситалар ҳаётга хавф туғдиради. Кимёвий дорилардан фойдаланиш оқибатида юз берувчи фалокатлар ва улардан нотўғри фойдаланиш заҳарланишга ёки аста-секинлик билан саратон касаллигига дучор этиш орқали ўлимга сабаб бўлиши мумкин.



ЭҲТИЁТ БЎЛ!

Бу белги хавфли кимёвий моддалар борлигини билдиради.

Кимёвий моддаларни тўғри сақлаш

Кимёвий моддаларни хавфсиз сақлаш бўйича тавсиялар:

- Кимёвий моддалар ишлаб чиқарувчи корхонанинг дориларни тўғри сақлаш тўғрисидаги қоидаларини доим бажар.
- Имкон борича кимёвий моддаларни ўз идишларида сақла.
- Идишлардан ёрлигини ҳеч қачон олиб ташлама.
- Яхши шамоллатиладиган, эшиги қулфланадиган бинода сақла, полда тешик бўлмаслиги керак.
- Кимёвий моддаларни ҳимоя кийимларидан олисроқда сақла.
- Реакцияга киришиб кетмаслиги учун турли даражадаги кимёвий моддаларни алоҳида сақла.
- Чорва моллари озуқаси, уруғлик ва минерал ўғитларни бошқа жойда сақла.
- Кимёвий моддалар сақланадиган жойда тупроқ ва қум доим бўлиши керак.
- Ёнувчи манбаларни кимёвий моддалардан олисроқда ушла.
- Сотиб олинган, сақланган ва фойдаланилган кимёвий моддаларнинг ҳисобини юритиш зарур.





Махсус хавфсиз идишларда сақлануучи кимёвий моддалар

Кимёвий моддаларнинг оқиб кетишини тұхтатиш

- Ҳимоя кийимингни кий.
- Оқимни (суратдагидек) тұхтатиб қолишиңа ҳаракат қил.
- Одамлар ёки ҳайвонларнинг етиб олмаслиги учун түсиқ қўй.
- Тезда мутахассисларга мурожаат қил.


Хўжалик раҳбарининг масъулияти

- Кимёвий моддаларни сақлаш учун махсус жой ажратиш.
- Кимёвий моддалар билан ўсимликлар ёки ҳайвонларни дорилашда ишчиларни ҳимоя кийими билан таъминлаш.
- Кимёвий моддаларнинг идишларига ёзилган қоидаларни күнт билан ўқиш.
- Кимёвий моддаларнинг ишчилар томонидан тұғри тайёрланишини назорат қилиш.
- Фойдаланишга тайёрланаётган кимёвий моддаларнинг тұғри ўлчанаётганини назорат қилиш.
- Кимёвий моддалардан фойдаланишда атроф-муҳит ёки ишчиларга зиён етмаслиги учун жиҳозларнинг тоза ва яхши ишлашини таъминлаш.
- Бахтсиз ҳодиса пайтида қўлда туриши керак бўлган сув ва махсус ювиш воситалари билан таъминлаш.
- Бўшаган идишлар ва кимёвий моддаларнинг қолдиқларини сақлашга лойик хавфсиз жой билан таъминлаш.



Ишчиларнинг масъулияти

- Фойдаланувчи кимёвий моддаларнинг хавфли эканлиги тўғрисида билиш.
- Кимёвий моддалардан фойдаланиш ва сақлаш тўғрисида маълумотни иш бошлишдан аввал сўраб олиш.
- Ноқулай бўлса ҳам ҳимоя кийимини кийиш. **Ҳимоя кийими умрни сақлайди.**
- Хавфсизлик қоидаларини бузишга олиб борадиган буйруқларни бажаришдан бош тортиш.**



Кимёвий моддаларни сепаётган пайтда:

- Шамолнинг йўналишига эътибор бер!
- Ҳимоя кийимини кий!
- Дори сепилган ерларни қайта босма!

Хўжаликдаги бошқа хавфлар

Шу дарснинг бошида берилган жадвал (хўжаликда учрайдиган фалокатларнинг манбалари)ни икки ўқувчидан иборат гурӯҳларда муҳокама қилиб, яна нималарни кўшиш мумкинligини ўйланг.



Ўсимликларни 21- ХИМОЯЛАШ.

ТАБИЙ ДОРИЛАР

Янги сўзлар

Пестицид	зааркунандаларни ўлдириш учун ишлаб чиқарилган кимёвий восита.
Ўсимликларнинг зааркунандалари	ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига зиён етказувчи тирик организмлар.
Зааркунандаларнинг душманлари	ўсимликларнинг зааркунандаларини еб йўқотадиган ҳайвонлар ва ҳашаротлар.
Яшаш мухити	ҳайвонлар яшайдиган ёки ўсимликлар ўсадиган жой.
Фунгицид	замбуруғларни ўлдирадиган ёки ўсишини тўхтатадиган кимёвий модда.
Хом ўғитлар	ҳали пишиб етилмаган, кўк пайтидаёқ тупроқнинг органик таркибини бойитиш мақсадида ерга кўмилгандони хом ўсимлик дони.

Ўсимлик зааркунандаси – бу экинларни шикастлаб, уларга зиён етказадиган тирик организм. Умуман, ўсимликларнинг зааркунандалари муаммоларнинг кони ҳисобланаркан, табиийки, уларни йўқотиш керак. Бунинг устига шуни ёдда тутиш керакки, ўсимликларнинг зааркунандалари – бу мувозанатлашган экологик тизимнинг бир бўлаги. Улар фақат инсон нуқтаи назаридангина зааркунанда деб аталади, чунки улар одамнинг атроф-муҳитдан фойдаланишига халақит беришади.

Бу организмларни муаммо сифатида кўриб, уларнинг ўта қўплигини экологик тизимдаги мувозанатнинг бузилиши деб тушуниш мумкин.


Зааркунандаларга қарши курашиш табиий шароитларда жуда яхши олиб борилади. Ҳашаротлар, қўнғизлар, пащалар ва паррандалар бутун табиий жараённинг фаол иштирокчилари ҳисобланади.





1. Кунда учрайдиган ҳашаротларнинг рўйхатини тузинг.
2. Уларнинг кўпчилиги фойдали. Улар қандай фойда келтиришини биласизми?
3. Агар бу ҳашаротлар йўқ бўлиб кетса, атроф-муҳитда нима бўлади?

Ушбу расмда тасвирланган ҳашаротларнинг нечтасини билиши ва топа олишини сўраб синфга мурожаат қилинг.



Табиий жараёнга одамнинг аралashiши

Одамларнинг қишлоқ хўжалигидаги фаолияти атроф-муҳит ва экологияга турли муаммоларни келтирмоқда. Улар қуйидагилар:

- Бир хил экиннинг бир катта ер майдонига экилавериши, масалан, буғдой ва бошқа дон ўсимликлари, шоли, маккажӯхори ва ҳоказолар. Қишлоқ хўжалигига бу “монокультура” деб аталади.
- Зааркунандаларнинг табиий душманлари яшаш муҳитининг йўқолиши.
- Пестицидларни қўллашда зааркунандалар табиий душманларининг ҳам ўлимга дучор бўлиши.
- Дехқончиликда ўсимликлар табиий ҳимоя механизмининг пасайиши.
- Қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлатишда зааркунандаларни юқтириб олиш.



ХХ асрда аҳоли сонининг ўсиши билан ер майдонларининг етишмаслиги одамларнинг кўлидаги мавжуд ҳайдов ерларининг унумдорлигини оширишга ҳаракат қилишга ундали. Ўсимликларнинг зааркунандаларини назорат қилиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ягона катта муаммо бўлиб қолди.

Шундай қилиб, ўсимлик зааркунандаларини назорат қилиш мақсадида турли сунъий кимёвий дорилар ишлаб чиқарилди. Бу кимёвий воситалар ўта кўп фойдаланилиб, уларнинг атроф-муҳитга етказган таъсири анча йилларгача назоратга олинмади. Натижада кимёвий дорилар нафақат ўсимлик зааркунандаларини, балки уларнинг табиий душманлари бўлган бошқа жоноворларни ҳам ўлимга дучор қилиб, одамзоднинг манфаатларига салбий таъсир етказувчи экологик мувозанатсизликка олиб келди.


Ўсимлик зааркунандаларининг кимёвий дориларга чидамлилиги

Кимёвий пестицидларни қўллашни суистеъмол қилиш яна бир камчиликка олиб келади – зааркунандаларнинг организми ўта кўп миқдорда қўлланган кимёвий дориларга кўнишиб қолади-да, натижада бундай кимёвий дориларга организми чидамли бўлган зааркунандалар сони кўпаяди.

Илмий тадқиқотлар кўрсатганидек, 1935 йили зааркунандаларнинг еттитагина тури сепилган кимёвий дориларнинг таъсирига дош бера олса, 1986 йили худди шундай тажриба пайтида кимёвий воситаларнинг бундан ҳам заҳарлироқ ҳолда ишлаб чиқарилишига қарамай, зааркунандаларнинг 462 тури уларга чидаш бериб ўлмай қолган. Худди шунга ўхшаб фунгицидлардан ҳам ўта кўп фойдаланиш оқибатида замбуруғларнинг кўплаб турлари уларга дош бера бошлаган. 1986 йилдан бери ўсимлик зааркунандаларининг кўплаб турлари кимёвий дориларга чидамли бўлиб келмоқда.

Кимёвий дорилар қўлланилгандан кейин зааркунандалар орасида уларнинг бир неча тури тирик қолган бўлиши мумкин. Тирик қолган зааркунандаларнинг кейинги авлодлари ҳам бундай заҳарли моддаларга дош беради, чунки бундай чидамлилик уларга организми заҳарга кўнишиб қолган ота-онасидан ўтган. Бир неча йиллардан кейин бу зааркунандаларнинг кўччилиги кимёвий воситаларга чидамли бўлиб, ана шундай дориларни уларга қарши қўллаш тўлиғи билан натижасиз бўлиб қолади. Бироқ, бундай зааркунандалар табиий душманларининг ҳам жабр тортиб қолиши бу ерда асосий муаммо бўлиб келмоқда. Шундай қилиб, зааркунандаларга қарши курашиша ҳам кимёвий, ҳам табиий усуслар самарасиз қолмоқда.

Зааркунандаларни бошқариш бўйича самараали ва барқарор махсус чоратадбирлар ишлаб чиқиш учун табиий экологик тизимда топилган мезонлар ва мувозанатларни таҳлил қилиб чиқиш зарур. Табиий тизим нима эканлигини билиш – бу барча мамлакатлардаги асосий муаммо. Хўжалик эгалари имкони борича кимёвий воситалардан фойдаланмасликка ҳаракат қилишлари керак. Бунинг ўрнига улар зааркунандаларнинг табиий душманларини кўпайтирганлари афзал.





Кузатиш

- 2-4 ўқувчидан иборат гурухларга бўлиниб, ташқарига чиқинг ва камида учта турли ҳашаротни топиб расмини чизинг. Уларнинг номини айта оласизми? Уларни қаердан (дараҳтдан, тошнинг остидан, гуллар орасидан ва ҳоказо) топганингизни ёзинг.
- Шунингдек, кўрган турли қушларнинг расмини чизинг.
- Қушлар ҳаётини кузатиш нима учун мухим?

Ҳашаротлар чараклаган ёруғликка талпинади. Агар сиз яшаётган уйнинг ҳовлисида электр ёритгич бўлса, кечаси уни ёқинг ва ҳашаротларнинг қандай турлари ёруғликка учеб келаётганини кузатинг.

Ўсимликларни зааркунандаларнинг табиий душманлари ёрдамида биологик назорат қилиш

Ўсимликлар табиий душманларининг сонини кўпайтириш учун маҳсус экологик шароит яратишимиз керак. Бунга кўп вақт (йиллар) кетади, бироқ уни ушбу йўллар орқали амалга ошириш мумкин:

- **Ўсимликларнинг ҳар хил турларини ўтқазиш**, масалан, турли дараҳтлар, гуллар, буталар ва ғалла ўсимликлари. Ўсимликларнинг турлари қанчалик кўп бўлса, зааркунандаларнинг табиий душманлари ҳам ўшанчалик кўп бўлиб, бора-бора ўша жойда кўпайишиди.
- **Яшил иҳоталар ўстириш**, бунга турли буталар, паст ва баланд бўйли дараҳтлар киради. Баланд дараҳтлар ўргимчакларга тўрларини тўқиш ва баланд учайдан ҳашаротларни тутиб олишга имкон беради.
- **Поликультура**, яъни ғалла ўсимликлари ва доривор гиёҳларнинг кўп турларини ўстириш. Уларнинг ичиди баъзи бирлари ўсимликларни зааркунандалардан сақлайди ёки яқинига йўлатмайди. Сабзавот ўстириш бўйича 17-дарсга қаранг.
- **Инсектицидли ўсимликлар ўстириш**, яъни шира ва чанг ажратиб чиқарувчи ўсимликлар парваришилаш орқали катта ёшдаги зааркунанда ҳашаротларни жалб этиш. Улар тухум ташлашади, шира ва чанг эса зааркунандалар ёш авлодининг (зааркунандалар табиий душманларининг) ривожланишига ёрдам беради.

Инсоннинг табиатга аралишиши атроф-муҳитдаги кўп нарсаларнинг йўқолишига олиб келди. Бу йўқотишлиарнинг ўрнини тўлдириш кўп вақт ва улкан ҳаракатлар талаб қиласи.

Ўсимликларни ҳимоялаш

Ўсимлик зааркунандаларининг душманларини ўзига жалб этиб, уларга озиқ бўладиган қатор ўсимликлар ҳам бор. Улар қуидагилар:

Ўсимлик туркуми	Ўсимлик
Мойчечак (ромашка)	Момақаймоқ (одуванчик), гулҳамишабаҳор (ноготки)
Сабзи	Арпабодиён (фенхель), укроп, кашнич (кориандр)
Дуккаклилар	Йўнғичқа (люцерна), беда, озуқа дуккаги
Карам	Хантал (горчица), редиска
Маржумак (гречиха)	Инсектицидли ўсимлик ва самарали яшил экин



Бу ўсимликлар турлари зааркунанда душманларига шира ва чанг бериб, уларнинг ўсиши ва қўпайишига шароит яратади.

Шунингдек, ўсимлик зааркунандалари билан озиқланувчи кўплаб **паррандалар, судралиб юрувчилар ва ҳашаротлар** бор. Улар:

- қораялоқ, чумчук, узунқўйруқ чумчук, бигизтумшук каби қушлар баланд дараҳтларга уя солиб, ўша жойда қўпайишиди ва мушук каби жониворлардан ўзларини ҳимоя қилишади. Бу қушлар кўплаб ўсимлик зааркунандаларини тутиб ейишади;
- бақалар кечалари ўсимлик зааркунандалари, қўнғиз ва личинкалар билан озиқланишади;
- калтакесак ва типратиканлар ҳам чиғаноқ, шиллиққорт каби кўплаб ўсимлик зааркунандаларини ейишади;
- қирқоёқ кана ва бошқа майда ҳашаротлар билан озиқланади;
- ўргимчаклар ҳам йиртқич ҳисобланиб, тўрига тушган барча ҳашаротларни ейишади;
- олтинкўз, сўна, ари ва ниначи каби учиб юрувчи ҳашаротлар ўсимлик зааркунандаларига ҳужум қилиб, ўлжаларини ўз полапонларига олиб бориб беришади;
- сассиқ қўнғизлар, йиртқич каналар;
- хонқизи;
- кўршапалак.

Бу тирик организмлар полиздаги ўсимликларнинг яхши ўсишида муҳим роль ўйнайди, шу сабабли уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак. Бу фойдалари ҳашаротларни кимёвий дорилар билан осонгига ўлдириб олиш мумкин.

Зааркунандаларни йўқ қилувчи йиртқичларнинг ёрдами билан ўсимликларни ҳимоялаш усулларини кенгайтириш зарур. Кимёвий дорилардан фойдаланишни тўхтатмагунча ва зааркунандаларга озиқ бўлувчи ҳамда уларни қўпайтирувчи ўсимликларни ўстирмагунча сенинг экинларингни ҳимоялаш учун қанча зааркунанда душманлари керак эканини олдиндан билиш қийин.

Полизда ҳашаротлар ва ўсимликларнинг ҳаётини диққат билан кузатиш орқалигина кимёвий дорилардан фойдаланишни қисқартиш мумкин. Зааркунандаларга қарши курашишда арzon нокимёвий дорилар ҳам бор. Улардан кимёвий моддаларни сепишдан олдин фойдаланиб кўриш керак.

Табиий нокимёвий воситалар

Табиий нокимёвий воситаларга табиий маҳсулотлардан ва ўсимликларга сепиб ишлов бериш учун тайёрланган катта микдордаги арапашмалар киради. Табиий бўлишидан қатъи назар, нотўғри фойдаланиш оқибатида улар одамга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли ёдда тутиш керакки, қандай доридан фойдаланилса ҳам “Хўжалик ҳафғизлиги” дарсида берилган қоидаларга риоя қилиш зарур. Табиий дорилардан фойдаланишни “эски мода” дейишади. Бироқ улар ҳали ҳам бўлса ўсимликларни ҳимоялашда фойдалидир.

Бугунги кунда кимёвий воситаларнинг мўл-кўллигига қарамасдан, табиий дорилардан фойдаланиш экинларни зааркунандалардан ҳимоя қиласди. Ҳар бир боғбон ёки сабзавоткор табиий воситаларнинг ўсимликка берган самарасини баҳолаш учун тажриба ўтказиши керак. Табиий дорилардан фойдаланиш орқали табиий зааркунандаларнинг кўпайишига ёрдам берамиз ва шу орқали экинларнинг зааркунандаларига қарши курашамиз.



Фойдали табиий дорилар

1. Ноорганик пестицидлар:

Олтингугурт: ун шудринг, занг, олма дарахтидаги қутир, данакли меваларнинг ичидан ириши ва бошқа касалликларга қарши қўлланади. Олтингугурт кукун ёки сувли эритма сифатида ишлатилади. Ҳаво ҳарорати 32°C дан юқори бўлганда фойдаланмаслик керак, чунки ўсимлик баргларини куйдириб юборади. Олтингугурт фойдали ҳашаротларга зарар етказмайди. Дорини сепган одам маҳсус ҳимоя кийимини кийиб олиши керак. Олтингугурт кукуни билан нафас олмаслик ва териси ёки кўзларига текизмасликка ҳаракат қилиш зарур.

Мис: бордос эритмасининг асосий таркибий қисми, одатда боғлардаги замбуруғли инфекцияларга қарши қўлланадиган пестицид. Бу дори шафтоли барги буралиб қолганда, ун шудринг, қора холхоллик, занг, баргларнинг олачипорлиги ва ўсимликларнинг сўлиши (вилт)га қарши қўлланади. Ишлатиладиган муддатга риоя қилиш муҳим, чунки ўсимлик баргларининг ёш тўқималарини заҳарлаши мумкин. Бордос эритмаси мис сульфати ва сўндирилган оҳакни аралаштириш орқали олинади. Бордос эритмасини сепмоқчи бўлғанлар маҳсус кийим кийиб, эритманинг нафас олиш йўлига туриб қолишидан сақланиши керак.

Бор: табиий минерал. У сода, бор ва кислороддан иборат бўлиб, майдаланган кукун ҳолатида тайёрланади ҳамда суваракларга қарши, шунингдек, фунгицид сифатида цитрус ўсимликларидаги замбуруғларни йўқ қилиш учун ишлатилади.

2. Боғдорчиликда мойдан фойдаланиш:

Нефтдан тайёрланган мойлар зааркунандаларнинг нафас олиш органларига шикаст етказиб, улар ҳаётининг барча босқичларида ўлдиради. Шунингдек, мойлар зааркунандаларнинг тухумлари, битлар, каналар ва оқ чивинларни йўқ қиласида. Барча турдаги мойлардан фойдаланишда маҳсус кийим кийиш зарур.

3. Зааркунандаларга қарши ботаник ва биологик инсектицидлар:

Ботаник инсектицидлар ўсимликлардан олинади. Ўсимлик гербицидларининг афзаллиги шундаки, улар атроф-муҳитда қисмларга тез бўлинади ва тупроқдаги микроорганизмлар ёрдамида осон чирийди.

Пиретрум: бу ботаник инсектицид бўлиб, хризантема (*Chrysanthemum cinerariaeolum*) гулидан олинади. Пиретрум шира, чумоли, қўнгиз, капалак курти, пашша, суварак, бурга, битлардан ҳимоя қиласида. Шунингдек, у фойдали ҳашаротларни ҳам ўлдиради, шунинг учун иложи борича ундан фойдаланмаслик керак. **Бу дорини сепадиган одам маҳсус кийим кийиши зарур.** Зааркунандалардан ҳимоялаш учун **бу ўсимликни боғда ўстириш мумкин.**

Мелия: Ҳиндистонда ўсадиган мелия (*Azadirachta Indica*) дарахтидан олинган экстракт. Қуруқ иссиқ ва совук иқлимага чидамли бўлади. Бироқ, қаттиқ совуққа дош бера олмагани учун Қирғизистонда ўсмайди. Лекин бунга ўхшаш турини изласа бўлади. Мелиядан ниначилар, пашшалар, капалак қуртлари, қўнғизлар, қалқонли дарахт битлари, оқ чивинларга қарши курашишда фойдаланилади. Мелиянинг турли қисмлари кўрқитувчи, ўсишни секинлатувчи восита, стерилизатор ва заҳар сифатида ҳаракатда бўлади. **Баъзи бир кўрсаткичларга қараганда, фойдали ҳашаротлар, ари ва бургаларга таъсир қиласида.**

Саримсоқ мойи: у саримсоқ ўсимлиги (*Allium sativum*)дан олинади. Саримсоқ ҳашаротлар учун, шу жумладан, фойдалилари учун ҳам заҳар бўлади. У ширани ўлдиради, шу билан бирга ширанинг табиий душманларини ҳам йўқ қиласида, шу сабабли ҳозирча муқобил варианtlар бор экан, ундан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Дорини тайёрлаш учун:

1. Майда тўғралган пиёз, олти бош саримсоқ ва олти дона аччиқ қалампирни аралаштири.
2. Елим идишга солиб 200 гр. сув кўшиб аралаштири, қопқогини ёп ва 24 соатга тиндир.
3. Беш литр сувга ошхонада ишлатиладиган ювиш воситасидан бир оз эрит.
4. Пиёз, саримсоқ ва аччиқ қалампирни унга кўшиб, 24 соат ичидан фойдаланиш мумкин.





Ҳашаротларнинг феромонлари: зааркунандаларни заҳарли манбага чорловчи ҳўраклар.

Бактериялар, *Bacillus thuringiensis* – сотиб олиш мумкин бўлган микробларнинг кукуни бўлиб, капалак қурти ва карам қатларидаги личинкаларни назорат қилиш учун фойдаланилади.

Жуфт ўсимликлар: Полизда ўсимликларнинг турларини аралаштириб ўтқазиш зааркунандаларнинг таъсирини камайтиради. Укропни карам билан экилса капалак куртлари озаяди, пиёзни сабзи билан экилса сабзи пашшаси камаяди, саримсоқка зааркунандалар йўламайди. Африка гулҳамишабаҳори думалоқ қуртларга қарши курашади. Батафсил маълумотни сабзавотларни ўстиришга бағишлиланган 21-дарсда оласиз.

5. Табиий тўсиқлар

Сўндирилган оҳақдан аралашма тайёрлаш учун сўндирилган оҳақка 4-5 чинни оҳақни қўшиб, 2 литр сувга аралаштирилади. Ҳосил бўлган қуюқ оҳақ аралашмаси билан дараҳт танасини ердан унинг биринчи шохларигача оқланг. Бу тўсиқ ўрмаловчи зааркунандаларнинг мевага олиб борувчи йўлига бўлади.

Сариқ тахтачалар: Сариқ ранг кўплаб ҳашаротларни ўзига тортади. Демак, улардан ёпишқоқ қопқонга туширишда фойдаланиш мумкин. 30 см ўлчамдаги тахтачаларни очик сариқ рангга бўяб, сўнг юзасига ёпишқоқ мой суртиб боғнинг ҳар қаерига 2 метрдан оралиқка ўрнатинг. Шундай қилиб зааркунандаларни қопқонга тушириш мумкин.

Юқорида айтилган усусларнинг барчаси экологик асосда тавсия қилинган. Бу усусларни ўзингизнинг қишлоқ шароитингизда синаб кўриш билан уларнинг қанчалик қадрли эканини аниқлаб олишингиз мумкин. Кўплаб мамлакатларда одамлар табиий тизимни қайта қуришга ҳаракат қилиб, экологик муҳитни муҳофазага олган ҳолда тижорат фаолиятини барпо этмоқдалар.

Инсониятнинг ҳозирги ва келажак ҳаёти учун ҳар бир одам табиатни қайта қуришга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Зааркунандаларга қарши курашиш дастурини режалаштиришнинг муҳимлиги

Зааркунандаларни бошқариш фаолиятини режалаштиришнинг зарурати бор. Вақт ўтган сари асосий эътибор боғ ёки полизда мувозанатли экологик тизимни тузишга йўналтирилиши керак. Чунки хўжалик эгаси қўлланилган дориларнинг вақти, натижасини диққат билан ёзиб юргандагина ўша самарага эриша олади.





Охирги 50 йилдан бери қишлоқ хұжалиғи соҳасида ишлаётган, айниқса, кексайған одамлардан сұра:

-1960-1970 йиллари кимёвий дорилардан фойдаланиш тажрибаси қандай эди? Қандай кимёвий дорилар құлланилар эди? Нима учун? Ижобий ва салбий таъсирлари бўлганми? (Ёши катта одамларга савол билан мурожаат қилиш уларни роса кувонтиради, чунки ўтган кунларни эслаш улар учун қизиқарли).

Қишлоқ маслаҳатчисига ҳам савол бериб, ҳозир қандай кимёвий дорилар құлланилаётганини билишинг мумкин. Яна ундан кимёвий дорилардан нима учун фойдаланилаётгани, уларнинг ижобий ва салбий таъсири тўғрисида ҳам сўрашинг мумкин. Буларнинг ҳаммасини синфга келиб айтиб бер.



ЭХТИЁТ БҮЛ!

Барча ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллашда эҳтиёткорлик чоралари тўғрисида унутма. Дорининг идишига ёпиширилган ёрлиқда унинг таркиби, йўриқномада эса ундан фойдаланиш қоидалари ёзилиши керак. Дорини ишлатишдан олдин ўша ёрлик ва йўриқномани дикқат билан ўқи ва уларга аниқ амал қил.



Ўсимликларни ҳимоялаш.

22-
ДАРС

Кимёвий дорилар

Янги сўзлар

Ўсимликларни ҳимоялаш	боғлар, полизлар ва далаларда ўсимликларга зиён етказувчи организмларга қарши курашиш фаолияти.
Зааркунан- далар	ҳосилдорликни камайтирадиган ёки унинг сифатига путур етказадиган, қишлоқ хўжалигига иқтисодий зарар келтирадиган организмлар. Бу зааркунандалар бактериялар, қуртлар, замбуруғлар, вируслар, ҳашаротлар, каналар, бегона ўтлар ёки кемириувчилар бўлиши мумкин.
Кўйдириб юбориш	кимёвий дорилардан юқори даражада фойдаланиш оқибатида ўсимликлар ёш ва нозик тўқималарининг ўлиши.
Пестицид	зааркунандаларга қарши қўлланиладиган барча кимёвий дориларнинг умумий атамаси. Пестицидлар курашаётган зааркунандаларнинг турига мос равища қўйидагича бўлинади: гербицидлар, фунгицидлар, инсектицидлар ва акарицидлар.
Гербицид	бегона ўтларга қарши курашишда қўлланувчи кимёвий дорилар.
Фунгицид	замбуруғларнинг ўсиши ва кўпайишига қарши қўлланувчи кимёвий дорилар.
Инсектицид	ҳашаротлар ва бошқа майда зааркунандаларга қарши фойдаланувчи кимёвий дорилар.
Акарицид	ўсимликларни каналардан ҳимоялашда фойдаланувчи кимёвий дорилар.

Ўсимликларни зааркунандалардан ва касалликлардан ҳимоялаш

Агар ўсимликлар зааркунандаларнинг таъсири остида касалликларга дучор бўлса, унда маҳсулот сифати ёмонлашиб, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Бу йўқотишлиарни қисқартириш учун ўсимликларни тўғри ва ўз вақтида ҳимоялаш зарур.

Зааркунандалар ва касалликлар ўсимликлар янги ўса бошлаган пайтдан тўла ўсиб етилгунгача вақт мобайнида зиён етказгани сабабли ҳимоя ишлари ҳам эрта баҳордан кеч кузгача бажарилиши зарур. Зааркунандалар ёки бошқа касалликларнинг пайдо бўлганини барвақт билиб, ўз вақтида дорилаш учун ўсимликларни сўзсиз бир ҳафтада бир марта текшириб туриш керак. Полизларда, боғларда ва далаларда зааркунандалар билан курашишда кимёвий ва нокимёвий усувлардан фойдаланиш мумкин. Ўтган дарсда сен ўсимликларни ҳимоялашнинг табиий йўлларини ўрганган бўлсанг, бу сабоқда унинг кимёвий усувлари билан танишасан.



Кимёвий усуллар

Бу ўсимликларни ҳимоялаш усули махсус кимёвий пестицидлардан фойдаланишга асосланиб, натижада у зааркунандалар, каналар ва бошқа ҳашаротлар турларини ўлдиради. Оз миқдордаги кимёвий дорилар тез ва самарали таъсир этади.

Кимёвий дорилардан фойдаланишда пайдо бўладиган муаммолар

Кимёвий дорилар атроф-мухитни ифлослаб, ўсимликларни куйдириб юборади ёки дехқонларни касалликлар ва аллергияга чалинтиради. Бундан ташқари, доим қўлланиб туриладиган кимёвий дориларга зааркунандалар ва касалликлар аста-секин кўнишиб, уларга дош беради. Демак, бу дорилар зааркунандаларга қарши курашишда бора-бора кучини йўқотади. Шунинг учун олимлар янги кимёвий дорилар яратиш устида тинмай изланмоқдалар.

Пестицидларнинг турлари:

- Контактли пестицидлар, зааркунандаларнинг танасига тегиши билан таъсир кўрсатади.
- Тизимли пестицидлар, ўсимликнинг тўқималарига сингиб, унинг ширасини зааркунандалар учун заҳарлайди.

Бироқ, зааркунандалар кимёвий дориларнинг қандай тури бўлмасин, вақт ўтган сари уларга дош бериб, келгуси сафар фойдаланганда натижаси пасайиброқ боради.

Ўсимликларни ҳимояловчи кимёвий дорилар қуидагича бўлинади:

- Гербицидлар – бегона ўтларга қарши.
- Инсектицидлар ва акарицидлар – ҳашаротлар ва каналарга қарши.
- Фунгицидлар – замбуруғларга қарши.

Барча зааркунандаларга ва ўсимлик касалликларига қарши бирорта ҳам универсал кимёвий дори йўқ. Шу сабабли хўжалик етакчиси ишлатишдан аввал ҳар бир кимёвий дорининг хусусиятларини билиб, ўшанга яраша муомала қилиши дуруст.

Кимёвий воситалардан хавфсиз фойдаланиш.

Хўжалик хавфсизлиги тўғрисидаги дарсни такрорла.



Пестицидлар эҳтиёткорлик билан қўлланишни талаб қиласи! Кимёвий дорилар сени нафас олиш йўллари ёки тери ва оғиз орқали заҳарлаши мумкин. Пестицидлардан хавфсизлик қоидаларига биноан одамга ва атроф-мухитга етказа оладиган зарари, заҳарли қолдиқлари ўсимликлар ёки чорва молларида тўпланиб қолишининг олдини олиб фойдаланиш керак.

Қирғиз Республикасининг қонунига мувофиқ, ўсимликларни ҳимоялаш хизматини маҳсус ўқиб, ўрганган ва давлат сертификати бор мутахассисларгина кўрсата оладилар.

ТОПШИРИҚ



Қуйидагиларни аниқланг:

1. Сизларнинг қишлоғингизда ёки қўшни қишлоқда ўсимликларни ҳимоялаш хизматини ким кўрсатади?
2. Бу хизматнинг ҳақи қандай?
3. Кимёвий дорини сепган одам қандай қилиб эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак?

Умумий хавфсизлик қоидалари:

- Кимёвий дориларни сепаётганда маҳсус ҳимоя кийимлари, хусусан, ниқоб, қўлқоп, сув ўтказмайдиган пойабзални кийиш ва кўзойнакни тақиши зарур.
- Кимёвий дориларни сепаётган вақтда ва сочиб бўлгандан кейин 5 соатгача болалар ва ҳомиладор аёлларни дориланган жойга йўлатманг.
- Кимёвий дориларни шамол эсаётганда ва шамолга қарши сепмаслик керак.
- Кимёвий дориларни сепаётганда тамаки чекманг ва овқатланманг.
- Кимёвий дориларни ўз идишида сақланг. Идишга ёпиширилган ёрлиқларни ҳеч қачон олиб ташламанг.
- Доридан бўшаган идишлардан қайта фойдаланманг. Ҳеч кимга зиёни етмайдиган ҳолда эҳтиёткорлик билан сақланг.
- Дорини сепиб бўлгандан кейин четроқда ювининг. Ишлатилган сув тоза сувга қўшилиб кетмасин. Маҳсус ҳимоя кийимларини ҳам ювиб қўйиш керак.
- Фойдаланилган жиҳозлар ҳам ювилади, суви тоза сувга қўшилиб кетишидан эҳтиёт бўлиш зарур.
- Кийимлар ва жиҳозлар кейинги сафар қўлланилгунга қадар хавфсиз жойда сақланиши керак.



Бегона ўтлардан ҳимоялаш – гербицидлар

Қирғизистон ҳудудида энг кенг тарқалган бегона ўтлар қаторига қуидагилар киради:

Ёввойи сули (овсюг)



- Бир йиллик бегона ўт.
- Уруғлари билангина кўпая олади. Бир ўсимлик 600 га яқин уруғ беради.
- Тупроқнинг намлиги ва ҳосилдорлигини камайтиради.
- Сули билан осон чангланиб, унинг сифатини пасайтиради.

Курашиш усуллари

- Уруғни тозалаш.
- Уруғи етилмай туриб озуқа сифатида ўриб олиш (ёввойи сулини майдалаб, ҳайвонларга бериш тавсия этилади, шунингдек, уни еган ҳайвоннинг гўнгини ўғит қатори ишлатмаслик керак).
- Махсус гербицидлардан фойдаланиш.

Бўзтикан (осот полевой)




- Илдизи билан ҳам кўпаядиган кўп йиллик бегона ўт.
- Одатда намли ва гилтупроқ ерларда учрайди.
- Поясининг бўйи 150 см гача етади.
- Барча экинларга зиён келтиради.
- Илдизидан ташқари тупроққа аралишиб қолган поясининг қолдиқларидан ҳам кўпая олади.
- Бир ўсимлик 20 мингга яқин уруғ беради. Агар уруғи 3 см дан чуқурда жойлашса, униб чиқа олмайди.

Курашиш чоралари

- Эрта кузда шудгорлаш.
- Экин қатор ораларига ишлов бериш.
- Гербицидларни қўллаш.



Лолақизғалдоқ (мак самосейка)



- Бир ёки икki йиллик ёввойи ўт.
- Карбонатта бой ерларда яхши ўсади.
- Уруғларидан күпаяди, бир ўсимлик 10-20 мингача уруғ беради.

Пахтатикан (бодяк полевой)



- Күп йиллик бегона ўт.
- Азотта бой ерларда яхши ўсади.
- Бир ўсимлик 4-36 мингача уруғ беради.
- Уруғи 5 см чуқурлиқдан униб чиқади.
- Күпинча илдизи ва тупроққа аралашып қолған поясидан ҳам ўсиб чиқади.
- Ҳосилни йиғиширишда муаммолар келтириб чиқаради.
- Ғалла экинларининг сифатини пасайтиради.

Курашиш усуллари

- Эрта кузда чуқур шудгорлаш.
- Ўсимлик қатор ораларига ишлов бериш.
- Махсус гербицидлардан фойдаланиш.



Зааркунандалардан ҳимоялаш – инсектицидлар ва акарицидлар

Қуидаги жадвалда ўсимликларга зиён етказувчи ўта кенг тарқалган ҳашаротлар келтирилган:

Ўсимлик	Зааркунанда
Ўрик	Барг ўровчи, бит, куя, ёлғон қалқонли бит, кана, мева чехлоноскаси
Бақлажон	Колорадо құнғизи, ўргимчакканы
Қанд лавлагиси	Капалак, ўргимчакканы, узунтумшук, дала капалаги, барг бити
Узум	Барг ўровчи, каналар
Дон ўсимликлари	Хасва, бұғдой трипси, ғалла бити, дала капалаги
Карам	Карам бити, куя, карам капалаги, капалак, ўргимчакканы
Картошка	Колорадо құнғизи, симқурт, илмоқсимон тиллақурт
Беда	Узунтумшук құнғиз, бит, қизилкапалак, капалак, йұғоноёқпилар, трипс, құнғиз
Шафтоли	Мевахүр капалак, ёлғон қалқонли бит, кана, мева чехлоноскаси
Олхўри, олча	Мевахүр капалак, бурга, кана, ёлғон қалқонли бит, мева чехлоноскаси
Помидор	Колорадо құнғизи, капалак, ўргимчакканы
Бодринг	Трипс, кана, ўсимлик бити
Олма, нок	Мевахүр капалак, барг ўровчи, капалак қурти, бурга, кана, барг бургачаси, олтинкүз, куя, қалқонли бит, ёлғон қалқонли бит, мева чехлоноскаси
Гилос	Гилос пашшаси, бурга, ёлғон қалқонли бит, мева чехлоноскаси
Пиёз	Ўргимчакканы, пиёз пашшаси
Дуккакли ўсимликлар	Дуккакли дончи
Малина, қулупнай	Кана, бит, барг ўровчи

Мевахүр капалак (олма қурти)



- Олмадан ташқари нок, ўрик, шафтоли ва ёңғоққа ҳам зиён етказади.
- Капалакнинг узунлиги 14-20 мм гача етади.
- Күпинча дараҳтларнинг пўстлоғи остида қишлиайди.
- Қуртлар баҳорда пилла ўраб, мевали дараҳтлар гуллагандан капалакка айланади.
- Урғочиси тухумларни меванинг баргларига қўяди.
- 15-20 кундан кейин қуртлар пайдо бўлади.
- Улар мева ва унинг уруғини еб сўлитади, натижада мева муддатидан аввал пишиб, ерга тўкилади.
- Йилига 2-3 марта кўпайиши мумкин.

Курашиш усуслари

- Олманинг ёзги навларига 2 марта, қишки навларига эса 3 марта инсектицидлар билан ишлов бериш тавсия этилади.
- Дорини олма гуллагандан кейин орадан 15-20 кун ўтгач сепиш керак.
- Биринчи дорилашдан 10-12 кун ўтиб иккинчисини сепиш зарур.
- Қишки навлар учун эса иккинчи дорилашдан 10-12 кун ўтгач учинчисини сепиш керак.



Пиёз пашаси



- У одатдаги пашшадан ўзининг кулранг-жигарранг туси билан фарқланади.
- Узунлиги 8 мм гача бўлади.
- Унинг пилласи жигарранг тусда бўлади.
- Дала шароитларида эрта баҳорда, гилос ва момақаймоқ гуллаган пайдо пайдо бўлади.
- Тухумларини тупроқ остига, ўсимликлар танасига яқинроқ жойга қўяди.
- 3-4 кундан кейин тухумдан личинкалар чиқиб, ўсимликка зиён етказа бошлайди.
- Личинкалар 3 ҳафтада ривожланади.
- Личинкалар жабрланган ўсимликда пилла ўрайди.



Курашиш усуллари

- Ҳосилни йиғиштириб бўлгач, пиёз қолдиқларини йўқ қилиш.
- Илгари қолиб униб чиқсан пиёзлардан далани тозалаш.
- Алмашлаб экишни жорий қилиш.
- Янги кўчатларни илгари пиёз экилмаган жойга ўтқазиш.



Кимёвий воситалар

- Қўллаш вақти жуда муҳим.
- Биринчи марта пашшалар қачон пайдо бўлишини кузатиш.
- Инсектицидлар билан мунтазам ишлов бериш.
- Дорини баҳорда сепиш ва 10 кундан кейин пашшалар пайдо бўлса, дори билан иккинчи ишлов бериш.

Касалликлардан ҳимоялаш - фунгицидлар

Касалликларнинг манбаи қайсилар?

Ўсимликлар касалликларининг дастлабки манбалари уруғ ва тупроқ ҳисобланади. Уруғларнинг юзаси ва ичидаги кўплаб касалликларнинг вируслари бўлиши мумкин. Барча касалликларнинг вируслари полиздаги ўсимликлар, тупроқ юзасидаги баргларнинг қолдиқларида қишлийди.

Фойдаланиш мақсадига кўра фунгицидлар билан уруғлар, ўсимликлар ёки тупроқни дорилаш мумкин. Шунингдек, айрим пайтларда сақлаш учун тайёрланган маҳсулотларга ишлов беришда ҳам фойдаланиш мумкин.



Күйидаги жадвалда ўта кенг ёйилган ўсимларнинг касалликлари билан танишасиз.

Үсімлик	Замбуруғлар
Үрик	Ун шудринг, клястероспориоз, монилиоз, бактериялы рак
Қанд лавлагиси	Пероноспороз, церкоспороз, ун шудринг
Узум	Ун шудринг
Дон үсимликлари	Чангли қоракуя, қаттиқ қоракуя, ун шудринг
Карам	Қоракуя, фитофтороз
Картошка	Фитофтороз, пероноспороз, қораоёқ
Шафтоли	Шафтоли баргларининг ўралыши, ун шудринг, клястероспориоз, монилиоз, бактериал рак
Олхұри, олча	Ун шудринг, клястероспориоз, монилиоз, бактериялы рак
Помидор	Фитофтороз
Бодринг	Пероноспороз
Олма, нок	Құтири, ун шудринг, монилиоз, бактериялы рак
Гилос	Ун шудринг, монилиоз, бактериялы рак
Пиёз	Пероноспороз
Дуккақлы үсимликлар	Антракноз

Калифорния қалқонли бити



- Олма, нок, шафтоли ва бошқа мевали дарахтларга зиён етказади.
 - Йилига 2-3 марта қўпайишади, узунлиги 1 мм, урғочиси жигарранг тусда, эркаги эса ўта жажжи қанотли бўлади.
 - Улар баҳорда, олма гуллагандан пайдо бўлади.
 - Дарахт пўстлоғининг остидаги заараркунандалар одатда рангсиз, оқ-сариқ тусда бўлади. Урғочилари тухум қўймасдан тирик личинкаларни туғади.
 - Личинкалар онаси билан 4-6 ҳафтагача бирга яшаши мумкин.
 - Урғочилари 7-8 ҳафта давомида ҳар 10 кунда бир марта личинка ташлаб, уларнинг умумий сони 80-100 тага етади.
 - Улар дарахтнинг ўсиши ва меванинг етилишига зиён келтиради.
 - Олманинг заараркунанда еган жойида қизил доғлар пайдо бўлади.
 - Мевага заараркунанда эрта тушса у кичкина бўлиб колади.



Курашиш воситалари

- Дарахтларда күртак пайдо бўлмай туриб ва личинкаларнинг қобиғи юпқа пайтда мойни қўллаш керак.
 - Ўз вақтида дори сепмаслик натижасида яшил дарахтда яранинг пайдо бўлиши ёмон оқибатга олиб келади.
 - Инсектицидлар личинкаларнинг ривожланишига тўсқинлик қиласди, бироқ ўз вақтида сепмаслик яхши натижа бермайди.



Үсимликларни комплекс ҳимоялаш агротехник, биологик, кимёвий усулларни бирлаштириб, зааркундалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши курашишни англатади. Бундай усул фойдали ҳашаротларни сақлаб, үсимликларни ҳимоялаш тадбирларининг атроф-муҳит ва одамларга бўлган салбий таъсирини камайтиришга ёрдам беради.






ТОПШИРИҚ



“Менинг қишлоғымда ўсимликтарни хавфсиз ҳимоялаш ва ўсимликтарни ҳимоялаш бўйича хизматлар” мавзууда мақола ёзинг. Энг яхши мақола маҳаллий газетада эълон қилиниши мумкин.





8 БҮЛИМ

Қишлоқ хұжалигини ривожлантириш



230-бет

Сабзавотлар үстириш

240-бет

Картошка үстириш

247-бет

Мевали дарахтларни парваришилаш ва буташ

23-

ДАРС

САБЗАВОТЛАР ЎСТИРИШ

Янги сўзлар

Алмашлаб экиш

касалликларнинг тупроққа сингиб қолмаслиги учун вақти-вақти билан у ерда ҳар хил ўсимлик турларини экиб туриш. Кўпчилик ўсимликларни қаторасига ҳар йили бир жойнинг ўзига экиб бўлмайди. Экиннинг шу турини ўша ернинг ўзига бир неча йилдан кейингина экиш тавсия этилади. Масалан, сен бу йил картошка эккан бўлсанг, худди ўша ерга картошкани фақат уч йилдан кейингина экиш мумкин бўлади.

Нематодалар

майда думалоқ қуртлар.

Полиз – доим ўзгариб турувчи ернинг бир бўлаги.

Биз бунгача сабзавотчиликка таъсир этувчи ушбу омиллар тўғрисида сўзлаганмиз:

- ҳарорат ва сув;
- ўғитлар;
- сабзавотларни ўтқазиш ва улар ўртасидаги оралиқ;
- ўсимликларни касалликлар ва ҳашаротлардан сақлаш учун табиий ва кимёвий дориларни сепиш.

Бу дарсни бошлашдан аввал юқоридаги маълумотларни эсланг.

Полизда сабзавотлар ўстиришнинг аҳамияти

Сабзавотлар ўстиришнинг асосий сабаби – одамнинг ўсишига таъсир кўрсатувчи ушбу моддаларни олиш:

- организмнинг ўсиши ва нормал фаолияти учун зарур энергия;
- мускуллар ва бошқа тана ҳужайраларини яратишга зарур оқсил;
- келгусида фойдаланиш мақсадида танада энергияни узоқ муддат сақлаш учун зарур мой;
- танада кимёвий реакцияларни олиб боришга кўмаклашувчи майда кимёвий моддалар – витаминалар;
- суяқ билан юмшоқ ҳужайраларни тузиш ва танада кимёвий реакцияларни юритишга ёрдамлашувчи зарур минераллар.

Овқат ҳазм қилиш тизимининг нормал ишлаши учун озиқ-овқатнинг кимёвий таркибидан ташқари одам организмига озиқ-овқат толалари керак. Ана шу толаларни айнан сабзавотлар беради.






ТОПШИРИҚ

Сенинг оиланг охирги уч куннинг ичидаги истеъмол қилган барча озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхатини туз. Рўйхатга қандай сабзавотларниң турлари кирди? Қўйидаги жадвалдан фойдаланиб, рўйхатдаги озиқ-овқат маҳсулотларида қанча энергия, оқсил, углевод ва ёғ борлигини ҳисоблаб чиқ. Уч кунлик озиқ-овқат оилангни яна қандай элементлар билан таъминлади?

Тананинг яхши ишлаши, ундаги кимёвий реакцияларнинг юриб туриши, кераксиз моддаларни ташқарига чиқариб юбориш ва тана ҳароратини мувофиқлаштиришда сув керак бўлади. Одам танасининг 66 фоизи сувдан иборат. Организмдаги сувнинг ўлчами одамнинг ёши, жинси ва танасининг катталигига боғлиқ бўлади.

Овқатланишга бўлган кундалик эҳтиёж

Тўғри овқатланиш пирамидаси



Сабзавотлар одамга зарур бўлган кўплаб моддаларни беради. Қўйидаги жадвалда Қирғизистонда ўсуви сабзавотларнинг 100 граммида қанча зарур моддалар борлиги халқаро талабларга мос равишда кўрсатилган. Кўрсаткичлар пишмаган, хом сабзавотлар учун берилган.



Сабзавотлар	Энергия	Оқсил	Углевод	Тола	Ёғ	Құшимча маълумот
Карам	25 кило-калория	1.4 грамм	5.4 грамм	2.3 грамм	0.3 грамм	С ва В6 витаминлари, фолий кислотаси, кальций ва темирга бой.
Сабзи	31 кило-калория	0.7 грамм	7.3 грамм	2.1 грамм	0.1	А ва С витаминлари күп ва В6 витамини бор.
Бодринг	39 кило-калория	2.1 грамм	8.3 грамм	2.4 грамм	0.4 грамм	С витаминига ўта бой, А ва В6 витаминлари, магний, кальций, темир, рух, фосфор ва фолий кислотаси бор.
Бақлажон	28 кило-калория	0.8 грамм	6.6 грамм	2.5 грамм	0.2 грамм	В6 витамини ва тиаминга ўта бой.
Пиёз	42 кило-калория	1.3 грамм	9.5 грамм	2 грамм	0.2 грамм	С ва В6 витаминлари ҳамда фолий кислотасига бой.
Пастернак (ширин илдизли хушбүй ўт)	130 кило-калория	2.1 грамм	31 грамм	6.4 грамм	0.5 грамм	С, Е витаминлари, магний, фосфор ва фолий кислотасига ўта бой. Кальций, темир, ниацин, тиамин бор.
Қалампир	32 кило-калория	1.1 грамм	7.7 грамм	2.1 грамм	0.2 грамм	С витаминига ўта бой. А, В6, Е витаминлари, темир ва фолий кислотаси бор.
Қайнатилған картошка	144 кило-калория	2.9 грамм	33.4 грамм	3.3 грамм	0.17 грамм	С, В6 витаминлариға ўта бой, ниацин, тиамин, магний, темир, фосфор ҳам бор.
Помидор	21 кило-калория	0.85 грамм	4.6 грамм	1.1 грамм	0.3 грамм	С витаминига ўта бой, таркибида А витамини ҳам бор.

Сабзавотлар ўстириш учун ер танлаш

Агар ер танлаш имкониятига эга бўлсангиз, унда сабзавотларни ушбу шароитлари мавжуд ерга ўтқазганингиз афзал:

- қуёш нурлари яхши тушадиган, очик, кўланкаси озрок;
- сув яхши сингадиган;
- тупроғи юмшоқ, органик моддаларга бой;
- тоза сув келадиган;
- қаттиқ совуққа очик эмас;
- кучли шамолдан ҳимояланган.

Кўплаб сабзавотлар қуёш нурлари катта микдорда тушадиган ерда яхши ўсади. Чунки қуёш фотосинтезагина ёрдам бермасдан, баргларни куруқ саклаб, уларни кўплаб касалликлардан ҳимоя қиласди.

Ўсимликларни алмашлаб экиш

Биргина ботаник турга хос бўлган ўсимликларни йил сайин бир ерга экавермасдан, уларни алмашлаб экиш зарур. Уларни айнан ўша ерга уч ёки беш йилдан кейингина қайта экиш мумкин бўлади.

Ўсимликларни алмашлаб экиш сабзавотларни ҳар қандай касалликлардан ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга. Биргина ўсимлик турини фақат бир ерга экавериш оқибатида тупроққа турли касалликлар сингиб қолади. Шу сабабли ўсимликларни алмашлаб экиш уларда учрайдиган касалликларни катта муаммо келтиб чиқаришдан саклашга кўмаклашади.



Ушбу жадвалда Қирғизистонда ўсадиган сабзавотлар кўрсатилган. Ўсимликларни алмашлаб экиш тизимиға мувофиқ келаси йили бошқа ботаник туркумга кирувчи ўсимликларни экиш тавсия этилади.

Ботаник номи	Пиёзлилар	Крестгуллилар	Қовоқдошлар	Дуккаклилар	Итузумдошлар	Құнғирбошлилар	Кашничимонлар
Умумий номи	саримсоқ пиёз кўқпиёз ёввойи пиёз	рангли карам карам брокколи редиска турп шолғом	бодринг қовун тарвуз ошқовоқ патиссон қовоқча	ловия ва нўхатнинг барча турлари	бақлажон қалампир картошка помидор	макка-жүхори	сабзи

Бошқа касалликлар

Ўсимликларга тупроқ орқали юқиб, уларнинг поялари, илдизлари ёки баргларини чиритиб ё сўлитиб қўядиган касаллик турлари бор. Агар улар замбуруғ ёки бактериядан тарқалган бўлса, ўсимликларни алмашлаб экиш ёрдам бермайди. Бу касалликлар тупроқда кўп йил яшаб, ўсимликларнинг бир неча турларига зарап келтиради.

Соғлом уруғлик

Ўсимликлар касалликларининг кўплаб турлари йилдан-йилга уруғлик орқали тарқалади. Шу сабабли айнан **бир уруғликни йил сайин қўлланавериш ярамайди**. Ишончли уруғлик етиштирувчилар уруғликларга замбуруғ касалликларига қарши қайта ишлов беришади. Сотувга тавсия қилинган уруғликлар кўпинча касалликлардан ҳоли маҳсус жойда ўстирилади.

Уруғликни кимёвий дорилар билан ҳимоялаш шартлари

Замбуруғ касалликларига қарши кимёвий дорилар ёш ўсимликларни маълум вақт оралиғидагина ҳимоялайди. Агар тупроқда касаллик бўлса, у ўсимлиқка катта бўлганда таъсир қиласди. Бироқ ўсимлиқ кучли бўлса, у касалликка чидамли бўлиб, яхши ҳосил бериши ҳам мумкин.

Ўсимликлар ўстириш

Тижорат ишлари билан шуғулланувчи хўжаликлар, дехқонлар ва боғбонлар доим касалликларга ва бошқа атроф-муҳит мусаффолиги билан боғлиқ муаммоларга дош берадиган ўсимликларни излашади. Бироқ, ҳозирги кунда ўсимликларнинг янги навларини яратиш ва кўпайтириш, уларни селекциялаш қишлоқ хўжалигининг ихтисослаштирилган соҳаси бўлиб, улар билан йирик халқаро уруғчилик компаниялари шуғулланади.

Кунгабоқарларнинг айримлари бошқаларига қараганда баландроқ, бошлари каттароқ, ҳосилдорлиги ҳам юқорироқ эканини кўрган бўлишинг эҳтимол. Чунки уларда бошқаларга қараганда унумдор ер, сув, тупроқ тузилиши, туз ва бошқа омиллардан яхшироқ фойдаланиш имконияти бўлган. Шунингдек, улар қулай ерда жойлашган бўлиши ҳам мумкин. Ўшандай ўсимликларнинг уруғликларини кейинги йил учун сақлаб кўйса ҳам бўлади.

Ўсимликларнинг янги навларини яратиш, уларни кўпайтириш ва селекциялаш касалликлар ва заараркунандаларга нисбатан чидамлироқ бўлиш мақсадини кўзлайди. Бу айрим ўсимликларга бошқаларга қараганда ўғитлар, сув ва иссиқлиқдан яхшироқ фойдаланиш имконини беради. Шу сабабдан ҳар йили уруғликни янгилаб туриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Полизни назорат қилиш

Қишлоқ хўжалигининг экологик тизимини ўрганишда ўсимликларни ўстириш бир неча омилларга боғлиқ эканини билиб олдинг. Мана шу омиллар барчасининг мувозанатда бўлиши, ўсимликларнинг яхши ҳосил беришига шароит яратиш сабзавоткорнинг зиммасидаги ишлардир.

Полиз эгаси бундан ташқари тадқиқотчи ҳам бўлиб, ўсимликларни кузатган ҳолда: “Нима учун бундай бўляпти?” деб сўраб туриши ҳам керак. Ана шу саволни кўпроқ бериб туриш сенинг муваффақиятли тадбиркор бўлишингга туртки беради.



Ўзингнинг полизингдаги ўсимликларни кузатишда айримлари бошқаларга қараганда яхшироқ ўсганини кўрасан. Ўшандай ўсимликларни кўриб, ўзингга ушбу саволларни бер:

- Ўсимликларнинг яхши генетикаси зааркунандалар ва касалликларга чидамли бўлишга кўмаклашадими?
- Бу ўсимлик бошқаларга нисбатан яхшироқ жойда ўсадими?
- Бу ўсимлик кўпроқ сув ва қуёш нурларини олиб, шамолдан яхшироқ ҳимояланганми?
- Бу ўсимлик ўсаётган ерга кўпроқ органик ўғит берилганми?

Ўсимликларни ўтқазиш вақтини аниқлаш

“Сувдан самарали фойдаланиш” мавзусини ўрганишда биз турли ўсимликларни ўтқазишда мос келадиган ҳарорат жадвалини кўрганмиз. Агар экинни унга мос келмаган ҳароратда эксанг, у кеч томир отиб, бўш бўлиб қолади ва тупроқдаги касалликлар унга осонгина юқиши мумкин.

Кўчатларни сотиб олиш ва ўтқазиш



Полизга ўтқазиш учун кўчатларни маҳсус кўчат ўстирувчи мутахассислардан олиш керак. Сабзавоткор каттайиб қолган кўчатларни сотиб олиб, полизига ўтқазса бўлади.

Агар тупроқ яхши бўлса (унумдор, сувли, органик моддаларга бой), у ҳолда кўчатлар тез томир олиб, бошқаларга қараганда сенинг полизинг бир-икки ҳафта эртароқ ҳосил бериб, эртаки маҳсулотни юқорироқ баҳода сотишинг мумкин.

Кўчат берувчи уруғлик янги ва сифатли бўлиши керак. Кўчат ўстиришда қўлланилган барча асбоблар ва ернинг ўзи касаллик тарқатмаслик учун тоза ва стерилланган бўлиши зарур.

Агар кўчат сотиб олиш имкони бўлиб қолса, ўша кўчатларни сотиб олишдан аввал уларни яхшилаб кўриб чиқиш зарур. Кўчат сўлимаган, танаси тўғри ва касалликдан хабар берадиган белгилари бўлмаслиги керак.



Сабзавотлар ўртасидаги оралиқ

“Полизда ишлаш” дарсида сабзавотлар ўртасидаги оралиқ түгрисида маълумот берилген. У оралиқни маҳаллий шароитга мос равишда ўзgartариши мумкин бўлгани билан ўша маълумотни яхшилаб ўқиб чиқиш фойдалидир. Ўсимликлар ёки ҳайвонлар бир-бирига жуда яқин ўтқазилса ё боқилса, пайдо бўлган касаллик тез тарқалиб кетади. Ўсимликлар ўртасидаги оралиқ түғри қўйилса, касаллик тарқалишининг эҳтимоли озроқ бўлади.

Қозиқларга боғлаш

Айрим сабзавотлар қозиқ, таёқ ва шунга ўхшаш нарсаларга боғланган ҳолда яхши ўсади. Сабзавотларни бирор нарсага боғлаш ёки тираш орқали уларга юқадиган касалликнинг олди олинади. Доим заҳда ўсадиган экинларнинг оралиғи яқин бўлса, барглари қуримай, замбуруғли касалликлар тарқалишига шароит туғилади. Бодринг, дуккаклилар, қовун ёки помидор қозиқка боғлаб қўйилса, уларнинг барглари, мевалари ҳам тупроққа тегмай, касаллиқдан ҳоли ўсади. Ҳавонинг айланниб туриши ҳам касалликлардан сақланишга шароит яратади.

Полизни тозалаш

Полизни тозалаш деганда уни ҳашаротларнинг кўпайишига шароит яратувчи нарсалардан халос этиш англаради. Касалланган ўсимликлар ва ичидаги қўтилши мумкин меваларни полиздан чиқариб ташлаш керак. Уларни ёқиб, компостга қўшиш ёки ерга кўмиб ташлаш мумкин. Бу ҳақда маҳаллий мутахассислардан маслаҳат сўра.

Иҳота ўсимликлар

Иҳота ўсимликларни ўтқазиш полизни касалликлар ва ҳашаротлардан ҳимоялашга ёрдам беради. Полизни айлантириб бир неча қатор арпа ёки маккажӯхори экиб қўйилса, заараркунанда ҳашаротлар дастлаб ўшаларга келиб қўниб, тухумларини қолдириб кетиши мумкин. Бу кўпинча қовун, помидор ва картошка экишда фойдалидир.

Қўшни ўсимликлар

Қўшни ўсимликлар деган тушунча кўплаб дехқонларга таниш. Полизчилик билан шуғулланган одам турли ўсимликларни кузатиб, уларнинг қайсилари бир-бирини ёқтириб, қайсилари бирга ўса олмаслигини аниқлаши керак.

Қўшни ўсимликлар одатда қарама-қарши сифатларга эга бўлади:

- кунда яхши ўсувлар билан сояни яхши кўрувчилар;
- томири чуқур кетувчилар билан томири саёзлар;
- тез ўсувлар билан секин ўсувлар;
- кўп озиқ талаб қилувчилар билан оз талаб қилувчилар;
- ҳашаротларга ёқимсиз ҳид чиқарувчилар ва ҳиди йўқлар;
- эрта гуллаб, баъзи бир йиртқич ҳашаротларни зарур нектар ва гулчанг билан таъминловчилар ва кеч гуллаб, нектар ва гулчангни кеч чиқарувчилар;
- бошқаларга қараганда баъзи бир ҳашаротларга ёқимли бўлган ўсимликлар ва ёқимсизлар;
- бошқа ўсимликларга тупроқни ёқимли қилиб берувчи ўсимликлар.

Қўшни ўсимликларни полизда ўстириш улкан режалаштириш ва меҳнатни талаб қиласиди.

Нима учун қўшни ўсимликларнинг бир-бирига фойдали бўлиши ҳали аниқ маълум эмас? Бироқ, бу ҳақда шундай фикр бор:

- Айрим ўсимликларнинг илдизлари бошқа ўсимликларга ёқимли кимёвий моддаларни ажратиб чиқиши мумкин;



- айрим ўсимликларнинг илдизлари бегона ўтларнинг ўсиши ёки ҳашаротларнинг тарқалишини бостирувчи кимёвий моддалар ажратиб чиқариши мумкин;
- баъзи ўсимликларнинг илдизлари ва барглари бошқа ўсимликлар ва ҳашаротларни ҳайдовчи кимёвий моддалар ажратиб чиқариши эҳтимол;
- ўсимликлар турли озуқа моддаларини талаб қилиши мумкин.

Қўйидаги жадвалда Қирғизистонда кўп учрайдиган ўсимликлар ўртасидаги муносабатлар келтирилган. Гарчи бу жадвал кўплаб амалий омилларга асослангани билан ўз полизингда уларнинг бир-бирига қандай таъсир этишини ўзинг кузатиб кўр.

ТОПШИРИҚ



Ўз полизингдаги ўсимликларнинг тизмасини туз. Қўйидаги жадвални кўриб, ўша ўсимликларга сенинг полизингдаги қайси ўсимликлар қўшни бўла олишини ёз. Бошқа мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган ўсимликлар номини айт, масалан, озиқ-овқатга қўшса бўладиган турли гиёхлар.

Ўсимликларнинг серҳосил бўлишига кўп омиллар таъсир қилганидек, икки ўсимликнинг яхши қўшни бўлиши ҳам кўп нарсага боғлиқдир.

Яхши қўшни бўладиган ўсимликлар: ўтлар, гуллар ва сабзавотлар			
Ўсимликлар	Қўшниси	Нимага қарши	Ёмон қўшнилари
Райҳон (базилик)	Сарсабил (спаржа), помидор	Кўплаб ҳашаротлар	
Огуречник (Бораго оффисинале)	Қовоқча, қулупнай, помидор	Помидор қурти ва асалариларни жалб этади	
Мойчечак (ромашка)	Карам, пиёз		
Кўклиёз	Олма, сабзи, атиргул		
Кашнич (кориандр) (Кориандрум сативум)	Арпабодиён (анис)	Кўплаб ҳашаротлар, асалариларни жалб этади	Ширин укроп
Укроп	Карам	Капалак қурти	Сабзи
Саримсоқ	Мевали дарахтлар, малина, атиргул	Шира, куртлар, япон қўнғизи, дарахт қурти	Ловия, нўхат
Гулидовуд (бархатец) (Календула оффисиналис)	Кўплаб ўсимликлар, айниқса, ловия, картошка, атиргул, помидор	Кўплаб ҳашаротлар, айниқса, оқ капалак, мексика дуккаклилар қурти ва думалоқ қуртлар	Кўплаб бегона ўтлар
Майоран ва ореган (Ориганум спп.)	Кўплаб ўсимликлар	Кўплаб ҳашаротлар	
Сарсабил (спаржа)	Помидор		
Крестгуллилар	Ловия, лавлаги, сабзи, бодринг, укроп, пиёз, картошка, помидор, гулидовуд		Қулупнай
Сабзи	Ловия, карам, кўклиёз, пиёз, турп, помидор		
Маккажӯхори	Карам, бодринг, қовун, картошка, нўхат, ошқовоқ, кулчақовоқ		



Яхши қўшни бўладиган ўсимликлар: ўтлар, гуллар ва сабзавотлар			
Ўсимликлар	Қўшниси	Нимага қарши	Ёмон қўшнилари
Бодринг	Ловия, карам, маккажўхори, бақлажон, пиёз, турп, помидор, кунгабоқар		Картошка
Бақлажон	Ловия, нўхат, қалампир, помидор		
Қовун	Маккажўхори, турп		
Пиёз	Ловия, сабзи, бодринг, пастернак (ширин илдизли хушбўй ўт), қалампир, қовоқча, қулупнай, помидор, шолғом		
Петрушка	Помидор		
Пастернак	Турп		
Картошка	Ловия, карам, сабзи, маккажўхори, гулидовуд, пиёз, петрушка, нўхат	Бодринг, петрушка, ошқовоқ, қовоқча, кунгабоқар, турп, арпабодиён	
Турп	Ловия, сабзи, маккажўхори, карам, петрушка, нўхат, қовоқдошлар оиласи (бодринг, қовун, ошқовоқ, қовоқча)		
Қовоқдошлар оиласи (бодринг, қовун, ошқовоқ, қовоқча)	Маккажўхори, пиёз, турп		
Қулупнай	Ловия, пиёз, турп		
Помидор	Сарсабил, райхон, карам, сабзи, қовун, бодринг, саримсоқ, гулидовуд, пиёз, петрушка, укроп		

Суғориш

Полиздаги ўсимликларни ортиқча суғориб бўлмайди, чунки экиннинг барглари ва илдизлари чириб, касалликка чалинади, ҳосилдорлиги пасаяди. Қирғизистонда қўлланадиган энг яхши усул – ариқча, жўяқ тортиб суғориш. Экинга сув қўйганда баргларга сув тегмаслиги яхши, чунки уларга тупроқ ёпишиб қолиши мумкин. Ўсимликларнинг кўплаб касалликлари тупроқдан юққани сабабли сачраган сув билан баргга ёпишган тупроқ ўсимликларни касаллик юқтириши мумкин. Агар баргларга **сув юқтиримай суғоришнинг иложи бўлса, унда экинни эрталаб суғориш керак.** Ўшанда хўл барглар кундузи қуриб қолади, қуёш нурлари ҳам куйдириб юбормайди.

Намликни сақлаш

Қуриган барглар, арра тўпони ёки органик моддалар сепилиб суғориладиган ернинг юзаси ёпиб қўйилса, тупроқдаги намлик буғланмай сақланиб, ўғитлар яхши ўзлаштирилади, фойдали ҳашаротларнинг кўпайишига шароит яратилади.



Үғитлар

Барча ўсимликлар энг зарур үғитлар – азот, фосфор, олтингугурт ва калийга мұхтож бўлади. Бундан ташқари, ўсимликларга маълум миқдорда рух, мис, темир, марганец, магний, хлор, молибден, бор ва ҳоказолар керак. Компост шулар қўпчилигининг сенинг полизингда етарли даражада бўлишини таъминлай олади, шу сабабдан заводларда тайёрланган минерал үғитларни сотиб олишга ҳожат қолмайди.

Ўз ерингда, турли ўсимликлар учун ва йилнинг қайси даврида қандай үғитлар ва уларнинг қандай аралашмаларини ва қай ҳолда қўллаш кераклигини қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислардан аниқлаб сўраб билишинг зарур. Агарда сенда компост бўлмаса ёки етарли бўлмаса, сифати тасдиқланган үғитлардан фойдаланиш, гарчи сен нақд пулингга сотиб олсанг-да, юқори ҳосил олишингга шароит яратади. Албатта, бунинг учун тупроқнинг таркиби, фойдаланилаётган уруғлик ва зааркунандаларга қарши курашишга ҳам тегишли аҳамият беришинг талаб қилинади. Үғит пулли фойда топиш учун керак бўлган ҳисса ёки сармоядир.

Пестицидлар

“Ўсимликларни ҳимоялаш” дарсида пестицидлардан фойдаланиш ҳақида сўз юритганмиз. Пестицидларни имкони борича озроқ қўллашга ҳаракат қилиш кераклигини айтиб ўтиш зарур. Кимёвий дорилардан фойдаланмоқчи бўлсанг сўзсиз ҳимоя кийимларини кийиб, бу дорилар бошқа одамларга зиён етказмаслиги тўғрисида ғамхўрлик қилишинг зарур бўлади.



БИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ

ПОЛИЗИМИЗ

- ▶ Тупроқ ва унинг ахволи, органик моддалар ва буғланишдан ҳимояланиши.
- ▶ Ер шароитларига яхшироқ мослашувчи ўсимликларни танлаш.
- ▶ Тўғри ва қондириб суғориш.
- ▶ Кўшни ўсимликларни тўғри танлаш, уларни тўғри оралиқда ўтқазиш ва ўсиш даврини ҳисобга олиш.
- ▶ Тўғри ва етарли даражада ўғит бериш.
- ▶ Атроф-муҳитга зиёнсиз пестицидларни қўллаш.
- ▶ Сифатли маҳсулот етиштириб, уни маркетинг асосида сотиш.
- ▶ Полиздан тушган даромадни яна унинг фаолияти йўлида сарфлаш.
- ▶ Дехқончиликни яхшилаш ва кенгайтиришга қизиқувчи одамлар иштирокида бирлашмалар тузиш.



24-

ДАРС

КАРТОШКА ЎСТИРИШ

Янги сўзлар

Ҳарорат ва иқлимий миңтақалар дунёning қишида совуқ, ёзда эса иссиқ ва қуруқ миңтақалари.

Столон картошка ўсимлигининг тупроқ остидаги илдиз новдаси.

Тугунак картошка ўсимлиги крахмалини тўпловчи тупроқ остидаги илдиз новдаси.

Совуққа таъсирчанлик совуқ ҳароратнинг ўсимликка ўта салбий таъсир этиши ёки ўлдириши.

Картошканинг қўтири картошканинг бетидаги қорамтири доғлар.

Чопик картошка ўсимлигининг атрофини чопиб, тупроғини суюб чиқиш.

Картошканинг аҳамияти

Картошка дунёning мўътадил иқлим шароитидаги миңтақаларида ўсади. У кўплаб одамлар учун асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади, чунки картошка одам организмини юқори энергия билан таъминлайди. Картошка таркибида оқсил ва озиқ толаси оз миқдорда бўлгани билан у темир, кальций ва бошқа витамин ва минералларга ўта бой саналади.

Ошхонада картошкадан турли овқатлар тайёрлаш мумкин. Ҳозирги кунда у савдо-сотиқ соҳасида ҳам кенг қўлланиб келмоқда. Масалан, дунёning бой мамлакатларида аҳоли ўртасида картошкадан тайёрланган чипс ёки фрига талаб катта.

ТОПШИРИҚ



Синфда тадқиқот ўтказиш. Ҳар бир ўқувчи ушбу саволларга жавоб бериши керак. Сўнг ўқитувчи жавобларни доскага ёзиб, якунини чиқаради. Бу картошканинг фойдали жиҳатларини кўрсатишга ёрдам беради.

1. Сенинг оиласнг ҳафтасига неча килограмм картошка истеъмол қиласди?
2. Сенинг оиласнг ҳафтасига неча марта картошкали таомлар тановул этади?
3. Картошкани ўз полизингларда ўстирасизларми ёки бозордан сотиб оласизларми?
4. Қайси даврда картошкани кўпроқ истеъмол қиласизлар – йилнинг совуқ пайтидами ёки иссиқ вақтларда?



Картошка қандай ўсади?

Бошқа ўсимликлардан фарқли равишда картошка уруғдан ўсмайди. Картошка тугунаклар ёрдамида кўпаяди. Тугунак бошқа ўсимликларнинг уруғлари каби тупроққа экилади, бироқ тугунак **уруғлик картошка** деб аталади.



Уруғлик картошка

Уруғлик картошканинг оғирлиги 75-150 грамм бўлиши керак. Картошка бутун экилади. Уруғлик картошкани кесиб экиш уни касалликка дучор қиласди. Айрим хўжалик эгалари ҳалигача каттароқ картошкаларни бир неча бўлакка бўлиб экишади. Бу уруғлик картошканинг касалликларга осон чалиниши ва шу билан бирга ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келади.

Уруғлик картошка - генетика жиҳатидан илк ўсимликка ўхшаган бўлиб, тупроқнинг остида кўпчиб турган поя. Уруғлик картошканинг қўлтиқ куртаклари ёки кўзчалари бўлиб, улардан ер бетига поя ўсиб чиқади, поядан эса барглар пайдо бўлади.

Толасимон илдиз тизими поянинг ер остидаги қисмидан униб чиқиб, 60 сантиметргача чўзилади ва 30 сантиметргача чуқурликка киради. Шунинг учун тупроқнинг сочиливчан бўлиши картошканинг енгил ва яхши ўсишига шароит яратади.

Ердан поя униб чиққандан сўнг ўн кунча ўтиб, поянинг ер ости қисмида куртаклар пайдо бўлади, улар кейин илдиз ости новдасини ҳосил қиласди. Улар тупроқдан горизонтал тарзда ўсиб чиқади, илдиз новдасининг учлари кўпчиб, баргларда ҳосил бўлган крахмал ўша кўпчиган илдиз новдаларида тўпланади ва уларни биз кейинроқ картошка ҳосили сифатида ковлаб оламиз.

Крахмал тўплаш ўсимликнинг ер устки қисми қуриб қолгунга қадар давом этади, шундан сўнг картошка ҳосили ковлаб олинади.



Ишлаб чиқариш даври

Уруғлик картошкада учун тупроқнинг ҳарорати ҳеч бўлмаганда 6°C ёки ундан юқорироқ бўлиши керак. Картошканинг ёш барглари совуқка жуда сезгир келади, шу сабабли совуқ тушса, барглари қуриб қолади. Эрта экилган картошкани совуқ уриб кетмаслиги учун устига шох-шабба, сомон ёки газлама билан ёлиб қўйиш зарур. Агар янги чиқкан ёш новдаларни аёз уриб кетса, бутунлай картошканинг ҳосилига таъсир кўрсатади. Қирғизистонда ўстирилган жойи ва иқлим шароитларига мувофиқ картошканинг ўсиш даври 90-150 кунга чўзилади.

Картошканинг навлари

Сенинг қишлоғинг шароитида картошканинг қандай навлари яхши ўсади ва қайси вақтда экиш зарурлигини қишлоқ маслаҳатчисидан сўраб бил. Картошка янги навларининг йил сайин кўпайиб бориши сабабли кооперативлар билан қишлоқ маслаҳатчилари ана шу янги навлар тўғрисида хабардор бўлиб туришлари зарур. Бундай маълумот сизларга тўғри маслаҳат бериш учун керак бўлади.

ТОПШИРИҚ



Қишлоқ маслаҳатчиси, кооперативнинг вакили ёки муваффақият қозонган картошка ўстирувчи деҳқон билан суҳбатлаш. Улардан қуйидаги саволларга жавоб беришини сўра:

- Қишлоқда картошканинг қандай навлари экиляпти?
- Уларни одатда қайси вақтда экишади?
- Уруғлик картошкани қайси ердан олишади?

Сенинг қишлоғингда картошкани қандай ўстирилгани тўғрисида бир бетли ҳикоя ёз.

Картошка экиш учун тупроқни тайёрлаш

Картошка – офтобсевар ўсимлик. Сояда ўсан картошканинг ҳосилдорлиги паст бўлади. Картошкадан энг юқори ҳосил олиш учун уни илгари беда каби кўп йиллик ўсимлик ёки кузги буғдои, бодринг ёхуд карам ўстирилган ерга экиш керак. Картошка билан помидорни алмашлаб экиб бўлмайди, чунки бу ўсимликлар бир ботаник оиласа мансубдир. Картошкани помидор билан алмашлаб экиш ёки картошкани алмашламасдан бир неча йил бўйи бир ерга экиш ўша ернинг тупроғида касалликлар, айниқса, фитофтороз замбуруғларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Тупроқни тайёрлашни картошка экишдан тўрт-олти ҳафта олдин бошлиш керак, чунки у ерда бунгача ўсан ўсимликнинг қолдиқлари тупроқ остига кўмилиб, картошкани эккунга қадар чириб кетиши зарур. Бу эса ўсаётган сабзавотга керакли тупроқнинг намлигини таъминлайди. Агар полиз органик моддалар билан таъминланмаса, ундаги тупроқ ва картошкани суғориш натижаси бермайди.

Картошка экиладиган тупроқ юмшоқ бўлиши керак, чунки юмшоқ тупроқ картошка илдизларининг тупроққа чуқур кириб боришига шароит яратади. Қаттиқ, топталган тупроқ картошка ўстиришга ярамайди. Бундай ерга иложи борича кўпроқ органик моддалар солиш керак. Юмшоқ, қумоқ ер картошканинг қулай ўсишига имкон беради, бироқ тупроқ ўта қумоқ бўлса, унда кўпроқ ўғит талаб қилади. Чунки бундай ер сувни тезроқ сингириб олади.



Картошка экиш

Уруғликни совуқ тупроққа қадамаслик учун картошка экишнинг вақтини аниқлаб олиш керак. Юқорида айтилганидек, уруғлик картошкани экиш учун тупроқ ҳарорати камида 6°C ёки ундан юқориго бўлиши керак. Ҳароратнинг шу даражага етганини майсалар ўса бошлаганидан ҳам билиш мумкин. Янги картошка ниҳолини баҳорги совуққа олдириб қўймасликка ҳаракат қилиш зарур.

Уруғлик картошкани ўтқазишда биринчи навбатда жўяқ очиб олиб, уруғлик 5-10 сантиметр чуқурлиқда кўмиладиган ҳолда бўлиши керак. Бир жўяқдаги уруғлик картошкаларнинг оралиғи 20 сантиметр, жўякларнинг оралиғи эса 60 см узоқлиқда бўлиши зарур.

Одатда тупроқ юзасига барглар ўсиб чиқмагунча экилган картошкани суғормаслик керак. Ҳаддан зиёд кўп суғориш ёки тупроқ бетида куртаклар ҳали кўринмай туриб суғориш уруғлик картошкани чиритиб юбориши мумкин.


Картошка экиш бўйича қишлоқ маслаҳатчиси билан экиш усуллари юзасидан сұхбатлаш, чунки ҳар бир ернинг ўзига хос жиҳатлари бор ва шунга яраша парваришлиш технологиялари ҳам турлича бўлиши мумкин. Мана шу қоидаларга амал қилинса, яхши ҳосил олишга имконият туғилади.

Ўғитларни қўллаш

Европада ва бошқа мамлакатларда картошкадан мўл ҳосил етиштириш тажрибаси ўғитлардан тўғри фойдаланиш билан боғлиқидир. Картошкага таркибида зарур миқдорда азот, фосфор ва калий мавжуд ўғитлар қўлланса ёки табиий тупроқда ўша элементлар бўлса экин аъло даражада ўсади. Ўғитни қўллаш меъёри тупроқнинг ҳолатига, шунингдек, бу тупроқдан сўнгги уч йил ичida қандай фойдаланилганига боғлиқидир. Маслаҳатчиidan ёки муваффақият қозонган дехқондан сен яшайдиган тумандаги тупроқнинг ҳолати ҳақида билиб ол.

Яхши ҳосил йиғиштириб олиш учун картошкани ўтқазиш чоғида ўғитни уруғлик картошканинг икки ёнига, картошкадан 5-8 сантиметр оралиқда жойлаштириш мухимдир. Бундай ўғитлар қўлланилмаса, картошканинг ҳосилдорлиги ҳам пасайиб кетиши кутилади.

Яхши ҳосил олишнинг энг асосий шарти бу тупроқда органик моддалар таркибини кўпайтириш ҳисобланади. Бу ҳақда бошқа дарсларда ҳам таъкидлаганмиз. Буни ёддан чиқарма!



Мол гўнгидан фойдаланиш

Одамлар сунъий ўғитлар ишлаб чиқарилмаган пайтда ўғит сифатида мол гўнгини сувга ивитиб, суюқ ҳолда ерга сепишган. Чунки қўй, мол, эчки ва қўтосларнинг гўнги ва сийдигининг таркибида картошка ўсимлигига энг зарур бўлган элементлар: азот, фосфор, калий ва бошқа моддалар бор. Шундай бўлса-да, бу элементлар сувга ивитилишига қарамасдан, картошка ўсимлигининг яхши ўсиши ва юқори ҳосил беришига етарли миқдорда чиқарилмайди.

Гўнг ва сийдиқдаги озиқ элементлари тупроққа маълум бир вақт ўтгандан кейингина сингиб кетади, бироқ биринчи йили яхши ҳосил олишга ёрдам бера олмайди. Демак, мол гўнгини тупроққа доим қўшиб туриш керак. Чунки вақт ўтгани сари тупроқдаги гўнгдан ўсимликларга зарур бўлган озиқ моддалари бўлиниб чиқади.

Молнинг янги сийдигидан фойдаланиш тўғри эмас, гарчи у тупроқни азотли ва калийли бирикмалар билан таъминласа-да, бироқ таркибидаги сийдик аралашмаси жуда юқори даражада бўлганлигидан ўсимликларни ўлдириши мумкин. Бундан ташқари, сариқ чирмовиқ босиб кетиши ҳам мумкин. Шу сабабли уни картошка экишдан бир неча ҳафта аввал ишлатиш керак.

Суғориш

Ерни экишдан бир ҳафта аввал суғориб қўйиш зарур, чунки намли тупроқ янги ўсимликнинг тез униб чиқишига ёрдам беради. Янги ўсимликнинг барглари ернинг бетига чиққандан кейин яна бир марта суғориш керак.

Энг самарали суғориш даври – ёш тугунакларнинг диаметри 1,5 сантиметрга етганда. Бу одатда ўсимликнинг гуллай бошлаган даврига тўғри келади.

Картошка тўлиғи билан ўсиши учун тахминан 300 миллиметр намлик кераклиги ҳаммага аён. Бу рақам тупроқнинг аҳволи, унинг таркибидаги органик моддага, ҳарорат, буғланиш, намликка яраша бир оз ўзгариши мумкин.

Яхши ҳосил олиш учун тупроқнинг намлигини сақлаш зарур. Намлик деганда сувни кўллатиб қўйишга айтилмайди, сувни суистеъмол қилиш замбуруғли касалликларнинг тарқалишига ва илдизларнинг чиришига олиб келади. Бундан ташқари, озиқларни ўсимликнинг илдиз ҳудудидан ювиб кетади. Гўнг, компост ва барглар тупроқда намликни сақлаб туради.

Бегона ўтларга қарши курашиш

Картошка ўсиб келаётган вақтда жўякларида begona ўтлар бўлмагани яхши. Begona ўтлар босиб кетган жойларда ўсан картошканинг ҳосили тоза жўякларда ўсан картошканинг ҳосилига таққосланганда икки марта паст бўлишини тажрибалар кўрсатган.

Ўсимлик ер бетига ўсиб чиққандан кейин ўталиши керак.

ЭСЛАТМА!

Агар янги гўнг қўлланилса, далани сариқ чирмовиқ қоплади.



Чопик

Чопик ўсимлик илдизлари ва поясининг асосига тупроқ тортишdir. Бу ишни картошка ўсаётган маҳалда икки марта бажариш мумкин. Биринчи марта ўсимлик ер бетини қоплагандан, кейин эса гуллагандан чопик қилинади. Чопик қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

1. Ўсимликни ўтқазгандан кейин бир ой чамаси ўтгач, бегона ўтларни йўқ қилиш мақсадида.
2. Ўсимликнинг ўсиши учун етарли миқдорда тупроқ билан таъминлаш ва қуёш нуридан сақлаш. Қуёш нурида қолган тугунаклар яшил тусга кириб қолади ва улар заҳарли моддалар ажратиб чиқаради. Улар одам учун хомлигида ҳам, пиширилганда ҳам хавфлидир.
3. Агар картошка тупроқ билан яхши кўмилса, қуртлар личинкаларининг картошкага кириб олишини қийинлаштиради.

Ҳосилни йиғишириш

Полизда ўстирилган картошка пухта парваришни талаб қиласи. Яхши ҳосил олиш учун картошканинг барглари қуригандан кейин икки ҳафта ўтгач, ҳосилни ковлаб олиш керак. Шунда картошканинг қобиги яхшироқ қотиб, кейин урилмай ва чиримай сақланади. Ковлаб олинган картошка канопдан тўқилган қопларга солинса, уларга ҳаво кириб, яхши сақланишига шароит яралади. Картошка чириб ёки яшил тусга кириб қолмаслиги учун уни салқин ва қуёш нури тушмайдиган жойда сақлаш зарур.

Ҳосилни кўлда йиғишириб олишда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Бунинг учун бешлик (санчқи) билан картошканинг остини ковлаш керак. Шунда картошка кесilmай, бутун ҳолда қолади.

Сақлаш

Агар картошка ҳосилини сақлаш керак бўлса, қоронғи, ҳарорати 15°C - 18°C дан юқори бўлмаган ва намлиги 85 фоиздан ошмаган ерда 10 кун қолдириш керак. Ундан сўнг ҳарорати 4°C - 7°C гача бўлган қоронғи, намлиги юқори жойда сақлаш тавсия этилади.

Мабодо картошкани қиш бўйи сақлайман, десанг унда қишлоқ маслаҳатчиси билан кенгашганинг маъқул.

Маркетинг



Ҳар бир ишлаб чиқарувчи ортиқча маҳсулот сотиб, фойда топгиси келади.

Агар сен сифатли маҳсулот етиштириб, уни бозорга чиқараман, десанг қўйидагиларни бажаришинг керак:

- Кartoшкани ўлчамига қараб, навларга ажратитишга вақт ажрат.
- Кесилган ва урилган картошкаларни алоҳида жойга қўй.
- Кartoшкани ўлчами ва сифатига қараб турли нархларда бозорга чиқар.
- Олий сифатли картошканинг ҳар килосига 3 сўмдан қўшиб сотишга ҳаракат қил.

Бозордаги бошқа сотувчилар каби жўнгина сотмасдан, маҳсулотингнинг баҳосини чиқариб, маркетинг йўли билан сотишга ҳаракат қил.

Картошканинг зараркунандалари

Картошка қуяси тухумларини баргларнинг остига ва картошканинг кўзчалари ва ёриқларига қўяди. Улар ҳосилдорликни анча пасайтириб юборишади. Чопик ва суғориш личинкаларнинг ўсаётган ҳосилга етадиган йўлини тўсади.

Ўсимлик бити экиннинг ширасини сўриб олади, шунингдек, вирус касалликлари, масалан, картошка баргларини ўровчи вирус иллатига олиб келади.



Колорадо қўнғизи картошка ўсимлиги баргларини ейди, фотосинтезни пасайтиради, демак, картошка ҳосилдорлиги камаяди.

Картошка баргларини ўровчи вирус картошка ўсимлигига зиён етказади. Бунда картошканинг барглари ўралиб қоладида, қуёш нурлари яхши тегмаслиги натижасида ҳосилдорлик пасаяди. Бу муаммодан қутулишнинг энг яхши усули - экиш учун сертификатланган вируссиз уруғлик картошкадан фойдаланиш.

Фитофтороз замбуруғли касаллик бўлиб, картошканинг ҳосилдорлигини пасайтириб юборади. Замбуруғ салқин ва совуқ ҳавода ривожланади, картошкани чиритиб, бўтқага айлантиради. Бундан қутулиш йўли – ўсимликнинг бу касалликка чидамли навларини танлаш.

Нематодалар картошканинг илдизларини ейди, ўсишини тўхтатиб, ҳосилдорлигини пасайтиради. Тухумлари тупроқда 20 йилгача сақланиб қолади, уларни йўқ қилиш жуда қийин. Бу касаллик билан курашиш учун ўсимликларни алмашлаб экиш керак. Нематодалар ва замбуруғли касалликларнинг олдини олиш учун шу ерга картошка экишдан аввал камидан уч йил бошқа экинлар экиш зарур.

Бактерияли ҳолсизланиш (сўлиш) бактерияли касаллик бўлиб, унинг оқибатида ўсимликнинг барглари сўлийди, тугунаги жигарранг тусга кириб чирийди. Бу касаллик илиқ ҳавода яхши тарқалади. У билан курашишнинг ягона йўли – ҳар йили тоза уруғлик экиш. Бундан ташқари, илгари бу касаллик юқсан ерга картошка экиш тавсия этилмайди.



25-
ДАРС

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ ВА БУТАШ

Яңги сўзлар

Тана	ўсимлик ёки дарахтнинг марказий ёхуд асосий пояси.
Илдиз новда	дарахтнинг пўстлоғи остида жойлашган қўшимча куртақдан ёнига ўсиб чиқсан, ҳали етилмаган ёш новда.
Шоҳ	дарахтнинг асосий танасидан ёнига ўсиб чиқсан бутоқ.
Шоҳча	дарахтнинг асосий танасидан горизонтал ҳолда ўсувчи бутоқ.
Чодир	ўсимлик ёки дарахтнинг юқори қисмидаги қалин шоҳ ва баргларнинг остки шоҳ ва баргларини ёпиб қолиши.
Буташ	дарахтнинг тузилишини яхшилаш ва қувватини сақлаш учун унинг айрим шоҳларини кесиб ташлаш.
Шакл бериш	дарахт шоҳларини тўғри шаклда ва йўналишда ўсиши учун аста-секин ўргатиш, шаклга солиш.
Қишки буташ	дарахтлар ухлаётган кеч қиши фаслида уларнинг шоҳларини кесиш.
Тик қаламчалар	вертикал ҳолда ўсувчи ёш шоҳчалар.
Дарахтнинг куйиши	дарахт ички тўқималарининг совуқقا ёки кимёвий моддалар таъсирига дучор бўлиши.

Қирғизистонда ўсадиган мевали дарахтлар

Қирғизистонда мевали ва ёнғоқ дарахтларининг кўплаб турлари яхши ўсади. Улар бойлиқ, даромад ва озиқ-овқат манбаи ҳисобланади. Мевали ва ёнғоқ дарахтларидан сифатли ва мўл ҳосил олиш учун уларни яхшилаш парваришлаш керак. Мевали дарахтлардан самарали ҳосил олиш учун бир неча йиллар талаб қилинади. Шунинг учун уларни доим назорат қилиб, ҳосилдорлиги пасайган дарахтлар ўрнига янгисини экиб туриш зарур.




Сен яшаётган ерда ўсаётган мевали ва ёнғоқ дарахтларининг турларини санаб чиқ. Мактабдан уйга бораётган йўлда, сен атагандан бошқа ҳам унтилган дарахтлар бор ёки йўқлигини текшириш.

Одатда дарахтларнинг мевалари кўп бўлсин, деб уларнинг бутоқларини ўсиб кетгунча кесишмайди. Ўз вақтида қаралмай, ортиқча шохлари кесилмай келган дарахтларда заарорли ҳашаротлар кўп бўлади. Уларнинг мевалари ва шохларида касалликлар яхши тарқалади.

Мевали дарахтларга тупроқнинг кислота миқдори 6,5-7,0 бўлгани дуруст. Қирғизистонда тупроқнинг кислота миқдори ҳам шунга тенг бўлганлигидан, бу мамлакат мевали ва ёнғоқ дарахтларини парваришилашда нисбатан афзалликка эга. Учқўрғоннинг гилоси жаҳон бозорига экспорт қилингани ёдингиздами?

Дарахтнинг тузилиши



Дарахтларни парваришилаш

Дарахтлар яхши парвариши талаб қилувчи нозик ўсимликлардир. Дарахтнинг ўсиб етилишига юзлаб йиллар керак бўлса, одам эса уни бир неча дақиқа ичидаги йўқ қилиб қўя қолади. Дарахтларни кесиш ер юзидағи энг муҳим тирик жониворни ўлдириш билан баробардир. Дарахтлар биз ва жониворлар нафас олувчи ҳавони тозалайди, демак, улар ердаги барча тирик жониворларнинг ҳаёти учун ўта зарурдир.

Дунёда саноатнинг ривожланиши ҳавони одамларга ҳам, ҳайвонларга ҳам заарорли бўлган ис гази билан булғаб келмоқда. Дарахтлар ўз барглари орқали жуда кўп миқдорда ис газини ютиб, қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда уни сув билан аралаштиради-да қанд билан крахмалга айлантиради. Қанд билан крахмал эса сайёрамиздаги барча жониворларнинг ҳаёти учун зарур бўлган моддалар ҳисобланади.

Сув + ис гази → хлорофилл/қуёш энергияси → кислород + қанд

Демак, дарахтлар ва бошқа ўсимликлар одамларга зарур бўлган кислородни ишлаб чиқаради!



Мевали дарахтлар ўтқазиши



Мевали дарахтлар ўтқазишда қилинган ишларнинг табиий ҳисобини олиш зарур

Қирғизистонда асосий даромад олиб келувчи мевали дарахтларга олма, гилос, шафтоли ва ўрик киради.

Шимолий Қирғизистон	Жанубий Қирғизистон
Олма	
Гилос	
Шафтоли	
	Ўрик

Қирғизистонда дарахт кўчатларининг илдизлари очиқ ҳолда ўтқазилади. Баъзан сотишда уларнинг илдизларини маҳсус намли қопларга ўраб қўйишади, бироқ тупроқка илдизлари очиқ ҳолда ўтқазилади. Бундай кўчатларни дарахтлар ухлаётган йилнинг совуқ ойларида ўтқазиш афзал. Агар кўчат тупроғи билан сотилса, уни йилнинг қайси ойида бўлса ҳам ўтқазиш мумкин. Бироқ, шундай бўлса-да, бундай кўчатларни кунлар ўта исиб, тупроқ ҳам қуриб кетган ёз ойларида ўтқазиш тавсия этилмайди.



Кўчат ўтқазиш тартиби

1. Кўчат ўтқазиш олдидан илдизнинг ҳамма ён шохлари сиғадиган кенглиқда ва чуқурлиқда чуқурча ковлаш керак. Кўчат бунгача кўчатзорда қандай чуқурлиқда ўтқазилган бўлса, янги ерга ҳам ўшанча чуқурлиқда экилиши керак. Чуқурчани кўчатга ёпишган лойдан ёки пояси рангининг ўзгаришидан пайкаш мумкин. Чуқурчани кўчатни ўтқазадиган куни ковлаш зарур, чунки эрта қазилган чуқурча ва уни тўлдирадиган тупроқ қуриб, кўмишга яроқсиз бўлиб қолиши мумкин.
2. Кўчатни чуқурчага солиб, устидан ҳовучлаб тупроқ тўлдириш керак. Илдизнинг атрофига тупроқ зич тўлиши учун кўчатни аста кўтариб ва паствлатиб туриш зарур.
3. Чуқурчанинг ярми тўлганда солинган тупроқни депсаб, бутунлай тўлгач, яна бир бор депсаб зичлаш керак. Тупроқ ортиқча зичланса кўчатнинг илдизлари поясидан узилиб ёки синиб қолиши ҳам мумкин.
4. Кўчатнинг илдизларини эҳтиётлаб, унинг ёнига қозик қоқиш керак. Чунки кўчатдан бутоқ ва барглар чиққанда илдизлари уни тик ушлаб туришга ярагудек бўлгунга қадар қозик кўчатни ушлаб туради. Бунинг устига қозик кўчатни қаттиқ шамолдан ҳам ҳимоялайди.
5. Кўчатнинг атрофига 5-8 сантиметр чуқурлиқда чириган барглар ёки ёғочнинг қипиги кўмиб қўйилса, унинг атрофидаги намлик яхши сақланади. Чириган барглар ёки ёғочнинг қипиги кўчатнинг танасига төгмай туриши керак.

Мевали дараҳтларни суғориш

Мевали дараҳтлар сув яхши сингадиган тупроқда эркин ўсади, шунинг учун уларни лой бўлиб қоладиган сарик тупроққа ўтқазмаслик зарур. Етилиб қолган мевали дараҳтларнинг шохлари қанча ёйилса, уларнинг илдизлари ҳам ўшанчалик кенг ёйилади. Дараҳтнинг кейинги йили мева берадиган янги шохлари ўсаётганда ёз пайтида унга сув жуда керак бўлади. Агар дараҳт ёзда яхши суғорилмай қолса, кейинги йили у кам ҳосил бериши мумкин. Бундай дараҳтлар кўпинча икки йилда бир яхши ҳосил беради.

Ёзниң энг иссиқ кунлари дараҳтларни кечаси ёки тунда суғориш дуруст. Чунки кундузи бүғланиш кўп бўлиб, баргларни куйдириб юбориши ҳам мумкин.

Нима учун дараҳтларга шакл бериш ва буташ керак?

Дараҳтларнинг шохларини шаклга солиб ва бутаб турмаса улар тўғри қолипда ўсмайди. Тўғри шаклга солинган ва буталган дараҳтлар сифатли ҳосилни одатдагидан олдинроқ беради ва кўп яшайди.

Дараҳтларга шакл бериш ва буташдан асосий мақсад – унинг шохларини мўл ҳосил беришга кучайтириш. Яхши буталмаган шохлар деярли тик ўсиб, меваси кўп бўлганда синиб кетади. Бу ҳол дараҳтнинг ҳосилдорлигини камайтириб, умрини ҳам қисқартиши мумкин. Қуриган, касал ёки синган шохлар биринчи навбатда буталиши керак.

Буташ барглар ва шохлардан иборат дараҳтнинг юқори қисмини сийраклатиб, қуёш нурларининг тушишини яхшилайди. Кўплаб баргли дараҳтлар келаси йилги ҳосил учун ёз ойларидаёқ куртак ёза бошлайди. Куртакларнинг етилиши учун қуёш нури катта аҳамиятга эга.

Дараҳт қуёш нури етарли теккан ерда ўсса-да, агар унинг барглари ўта қалин бўлса, ички бутоқларга қуёш нури етарли тушмай қолиши мумкин. Бутоқларнинг ўртасини очиб қўйиш ҳавонинг айланишига ёрдам бериб, шохларни қуруқ сақлайди, юкумли касалликлардан ҳимоялайди. Бутоқларнинг оралиғи очиқ дараҳтларга заарларни ҳашаротларга қарши дори сепишда ҳам қулай бўлади.



Буташ ва ўргатиш

Ёш мевали дарахтларнинг шохларини тўғри эгилиб ўсишга ўргатиш дарахтнинг яхши ўсишига ёрдам беради.

Кўпинча дарахтлар ухлаётган қиш пайтида буталади, шунинг учун у қишки буташ деб аталади.

Қишки буташ билан ёзги буташнинг фарқи

Қиш ёки ёз пайтида бўладими, буташ фаслга яраша дарахтга турлича таъсир кўрсатади.

Қишки буташ дарахтнинг ўсиши ва ҳосил тўплаши учун жуда фойдалидир.

Куз пайтида дарахт қувватининг кўп қисми унинг танаси ва илдизида бўлади. Агар дарахт ухлаётган қиш пайтида унинг устки қисмидаги кўплаб ортиқча шохлар кесиб ташланса, унинг қуввати сақланиб, келаси йили баҳорда сақланган қувват ёш, кучли шохларнинг ўсиб чиқишига сарфланади. Афсуски, у ёш шохлар тик ўсувчи бўлиб, куёш нурларини тўсиб қолиши сабабли ўсишга халақит қиласди, натижада уларни кесиб ташлашга тўғри келади. Буташни имкони борича кеч қишида бошлаш зарур, чунки қишининг ўртасида янги кесилган бутоқларнинг тўқималарини совуқ олиши мумкин. Буташни биринчи олма дарахтларидан бошлаб, кейин гилос, шафтоли ва олхўри дарахтларини буташ зарур.


Ёзги буташ дарахтнинг ўсишини секинлаштиради. Ёзги буташни дарахт куртак боғлаганда бошлаш мумкин, бироқ кўпинча янги новдалар бир неча сантиметр бўлганда буталади. Ёзги буташда ўша вақтда янги чиқсан тик ва кучли новдалар кесилади. Кесилган жойларни қишида совуқ олмаслиги учун Қирғизистонда дарахтларни июль ойидан кейин буташ тавсия қилинмайди.

Буташнинг турлари

Буташнинг асосий икки тури бор – сийраклаштирувчи ва қисқартирувчи.

Сийраклаштирувчи буташда нотўғри ўсан ён бутоқлар тубидан кесиб ташланади.

Қисқартирувчи буташда новдаларнинг учларигина кесилади. Буташнинг бу тури кесилган жойдан пастда турган новдаларнинг ўсиши ва янги новдаларнинг чиқишига ёрдам беради.



Учидан буташда новдаларнинг учларигина кесилади.

Сийраклаштирувчи буташда ортиқча новдалар тубидан кесилади.



Шохларнинг кесилган жойларини тез тузатадиган усулларни қўллаш жуда муҳимдир. Ёз пайтида кесилса, дараҳтнинг шарбати оқиб, куёшнинг иссиғи билан кесилган жой тез битади. Тез тузалиш дараҳтни касаллик ва заарли ҳашаротлардан сақтайди. Тик шохлар кесилган жой қийғочроқ бўлиши керак. Ўшанда унинг бетига шарбат тўпланимай, касаллик тарқатувчи микроблар юқмайди.

Кесилган жойларга суртадиган махсус аралашмалар ва бўёқлар бор. Бироқ энг яхиси - шохни тўғри кесиб, уни табиий йўл билан битириш. Кесилган жойларга суртадиган кимёвий аралашмалар касалликнинг олдини олиш ўрнига кўпинча дараҳтга инфекциянинг кириб қолишига имкон яратиши ҳам эҳтимол.

Шакл бериш тизими

Шохларни буташ ва шакл беришдан асосий мақсад – дараҳтнинг ҳосилдорлигини ошириб, умрини узайтириш. Буташ орқали мевали дараҳтларни турли шаклларга солиш мумкин. Ҳар ким ўз дараҳтлари қандай шаклда ўсиши кераклигини тажрибали боғбон ёки мутахассислар билан маслаҳатлашиб аниқлаши керак. Боғбон ёки мутахассис шохларни буташ ва уларни ўсишга ўргатишнинг турли усулларини ҳам айтаб берা олади.

Ушбу расмларда буташнинг баъзи шакллари кўрсатилган.

Марказий тўғри шохни буташ


Ўтқазаётганда буташ

Куртаклар пайдо бўла бошлаган пайтда марказий шохни ердан 75-80 сантиметр баландликда кесиш керак.



Қишки буташ

Энг баланд шохни дараҳтнинг бутоқлари тараплан жайдан 60-75 сантиметр баландликда кесиш керак.



Буташнинг қадамлари:

- Биргина марказий тўғри шохни қолдириш керак.
- Шохларни 60 даражага ёки ундан ҳам кичикроқ бурчак остида кесиш зарур.
- Марказий тўғри шохнинг ёнбошидан бир-бирининг рўпарасида ўсланновдаларни кесиш керак.

Биринчи йилда ёзги буташ

Ёзги буташ янги шохлар 7-10 сантиметр бўлганда амалга оширилади. Марказий “а” шохини тик ўсишга қолдириб, “б” ва “с” ён шохларини олиб ташлаш керак. Бир-биридан бир хил узоқликда қолдирилиб, қолганларини кесиб ташлаш керак.



Буташдан кейин учинчи

йилда дараҳтнинг шохлари уч ёки тўрт дараҷада бир-биридан бир хил узоқликда бўлиб турли томонга қараб ўсади. Дараҳтнинг шакли қуёш нурлари барча шохлар ва уларнинг ораларига тушишига эътибор қаратинг.

- Ёнбошдан ўсланновдаларни каттайдиганда бир-бирига халақит бермаслиги учун бир хил оралиқда қолдириш керак.



Устидан кўриниши



Ёзги буташ

Янги новдаларнинг узунлиги 7-10 сантиметр бўлганда ёзги буташни бошлаш мумкин. Биринчи қадам - дараҳтнинг асосий танаси бўладиган тик ўсувчи шохни танлаб олиш керак. Унга шерик бўладиган ёнидаги новдаларни ундан 10 сантиметр пастроқдан кесиб ташлаш керак.

Ортиқча шохларни кесиб ташлаш учун апрель ойидан июль ойигача кўчатнинг бутоқларини бир ойда бир марта бутаб ва ёз ичи шакл бериб туриш керак. Ёзги буташ қишики буташнинг заруратини анча камайтиради.

Ёзги буташдан қолган дараҳт нотўғри ўсиб, унинг шаклини тўғрилаш учун қишики буташда кўп кесишига тўғри келади.

Кейинги йиллари марказий шохни сақлаш ва унга кўпроқ куч бериш қишики буташнинг энг асосий мақсади бўлади. Қишида барча қуриган, касалланган ва синган шохларни бутаб ташлаш керак.

Дараҳт дастлабки йилларданоқ кўп мева боғлашига йўл бермаслик керак, чунки меваларнинг салмоғи шохларни ерга қаратиб, эга бошлайди. Шохлар ерга қараб ўсиб қолса, улар бўш ва камҳосил бўлиб, уларни кейин кесиб ташлашга тўғри келади. Қишики буташдан яна бир мақсад – дараҳт шохларининг узунлигини назорат қилиш. Дараҳт шаклини сақлаб қолиш учун шохларни қисқартириб туриш зарур.


Етилган дараҳтлар тўғри шаклда ва ёзда буталган бўлса озгина буташни талаб қиласди. Барча қуриган, касалланган, синган, шунингдек, тик ўсган ва ерга қараган шохларни кесиб ташлаш керак.

Яхши парваришлиланмаган дараҳтларнинг бош томонида бутоқлари кўп бўлиб, пастки шохларини қуёш нурларидан тўсувчи соябон қатори бўлиб қолади. Ундан дараҳтларнинг юқори қисмидаги шохларни сийраклаштириш керак. Бироқ бир кесишида шохларнинг 30 фоизини олиш дараҳт қувватининг кўп қисми мевага эмас, ўсишга сарфланиб кетишидан далолатдир.

Етилган шохларни буташ

Етилган дараҳтларнинг шохлари тўғри кесилмаса, дараҳтлар жабрланиб қолиши мумкин. Қуйидаги расмда кесишининг тўғри йўли кўрсатилган. Шохни дастлаб пастки томонидан кесиб, сўнг юқори томони кесилади. Ўшанда кесилган шох қулаётib кесилган жойдан пастга томон дараҳтнинг пўстлоғини сидирмайди. Агар шох дастлаб остидан кесилмай, пўстлоғи сидирилиб тушса, ўша жойга касалликлар ва заарли ҳашаротлар ёпишади. Учинчи кесишида шох қулагандан кейин унинг узилган еридаги қолдиқларини ҳам арралаб ташлаш керак.






ТОПШИРИҚ



Илгари тузилган мевали дарахтлар рўйхатидан фойдаланиб, мактабдан уйинг томон кетаётиб дарахтларни кузатган ҳолда ушбу жадвални тўлдир.

Дарахт тури	Тахминан ёши	Кесилган/ кесilmаган	Касалликлари ва ҳашаротлари борми ёки йўқ





9 — Бўлим

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



256-бет

Хўжалигимдаги уй ҳайвонлари

267-бет

Замонавий чорвачилик тажрибалари

26
ДАРС

ХўЖАЛИГИМДАГИ

УЙ ҲАЙВОНЛАРИ

Янги сўзлар

Чорвачилик	иқтисодий фойда олиш мақсадида уй ҳайвонлари билан хўжалик юритиш, мол боқиш.
Уй ҳайвонлари	одамлар боқиб, улар билан яқин яшашга кўниккан жониворлар.
Ўтхўр ҳайвонлар	ўсимликлар билан озиқланувчи жониворлар.
Ёлғиз қоринлилар	қорни биттагина бўлган жониворлар, масалан, от, эшак, одамлар.
Кавш қайтарувчилар	ошқозони тўрт бўлимли бўлиб, қизилўнгачининг қуви қисмида овқатни ҳазм қилиш учун бактериялар ажратиб чиқариш ривожланган жониворлар. Уларга қўй, эчки, йирик шохли ҳайвонлар, қўтос ва түя киради.

Уй ҳайвонлари – робот ёки машина эмас. Одамлар каби уларга ҳам сув, озиқ-овқат ва ётоқхона керак. Улар ҳам ўзларини хавфсиз сезишлари зарур. Мана шу шароитлар бўлмаса улар сермаҳсул бўла олмайди. Уй ҳайвонларини яхши парваришлаш учун уларнинг тана тузилишини яхши билиш зарур. Мана шу орқали уларнинг асосий эҳтиёжларини тушуниш мумкин бўлади. Айрим одамлар моллар тўғрисида кўп нарса биламан, деб ўйлади. Шундай бўлса-да, кўпчилик англаб етмаган қатор муҳим нарсалар ҳам бор. Шу сабабли ушбу бўлимни диққат билан ўқиб чиқиши маслаҳат берамиз.

Қирғизистондаги уй ҳайвонлари ва улардан олинадиган маҳсулотлар

Ҳайвон тури	Йўналиши	Асосий берадиган ёки бериши мумкин бўлган маҳсулотлар
Мол	Сут	Сут, қаймоқ, гўшт, тери, суяқ, гўнг
	Гўшт	Гўшт, тери, суяқ, гўнг, ишчи кучи
Қўтос	Гўшт ва сут	Гўшт, сут, жун, тивит, тери, суяқ, гўнг, ишчи кучи
Қўй	Гўшт	Гўшт, жун, тери, суяқ, гўнг
	Жун	Тивит, гўшт, тери, суяқ, гўнг
	Гўшт ва жун	Гўшт, юмшоқ жун, тери, суяқ, гўнг
Эчки	Гўшт	Гўшт, тери, суяқ, гўнг
	Сут	Сут, гўшт, тери, суяқ, гўнг
	Тивит	Сифатли тивит, гўшт, тери, суяқ, гўнг
От	От	Транспорт, ишчи кучи, қимиз, гўшт, тери, суяқ, гўнг
Эшак	Эшак	Транспорт, ишчи кучи, гўнг
Уй паррандаси	Товук, ўрдак, ғоз, курка	Тухум, гўшт, пат, тери, суяқ, гўнг, ерни зааркунанда ҳашаротлардан тозалайди





Ҳайвонларнинг маҳсулотларидан ҳатто кўнгилочар ўйинларда ҳам фойдаланилади

Чорвачилик маҳсулотларидан қуийдагилар тайёрланади: сутдан – қатиқ, жундан – кигиз, сүяқ ва қондан – ўғит, сүяқ ва пайдан – елим. Елим ҳайвонларнинг аралаш озуқаларига қўшилади. Бироқ, охирги пайтларда моллар орасида қутуриш касаллигининг олдини олиш мақсадида дунё миқёсида уни қўллаш тақиқланган.

ТОПШИРИҚ



4-6 ўқувчидан иборат гурӯҳларга бўлинниб, қишлоғингизда боқиладиган уй ҳайвонлари ва улардан олинадиган маҳсулотлар рўйхатини тузинг. Ўша ҳайвонлардан яна нималарни олиш мумкин, олинган маҳсулотларни қайта ишлаш мумкинми? Қайта ишлаш орқали нима чиқариш мумкин? Ўшандай қайта ишлашни қишлоғингизда ҳам ташкил этса бўладими? Жавобларингизни синфда муҳокама қилинг.

Уй ҳайвонларини яхши боқиш учун улар ҳақида нималарни билиш зарур?

- Улар қачон болалайди?
- Уларга қандай иқлим ва атроф-муҳит шароитлари тўғри келади?
- Уларга қандай озуқа ёқади? Неча маҳал ва қанча ем ейди? Уларнинг организми овқатни қандай ҳазм қиласи?
- Уларга қандай ҳашаротлар ва касалликлар зиён етказади?
- Уларга яратилган шароитлар ёқиш ёки ёқмаслигини билиш зарур.

Жониворлар организмининг тизимлари

Мол боқишдан аввал боқадиган одам ҳайвон организми тўғрисида ва ундағи қатор тизимлар ҳақида билиши зарур. Ўша тизимлар бирга ишлаб, ҳайвонни яхши парваришлаш, кўпайтириш ва маҳсулотларини етиштиришга шароит яратади.



Улар ушбу тизимлардир:

Танадаги тизим	Танадаги органлар	Бажарадиган вазифаси
Суяқ-мускул	Суяқ, мускул (гүшт)	Танани ушлаб, ҳаракатлантиради
Овқат ҳазм қилиш	Қорин, жигар, ичак, ўт	Овқатни майдалаб, ҳазм қилади
Қон айланиш	Юрак, қон томирлари, жигар	Қон бутун тана бўйлаб моддаларни етказади
Нафас олиш	Бурун, бўғиз, ўпка	Ҳаво билан таъминлайди
Ажратиб чиқариш	Буйрак, қовуқ	Захар ва кераксиз моддаларни чиқариб ташлайди
Асаб	Мия, асаб, орқа мия	Бутун тана бўйлаб ахборот узатади, танани бошқаради
Сезги	Кўз, бурун, қулоқ, тери	Ташқи муҳитни сездиради
Жинсий	Тухум, тухумдон, жинсий аъзо, бачадон, қин, ташқи жинсий органлар, елин	Наслни давом эттиради
Лимфа	Лимфа тугуллари, қоражигар (талоқ)	Юқумли касалликлардан ҳимоя қилиб, қон ишлаб чиқаради

Манба: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)

Бу тизимларнинг барчаси тери деб аталган сиртқи қобиқнинг ичидаги жойлашган. Тери ҳам ўзича бир неча тизимлардан иборат бўлиб, юқорида айтилган бошқа тизимларнинг ёрдамида жониворга атроф-муҳит билан алоқа қилишга шароит яратади. Агар бу тизимларнинг бирортаси ишдан чиқса, ҳайвон ўлимга дучор бўлади.

Чорвачиликда тизимларнинг табиий тузилиши ҳайвоннинг **анатомияси** деб аталади. Ўша тизимнинг ишлаши эса ҳайвоннинг **физиологияси** дейилади.

Жониворлар ва улар таналарининг ишлашини тадқиқ этиш одамлар учун жуда зарур. Чунки ҳайвонлар ва одамлар ўртасида ақл даражасида катта фарқ бўлса-да, уларнинг сезгилари ва эҳтиёжлари ўхшашидир.

Табиий эҳтиёжлар	Сезгилар
Тоза овқат ва сув	Қўркув
Тоза ҳаво	Бахт
Юриш	Очлик
Югуриш	Баджаҳлик, безовталик
Бошпана	Қаттиқ ҳаяжон, руҳий зарба
Кўпайиш	Касаллик ҳолати
	Бошқа ҳайвонлар билан бирга бўлиш истаги
	Бола учун онасининг ёнида бўлиш зарурати

Агар мол боқувчи одам юқоридаги табиий эҳтиёжлар билан сезгиларга аҳамият бермайдиган бўлса, ҳайвондан самарали маҳсулот ҳам, насл ҳам ололмайди.

Асаб тизими

Ҳайвон асаб тизимининг асосини бош мия ва орқа мия ташкил қилади. Бироқ, улардан ташқари, тананинг вазифаларини бажариши зарур бўлган кўплаб асаблар ҳам бор. Бош миядан чиқкан асаблар кўриш, ҳидлаш, таъм билиш, эшитиш ва сезиш учун жавоб беради. Орқа миядан тарқалган асаблар тананинг барча қисмларига тулашиб, тегиш ва ҳаракатланиш учун жавоб беради.

Миянинг буйруғисиз ҳам тана бажарадиган жуда кўплаб вазифалар бор. Масалан, жониворга атроф-муҳит таъсирларига жавоб қайтартириб турувчи асаб тизими унинг мияси аралашса ҳам, аралашмаса ҳам танасини ишлатиб туради.



Масалан, сигирнинг туғадиган пайти келганда, бачадонининг мускуллари қисқара бошлайди ва унинг онгли қарорисиз ҳам, бузоқчани ташқарига туртади. Она сигирнинг рухсатисиз ҳам бузоқчанинг гормон тизими бачадон мускулларининг қисқаришига мойиллик беради.


Жониворнинг юраги ҳам миянинг буйруғисиз уриб туради. Унинг ўпкаси ҳам миянинг буйруғисиз нафас олади. Одам эса ўзи хоҳлаганда нафас олишини бошқара олади, масалан, агар биз чуқур нафас олишни хоҳласак, буни онгли равишда қила оламиз, бироқ биз нафас олиш кераклигини ўйламасдан ҳам нафас олаверамиз.

Суяк тизими


Жониворнинг суюк тизими қобирға ҳисобланиб, унга барча тўқималар бириктирилган. Суяклар жониворнинг шакли ёки гавдасини аниқлайди. Бундан ташқари, суюклар ҳайвонга ҳаракат қилиш, тик туриш ва иш бажаришга имкон беради.

Тирик жониворнинг суюклари тирик тўқимадан иборат бўлиб, танада кўплаб муҳим хизматларни бажаради. Суякларнинг учдан бир қисми органик моддалардан иборат бўлиб, ўзига қон томирлари, лимфа тугунлари ва тола тўқималарини қамраб олган. Улар асосан айрим қон тўқималари ва юқумли касалликларга қарши кимёвий моддалар - антижисмлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Отнинг суюк тузилиши



Қўйнинг суяк тузилиши



Қаттиқ суяк тузилмасининг таркибида уларга қаттиқликни бериб турган кальций ва фосфор тузлари бор. Тирик жониворларда бу моддалар доим ҳаракатда бўлади. Масалан, тузлар суякларда сақланиб, тана талаб қилганда сувга аралашиб, зарур ерга етказилиб туради. Ҳайвонларнинг танасида кальций етишмаса, уларнинг суяклари бўш бўла бошлайди, чунки улардаги кальций тананинг бошқа қисмларига йўналтирилади.

ТОПШИРИҚ



Қўй билан отнинг суяк тузилишларини таққосла. Нима учун от тезроқ югура олишини ўйлаб топ.

Мускул тизими

Мускул ҳужайралари ўзига хос бўлган қисқартиш вазифасини бажаришга мослаштирилган. Мускулларнинг қисқариши юриш, нафас олиш, қон айланиш ва бошқа ҳаракатларни бажаришда зарур бўлади.

Ҳар бир мускул боғламларга бириктирилган юз минглаб майда мускул ҳужайраларидан иборат бўлади. Баъзи ана шундай мускулларнинг боғламлари катта бўлади, масалан, жониворнинг орқа оёқларида, айримлари эса майда бўлади, бунга мисол – кўз мускуллари. Мускул боғламлари бириктирувчи тўқима билан бирга ўралиб туради.

Мускул боғламларининг учлари қаттиқ чандирга айланиб, мускулларнинг суякка ёпишиб туришига имкон беради. Мускул қисқарганда икки суяк бирдек ҳаракатга келади.


Ҳайвонларнинг мускуллари танасининг турли қисмларида жойлашган. Энг юқори баҳоланадиган ёки одамлар гўшт сифатида фойдаланадиган мускуллар ҳайвонларнинг орқа қисмидан ўрин олган. Ҳайвон гўшти оғирлигининг деярли 60 фоизини унинг охирги қобирғасидан бошлаб орқа оёқларигача бўлган қисми ташкил этади. Ҳайвонларнинг олдинги ярми ёки бош томонидаги мускуллар озроқ ривожланган бўлиб, бириктирувчи тўқима билан боғланган. Ёф ва суяклар эса юрак билан ўпкани ҳимоялаб турган кўкрак қафасида жойлашган.



Овқат ҳазм қилиш тизими

Ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш тизими - оғиздан бошланиб, бутун танадан ўтиб, тұғри ичак билан тамомланадиган махсус найча. Унинг вазифаси - жонивор еган овқатни ҳазм қилиш. Ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш тизими – емдаги озуқаларни жониворнинг ҳаёти, үсиши, ҳаракатланиши, насл қолдириши ва бошқа вазифаларни бажариши учун зарур моддаларга айлантириб берувчи орган.

Хўжалиқда парваришлианаётган жониворларнинг кўпчилиги ўтхўр ҳайвонлардир. Уларнинг айримлари ёлғиз қоринли бўлса, қолгандарни кўп қориниладиган ёки кавш қайтарувчиларга киради.




Отнинг овқат ҳазм қилиш тизими

Бу расмдан ўтхўрлар турига кирувчи отнинг овқат ҳазм қилиш тизимида кенгайтирилган кўричаги бор эканлигини пайқаш мумкин. Овқат ҳазм қилиш тизимининг бу қисмида овқат қориндан ўтгандан кейин сақланиб туради. Турли бактериялар ва микроорганизмлар кўричакдаги овқатни отнинг танасига фойдали моддаларга айлантириб беради.

Кавш қайтарувчи жониворлар ҳам ўтхўр ҳайвонларга киради. Уларда қизилўнгачининг тугаши ва қорнининг бошланишида буқоқ деб аталувчи аъзо бор. Буқоқ уч қисмга бўлинади. Улар тўрча, катта қорин ва ширдон (қатқорин) деб аталадиган тўртинчи қориндир.





Кавш қайтарувчи молниңг овқат ҳазм қилиш тизими

Қорин – бактериялар озуқаны суюлтириб, унинг фойдалы моддаларини ҳайвоннинг танасига юборгунга қадар ўша озуқа сақланиб туралған тананиң аъзоси. Молни парваришилаш бүйіча мутахассисларнинг айтишларына, кавш қайтарувчи ҳайвонни бокқан одам озуқаны молниңг ўзига эмас, унинг қорнідегі бактериялар ва микроорганизмларға едиради. Агар ўша бактериялар ва микроорганизмларға берилген озуқа ёқмаса, молниңг қорни оғриб, этини йўқотади. Бундай мисолни яна қўй ва эчкиларда ҳам кузатиш мумкинки, улар уйдаги қуруқ пичандан яйловдаги кўк ўтга кўчганда кўпчилигининг ичи ўтиб кетади.

Кавш қайтарувчиларнинг овқатни ҳазм қилиш тизими отларницидан фарқланади. Улар дам олаёттанды унгача еган пичанларини кекириб оғзига чиқариб, қайтадан чайнаб ютишади. Бу қўшимча чайнаш пичанни яна ҳам майдалаб, бактерияларнинг овқатни ҳазм қилишини енгиллаштиради.

Қорнідегі бактериялар ва микроорганизмлар овқатни суюлтирганда ундан турли кимёвий моддалар ажралиб чиқиб, қорнининг деворчаларига сингиб, сўнг ҳайвоннинг жигарига юборилади. Бу моддалар жигарда қайта ишланып, ҳайвонни энергия билан таъминлайди.


Ингичка ичакда оқсиллар, ёғлар ва углеводларнинг айрим турлари ҳазм бўлади. Йўғон ичакда эса суюқликлар сингади. Бу пайтга келиб қайта ишланган озуқа тўғри ичакка етганда ундан сувнинг деярли ҳаммаси сингиб, ташқарига чиқадиган ахлат нисбатан қуруқ ҳолатга келиб қолади.

Уй паррандаларининг овқат ҳазм қилиш тизими

Паррандаларнинг тиши бўлмагани учун улар овқатни чайнамай ютиди. Ютилган озуқа тўппа-тўғри жигилдонга тушади. Бу ерда овқатга сўлак қўшилиб, пўтакага етгунча майдаланади. Пўтака овқатни суюлтирадиган шарбат ажратиб чиқараади. Суюлтирилган овқат ундан сўнг иккинчи қоринга боради. Иккинчи қорин фақат паррандалардагина бўлади. У кучли мускуллардан иборат бўлиб, озуқадаги қаттиқ нарсаларни майдалаб беради. Паррандалар озуқа билан бирга майда тошлар ёки қумларни ҳам ютиши керак, чунки улар овқатни майдалашга ёрдам беради.

Кейин майдаланган овқат ингичка ичакка ўтиб, кимёвий усул билан ҳазм қилинади ҳамда углеводлар, оқсиллар ва ёғлар ажратиб олинади.






Уй паррандасининг овқат ҳазм қилиш тизими


ЖИНСИЙ ТИЗИМ

Жинсий күпайишда эркакнинг бир уруғ ҳужайраси қўпинча ургочининг фақат бир тухумхужайраси ёки уруғ ҳужайраси билан қўшилишади. Бу уруғлантириш деб аталади ва ургочининг фаллопий назасидаги амалга оширилади. Уруғлантирилган тухумхужайра ривожланиб ҳомилага, ундан кейин жоноворнинг ёш боласига айланади.

Эркакнинг асосий жинсий аъзоси уруғдон (тухумлар) бўлиб, кавш қайтарувчи ҳайвонларда танасининг сиртидаги халтада жойлашган. У мояк халтаси деб аталади. Мояк халтаси уруғдонни тана ҳароратидан 3-4 даражага совукроқ ҳолатда сақлаб, уруғнинг тўғри ишлаб чиқилишини таъминлайди. Агар мояк халтасидаги ҳарорат иссиқ бўлиб кетса, уруғнинг сифати пасайиб, ургочини уруғлантиришга ярамай қолиши мумкин.



Урғочининг асосий жинсий аъзоси унинг тухумдони ҳисобланади. Улар урғочининг тухумхужайраларини ишлаб чиқаради. Бу жараён овуляция деб аталиб, қўй-эчкиларда тахминан 17 кунда, молларда эса ҳар 21 кунда бўлиб туради. Бўғоз молда овуляция бўлмайди.



Қўйлар кўпинча баҳорда эмас, кузда жинсий қўшилишга тайёр бўлишади.

Уруғ ҳужайраси бачадон найчасига тушганда эркакнинг уруғи келиб унга қўшилса уруғлантириш амалга ошади. Ҳар бир эркакнинг уруғ ҳужайраси тухумхужайрани уруғлантиравермайди, бироқ уруғлантириш бўлган пайтда кўпайиш жараёни бошланади.

Уруғлантиришдан тахминан 12 кун ўтиб, тухумхужайра турли ҳужайраларга бўлинниб, улар бора-бора ёш жонивор танасининг асаб, мускул тўқималари ва бошқа аъзоларига айланади. Уруғлантирилган тухумхужайра ҳомилага айланиб, бачадон деворчаларига бириктирилган махсус халтacha – йўлдош ичида ривожланади. Йўлдошнинг бачадонга қўшилиб турадиган жойи **киндиқ** деб аталади. Айнан киндиқ орқали онанинг қонидан олинган озуқа моддалари ҳомилага етказиб берилади ва ёш жониворнинг ўсиб етилишига шароит яратади.

Кўпайиш жараёни жуда мураккаб бўлиб, тананинг эндокрин тизими томонидан назорат қилинади.

Сигирларнинг бўғозлик даври 283 кун ёки 9 ойга яқин чўзилади. Қўй-эчкиларники эса 151 кун ёки 5 ой давом этади.

Нафас олиш тизими

Нафас олиш тизими жониворнинг танасини ҳаво билан таъминлаб туради. Бу тизим ўпкага олиб борувчи бурун, бурун бўшлиғи, ҳалқум ва бўғизни ўз ичига олади. Нафас олиш тизимининг яхши ишлаши учун бу аъзоларнинг ҳар бири катта вазифани бажаради.

Бурун – нафас олиш тизимини ташқи муҳит билан боғловчи қисм.

Ҳаво бурундан кириб, овқатни қизилўнгачга, ҳавони эса бўғизга юбориб турувчи, томоқнинг орқа томонида жойлашган ҳалқумдан ўтиб, ўпкага боради. Кекирдак – кемирчакдан иборат ичи бўш найча. Кемирчакнинг тузилиши суюкниги ўхшаш, бироқ унда кальций озроқ бўлади. У жуда мустаҳкам ва эгилувчан бўлиб, ҳаво юрадиган



найчани очиқ ушлаган ҳолда ҳавони ўпкага етказиб ва ташқарига чиқариб туради. Кекирдак ўпка билан алоқада бўлади.

Ўпка юмшоқ тўқимадан иборат бўлиб, деворчалари ўта юпқа кўплаб очиқ уячаларга эга. Қон ўпканинг ўша уячаларидан ўтаётib, танадан тўплаб келган ис газини нафас олишда ташқаридан ҳаво билан кирган кислородга алмаштириб туради.

Нафас олиш тизими, содда қилиб айтганда, танадан заарали ис газини ташқарига чиқариб, тананинг фаолияти ва ундаги кимёвий реакцияларнинг юриши учун зарур бўлган кислородни ташувчи тизимdir.

Қон айланиш ва лимфа тизимлари

Танадаги томир тизими икки қисмдан иборат бўлиб, улардан бири қон айланиш тизими бўлса, иккинчиси лимфа тизимидир. Қон айланиш тизими бутун танага таралган қон томирларидан иборат бўлади. Қон томирлари турли йўғонликда бўлади, улар айримларининг диаметри мингдан бир миллиметрлик капиллярлар бўлса, бъязиларининг диаметри эса 2-3 сантиметрга тенгdir. Қон айланиш тизимининг асосий вазифаси – танада кимёвий реакцияларнинг юриши учун зарур бўлган кислородни аъзоларга етказиб, кераксиз моддаларни тўқималардан олиб чиқиб кетиш. Ана шундай кераксиз моддаларга ис гази ва азот, шунингдек, қон буйракдан ўтаётганда унга кўшилиб кетувчи сийдик бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, қон танада қўркув ёки ҳаяжон ва ҳоказо реакцияларни пайдо қилиш учун гормонларни ҳам ташийди.

Лимфа тизими ҳам жуда муҳим. У танани юқумли касалликлардан сақлайди ва ёғларни тананинг турли қисмларига етказади.

Ажратиб чиқариш тизими

Ажратиб чиқариш тизими қонни заарали моддалардан тозалаб, уларни танадан чиқариб юбориш учун хизмат қилади.

Ажратиб чиқариш тизими одамнинг мушти билан тенг бўлган икки буйрак, буйракка қон етказиб турувчи қон томирлари, ҳар бир буйракдан қовуққа сийдикни етказиб турувчи найчалар ва сийдик сақланадиган қовуқдан иборат бўлади.

Буйраклар танада жуда кўп ишлайдиган аъзолардан ҳисобланади. Одамнинг буйраги кунига 200 литр қонни тозалаб, ундан 2 литрга яқин кераксиз моддаларни ажратиб чиқариб юборади. Балоғатга етган одам танасида 5 литрга яқин қон бўлади, буйраклар ўша қонни кун сайин 40 марта ўзлари орқали ўтказишиади.

Танадаги гипофиз бези миянинг остки қисмида жойлашиб, жониворнинг қонида қанча сув бўлиши кераклиги ва унинг қон айланиш тизимидан қанча моддалар ташқарига чиқарилиб туришини назорат қилади.

Гормон тизими

Танадаги барча реакцияларда гормонлар иштирок этади. У реакцияларга қўркув, ачиқланиш, қувониш, жинсий мойиллик, наслни давом эттириш, сут чиқариш, кексайиш, ўсиш, чанқаш ёки бошқа ташқи муҳит таъсирларига жавоб қайтариш киради.

Мияга яқин жойлашган гипофиз бези - танадаги эндокрин тизимининг энг муҳим аъзоси. У тананинг иссиқ-совуққа ва юқорида айтилган бошқа таъсирларга жавоб қайтаришини таъминлайди. Гипофиз бези билан бирга қўркув ҳисси бўлганда, буйракка яқин жойлашган адренал бези ҳам гормон ажратиб чиқаради.





Тананинг барча ҳаракатига гормонларнинг таъсири бор. Агар молни ҳайдаш учун хивич билан чопсанг, молда қўрқув реакцияси ишлаб у югуради. Қўрқув реакциясини адренал безидан ажралиб чиқкан адреналиннинг ва гипофиз безидан ажралиб чиқкан гормонларнинг аралашмаси яратади.

Шундай қилиб, жониворнинг танаси - жуда мураккаб тузилиш. Молнинг эгаси қатори сен ҳайвон танасининг қандай ишлаши ва у қандай тизимлардан иборат эканлигини билишинг зарур. Бу билим асосида сен молни яхшироқ парваришлаш йўлларини топишга ҳаракат қила оласан.

27-

ДАРС

ЗАМОНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ТАЖРИБАЛАРИ

Янги сўзлар

Селекция (танлаш)	танлаш йўли билан ҳайвонлар зотини яхшилаш, янги зотлар чиқариш.
Ген	ота-онадан болага ўтувчи хусусиятлар.
Куннинг узунлиги	куёш чиққандан ботгунча ўтган вақт ёки бир сутка – 24 соатнинг ёруғ қисми. Сутканинг қоронғи қисми ҳайвонларнинг жуфтлашишига имкон берувчи омил бўлиб ҳисобланади.
Касаллик	ҳайвонни қийновчи ва танасига салбий таъсир кўрсатувчи бузилишлар.

Қишлоқ хўжалиги агроэкотизими билан танишиш пайтида сизлар ҳайвонларнинг маҳсулдорлигига таъсир кўрсатувчи ушбу омиллар бор эканлигини билгансизлар:

- Ҳайвонларни кўпайтириш ва зотини яхшилаш.
- Иқлим.
- Жониворларни парваришилаш.
- Молларнинг касалликлари.
- Ҳайвонларни боқишдаги шароитлар.

Жониворлар машина ҳам, робот ҳам эмас. Ҳақиқатан, уларнинг одамларга зарур маҳсулотлар етишириши учун уларни яхши боқиш кераклигини тушуниш зарур. Мол эгаси чорвачиликни яхши билгандагина юқоридаги омиллардан тўғри фойдаланиш билан ҳайвоннинг одамга зарур маҳсулот етишишига қулай шароитлар тузади. Ана шундагина ҳайвонлардан сифатли гўшт, сут маҳсулотлари, тухум, тери, жун олишнинг имкони бўлади.



Ишчи ҳайвонларни ҳам яхши парваришилаш зарур.

Ҳайвонларнинг кўпайиши ва селекцияси

Молниг ўзигагина хос бўлган маҳсулот бериш қобилияти унинг ўз ота-онасидан мерос бўлиб ўтган генлари сифатининг натижасидир. Баъзи бир жониворлар ўзларига ўхшаш бошқа жониворларга қараганда кўпроқ сут, гўшт, жун, тухум каби маҳсулотлар етиштириш имкониятига эга.

Чорвадор қайси жонивор кўпроқ маҳсулот беришини кузатиш орқали аниқлаб, бундай зотдор ҳайвоннинг эркаги билан урғочисини қовуштириши керак. Бу жараён молниг селекцияси деб аталади. Маҳсулдорлиги паст эркак ва урғочи молни боқмаслик дуруст. Уларни сўйиб, гўштини сотиб юбориш афзал.

Шунингдек, молдан яхши маҳсулот олиш молга ген орқали ўтган хусусиятлар билангина чекланмаслигини чорвадорлар яхши билишади. Зотдор молниг яхши маҳсулот беришига, шунингдек, юқорида айтилган омиллар ҳам таъсир этади. Масалан, молдан сифатли гўшт, сут маҳсулотларини олиш учун уларга қулай иқлим шароитлари бўлиши билан бирга яхши ем-хашак билан таъминланиши ва касалликлардан ҳимояланиш чоралари кўрилиши керак.

Ҳайвон томонидан етиштирилган **маҳсулот** молниг **гени** билан у яшайдиган **муҳит** ўзаро ҳаракатларининг натижасидир, деб айтилиб келади.

Энг яхши ва сермаҳсул генларга эга зотдор ҳайвон ҳам яшайдиган жойи унга ноқулай, яъни ўта иссиқ ёки совуқ бўлса, яхши озиқлантирилмаса, вақтида сугорилмаса, касалланган бўлса, у ҳеч қандай яхши маҳсулот бера олмайди. Шунингдек, молни қўрага ёлғиз қамаб ёки бошқа молларга тўла ўта тор қўрада боқса бу ҳам ҳайвоннинг маҳсулдорлигини пасайтириб юборади. Эҳтимол, сен қўрага ёлғиз қамалган қўй ёки эчкининг тинмай маъраганини кўрган бўлсанг керак.

ТОПШИРИҚ



Тўрт-олти нафардан кичик гуруҳларга бўлиниб, мол, қўй ёки эчкининг маҳсулдорлигини пасайтирувчи йилнинг тўрт фаслидаги иқлим шароитларининг рўйхатини тузинг.

Рўйхатни синфга ўқиб беринг.

ИҚЛИМ

Мол учун яшаш шароитлари қулай бўлса, унинг маҳсулдорлиги юқори бўлишига шакшубҳа йўқ. Ҳар бир мол турли иқлим шароитларида яшашга мослашган. Қўтос боқувчи чорвадорларнинг айтишларича, қўтосни текис ва иссиқ жойда боқса у касалманд бўлиб қолади. Нега шундай бўлади?

Қўтос баланд тоғли жойларга мослашган ҳайвон бўлиб, совуқ ҳавони ёқтиради. Унинг қишики яйловнинг суякларни қақшатадиган совуғига ҳам чидайдиган қалин териси ва иссиқ пўстини бор. Қўтоснинг пўстини икки қават жундан иборат бўлиб, сиртқи қавати қаттиқ ва узун, ичкиси эса жуда юмшоқ келади.

Қўтосни текис ва иссиқ жойда боқиш уни касалликка дучор қилади. Қўтос асосан одамларнинг хоҳишига кўра ўзининг табиий яшаш муҳитидан узоклашади. Бироқ, бу унинг маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Қўйнинг жуни ва эчкининг тивитини қишиш пайтида қирқмаслик керак. Ҳайвонларнинг жунини қирқишиш уларнинг урғочилари тўллаб, қўзи-улоқлар сут эмадиган маҳалга тўғри келиши зарур. Жуни қирқиленган қўй-эчкининг қўзи-улоқлари онасининг елинини осон топади, эмишига кулай бўлади.

Куннинг узунлиги чорвачилиқда катта аҳамиятга эга, чунки кўплаб уй ҳайвонлари худди шу вақтда қўшилишади. Қўй-эчкилар кўпинча куз пайтида қўшилишни бошлашса, отларнинг қўшилиши одатда баҳорда бошланади. Туннинг узунлиги ҳайвоннинг гипофиз безига таъсир этиб, урғочиларининг танасига қўшилишга мойиллик уйғотувчи гормонларни юборади.



Озиқлантириш



Озуқа жониворга:

- қувват беради, нафас олиш, юриш, тана ҳароратини сақлаш каби вазифаларни бажариш учун керак;
- сүяклар, мускуллар ва тананинг бошқа тўқималарини мустаҳкамлаш учун зарур моддаларни;
- наслни давом эттиришга керакли моддаларни;
- ўсишга, сут, тухум ва бошқа маҳсулотларни етиштиришга зарур моддаларни беради.

Молни ҳазм қила олмайдиган озуқалар билан озиқлантиришдан фойда бўлмайди. Масалан, қўйни гўшт билан боқиш фойдасиз, чунки у гўштни ёқтирмайди, бунинг устига бу гўштни майдалайдиган ёки кимёвий моддалар билан суюлтириб, танага сингирадиган аъзолари йўқ. Бу ҳолат одамни ем-хашак билан боқишига баробардир. Одамнинг ҳам ҳўл ўт ёки пичанни сингириб ташлайдиган аъзоси йўқ. Одам пичаннинг асосини ташкил этувчи целлюлоза ва лигнинни ҳазм қила олмайди, бироқ пичаннинг хужайраларидан олинган моддаларни сингира олади.

Мана шунинг учун ҳам сабзавотларни одамлар истеъмол қила олади. Агар сабзавот маҳсулотлари иссиқлик билан қайта ишланиб, сўнг ейилса яхши ҳазм бўлади.

Мол етилиб, маҳсулот бериши учун у ейдиган озуқага кўплаб фойдали моддалар кўшилган бўлиши керак.



Ҳайвонни озиқлантиришдаги асосий талаблар

Углеводлар	Бундай моддалар дон экинлари ва дуккаклиларда бўлади. Шунингдек, углеводлар ёввойи ўтлар ва яйловлардаги пичанларда бўлади.
Оқсиллар	Улар дон экинлари, дуккаклилар ва беда каби ўсимликларда учрайди.
Витаминлар	Витаминлар яшил ўсимликларда кўп бўлади. Бундан ташқари, ҳайвоннинг танаси ва ундаги бактериялар ҳам унга керакли витаминларнинг кўп турларини ишлаб чиқаради.
Минераллар	Ҳайвонга зарур минераллар яйловлардаги ўтларнинг таркибида учрайди. Бироқ яйловларнинг тупроғида минераллар озроқ бўлса, хашак ҳам минералсиз бўлиб, моллар унинг етишмаслигидан қийналиши мумкин.
Сув	Сув жониворга энг зарур озиқ ҳисобланади. Чорвадор ҳайвонларни тоза сув билан доим таъминлаб туриши керак.

Молни серсутлигини ошириш учун озиқлантириш

Одатда чорвадорлар сут берувчи молларни оила эҳтиёжи учун ёки кўпроқ сут соғиб олиб, уни сотиш билан фойда кўриш мақсадида боқишиди. Сут берувчи сигирни боқсан билан унинг самарали сут бера олмаслиги бу имкониятларни ҳавога совуриш билан баробардир.

Сув: Сут берувчи молни боқища энг муҳим озиқ – тоза сув. Ҳайвонларга кунига катта миқдордаги тоза ичимлик сув талаб қилинади. Сутнинг деярли 87 фоизи сувдан иборат бўлганлиги сабабли сут берувчи мол сувдан маҳрум бўлмаслиги шарт. Агар шундай бўлиб қолса, унда молнинг сути камайиб кетади.

Турли сут эмизувлар сутининг таркиби

Таркиби	Сигир сути	Эчки сути	Қўй сути	Аёл сути
Оқсил %	3.2 – 3.6	3.4-3.6	6.0	1.2
Ёғ %	3.8	4.1	6.0	3.8
Кувват (углеводлар) %	4.9	4.7	5.0	7.0
Жами қаттиқ моддалар	12.8	13.0	18.0	12.4

Ҳайвоннинг генетик имкониятлари қанчалик кўп сут етиштиришга йўл берган тақдирда ҳам у етарли миқдорда тоза сув ичмаса, сут бериш имкониятларидан тўла-тўқис фойдалана олмайди. Молга бир кунда талаб қилинувчи сувнинг миқдори куннинг иссиқлиги, унинг ҳаракатлари ва у еган озуканинг сифатига боғлиқ бўлади.

Соғин сигирни бир кунда суғориш учун зарур бўлган сув миқдори

Мавсум	Мол	Эчки	Қўй
Ёз	60 литр	10 литр	12 литр
Киш	40 литр	6 литр	8 литр





Соғин сигирнинг олдида доим идишда сув туриши зарур

Сут берувчи молни боқиши

Ҳазм бўлиши: Молнинг озуқаси тўғрисида эсга олувчи нарса – у еган овқатнинг ҳазм бўлиши. Бу шу нарсани англатадики, соғин сигирни чириган сомон, кунгабоқарнинг куриган пояси ёки дарахтнинг тўқилган барглари билан озиқлантириш тўғри эмас. Буларни еган молнинг танаси бундай қаттиқ нарсаларни узоқ вақт сингириб, ўзини тўқ сезади ва анчагача ем емай кўяди. Мол эса танасига керакли озиқларни емасдан, қаттиқ нарсаларни сингириш билан банд бўлади. Юқорида айтилган озиқларнинг ҳазм бўлишлиги 30-35 фоиздан ошмайди. Демак, уларнинг 70 фоизи молнинг танасидан сингирилмасдан чиқиб кетади.

Шу сабабли соғин сигирга сут бўладиган углевод, оқсил каби тўйимли моддаларга бой, ҳазм бўлиши енгил озуқалар бериш зарур.

Мол озуқасининг таркибида ушбу моддалар бўлишини унутма:

- углеводлар;
- оқсиллар;
- ёғлар;
- витаминлар ва минераллар.

Соғин сигирга бу моддалар ҳар бирининг бир хил миқдори талаб этилади. Бу моддалар мустақил равишда дағал хашак ва аралаш озуқа (концентрат) бўлиб иккига бўлинади.

Дағал хашак: яйлов ўсимликлари, экинларнинг қолдиқлари, қуруқ пичан ва йўл бўйларидаги ўтлар.

Аралаш озуқа: буғдой, сифатли пичан, буғдой кепаги, тариқ қобиғи, чигит ва кунгабоқар кунжараси.

Соғин бўлмаган моллар кунига ўз вазнининг 1.5%-2.0%га teng қуруқ озуқа ейди. Масалан, молнинг вазни 300 кг бўлса, у кунига 4.5-6 кг қуруқ озуқа ейиши керак. Агар сигир энди сут бера бошлаган бўлса, у сут бермаган вақтидан 1.5 баробар кўпроқ ёки кунига 7 – 10 кг қуруқ озуқа ейди.

Молнинг қорни шунча кўп қуруқ озуқани сиғдира олмаслиги ҳам мумкин. Натижада у етарли даражада қуруқ озуқа емагани сабабли маҳсулот ишлаб чиқаришга керакли моддаларни тўлиқ ололмасдан, сути камайиб кетиши мумкин.



Үнда нима қилиш керак?

Бундай пайтда молнинг емига аралаш озуқаларни қўшиб бериш керак бўлади. Мол оғзига дағал хашакка қараганда қўпроқ углевод ва оқсилиларга бой аралаш озуқани олади. Бироқ, дағал хашакка аралаш озуқанинг маълум миқдорда қўшилишига ҳам аҳамият бериш зарур.


Илмий изланишларнинг натижалари кўрсатганидек, дон еми билан боқилган мол тезроқ ўсиб, серсустроқ бўлади. Бироқ, молга дон емини ортиқча бериш ҳам заарли. Шу сабабли бу ерда ҳам мувозанат бўлиши керак. Агар мол еган озуқада дон емининг миқдори ортиқча бўлиб, ўша маҳал об-ҳаво тўсатдан совиб кетса, молнинг қорнидаги бактериялар кислота ажратиб чиқариб, мол заҳарланади ва **ўлимга дучор бўлиши** мумкин. Тажрибалар кўрсатганидек, агар мол емининг 30 фоизидан кўпроғи дон емидан иборат бўлса, мол касалликка чалинмаслиги учун яхши парваришлаш зарур.

Чорвачиликда шундай ибора бор: “Эгасининг қўзи молни семиртиради”. Бу нимани англатади? Молни қандай боқиш тўғрисида қанча кўп маслаҳат эшитсанг ҳам, чорвадор сифатида сен ўз молингни яхши қараб, унинг маҳсулдорлигига назар ташлаб туришинг зарур.

Амалий нуқтаи назардан олсак, қишлоқдаги соғин сигир ва эчкиларни тўғри парваришлаш учун уларнинг вазнини билишинг керак.

Сигир: Агар унинг вазни тахминан олганда 300 кг бўлса, у кунига ўз оғирлигининг 2,0 фоизига тенг озиқланади. Бу 6 кг пичанни ташкил этади. Агар бу ўсаётган кўк ўт бўлса, таркибининг 70 фоизи сувдан иборат эканлигидан, сигир бундай ўтдан кунига 12 кг ейиши керак бўлади. Бироқ, шунча кўк ўт молнинг қорнига сифмаганлиги сабабли унга кўк ўтга аралаштириб қуруқ пичан ва буғдой, маккажӯхори донидан иборат ем қўшиб бериш керак.

Агар сигир кунига 10 литр сут берса, унинг серсуллигини ушлаб туриш учун кунига 3 кг дан дон емини бериб туриш керак. Сигир еган дон емининг ҳар бир килограмми кунига 3 литрдан сут беради.



Ёмон боқилган сигирлар кунига атиги 2 ёки 3 литрдан сут берса, яхши боқилгани 15 литрдан беради.



Софин эчкиларни боқиши худди мол боқишига ўхшаш келади. Эчкининг вазнини аниқлаб, у берган сутнинг ҳар 3 литрига 1 килограммдан тўғри келадиган емини бериш зарур.

Барча молларни боқишида уларга астойдил муомалада бўлиш керак. Чорвадор доим молнинг соғлиғини назорат қилиши зарур. Масалан, агар молга ортиқча дон еми берилиб қолса, у овқат ҳазм қилиш тизимининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлганилигидан, уни астойдил назорат қилиши керак. Агар мол ўзини яхши сезмаётган бўлса, энг аввало унга дон еми беришни тўхтатиш керак. Бунда ҳам аҳвол ўзгармаса, ветеринарни чақириш зарур.

Молга етарли тоза сув, енгил ҳазм бўладиган ва сифатли озуқа керак эканлигини унутма.

Мол боқишининг иқтисодий фойдаси емнинг баҳоси ва сут сотишдан тушган даромаднинг миқдорига боғлиқ.

Ҳайвонларнинг касалликлари

Ҳайвонларнинг ҳамма касалликлари чорвадорга чиқим олиб келади.

Ҳайвонларда учрайдиган касалликлар 4 тоифага бўлинади.

Ген орқали ўтувчи касалликлар	Ота-онадан болага ўтувчи бу касалликлар камдан-кам учрайди. Бунга мисол – пати йўқ жўжаларнинг яралиши.
Модда алмашинуви касалликлари	Жониворнинг танасида кальций ёки бошқа минераллар озайиб кетганда пайдо бўлади. Соғин сигирнинг танасида кальций озайиб кетса, у қолган кальцийни сут билан чиқаравериб, кальций етишмаслигидан ўлиб қолиши мумкин. Бундай касалликни мол туққандан осон пайқаш мумкин.
Патоген (касаллик қўзғатувчи) хасталиклар	Бундай касалликларга вируслар, бактериялар, яралар ёки микроорганизмлар сабаб бўлади. Бу дардни жониворнинг кўзидан, оёғидан пайқаш мумкин, бироқ касаллик ички аъзоларда бўлиши ҳам мумкин.
Паразитар касалликлар	Бундай касалликнинг тарқалишига қуртлар ёки пашшачивинларнинг тухумлари сабаб бўлади. Паразитар касалликлар ташқи ва ичкига бўлинади. Ташқи бўлганда жониворнинг териси жабрланади, ички бўлганда эса ички аъзоларининг ёмон ишлашига олиб келади.

Паразитар касалликлар, оёқ касалликларини қўшмаганда, уй ҳайвонларида энг кўп учрайдиган дардлардан ҳисобланади. Ички паразитлар кўпинча қуртлар бўлиб, улар жониворнинг овқат ҳазм қилиш тизими, жигари, ўпкаси ва бурун бўшлиғида яшashi мумкин. Ички аъзолардаги қуртлар жониворнинг тинчини кўп олмайди, бурундаги қуртлар эса уни кўп чушкиртади.

Қуртларнинг яна бир тури жониворга керакли моддаларни унга етказмай еб қўяди. Ундан пайтда мол вазн ташлаб, агар уни даволамаса ўлиб қолиши ҳам эҳтимол.

Ташқи паразитлар жониворнинг терисига зиён етказади. Улар ҳам қуртлар ё чакувчи, ё қон сўрувчи бўлишади. Жонивор устунларга ёки дараҳтларга қашланиб, қуртлардан кутулишга ҳаракат қиласади. Бундай қашланиш натижасида қўйлар жунунининг сифати бузилади, молларнинг эса туки кетиб, териси яраланади, озиб кетади.





Үқувчилар қишлоқ хўжалиги маслаҳатчисидан ёки тажрибали чорвадордан қишлоқдаги молларда қандай касалликлар учрашини сўраб келишлари керак. Сўнг уларни касалликларнинг 4 тури бўйича тақсимлашлари зарур.

Агар молинг оғриб қолганини сезсанг, мол доктор (ветеринар)га мурожаат эт.

Мол боқиш шартлари

Молни, биз юқорида келтирган мисолдаги қўй ёки эчкидек қилиб ёлғиз қўрага қамаб боқсак ёки кўп молларни тор қўрада тиқинда боқадиган бўлсак, улар ўзларини қулай сезмайди. Ёки бўлмаса, она товуқларни ҳам бир жойга тўплаб боқсак, улар бир-бири билан чўқишиб, тухум босмай қўйишади.

Барча жониворлар, ҳатто одамлар ҳам тўп-тўп бўлиб яшашади. Шу сабабли барча жониворлар ўзи кабилар билан кўпинча бирга бўлишга интилишади. Бироқ, бунга қарамасдан, барча жониворларнинг тегишли ўринлари ҳам бўлиши керак. Агар бир мол бошқа молга ўта яқин ёки ундан ўта олис ерда боқилса, у ўзини жуда ноқулай сезади. Шунинг учун жониворларнинг ўзини яхши сезиб, маҳсулдорлиги юқори бўлиши билан чорвадорнинг оиласи ва оилавий даромадига ҳам яхши фойда олиб келиши учун чорвадор уларга қулай шароит яратиб бериши ўта муҳимдир.



10-БҮЛИМ



ПАРРАНДАЧИЛИК



276-бет

Хұжалигимдаги уй паррандалари

279-бет

Уй паррандаларини боқиши усуллари

28-

ДАРС

ХўЖАЛИГИМДАГИ УЙ ПАРРАНДАЛАРИ

Янги сўзлар

Паррандачилик хўжалиги	гўшти ва бошқа маҳсулотларини уйда истеъмол қилиш ва сотиш учун фойдаланиш мақсадида уй паррандасини боқиб кўпайтириш.
Уй паррандалари	ривожланиш жараёнида ва одамларнинг таъсирида ёввойи паррандаларнинг уй паррандаларига ўзгариши.
Сузувчи паррандалар	енгил сузишга имкон берувчи парда панжали ва момиқ патли ўрдак, ғоз, мускус (мушк) ўрдаги ва ҳоказо паррандалар.
Биологик хусусиятлари	паррандаларда қовуқ бўлмайди, натижада улар сийдикни буйракдан йўғон ичак орқали ахлат билан бирга ташқарига чиқариб юборади.
Учувчи паррандалар	ҳаво қоли учувчи паррандаларнинг афзаллиги бўлиб, у товуқ, цесарка, курка, мускус ўрдаги ва қирғовулда бўлади.
Парҳез (диета)	таркибида ёғ оз бўлганлигидан парранда гўшти соғлиққа фойдали ва парҳез таом ҳисобланади.

Қирғизистондаги уй паррандалари ва улардан олинадиган маҳсулотлар

Паррандаларнинг тури	Йўналиши	Олинадиган асосий маҳсулотлар
Товуқ	Гўшт Гўшт-тухум Гўшт	Тухум, парҳез гўшт, гўнг, пат, пар
Ўрдак	Гўшт Тухум	Гўшт, тухум, пат, пар
Ғоз	Гўшт	Гўшт, тухум, ёғ
Курка	Гўшт	Гўшт, тухум, пат, пар



Тухумдан жўжа очириш вақти



Уй паррандаларининг турлари	Жўжа очириш, кун
Товуқ	20 – 21
Ўрдак	27 – 28
Курка	27 – 28
Ғоз	30 – 31

Қирғизистондаги уй паррандаларининг асосий зотлари

Тухум берувчи товуқлар


Тухум берувчи товуқларнинг тухум етишириш хусусияти юқори бўлади. Улар йилига ўрта ҳисобда 250-300 дона тухум бера олади. Гўшт бериш маҳсулдорлиги паст бўлади. Товуқларнинг оғирлиги тахминан 2-3 килограммни ташкил қиласди. Қирғизистонда қуйидаги тухум берувчи товуқ зотлари бор: Родонит, Хай-Лайн, Ломан-Сенди, Корал.

Хай-Лайн товуғи



Гўшт-тухум берувчи товуқлар

Гўшт-тухум берувчи товуқлар икки йўналишда маҳсулот бериб, йилига ўрта ҳисобда 150-200 дона тухум, 3-4 килограммгача гўшт бера олишади. Кенг тарқалган зотлари: Қирғиз, Нью-Хемпшир, Род-Айленд, Кучин.



Гўшт берувчи товуқлар

Гўшт берувчи товуқлар, асосан, гўшт етиширишга йўналтирилган. Уларнинг тирик вазни 5-6,5 килограммгача бўлиб, 4-6 килограммгача гўшт маҳсулотини бера олишади. Бу зотдаги товуқларнинг тухум бериш хусусияти пастроқ (йилига 80-100 дона тухум бера олишади). Қирғизистонда гўшт берувчи товуқларнинг Кохинкин, Брама, Корниш зотлари учрайди.



Бронза тусли Шимолий Кавказ куркаси

Бу зотнинг афзаллиги яйловда боқишига мослашганлигидир. Шу зотли куркалар тез харакатланишади. Хўрозининг тирик вазни - 12-14 килограмм, макиёни эса 8-9 килограмм келади.



Пекин ўрдаги

Асосан дунёning кўп мамлакатларида боқилади. Хўрозининг тирик вазни - 4 килограмм, макиёни - 3,5 килограмм. Иилига 80-100 донагача тухум беради. Собиқ Совет Иттилоғи даврида Қирғизистонда шу зотли ўрдаклар паррандачилик фабрикаларида боқилган. Иқтисодий ҳисоб-китобларга қараганда, бу ўрдаклар озукани оз еса-да, вазнига кўп вазн қўшади.



Ғозлар

Турли хўжаликларда ғознинг 20дан ортиқ зотлари бор. Ғоздан нафақат гўшт, балки қимматбаҳо момик ҳам олинади.



Хитой ғози қадимий зотларга киради. Дунёning барча мамлакатларида тарқалган. Кўпайиш хусусияти юқори. Ҳар қандай иқлим шароитига тез мослашади. Мавсумда 50-60 дона тухум беради. Тухумининг оғирлиги -140-160 грамм. Хўрозининг вазни - 6-7 килограмм, макиёни 4-5 килограмм келади.



29-

ДАРС

ҮЙ ПАРРАНДАЛАРИНИ БОҚИШ УСУЛЛАРИ

Яңги сўзлар

Селекция (танлаш)	паррандаларнинг зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш йўлларини тадқиқ этувчи генетик фан.
Ген	ота-онадан болага ўтувчи ирсий хусусиятлар.
Куннинг узунлиги	кун чиққандан ботганга қадар бўлган вақт. 1 дона тухум пайдо бўлиши учун 17-18 соат ёруғлик керак бўлади.
Инкубаторда жўжа очириш усули	тухумдаги муртакни ўстириб жўжа чиқарувчи шкаф.
Касалликнинг инкубацион даври	касаллик юққандан бошлаб биринчи белгисининг пайдо бўлишигача ўтадиган вақт.
Касалликнинг белги (симптом)лари	касаллик пайдо бўлишининг белгилари.
Касалликнинг қўзғатувчилари	вирусли, бактерияли, замбуруғли қўзғатувчилар.

Қишлоқ хўжалиги, экологияга оид мавзулар билан танишиш пайтида сизлар үй паррандаларининг маҳсулдорлигига таъсир этувчи қуидаги омиллар бор эканлигини билиб олгансизлар:

- Атроф-муҳит
- Иқлим
- Паррандаларни боқиш
- Озуқа ва озиқлантириш
- Паррандаларнинг касалликлари

Кутилган маҳсулотни олиш учун паррандаларга ҳам бошқа жониворларни кидек кулай шароит яратиш керак. Юқоридаги омиллардан тўғри фойдаланиш билан паррандаларнинг одамлар учун зарур маҳсулотлар етиштиришига қулай шароитлар яратиш чорвадорнинг бурчидир. Ана ўшандагина паррандалардан яхши сифатли гўшт, тухум ва момиқ олиш мүмкин.

Атроф-муҳит ва иқлим

Турли паррандалар ҳар хил иқлим шароитлариға мослашган. Товуқлар ва қуркаларни боқишиң ва күпайтириш учун одамлар биологик ёки инкубацион усулларни қўллашади. Қирғизистоннинг тоғли ҳудудларида баҳор кеч келиб, қиш эрта тушса, у ҳолда инкубацион усул билан жўжаларни очириш ва боқиши катта сарф-харажат талаб қилишини билиш муҳимдир.

Шу сабабли мўътадил иқлимли ҳудудларнинг хўжалик эгалари икки усулда иш олиб боришлири мумкин. Биологик усулда жўжага 28-29°C иссиқликни товуқ ёки курка ўз қанотлари остида ҳосил қиласди. Жўжаларни боқиши, уларни ёруғ ва қуруқ жойларга бошлаб олиб бориш ишларини хўжалик эгаси бажаради. Инкубацион усулда эса зарур иқлимий ва бошқа шароитлар яратиш мақсадида бу ишларнинг барчаси хўжалик эгасининг зиммасига тушишини билиб қўйиш зарур.

Мўътадил иқлимли ҳудудларда бу икки усул тенг қўлланиши мумкин, бироқ баҳор кеч, қиш эрта келадиган тоғли минтақаларда инкубацион усул қимматга тушади.

Кўпайиш усули	Афзалликлари	Камчиликлари
Биологик усул	<ul style="list-style-type: none">чиқими йўқоз меҳнат талаб қиласдитабиий жараён	<ul style="list-style-type: none">қулай вақтдагина қўлланадижўжа очиш фоизи паст
Инкубацион усул	<ul style="list-style-type: none">йилнинг барча фаслида жўжа очадикўп сонда жўжа очадижўжа очиш фоизи юқори	<ul style="list-style-type: none">чиқими катта (электр энергияси, меҳнат ҳақи, жиҳозлар)кўп меҳнат талаб қиласди

Ўрдак, ғоз каби сузуви паррандаларни парваришилашда ҳовузлар тайёрлаш керак, чунки улар ҳар куни маълум бир вақтда сувда сузиши керак. Агар сиз боқаётган ўрдак ёки ғоз кундузи ҳам, кечаси ҳам сувда сузса, у ҳолда сиз кутган маҳсулотни бермайди, ўз кучини улар сузишга сарф қилиб юборишади.

Асосан баҳордан бошлаб, март-апрель ойларида куннинг исишига қараб паррандаларнинг тухум бериш қуввати ҳам ортиб боради, ёз ойларида ҳаво ҳарорати юқорилаши туфайли бир оз пасайиб, сўнг кунлар салқинлаган вақтда яна кўтарилади, кеч куз ёки қишида ўта паст бўлганлиги амалда исботланган.

Асосан барча шароитлар яратилиб, бироқ касалликларнинг олдини олиш чоралари кўрилмаса, гўшт ва тухум етиштира олмаймиз.

Паррандаларни озиқлантириш



Озуқаларниң турлари

Товуқлардан олинувчи маҳсулотлар күлами сифатли озиқлантиришга бевосита боғлиқдир. Товуқлар оқсил, ёғ, углеводлар, витаминлар ва минерал моддаларга бой ҳар хил озуқаларга муҳтож. Бу озуқаларга дон экинлари ва дуккакли маҳсулотлар (маккажұхори, бұғдой, арпа, ловия, тарық ва ҳоказолар), қайта ишланувчи мева ва сабзавотлар қолдиқлари (кунжара, тахтакунжара) ҳамда құшимча минерал моддалар (кальций, фосфор, бүр, балиқ ёғи, сүяк уни, тухум пүчоги ва ҳоказолар) киради.

Жүйжаларга берилувчи ўртача бир күнлик рацион (жон бошига граммлар билан)

Озуқа	1-10 кун	11-30 кун	31-60 кун	61-90 кун	91-120 кун
Дон еми (тортилмаган)	-	-	-	30	40
Дон еми (тортилган)	4	20	40	35	35
Бұғдой кепаги	1	2	5	5	6
Тарық	1	2	-	-	-
Пичан уни	0,1	0,3	0,9	2	3
Кунжара, тахтакунжара	0,1	0,5	11	15	20
Яңги ўрилган үт	1	5	10	10	10
Сүяк уни, бүр, сұндирилған оxaқ	0,1	0,4	0,7	1,5	1,7
Тухум	2	-	-	-	-
Творог	1	-	-	-	-
Ош тузи	-	0,05	0,07	0,07	0,07
Жами:	10,3	30,2	57,6	98,6	115,7

Құшимча минерал моддалар



Метионин



Премикс



Лизин



Ош тузи



Монокальций фосфат



Чиганоқ (ракушка)



Ош содаси



Үсимлик мойи



ТОПШИРИК

1. Бу бўлимда қишлоқда парранда бокувчи оилалар товуқларга қандай озуқа беришганини аниқланг.
2. Паррандаларга рацион тузинг ва кундалик рационни паррандаларни озиқлантириш таклифларининг асосида ҳисоблаб чиқинг. Шунингдек, оиласвий шароитларни ҳам ҳисобга олинг.
3. Қўшимча қандай озуқалар қўлланилади ва яна нима етишмаслигини аниқланг.

Паррандаларни парваришлаш ва шароит яратиш

Яхши ўстириш ва маҳсулот олиш учун бошқа уй ҳайвонларидек хонаки паррандаларга ҳам одамлар талабдагидек шарт-шароит яратиб бериши керак. Уй паррандаларини боқишига шароит яратганимиздагина биз кутган тухум, гўшт етиштириш, улар бош сонини омон асрашга эришамиз. Шунинг учун уларга қўра-сарой керак.

▣ ҚИШКИ ТОВУҚХОНА қўйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- Товуқхонанинг бир квадрат метр майдонига 6 товуқ сигади.
- Товуқхона қуриладиган майдон ер сатҳидан 40-50 сантиметр баландлиқда бўлиши керак.
- Пойдевори 50 сантиметр чуқурлиқда барпо этилиб, баландлиги 30-50 сантиметр бўлиши зарур.
- Деворининг баландлиги олди 2,5 метр, орқаси 1,5 метрни ташкил қиласди.
- Товуқхона иситилган бўлиши керак.
- Полига тахта қоқиб ёки бўлмаса майдаланган ойна синиқларининг устидан лой билан бостириб суваб чиқиши керак.
- Деворларини суваб, оҳак билан оқлаш зарур (5 литр сувга 1 килограмм оҳак, 100 грамм туз қўшилади).
- Товуқларнинг ёзги хонасидаги кириш-чиқиш эшиклари 30x40 сантиметр, полдан 5-10 сантиметр баландлиқда қурилиши керак. 30-40 бош товуққа битта эшик тўғри келади.
- Товуқларнинг қўноғи 70 сантиметр баландлиқда, барча томонлари тўсилган бўлади.



■ **ЁЗГИ ТОВУҚХОНА** – шифер, қамиш, қорақоғоз, плёнка ва ҳоказо нарсалар билан усти ёпилган бостирма.

- Ёзги товуқхонанинг бир квадрат метр майдонига 6 товуқ жойлашади.
- Товуқлар чиқувчи құра мүмкін қадар жануб томонда жойлашгани афзал. Бир квадрат метр майдонга 4 бош товуқ сиғади.
- Каламуш ва бошқа йирткіч паррандалардан ҳимоя қилиш учун симтүр (унинг тешиклари 3x3 сантиметрдан катта әмас) билан түсилған бўлиши керак.

■ **ҲАВО АЛМАШИШ** – табиий ёки қувур орқали (20x20 сантиметр), қувур уй томидан 50-60 сантиметр чиқиб туриши керак.

■ **ЁРУҒЛИК БЕРИШ:**

- Товуқхонада 10 квадрат метр ерга 1 дона электр лапампочкаси талаб қилинади.
- Табиий ёруғликни аниқлаш қоидаси: полнинг майдони 7 квадрат метр, деразанинг майдони эса 1 квадрат метр бўлиши керак.
- Товуқхона 10-16 соат бўйи ёруғ бўлиши шарт.

Товуқхонанинг тузилиши



► **Құноқ:**

баландлығи 80 см,
бир товуққа 18 см,
рейканинг оралиғи
30 см.

► **Сув қуядиган идиш:**
бир товуққа 2-3 см,
имкони борича оқар
сув бўлиши зарур.

► **Уя:** 8-10 товуққа
бир уя, полдан 50
см баланд жойга
үрнатиласи, иложи
бўлса уч қават
бўлгани яхши.

► **Ем соладиган**
идиш: эни 8-10 см,
баландлығи 5-8
см, чеккалари
қайрилган, полдан
6-10 см кўтарилган.

► **Товуқлар кириб-**
чикувчи дарча.



Товуқларнинг касалликлари ва уларга қарши курашиш

Товуқларнинг касалликларга чалиниши асосан нотўғри боқиш ва озиқлантиришдан келиб чиқади.

Товуқларнинг хавфли касалликларига Ньюкасл касаллиги (ўлат), товуқ чечаги, Гамборо ва Марек хасталиклари, ичак қуртлари пайдо қиладиган аскаридоз ва кокцидиоз, қуттир (кнемидокоптоз), патини еб қўйиш, ўзини-ўзи майиб қилиш (каннибализм) касалликлари киради. Шунингдек, товуқларга каналар, битлар, бургалар ва бошқа қуртлар зиён етказишиади.

Ньюкасл касаллиги

Бу касалликнинг номланиши – ўлат. Номи айтиб турганидек, товуқлар бу дардга чалинса, 100 фоизгача қирилади.

Касалликнинг белгилари. Ўта юқумли вирус касаллиги. Бу дард нафас олиш аъзолари, овқат ҳазм қилиш ва асаб тизимларига зарар етказади. Касалликнинг яширин даври 4-7 кун, баъзан 15 кунгacha чўзилади. Касаллик кўпинча ўткир кечиб (1-4 кун), ўта ўткир давом этиб (1-3 соат) ичидага ўлимга дучор қиласди.



Касалланган парранданинг тана ҳарорати 43-44°C гача кўтарилади, заифлашиб, уйку босади. Оғиз ва бурун бўшлиқларида кўп суюқлик тўпланиб, ичи ўтади, ахлати сарғишишил тусда бўлади.

Бу касалликни даволаш усуллари йўқ.


Олдини олиш ва курашиш чоралари:

► Қирғизистонда ва чет мамлакатларда маҳсус кучсизлантирилган вакциналар ишлатилади.

Аскаридоз

Товуқлардаги бу касалликни аскарида/нематода қуртлари келтириб чиқаради. Улар товуқларнинг ингичка ичагида жойлашган.

Касаллик тарқатувчилар: Касалланган товуқлар, асбоб-ускуналар, ем, ўт, сув,чувалчанглар ва бошқа нарсалар. Касалликнинг яширин даври 7-10 кунга чўзилади.



Касалликнинг сабабини аниқлаш. Қуртнинг тухумини ютиб олгандан кейин (7-10 кун) парранданинг орқа чиқарув тешигидан сарғиш суюқлик оқиб, иштаҳаси йўқолади. Қанотлари шалпайиб, секин ҳаракатланади, тожи ва соқоли оқаришиб қолади, бир жойга тўпланиб олишади.



Олдини олиш чоралари:

- Товуқхонани қуруқ ва 2-3 марта тозалаш орқали дезинфекциялаб турис талабга мувофиқдир.

Ўзини-ўзи майиб қилиш касаллиги

(Каннибализм)

Паррандалар бир-бирини чўқиб қонатиб, тобора қонаган ерини чўқийвериб ўлдиришади-да, бутунлай сугигача ёки тухумларини ҳам қолдирмай еб қўйишади.

Касалликнинг сабаблари. Нотўғри озиқланиш, товуқхонанинг торлиги ва намлиги. Шунингдек, бу генетик касаллик бўлиб ҳам ҳисобланади.



Олдини олиш чоралари:

- Озуқанинг таркибида сўзсиз балиқ мойи, суяқ уни, кунжара, тухумнинг майдаланган пўчоги, бўр, тош (маккажўхоридан кичикроқ), балиқ уни бўлиши афзал. Шунингдек, бошқа жойдан товуқ олиб келганда уни товуқхонага тунда киритиш талабга мувофиқ келади.
- 7-10 кунлик пайтида жўжаларнинг тумшуғини кесиб ташланг.
- Агар товуқ тухумни ёриб еб қўйса, тумшуғининг юқори қисмини кесиб қўйиш керак (0,5-1 см).

Уй паррандаларининг қўтири

Касалликни юқтирувчи манбалар ва унинг сабабини аниқлаш:

- Бу дард касалланган паррандалардан, асбоб-ускуналардан юқади. Кун исигандан тез кўпайиб, қишида озаяди. Бундай пайтда парранданинг оёқлари қичишиб, уларни чўқиб ўтирганини кўрамиз. Тухум туғиши озаяди, ориқлаб кетади.



Касаллик қўзғатувчи

- Кана уй паррандасининг оёқларига ёпишиб олгандан кейин, терисини тешиб киради-да, қонини сўра бошлайди. Кана 10 даражада совуқда 5-7 йил яшайди, ўлган товуқнинг оёғида 10-15 кунгача тирик бўлади. Қайноқ сувда ўша заҳоти ўлади.
- Касалликнинг яширин даври 3-5 ойга чўзилади.

Олдини олиш чоралари

- Товуқхонани йилига ҳеч бўлмаганда икки марта тозалаб, дезакаризиция (қурт, қумурсқаларни ўлдирувчи дорилар сепиш) қилиш талабга мувофиқдир.
- Янги келган паррандаларни, айниқса, катта товуқларни алоҳида ушлаб оёқларини дорилаб, сўнг қўшиш керак.



Даволаш

- Қайин қатронини 40⁰C гача иситиб, оёқларини бутун тукларигача солиб, 1-2 дақиқа ушлаб туриш керак.
- Кир совуннинг 6 фоизли эритмаси (1 литр сувга 60 грамм кир совунни эритиш), 1 фоизли карбофос эритмаси, тоза нефть маҳсулотлари (автол, солярка, бензин, керосин ва ҳоказолар)дан фойдаланиш мумкин. Бу эритмаларга товуқнинг оёқларини 1-1,5 дақиқа солиб, ушлаб туриш яхши натижада беради.

Үй паррандаси касалликларининг олдини олиш учун қуидаги чораларни қўллаш зарур:

Товуқхонани тозалаш, дезинфекциялаш:

- Деворнинг кўчган, ёрилган жойларини суваш, оқлаш – ой сайин.
- Механик тозалашни амалга ошириш – ҳафта сайин;
- Дезинфекция қилиш учун кимёвий дорилардан фойдаланиш мумкин* - ой сайин.

Янги келтирилган товуқларни алоҳида ажратиб 1 ойгача бошқа товуқларга қўшмай ушлаб туриш керак.

Ички ва ташқи зааркунандаларга қарши курашиш:

Ташқи зааркунандаларга қарши курашиш учун товуқхонанинг қуёш нурлари кўпроқ тушадиган бурчагига кул солинган қути қўйиш керак.



Даволаш ва вакцинация учун ҳар доим маҳаллий ветеринарга мурожаат қилиш зарур.

*** ДИҚҚАТ: Товуқхонани кимёвий моддалар билан дезинфекция қилишни ветеринарлар амалга ошириши керак.**

Бу бўлимдаги маълумотлар қуидаги адабиётлардан олинди:

1. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг анатомияси. Оганов Э.О., Мурзакулов У.З. Бишкек - 2003.
2. Йил бўйи тухум олишининг сирлари. Халяпов Т., Кадиркулов С., Казбеков Э. Ўш - 2013.



11 ━ БўЛИМ

МЕНИНГ СЕРДАРОМАД ХЎЖАЛИГИМ



30-
ДАРС

МЕНИНГ СЕРДАРОМАД ХЎЖАЛИГИМ

Кириш

“Менинг сердаромад хўжалигим” ўқув курсини тўлиқ тамомлаб, сен муваффақиятли тадбиркорликни ташкил этиш ва уни бошқаришни ўргандинг. Ушбу бўлимда ўз полизингни ривожлантириб, уни сени ва келгусида сенинг оилангни боқа оладиган сердаромад хўжаликка айлантириш мумкин эканлиги кўрсатилади. Шу ўқув қўлланмасидан олган билимингни ҳақиқий ҳаётга татбиқ этган ҳолда толмай меҳнат қилиб, шунингдек, ҳар доим маслаҳат олиш орқали сен ўз полизингни ташкил этган кундан бошлаб уч ярим йилдан кейин муваффақиятли хўжалик эгаси бўлишга тўлиқ имкониятинг юзага келади. Бу бўлимда ёш тадбиркорнинг ўз туманидаги энг йирик муваффақиятли саримсоқ етиштирувчиси бўлишга эришгани мисол келтирилади. Ўз полизингда биринчи йили сен фаолиятингни сабзвотнинг тўрт турини ўстиришдан бошлаган бўлсанг, сен келгусида нафақат саримсоқ, балки ҳудудингдаги бошқа бир даромадлироқ экиннинг ҳам йирик етиштирувчиси бўлишга интилишинг мумкин.

Саримсоқ ўстириш кўп меҳнат, бошқаларнинг тажрибасини кўриб, улардан ўрганишни талаб қиласди. Агар яхши парваришласанг, сен ерга сарфлаган куч ўзини оқлаб, катта даромад ҳам олиб келиши мумкин. Саримсоқни ташиб, сақлаш ва сотиш енгил бўлади. Агар олдингдаги мақсадга чин дилинг билан эришишга мажбурият олиб кўп меҳнат қилсанг, ҳар доим тартиб-интизомга риоя этсанг, янги билим, янги маълумотлар олиш, янги нарсаларни ўрганишга мойил бўлсанг, 9-синфда 1000 сўм сарфлаб бошлаган ўз полизингдан, тўрт йилдан сўнг унинг ҳосилини сотишдан бир миллион сўм соғ фойда олишга эриша оласан!

Бу йил баҳорда тузган дастурингнинг биринчи йилида сен оилангга тегишли полизнинг бир сотих ерига сабзвотнинг тўрт турини экасан. Кейинги саҳифада сен сабзвотнинг кенг тарқалган саккиз турининг даромадли эканлиги билан танишасан. Китобда берилган мисолда биз биринчи йил учун сабзвотнинг фақат тўрт турини танлаганмиз. Кичик майдондаги полизга бир неча хил сабзвотларни экиш орқали сен таваккалчиликнинг эҳтимолини пасайтириб, тажрибага эга бўласан.

Бу тажриба сенга ҳар бир экилган сабзвотнинг хусусиятлари, ҳар бири талаб қилган меҳнат ва вақтнинг миқдорини ўрганишга ёрдам беради. Ушбу билим ва тажрибага асосланиб, сен келаси йили экиш учун сабзвотнинг икки турини танлаб оласан. Китобда берилган мисолда сен саримсоқ ўстирувчи мутахассис бўлиш мақсадини кўзлаганинг сабабли учинчи йилдан бошлаб фақат саримсоқ экиб, у орқали муваффақиятли хўжалик эгаси бўлиб қоласан.

Тўртинчи йилнинг охирида тадбиркорлигининг фойдаси сенга трактор ёки юк машинаси сотиб олишга, уй харид қилиш ёки қуришга ва хоҳласанг уйланиб ё турмушга чиқиб, шахсий оила барпо этишга имконият яратади.



Бу дастурни амалга ошириш учун нималар талаб қилинади?

- Сен маълум вақт ичида кўп меҳнат қилиб, тадбиркорликка масъулият билан киришишинг талаб этилади.
- Дастурда кўрсатилган натижаларга эришиш учун "Менинг сердаромад хўжалигим" курсида ўрганган барча билимингдан ўз хўжалигингда фойдаланишинг керак бўлади.
- Оиланг полизининг бир сотих еридан фойдаланишга ота-онангнинг рухсати ёки бошқа бир лойиқ ерни ишлатишга имконият керак бўлади.
- Ўз полизингда ишлашга имкониятинг ёки ёрдамчиларинг бўлиши зарур.
- Иложи бўлса ота-онангдан устига фоиз тўлаш талаб қилинмайдиган 1000 сўм қарз, бунинг имкони бўлмаса, бошқа таниш ёки дўстларингдан 1000 сўм қарз олишинг керак. Бу қарз ва унинг фоизли устамасини қайтариб беришга сенинг полизинг тез орадаёқ етарли даромад олиб келади.
- Сен учун энг фойдали экинни танлаб олиш мақсадида ушбу бўлимда Қирғизистонда ва сен яшайдиган ҳудудда ўстириладиган сабзавотнинг даромад келтирадиган турлари берилган.
- Сен танлаб олган экинларнинг сен яшайдиган ҳудудга мос келиши ва уларни ўстириш бўйича мутахассисдан маслаҳат олишинг керак бўлади.
- Тадбиркорлигинги ривожлантириш режасини тузиб, табиий ва молиявий бюджетларни ҳисоб-китоб қилган ҳолда фаолиятинг натижаларини назорат қилишга тайёргарлик талаб этилади.
- Ўз ютуқ ва камчиликларнинг холисона баҳолаб, қишлоқ маслаҳатчиси билан уларни муҳокама этишинг ва хатоларни такрорламаслик учун сабзавот ўстириш дастурингта ўзгартишлар киритишинг зарур бўлади.

Бошлашдан аввал

- Тегишли жиҳозлар ва зарур уруғликлар, ўғитлар ва кимёвий дорилар олишни ташкил этишинг керак.
- Маслаҳатчилардан ёки саримсоқ ўстиришда муваффақият қозонган дехқонлардан маслаҳат олишинг зарур.
- Ўз бизнес-режангни тузиб олишинг керак.

Сабзавотларнинг сердаромадлиги

Қўйида берилган жадвал турли сабзавотларнинг сердаромадлигини кўрсатади. Ундаги рақамлар Жалолобод минтақавий қишлоқ маслаҳат хизмати ва Германия техник ҳамкорлик жамиятининг "Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш" лойиҳаси томонидан юзлаб полиз эгаларининг фаолиятини кузатиш натижасида олинган. Нима бўлганда ҳам бу сонлар вақт ўтиши сайин ва етиштирилган ҳудудга мос равиша ўзгарилиши эҳтимол, шунинг учун улар қўлланма сифатидагина фойдаланилиши керак. Демак, уларни сен ўз шароитингга нисбатан диққат билан баҳолашинг зарур. Баъзи одамларнинг маълум бир молиявий даромадга эга бўлиши сенинг ҳам ўз еринг, бошқарув услубинг ана шундай даромадга эришишингни таъминлайди, дегани эмас. Балки сен ундан ҳам кўпроқ даромадга эга бўларсан, бу биргина сенинг бошқарув услубинг ҳамда ишдаги малака ва кўниқмаларингга боғлиқ бўлади.



Сабзавотларнинг турлари	Картошка	Помидор	Сабзи	Пиёз
Экилган ойи	Март-Май	Февраль-Апрель	Март-Апрель	Сентябрь
Ҳосил йиғиштирилган ой	Июль-Сентябрь	Июнь-Сентябрь	Июль-Август	Август-Сентябрь
Сарф-харажатлар:				
Ер ижараси/Тупроқни тайёрлаш	100	100	100	100
Экиш: Уруғлик	700	300	250	250
Ўғит	110	110	110	150
Ёлланма меҳнат				
Бегона ўтларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар		20	20	30
Ёлланма меҳнат		5	5	10
Заараркунандаларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар	15	20	20	40
Ёлланма меҳнат	5	5	5	10
Замбуруғларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар	15	20	20	40
Ёлланма меҳнат	5	5	5	10
Суғориш	40	60	60	80
Ҳосилни йиғиштириш: Машина ижараси	20			
Ёлланма меҳнат	150	500	200	240
Транспортда ташиб	90	150	150	170
Маркетинг (бозордаги ўрин)	20	20	20	20
Маркетинг (қадоқлаш)	50		70	100
Ижтимоий жамғармага пул ўтказиш	3	3	3	3
Солиқлар (ер солиғи)	3	3	3	3
Жами сарф-харажат	1326	1321	1041	1256
Даромад: ҳар сотихдан ҳосил (кг)	300	500	500	600
1 кг баҳоси	10-20	10-14	15-21	10-20
Ҳар сотихдан умумий даромад	4500	6000	9000	9000
Соф фойда/сотих	3174	4679	7959	7744
Сарфланган ҳар 1 сўмдан X сўм соф фойда олинди	2.4	3.5	7.6	6.2

Сабзавотларнинг турлари	Карам	Бодринг	Саримсоқ	Маккажӯхори
Экилган ойи	Март-Апрель	Март-Апрель	Апрель	Апрель
Ҳосил йиғиштирилган ой	Июнь-Сентябрь	Июнь-Сентябрь	Август-Сентябрь	Август-Сентябрь
Сарф-харажатлар:				
Ер ижараси/Тупроқни тайёрлаш	100	100	100	50
Экиш: Уруғлик	150	200	750	30
Ўғит	70	90	80	80
Ёлланма меҳнат				
Бегона ўтларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар			20	15
Ёлланма меҳнат			5	5
Заараркунандаларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар	15	20	20	15
Ёлланма меҳнат	5	5	5	5



Сабзавотларнинг турлари	Карам	Бодринг	Саримсоқ	Маккажўхори
Замбуруғларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар	15	20	20	15
Ёлланма меҳнат	5	5	5	5
Суғориш	60	60	60	40
Хосилни йиғишириш: Машина ижараси				60
Ёлланма меҳнат	100	120	80	30
Транспортда ташиш	100	90	80	30
Маркетинг (бозордаги ўрин)	40	40	40	20
Маркетинг (қадоқлаш)		50	30	20
Ижтимоий жамғармага пул үтказиш	3	3	3	3
Солиқлар (ер солиги)	3	3	3	3
Жами сарф-харажат	666	806	1301	426
Даромад: ҳар сотихдан ҳосил (кг)	400	350	225	100
1 кг баҳоси	12-14	10-20	50-60	10-20
Ҳар сотихдан умумий даромад	5200	5250	12375	1500
Соф фойда/сотих	4534	4444	11074	1074
Сарфланган ҳар 1 сўмдан X сўм соф фойда олинди	6.8	5.5	8.5	2.5

Жадвалда кўрсатилган сонлар 2014 йилнинг қишлоқ хўжалиги мавсумидаги баҳоларга асосланган. Эҳтиёткорлик учун сотув нархлари энг паст даражада қўйилган, шу сабабли агар сен ўз ҳосилингни яхши маркетинг асосида сотсанг, бундан ҳам кўп фойдага эриша оласан. Сотиб олинувчи воситаларнинг баҳоси эса ўртача даражада қўйилган.

Бу ерда иккита омилни ҳисобга олиш зарур: ишлаб чиқаришдаги таваккалчиликлар ва ҳосилни сотиш ва сақлаш учун қулайлик.

“Таваккалчилукларнинг олдини олиш” дарсида ўрганганингдек, тадбиркорликни юритища қўйидаги таваккалчиликларни доимо эътиборга олиш керак:

- сифатсиз уруғликни ишлатиш фойданинг пасайишига олиб келади;
- сабзавотлар экиладиган тупроқнинг яхши тайёрланмагани, яъни органик моддалар ва намликни сақлаш хусусиятининг йўқлиги;
- салбий таъсир кўрсатадиган иклим шароитлари ва сабзавотлар ўсадиган даврда суғоришнинг яхши ташкил этилмагани;
- заараркунанда ва касалликларнинг салбий таъсири;
- ўғитлардан нотўғри - ўта кўп ёки ўта оз фойдаланиш;
- бошқаришнинг заифлиги, майда нарсаларга эътибор бермаслик.



Барча омилларга эътибор қарат



Юқорида айтилганидек, сабзавот ўстиришда уни сақлаш ва сотишга қулайлигини ҳам эътиборга олиш керак. Масалан, қарамни олайлик, у қулай эмас. Қарам ўстиришда фойда ўта юқори бўлгани билан уни ташишда нокулайлик юзага келади, урилиб лат еб, яроқсиз бўлиб қолиши ҳам эҳтимол. Бундан ташқари, қарам ўсиш даврида ўта кўп зааркундаларга дуч келади. Яхши парваришилаш ва ўсимликларни ҳимоялаш усувларини қўллаш орқали бу муаммони ҳал қилиш мумкин.

Бу китобда биз саримсоқ ўстиришни танлашимизнинг сабаби шуки, саримсоқдан ўта яхши даромад олиш мумкин: у кўп жой эгалламайди, ташишга осон, қопга солиб бозорга олиб бориб сотиш қулай бўлади. Саримсоқ тез айнимайдиган маҳсулот бўлгани учун ҳам уни сақлашда қийинчилик юзага келмайди.

Бироқ, юқорида айтилганларга қарамасдан шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай тупроқда ҳам саримсоқ етиштириб бўлмайди. Саримсоқ асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланмайди. Қирғизистонда саримсоқ етиштириш ҳажмининг ўта ортиб кетиши шу маҳсулот бозор баҳосининг кескин пасайишига олиб келади. Биттагина маҳсулот етиштиришга ихтисослашган тадбиркорликда таваккалчилик юқори бўлади.

Дастурни амалга ошириш

1-йил (2017)

Дастурнинг бошланишида сен бир сотих ернинг 0,25 сотихига картошка, 0,25 сотихига саримсоқ, 0,25 сотихига пиёз, яна 0,25 сотихига сабзи экасан. Бу йил сен тажриба тўплаб, ҳар бир сабзавот турини ўстиришдаги бошқарув талаблари тўғрисида биласан. Бу тажриба келаси йили қайси сабзавотларни ўстириш ҳақида сенга қарор қабул қилишда ёрдам бўлади. Сен келгусида ўстирмоқчи бўлган сабзавотни биринчи йилдан бошлаб экканинг тўғри бўлади, чунки йилдан-йилга бу сабзавотни ўстириш бўйича билиминг ҳам, тажрибанг ҳам ортиб боради. Агар учинчи йилга борганда сен бунгача ҳеч ўстириб кўрмаган сабзавотни экишга қарор қилсанг, сен ўз тадбиркорлигингга таваккалчилик туғдирасан.

Сенга нималар керак бўлади?

- Ота-онангдан полизнинг бир сотих ерини ишлатишга рухсат сўрайсан, бунинг эвазига сен ишлатган тупроқнинг аҳволини яхшилаб берасан.
- Ушбу бўлимнинг охирида берилган ҳар бир ўстирган сабзавотинг бўйича техник маълумотларни ўқиб чиқиши.
- Сарф-харажатларни қоплаш учун 1000 сўм қарз олиш.
- Кўп ва ўз вақтида ишлаш мажбурияти.

Нимани ёдда тутиш зарур?

- Пул қарз олиш ва ер ишлатишга имкониятинг бўлиши керак.
- Ерни экишга керакли жиҳоз ва уруғликлар, ўғит ва дорилар каби ишлаб чиқариш воситаларини олишинг керак. Сен билгандек, қишлоқ маслаҳатчиси ёки кооператив агенти сени сифатли ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлай олади.
- Ҳар бир сабзавотни қандай ўстириш кераклиги ҳақидаги маълумотни топиб ўқиш ёки қишлоқ маслаҳатчиси ё муваффақият қозонаётган дехқонлардан маслаҳат олиш.
- “Менинг сердаромад хўжалигим” ўкув қўлланмасидан олган билимдан фойдаланиб, ўз тадбиркорлигингни режалаштиришинг керак.



1 сотих сабзавот етиштиришнинг режаси

0,25 сотих: КАРТОШКА	0,25 сотих: САРИМСОҚ
Сарф:	332
Кирим:	1125
Сердаромадлик, %:	239
0,25 сотих: ПИЁЗ	0,25 сотих: САБЗИ
Сарф:	313
Кирим:	2250
Сердаромадлик, %:	619

0,25 сотих = 5 метрга X 5 метр

1-ЙИЛНИНГ БЮДЖЕТИ (2017)

Дастлабки инвестиция (сармоя) – 1000 сўм

Ер майдони	0,25 сотих	0,25 сотих	0,25 сотих	0,25 сотих
Жойлашган ери: ота-онангнинг полизи				
2014 йил нархлари				
Сарф-харажат	Картошка	Саримсоқ	Пиёз	Сабзи
Тупроқни тайёрлаш	25	25	25	25
Ер ижараси				
Уруғлик	175	188	62	62
Ўғит	28	20	38	28
Бегона ўтларга қарши курашиб:				
Кимёвий дорилар		5	8	5
Ёлланма меҳнат		1	2	1
Зааркунандаларга қарши курашиб:				
Кимёвий дорилар	4	5	10	5
Ёлланма меҳнат	1	1	2	1
Касалликлар:				
Кимёвий дорилар	4	5	10	5
Ёлланма меҳнат	1	1	2	1
Суғориш	10	15	20	15
Ҳосилни йигиштириш	5			
Ёлланма меҳнат	38	20	60	50
Транспорт (ташиш)	22	20	42	38
Бозордаги ўрин ижараси	5	10	5	5
Қадоқлаш	12	8	25	18
Ижтимоий жамғармага пул ўтказиш	1	1	1	1
Соликлар	1	1	1	1
Жами сарф-харажат	332	326	313	261
Даромад	1125	3094	2250	2250
Соф фойда	793	2768	1937	1989
Сердаромадлик %	239	849	619	762
Кредитни нақд пул билин қайтариш		550		
Кредитни маҳсулот билин қайтариш	450			
Жами 2-йилга инвестициялар				6487

Бегона ўтларга қарши курашиб ўйлари “Ўсимликларни ҳимоялаш” дарсларида ўтилган. Бу усуллар сабзавотларингни ҳимоялаш учун керак. Табиий усуллар кўп вақт талаб қилиши эҳтимол. Табиий аралашмалар, шунингдек, кимёвий дорилардан фойдаланиш мумкин. Бироқ, кимёвий дориларни маҳсус ўқишини битирган ва сертификати бор мутахассислар сепиши кераклиги ёдингда бўлсин.



2017 йили сен ота-онангнинг рухсати билан оилавий полизингнинг бир қисмини ишлатганинг сабабли бу йилнинг бюджетига ернинг ижараси киритилган эмас. Юқори ҳосил оламан, десанг тупроқни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишинг керак. Шу йил яхши ҳосил етиштирсанг, сен ота-онангга масъулияти ва ишончли эканингни исботлаб, яна кўпроқ оилавий мулкни бошқаришга рухсат олишинг мумкин. Оилавий масалаларни ҳал этишда ҳам сенинг фикрингга эътибор берилади. Бироқ, энг муҳими бу йилги даромадинг 2018 йили оилавий полизнинг уч сотихини олиб ишлатишга ота-онангнинг рухсат беришига ёрдамлашади.

Ўз тадбиркорлигингнинг молиявий операцияларини ўзинг бошқарганинг дуруст. Ўз фаолиятингни мустақил юритиб, оилавий умумий бюджетга қўшмаганинг маъқул бўлади.

2-йил (2018)

Саримсоқ сердаромадли эканлигини исботлаганингдан кейин бу йил шу экин учун ер майдонини уч сотихга кенгайтиришинг мумкин. Бироқ, бунинг учун сен ота-онандан оилавий полиздан қўшимча ер олишга рухсат сўрашинг керак. Бундан ташқари сен шу йил алмашлаб экишни жорий этишни бошлаш учун ярим сотих сабзи экасан.

Сенга нималар керак бўлади?

- Ўтган йилги даромадни бу йилги ишлаб чиқаришга сарфлаш (инвестициялаш).
- Кўп меҳнат қилиш ва бўш вақтингни дўстлар билан эмас, ўз полизингда ишлаб, уни назорат қилиб ўтказишга тайёргарлик.
- Тадбиркорлик фаолиятингнинг ўтган йилги 0,25 сотиҳдан сабзи ва саримсоқ ўстиришдаги ёзувларингни қайта қараб чиқиб, хуросалар асосида ўстиришга ўзгаришлар киритиб, зарур ташкилий ишларни ўз вақтида бажариш (масалан, ишлаб чиқариш воситаларини ҳамқишлоқларинг билан бирга сотиб олиш ёки кооперативга аъзо бўлиб кириш, ўтган йили қийинчиликлар туғдирган зааркунанда ва касалликлар тўғрисида мутахассислардан маслаҳат олиш ва ҳоказо).

Нималарни ёдда тутиш зарур?

- Сабзавотларнинг сердаромадлигини тақкослаб кўриб, шунингдек, тажрибали ва муваффақиятга эришган дехқонлар ёки маслаҳатчилар билан уларни ўстиришдаги таваккалчилик тўғрисида муҳокама этиб, ундан кейингина қайси сабзавотни экиш ҳақида қарор қабул қил.
- Алмашлаб экишни жорий қил: саримсоқни ҳам, сабзини ҳам ўтган йили экилган жойга бу йил қайта экиб бўлмайди.
- Сифатли уруғлик топ, юқори ҳосил олиш учун улар жуда муҳимдир.
- Танланган сабзавотларнинг иккитаси – саримсоқ ҳам, сабзи ҳам тошлари йўқ, бўлиқ ерда ўсишни ёқтиради, шунинг учун тупроқни тегишли тартибда тайёрла.
- Келаси йили ўз тадбиркорлигингни анча кенгайтиришга эриша оласан. Берилган мисолда 2-йилнинг (2018) фойдаси билан сен келгуси йили (3-йил, 2019) 20 сотих ерга саримсоқ эка оласан. Бунинг учун сен расмий турда ерни ижарага олишинг зарур бўлади. Яхши тупроқли ва суғориладиган сув билан таъминланган ерни топиш учун сен шу йилиёқ ана шундай ерни излай бошлашинг керак. Ерни йил сайин қишлоқ аймогида жамоатчилик аукциони орқали ижарага олишинг мумкин. Бунга сен қатнашиб, фойданг ҳисобидан ерни ижарага олишинг керак бўлади. Бултурги йилнинг ижараси қай даражада бўлганлиги тўғрисида сўраб билишга ҳаракат қил. Ё бўлмаса ерни бошқа ҳамқишлоқларингдан ёки оиланг ишлатмаган вақтда, оиландан ҳам ижарага олишинг мумкин.



Экин майдонининг режаси

3 сотих: САРИМСОҚ	0,5 сотих: САБЗИ
Сарф:	551
Кирим:	4770
Сердаромадлик, %:	766

2-ЙИЛНИНГ БЮДЖЕТИ (2018)

Дастлабки инвестиция	6487	сўм	
Ер майдони	0.5 сотих	3 сотих	0
Жойлашган ери	Оилавий	Оилавий	
Инфляция даражаси 6%			
Сарф-харажатлар	Сабзи	Саримсоқ	
Тупроқни тайёрлаш	50	300	
Ернинг ижараси			
Уруғлик	125	2250	
Ўғит	55	240	
Бегона ўтларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар	10	60	
Ёлланма меҳнат	2	15	
Зааркунандаларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар	10	60	
Ёлланма меҳнат	2	15	
Замбуруғларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар	10	60	
Ёлланма меҳнат	2	15	
Суғориш	30	180	
Ҳосилни йиғишириш			
Ёлланма меҳнат	100	240	
Транспорт (ташиш)	75	240	
Бозордаги ўрин ижараси	10	120	
Қадоқлаш	35	90	
Ижтимоий жамғармага пул ўтказиш	2	9	
Солиқлар	2	9	
Жами сарф-харажатлар	551	4137	4688
Даромад	4770	39352	44122
Соф фойда	4219	35215	39434
Сердаромадлик, %	766	851	841
Жами 3-йилга инвестициялар			45921

4688 сўмни сабзи билан саримсоқ ўстиришга сарфлаб, сен жами 39434 сўмдан иборат даромад олиш имкониятига эга бўлдинг. Демак, ҳар бир сарфланган сўм натижада 8,4 сўм олиб келди. Ўша сабабдан ўз тадбиркорлигинги бошлаган дастлабки пайтларда имкони борича кўпроқ сарфлаш (инвестициялаш) керак. Пулларни сарфлаб ёки бошқа бирорларга қарзга беришдан аввал ўйланиб кўр, бу пулларни жавобгарлик билан ишлатсанг, келаси йили 8,4 марта кўп маблағ олиб келиши мумкин. Бу вақтдан уч йил ўтиб, сен эришган муваффақият сарфланган меҳнатни оқлади.

Барча сарф-харажатлар ва сотув нархлари йил сайин инфляцияни ҳисобга олган ҳолда 6 фоизга кўпаймоқда.

Транспорт ёки ташиш сарф-харажатлари ҳосилни сақлайдиган жойга, ундан сўнг бозорга сотувга олиб чиқиши билан боғлиқ. Бу сарф-харажатлар сенинг қишлоғинг бозордан қай даражада олисликда жойлашганига қараб фарқланиши мумкин.

Бозордаги ўриннинг ижара ҳақи кунига 20 сўм деб белгиланган. Тажрибанинг кўрсатишича, агар бозорга олиб келган молингни харидорлар учун саралаб териб кўйсанг, тезроқ сотилиб, натижада бу билан боғлиқ сарф-харажат камаяди. “Маркетинг ва сотув” дарсига мурожаат қил.



3-йил (2019)

2-йилнинг даромадидан сен экин майдонингни кенгайтира оласан. Ўзингнинг қишлоғингда ёки яқин жойлашган ерлардан қўшимча 20 сотих ери ижарага олишни ташкил этишинг керак. Юқорида айтилганидек, бунинг учун 2-йилдаёқ (2018) ери топиб, сен экмоқчи бўлган сабзавотларнинг талабларига мувоғик тупроқни тайёрлаш ишларини олиб боришинг керак. Бундан ташқари, сен оиласвий полизингда 4 сотих ерда сабзи экишни давом эттирасан.

Бунгача икки йил ичидаги хўжалик юритиш тажрибасига эга бўлиб, унинг умумий талаблари ва сендан талаб қилинадиган мажбуриятлар билан танишиб чиқсан эдинг. Сен тўрт хил сабзавот этишириб кўрдинг. Шу йилдан бошлаб, сен ўз худудингдаги энг йирик ва энг муваффақиятли сабзавоткорлардан бири бўлишни ўз олдингга мақсад қилиб қўйишинг керак. Тадбиркорликнинг қайси тури бўлмасин, бир соҳанинг мутахассиси бўлиш керак. Бу тадбиркорга билимини ривожлантириб, бой тажрибага эга бўлиш, мавжуд ресурслар, хусусан, вақт, малака ва кўникмаларни тадбиркорликка йўналтириш орқали энг аъло сифатли маҳсулот этиширишга имкон беради. Сифатнинг аъло бўлиши охир-оқибатда, албатта, сенга кўпроқ фойда келишини билдиради. Бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришда сен таваккалчилик хавфини камайтириш учун фаолиятнинг икки асосий тури билан шугулланишинг мумкин.

Сенга нималар керак бўлади?

- Оиласвий полизнинг тўрт сотих ерини ишлатишга рухсат олиш.
- Бултурги даромадни шу йилги дехқончиликка инвестициялаш.
- Кўп меҳнат қилиш, пухта режа тузиш ва тадбиркорлик юзасидан ёзувлар олиб боришига тайёргарлик кўриш.
- Фаолиятнинг давомида ўтган йили сабзи ва саримсоқ ўстиришда олиб борган ёзувларнинг қайта кўриб чиқиб, холосалар асосида сабзавот ўстиришга ўзгартишлар киритиш, зарур ташкилий ишларни ўз вақтида бажариш.
- Олган тажрибанг асосида таваккалчиликларнинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқиш.

Нималарни ёдда тутиш зарур?

- Юқори ҳосил олиш учун зарур бўлган сифатли уруғликларни олиш.
- Алмашлаб экишни жорий этиш: сабзини бултур экилган ерга бу йил экиб бўлмайди. Ижарага олган ерингда саримсоққа зиён етказувчи касалликлар бўлмаганини билиш учун бултур нима экилганини олдиндан билиб олганинг афзал.
- Саримсоқ ҳам, сабзи ҳам тошлари йўқ, бўлиқ ерда ўсишни ёқтиради, шу сабабли тупроқни шунга мос ҳолда тайёрла.
- Келаси йили тадбиркорлигининг кўламини анча кенгайтиришга эриша оласан. Бу мисолда шу йилги дехқончиликнинг фойдаси билан сен келаси йили 100 сотих ерга саримсоқ эка оласан. Бунинг учун сен ери ижарага олишинг зарур бўлади. Яхши тупроқли ва суғориладиган сув билан таъминланган ери топиш учун сен шу йили ёқ ҳаракатни бошлашинг керак.

Экин майдонининг режаси

4 сотих: САБЗИ	
Сарф:	5760
Кирим:	38160
Сердаромадлик, %:	562
4 сотих: САРИМСОҚ	
Сарф:	32606
Кирим:	262350
Сердаромадлик, %:	805



3-ЙИЛНИНГ БЮДЖЕТИ (2019)

Дастлабки инвестиция	45921	сўм
Ер майдони	4 сотих	20 сотих
Жойлашган ери	Оилавий	Ижара
Инфляция даражаси 6%		
Сарф-харажатлар	Сабзи	Саримсоқ
Тупроқни тайёрлаш	400	2000
Ернинг ижараси		2240
Уруғлик	1000	1500
Ўғит	440	1600
Бегона ўтларга қарши курашиш:		
Кимёвий дорилар	80	400
Ёлланма меҳнат	20	100
Зааркунандаларга қарши курашиш:		
Кимёвий дорилар	80	400
Ёлланма меҳнат	20	100
Замбуруғларга қарши курашиш:		
Кимёвий дорилар	80	400
Ёлланма меҳнат	20	100
Суғориш	240	1200
Хосилни йиғишириш		
Ёлланма меҳнат	800	1600
Транспорт (ташиш)	600	1600
Бозордаги ўрин ижараси	80	800
Қадоқлаш	280	600
Ижтимоий жамғармага пул ўтказиш	12	60
Солиқлар	12	60
Сақлаш	1000	2500
Жами сарф- харажатлар	5760	32606
Даромад	38160	262350
Соф фойда	32400	229744
Жами 4-йилга инвестициялар		308065

Саримсоқдан мўл ҳосил етиштирилгач, уни сотиш учун бошқа маркетинг канларини топиш зарур. Бунинг учун катта марказий бозорлар, масалан, Ўш ёки Бишкекка бориб улгуржи харидорларни таъминлайдиган канални ўрнатиб келишинг мумкин (“Маркетинг ва сочув” дарсида ўтилган гилос билан савдо қилиш тизимига қара). Сен бу билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплай оласан, чунки етиштирган маҳсулотингни яхшироқ сотишига имкон бўлади. У ёқдан ҳамқишлоқларингга ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиб келиб, кетган сарф-харажатларни ўртада тўласанглар ҳам бўлади.

Тадбиркорлигининг мана шу ривожланиш босқичида сен фақат ер солиғини тўлашга мажбурсан. Даромад солиғини тўлаш учун эса сен ҳали ундаи даромад кўрсаткичига эриша олганинг йўқ. Шундай бўлса-да, тегишли қонунлардан хабардор бўлиб турганинг дуруст.

Бир тоннадан ортган ҳосил ота-онангнинг нарсалар сақланадиган жойининг бир бурчагига сифмай қолди. Шу сабабли қўшимча сақлаш имкониятларини излашинг керак. Эҳтимол, сен уни ҳамқишлоғингнидан ёки жамоат биносининг ертўласидан топарсан.

Бу йил экилган ер майдонинг анча кенгайди. Бундай ерни сен мустақил меҳнат қилиб ёки қариндошлар ё дўистларингга ишониб ишлата олмайсан. Шу сабабли қўшимчада ишчиларни ёллашинг керак бўлади. Шунинг учун бу йилги бюджетда ёлланма меҳнатга бўлинган пуллар миқдори анча кўпайтирилган. Сен энди иш берувчи бўлиб қолганингдан кейин ўз ишчиларингни хавфсиз меҳнат шароитлари билан таъминлашинг керак (“Хўжалик хавфсизлиги” дарсига қара). Ишчиларга кетган вақт, иш ҳажмигагина эмас, балки бажарган ишининг сифатига яраша ҳақ тўлашни ўйла (масалан, ҳар бир ишчига ўзининг ерини бўлиб бериб, бажарган ишининг сифатини кўришга имкон оласан-да, энг яхши ишлаганларга мукофот беришинг мумкин. Келаси или шундай ишчиларни ёллаш керак). Энди сен тадбиркорлигини шу касб маҳоратини эгаллаган одамдек олиб боришинг зарур: масалан, ишчиларни шартнома асосида ёллаш, банқда ҳисоб рақамини очиш, бозорни тадқиқ этиш, улгуржи харидорлар билан, марказдаги супермаркетлар билан алоқа тузиш, ташриф қофозлари босиб чиқариш ва ҳоказо.





4-йил (2020)

Аввалги йиллари эришган муваффақиятларга асосланиб, сен ишлаб чиқариш имкониятларингни кенгайтирасан ва саримсоқни энди 100 сотих ерга эка бошлайсан. Бу сенга ўта юқори даромад келтириб, фаровон турмуш кечиришингга шароит яратади.

Сенга нималар керак бўлади?

- Сув билан яхши таъминланган қулай ерни ижарага олиш.
- Ўтган йилги даромадни шу йилги дехқончиликка инвестициялаш.
- Кўп меҳнат қилиш, пухта режа тузиш, тадбиркорликка хос бўлган ёзувларни юритишга тайёргарлик кўриш.
- Тадбиркорлигинг давомида ўтган йили сабзи ва саримсоқ ўстиришдаги ёзувларни қайта кўриб чиқиб, хulosалар асосида ўзгартишлар киритиш, зарур ташкилий ишларни ўз вақтида бажариш.

Нималарни ёдда тутиш зарур?

- Кўп вақт ва қўшимча маблағ талаб қиласа ҳам сифатли уруғлик сотиб ол, чунки у юқори ҳосил олишга имкон беради ва зааркунданалар билан боғлиқ хавфни камайтиради.
- Ижарага олинадиган ерни танлашда саримсоқ ўстиришга аввалги йили экилган экиннинг зиён етказмаслигини аниқлаб ол.
- Шу йил сен ерни ижарага олиш шартномасини тузишинг керак бўлади, шунинг учун китобнинг шартнома ҳуқуқи тўғрисидаги бўлимига мурожаат қил.
- Ҳосилнинг кўлами ортиб бораётганидан маҳсулотни мамлакатдан ташқарига сотиш имкониятларини излаб кўришинг зарур. Бунинг учун сен етиштирган маҳсулотнинг сифати андозаларга жавоб бериши керак. Шу сабабли сен саримсоқнинг сифат андозалари ва маҳсулотни экспорт қилиш учун қандай ҳужжатлар зарур эканини ўрганишинг керак.



4-ЙИЛНИНГ БЮДЖЕТИ (2020)

Дастлабки инвестиция	308065
Ер майдони	100 сотих
Жойлашган ери	Ижара
Инфляция даражаси 6%	
Сарф-харажатлар	Саримсоқ
Тупроқни тайёрлаш	10000
Ернинг ижараси	11200
Уруғлик	75000
Ўғит	8000
Бегона ўтларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар	2000
Ёлланма меҳнат	500
Заараркунандаларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар	2000
Ёлланма меҳнат	500
Замбуруғларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар	2000
Ёлланма меҳнат	500
Суғориш	6000
Хосилни йиғишириш	
Ёлланма меҳнат	8000
Транспорт (ташиш)	8000
Бозордаги ўрин ижараси	10000
Қадоқлаш	3000
Ижтимоий жамғармага пул ўтказиш	354
Ер солиғи	354
Даромад солиғи	50000
Сақлаш	12000
Жами сарф-харажатлар	221972
Даромад	1311750
Соф фойда	1089778
Дастлабки инвестициядан қолган маблағ	86093
Жами 5-йилга инвестициялар	1397843

сўм

Бир гектар суғориладиган ерни экиш сендан дехқончиликнинг ҳар бир қадамида: тупроқни тайёрлашдан бошлаб, саримсоқни сақлаш ва сотувгача ўта кўп вақт ҳамда жавобгарликни талаб қиласди.

100 сотих ердан олинган 22,5 тонна саримсоқ ҳосилини сотиш учун маҳсус таъминот маркетинг каналларини жорий этиш талаб этилади. Агар сен яшайдиган худудда бир неча саримсоқ ўстирувчи дехқонлар бўлса, улар билан бирга ишлаб ёки кооператив тузуб олсанглар бўлади. Тузилган кооператив орқали зарур нарсаларни биргалиқда арzonроқ баҳода сотиб олишга имконият юзага келади. Биргалиқда ҳосилни йиғишириб, сотувга олиб чиқса ҳам бўлади. Битта худудда яхши сифатли саримсоқни кўп миқдорда сотиб олиш имконияти воситачиларнинг эътиборини ўзига тортиб, улар сени опис Россия бозорлари билан боғлайди, маҳсулотингнинг сифати андоза талаблирига жавоб берса, юқорироқ баҳода сотишга туртки беради.

“Сен ва бозор иқтисодиёти” дарсида ўрганганингдек, соликларни тўлаш жуда муҳимдир. Шу йил сен олган даромаднинг ҳажми ўта юқори бўлганидан, ўз даромаднингдан тегишли миқдорда солик тўлашинг талаб этилади. Бундан ташқари, ижтимоий жамғармага маблағ ўтказсанг сен кексайганингда, тадбиркорлигинг яхши юришмай қолган вақтда пенсия олишингга кафолат бўлади. Бу ерда берилган рақам тахминий даромад солиғи ҳисобланади. Унинг аниқ миқдорини билиш учун сен тегишли қонун билан танишишинг зарур.

сўм

1-вариант: сарфлаш

2-вариант: банкда фоизлар қўшилувчи депозит

3-вариант: таваккалчиликни камайтириш учун уй ҳайвонларини сотиб олиш



Юқоридаги бюджетда кўрсатилганидек, саримсоқ ўстириш бўйича барча харажатлар тўлангандан кейин ҳам 43482 сўм дастлабки инвестициядан қолдиқ қолади. Ўша қолдиқни сен қўйидаги мақсадларда ишлатишинг мумкин:

1. Ўз шахсий эҳтиёжинг.
2. Банкка депозит сифатида солсанг, маблағинг ишончли банқда сақланиб, унга фоизли устами қўшилади.
3. Тадбиркорлик таваккалчилигининг олдини олиш учун уй ҳайвонларини сотиб олишинг мумкин.

Ўз мақсадларингга яраша қарор қабул қил.

Бу йил ҳосилни сотишдан олган даромадинг бир миллион сўмдан ошади. Шу сабабли сен маблағларингнинг хавфсизлиги тўғрисида ўйлашинг керак. Шунча миқдордаги маблағни ёстиқ остида сақлаш ва нақд пул ҳолатида тўлаб бўлмайди. Сен ўтказган тўловлар, масалан, уруғлик сотиб олишда, банқдаги ҳисобинг орқали бажарилса ҳам бўлади.

Кейинги йиллар (2021 йилдан бошлаб)

Бу йиллар 4-йилда бажарилганнинг такрорланиши бўлиб, бунда 100 сотих ер ижарага олинади ва саримсоқ экилади. Тупроқ унумдорлигининг йўқолиши, касаллик ва зааркундалар кўпайишининг олдини олиш учун сен алмашлаб экишни жорий этиб, ижарага олинган ерни ҳар йили алмаштириб туришинг керак. Пиёзлилар оиласига мансуб ўсимликларни бир ерга экишда икки ва ундан ортиқ йил оралиғи сақланиши зарур.

Йилдан-йилга бир ерга пиёзлилар оиласидаги ўсимликларни экиш қўйидаги муаммоларни келтиб чиқариши мумкин:

- пиёзнинг илдизларида личинкаларнинг пайдо бўлиши;
- баргларда ун шудринг, пояси ва бошида замбуруғли касалликлар, триплар ва нематодалар, вирусли инфекцияларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Сенга нималар керак бўлади?

- Сув билан яхши таъминланган қулай ерни ижарага олиш.
- Ўтган йилги даромадни шу йилги дехқончиликка инвестициялаш.
- Кўп меҳнат қилиш, пухта режа тузиш, тадбиркорликка хос бўлган ёзувларни юритишга тайёргарлик кўриш.
- Тадбиркорлигин давомида ўтган йили сабзи ва саримсоқ ўстиришдаги ёзувларни қайта кўриб чиқиб, хulosалар асосида ўзгартишлар киритиш, зарур ташкилий ишларни ўз вақтида бажариш.

Нималарни ёдда тутиш зарур?

- Кўп вақт ва қўшимча маблағ талаб қилса ҳам сифатли уруғлик сотиб ол, чунки у юқори ҳосил олишга имкон беради ва зааркундалар билан боғлиқ хавфни камайтиради.
- Ижарага олинадиган ерни танлашда саримсоқ ўстиришга аввалги йили экилган экиннинг зиён етказмаслигини аниқлаб ол.
- Шу йил сен ерни ижарага олиш шартномасини тузишинг керак бўлади, шунинг учун китобнинг шартнома ҳуқуқи тўғрисидаги бўлимига мурожаат қил.
- Ҳосилнинг кўлами ортиб бораётганидан маҳсулотни мамлакатдан ташқарига сотиш имкониятларини излаб қўришинг зарур. Бунинг учун сен етиштирган маҳсулотнинг сифати андозаларга жавоб бериши керак. Шу сабабли сен саримсоқнинг сифат андозалари ва маҳсулотни экспорт қилиш учун қандай ҳужжатлар зарур эканини ўрганишинг керак.



Кейинги йиллар бюджети (2021 йилдан бошлаб)

Дастлабки инвестиция	1397843	сўм
Ер майдони	100 сотих – 1 гектар	
Жойлашган ери		Ижара
Инфляция даражаси 6%		
Сарф-харажатлар	Саримсоқ	
Тупроқни тайёрлаш	10000	
Ернинг ижараси	12400	
Уруғлик	75000	
Ўғит	8000	
Бегона ўтларга қарши курашиш:		
Кимёвий дорилар	2000	
Ёлланма меҳнат	500	
Зараркунандаларга қарши курашиш: Кимёвий дорилар	2000	
Ёлланма меҳнат	500	
Замбуруғларга қарши курашиш:		
Кимёвий дорилар	2000	
Ёлланма меҳнат	500	
Суғориш	6000	
Хосилни йиғишириш		
Ёлланма меҳнат	8000	
Транспорт (ташиш)	8000	
Бозордаги ўрин ижараси	10000	
Қадоқлаш	3000	
Ижтимоий жамғармага пул ўтказиш	354	
Ер солиги	354	
Даромад солиги	50000	
Сақлаш	0	
Жами сарф-харажатлар	210524	
Даромад	1311750	
Соф фойда	1101226	
Жами 6-йилга инвестициялар	1235031	

Шу йилдан бошлаб сен маҳсулотларни сақлаш учун ҳақ тўламайсан, чунки шу йилнинг фойдасидан сен ўз сақлаш жойингни қуриб олишинг мумкин.

Шу йилги инвестиция ҳисобидан 1 га саримсоқ экиш билан боғлиқ барча сарфлардан кейин қолган маблағ ҳисобидан сен қуийдагиларни молиялаштира оласан:

- 1) трактор ва унинг жиҳозлари ёки ўз эҳтиёжи ё ижарага бериш учун юқ машинаси сотиб олиш, рўйхатга олиш ва таъминот харажатларини ҳам қўшиб **450000** сўм;
- 2) сақлаш жойини қуриш **150000** сўм;
- 3) уй қуриш **400000** сўм;
- 4) уйланиш, сарф-харажатлар ёки банк депозит ҳисобига солиш **264038** сўм.

5-йилдан бошлаб сен ўз тадбиркорлигини чин дилдан давом эттиранг ва таваккалчиликларнинг олдини олиб иш юритсанг, йил сайин саримсоқ ўстириш сарф-харажатларидан ташқари сенда бошқа эҳтиёжларга ишлатиш учун тахминан бир миллион сўм бўлади. Саримсоқ ўстиришдан олган фойданинг камида ярмини инвестиция сифатида киритсанг тўғри бўлади. Масалан, моддий мулк сотиб олиш, Бишкеқда ижарага бериш учун квартира сотиб олиш ёки бўлмаса вилоят ё туман марказидан ер сотиб олиш ёки омонат ҳисобига солиш. Улардан қолганини ўзингнинг оиласиий эҳтиёжларинг, хусусий ривожланишинг, қилган кўп меҳнатларинг эвазига ўз-ўзингга мукофот тариқасида бошқа мамлакатларга саёҳатга ёки болаларингнинг билим олишига сарфлашинг мумкин. Шахсий намунанг орқали сенинг аҳволингдаги қайси йигит ёки қиз бўлмасин, кўп меҳнат қилишни ўрганишга тайёр бўлса, муваффақиятли хўжалик эгаси бўла олишни исботладинг.



Техник маълумот

Ушбу китобнинг “Сабзавотлар ўстириш” ва бошқа бўлимларида ҳам баъзи техник маълумотлар берилган. Энг сўнгги маълумотни олиш учун сен ҳар доим қишлоқ маслаҳатчиси ёки бошқа мутахассислардан маслаҳат олиб туришинг ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу китоб сенга умумий маслаҳат ва маълумотларнига бера олади. Қирғизистон ҳудудига мос тупроқни тайёрлаш, экиш усувлари, экинлар навларининг сенинг ҳудудингга мос келиши, ўғитлардан фойдаланиш, ўсимликларни химоялаш, суғориш ва бошқа масалаларда бир қатор ўзгачаликлар бўлади. Қайси сабзвотни ўстиришни ҳал қилган бўлсанг, ўша бўйича энг илғор маълумотни олишга ҳаракат қил. Ушбу жадвалда шу бўлимда берилган сабзвотларнинг асосий хусусиятлари кўрсатилган:

	Саримсоқ	Сабзи	Картошка	Пиёз
Тупроқнинг аҳволи ва уни тайёрлаш	Саримсоқ қуёш нурлари ўта яхши тушадиган, сувни яхши сингирадиган, органик моддаларга бой тупроқни ёқтиради. Асосан қумоқ тупроқли ерни ёқтиради, бироқ барчасида ҳам ўсаверади. Илдизлари чукур кириб кетади, шунинг учун тупроқ юмшоқ бўлиши зарур. Экишдан бир неча соат аввал суғориш афзал. Саримсоқ кўп йиллик ўсимликлар – беда ёки нўхатдан кейин экилса яхши ўсади.	Сабзи тошсиз, сувни яхши сингирадиган, қумоқ, органик моддаларга бой тупроқни ёқтиради. Сабзининг илдизлари тупроқ остига чукур кириб ўсади. Оғир сарик тупроқни сабзи ёқтирумайди. Тупроқни яхши тайёрлаб, экишгача бегона ўтлардан тозалаш керак. Сабзини бегона ўтлардан тозалаш қийин кечади.	“Картошка ўстириш” дарсига қара.	Тупроқ унумдор, сувни яхши сингирадиган ва нам бўлиши керак. Пиёз кислота миқдори юқори бўлган тупроқни ёқтирумайди, шу сабабли тупроқнинг pH даражаси қулай бўлиши учун оҳак қўллаш зарур бўлиши мумкин. Қирғизистоннинг тупроғи асосан пиёзга мос келади. Тупроқда кўплаб органик моддалар бўлишини ёқтиради. Шунингдек, азотнинг ҳам кўпроқ бўлишини хоҳлайди.
Тупроқнинг қулай pH даражаси	6,2 – 6,8	6,5 - 7,5	5,8 – 6,5	5,0 – 7,0, бироқ энг яхшиси – 6,5 – 7,0
Экиш даври	Саримсоқ кузда ёки эрта баҳорда экилади.	Уруғ асосан тупроқнинг ҳарорати 10°C да яхши униб чиқади.	“Картошка ўстириш” дарсига қара.	Кузда экилади, Қирғизистонда сентябрь ойида, бироқ эрта баҳорда экиш ҳам мумкин.
Уруғликни тайёрлаш	Саримсоқ эски бош бўлакчаларидан ўтқазилади. Бўлакчалар эҳтиёткорлик билан бошидан бўлиб олиниб, остидаги банди олиб ташланади. Экишга энг катта бўлакчаларни танлаб ол.	Сабзи уруғини куруқ ҳолда ҳам, олдиндан намлаб олиб ҳам сепиш мумкин. Сабзи уруғи ўта майда бўлганлигидан жўякка бирдай тушиши учун майда кумга аралаштириб сепиш мумкин. Униб чиқиши учун уруғ нам бўлиб туриши керак.	“Картошка ўстириш” дарсига қара.	Уруғни 1 см чуқурликда сеп. Баҳорда яганалаш (ўташ орқали) мумкин. Пиёзлар катта бош олиши учун ўташ пайтида оралиғини 5-7 см қолдириш керак. Кўчат ўтқазилган пайтда эса уларнинг оралиғини осонгина тўғрилаш мумкин.





	Саримсоқ	Сабзи	Картошка	Пиёз
Экиш тартиби	Бўлакчалар жўякларга бир-биридан 6 см оралиқда ўтқазилади. Учини юқорига қаратиб ўтқазиш керак.	Сабзи уруғи 3 см дан ошмаган чуқурлиқда экилади. Улар майда бўлганлигидан тупроқнинг юзасига яқинроқ экиш керак.	“Картошка ўстириш” дарсига қара.	Чамаси 1 см чуқурлиқда экилади.
Ўғитлар	Саримсоққа 7,5 метрлик жўякка азот, фосфор ва калийнинг 225 грамм аралашмасини сепиш керак. Ўсаётган пайтда ёз ойларида иложи бўлса бир оз қўшимча азот бериш мумкин.	Сабзи экишдан бир йил аввал ер ўғитлантирилса яхши фойда беради. Чунки азот ортиқча берилса, сабзи шоҳлаб кетиши мумкин. 10 литр сувга аралаштирилган мол ва товуқ гўнгларини 15 грамм селитра билан қўшиб сепиш сабзининг ўсишига ёрдам беради.	“Картошка ўстириш” дарсига қара.	Пиёз уруғининг остидан 4 см чуқурлиқда фосфор берилса яхши ўсади. Ҳар бир 3 м жўякка 150 грамм суперфосфат берилади. Униб чиқиб илдиз отган пиёзга қўшимча аммиакли сульфат ёки селитра бериш зарур.
Тупроқни органик моддаларга бойитиш	Органик моддаларга бойитишни саримсоқ ёқтиради. Саримсоқ 10 см сомон ёки бошқа материалнинг орасидан ҳам ўсиб чиқа олади. Агар бўлакчалар кузда ўтқазилган бўлса, бу усул совукдан ҳам сақлайди.	Бойитишнинг унчалик кераги йўқ, чунки сабзи совукқа ҳам, иссиққа ҳам чидамли келади.	Алоҳида бойитишни талаб қилмайди. Бироқ тупроқни узоқ муддат парваришлиш керак бўлади.	Алоҳида бойитишни талаб қилмайди. Бироқ тупроқни узоқ муддат парваришлиш керак бўлади.
Суғориш талаблари	Саримсоқ янги ўсиб келаётганда бир хил намликни талаб қилади. Албатта, қишки совукда суғориш мумкин эмас. Ҳосилни йигиштиришдан бир-икки ҳафта олдин суғоришни тўхтатиш зарур. Тупроқ юзасини органик ўғитлар билан ёпиш намликни бир хил сақлашга ёрдам беради.	Суғоришни сабзи ўса бошлагандан бошлиш керак. Янги ўсиб бораётганда ҳар 7 кунда бир, сўнг ҳар 12 кунда бир суғориш керак. Тупроқ қуриб қолмасин, бироқ ўта кўллатиб юбормаслик керак.	“Картошка ўстириш” дарсига қара.	Агар ўта кўп сув қўйилса, пиёз чирий бошлайди. Шунинг учун ерни ўта кўллатиб суғормаслик керак.



	Саримсоқ	Сабзи	Картошка	Пиёз
Үташ	Бегона ўтлар билан саримсоқ рақобатлаша олмайди. Шунинг учун жўякларни тозалаб туриш керак.	Экин ўсиб кетганда ўташ қийин бўлиб қолади.	“Картошка ўстириш” дарсига қара.	Тупроқни яхши тайёрлаш керак. Бегона ўтлардан тоза бўлиши талаб этилади.
Хосилни йиғиштириш	Саримсоқни йиғиштириш остки баргларининг ярми жигарранг тусга кирганда, тахминан ўсимлик 40% жигарранг ҳолатга келганда бошланади. Саримсоқнинг бошлари тупроқдан тозаланиши зарур. Бироқ сиртқи қобигини очиб, бошларини бузишга йўл қўймаслик керак. Хосилни йиғиштириш июлнинг охиридан сентябргacha давом этади.	Сабзи ҳосилини йиғиштириш –қийин иш. Сабзини эҳтиёткорлик билан ковлаб олиш керак, улар кесилиб ёки бўлиниб қолмаслиги зарур. Сўнг сабзини саралаб, илдизидан 2 см юқори ердан кесиб қўйиш керак. Совуқ пайтда ковланса, кўпроқ муддатга сақланади.	“Картошка ўстириш” дарсига қара.	Пиёз пояси чўққисининг пастга тушиб қолиши ҳосилнинг пишганлигидан дарак беради. Пиёз ердан юлиб олиб йиғиштирилади. Бундан аввал ерни паншаха (бешлик) билан юмшатиб олиш зарур бўлади. Илдизидан ушлаб, ундан 2 см юқоридан кесиб ол. Пиёз лат еб қолмаслиги учун эҳтиёткорлик билан ишла, ўшандада пиёз узоқроқ муддатгача сақланади.
Сақлаш	Саримсоқни олдиндан яхши қуритиб олиш керак. Қуруқ ва салқин ерга осиб қўйиб, бир ҳафтадан кейин лойини тозалаб ол.	Сабзини салқин ва нам ерда сақлаш зарур. Энг яххиси 0°C билан 90-95% намлик шароитида сақлаш афзал.	“Картошка ўстириш” дарсига қара.	Пиёзни салқин ва қуруқ ерда сақлаш керак.





ТЕСТЛАР

1-бўлим. Сен ва бозор иқтисодиёти

1-дарс: Сен ва бозор иқтисодиёти

1. Бозор иқтисодиёти – бу ...

- а) Давлат ва унинг муассасалари орқали назорат қилинадиган иқтисодий тизим.
- б) Хусусий мулк ва шахсий танлашга асосланган иқтисодиёт.
- в) Шаҳар бозорининг ичидаги иқтисодиёт.

2. Режали ёки маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти – бу ...

- а) Давлат ва унинг муассасалари орқали бошқариладиган иқтисодиёт.
- б) Режали равишда молларни бозорда сотиш.
- в) Муассаса раҳбарининг буйруғи билан молларни бозорда сотиш.

3. Бозор иқтисодиётида солиқдан тушадиган маблағ нимага сарфланади?

- а) Жаҳон савдо ташкилотига
- б) Демографик муаммоларга
- в) Аҳолининг соғлиқни саклаш, таълим каби хизмат турларини таъминлайди

2-дарс: Бизнес нима?

1. Фойда нимани англатади?

- а) Мавсум давомида топган энг катта фойда.
- б) Ота-онам менга совға қилган велосипед.
- в) Сотилган молнинг нархидан у молни ишлаб чиқаришга сарфланган барча чиқимлар олиб ташлангандан кейин қолган пул маблағи.

2. Тадбиркорликни юритиш учун қандай қарорларни қабул қилиш керак?

- а) Сени қизиқтирадиган тадбиркорликнинг бир неча турини билиш етарли бўлади.
- б) Тадбиркорликнинг бир турини танлаш, аниқ мақсадга эга бўлиш, бозорни ўрганиш, барча фойдали маълумотни тўплаш.
- в) Муваффақият, таваккалчилик, реклама.

3. Тадбиркорликнинг ресурслари нима?

- а) Жисмоний, молиявий ва бошқарув ресурслари.
- б) Пул, экологик ресурслар.
- в) Маданий, ижтимоий, сиёсий ресурслар.



3-дарс: Маркетинг ва сотув

1. Маркетинг дегани нима?

- а) Молни бозорда сотиш.
- б) Бозорни ўрганиш, маҳсулотни саралаб, уни юқори сифатда бозорга олиб чиқиш.
- в) Бозорни ташкил этиш.

2. Маркетинг билан сотувнинг фарқи нимада?

- а) Маркетинг деганда харидорнинг эҳтиёжлари ва унинг маҳсулот ҳақида хабардорлигига асосланиб савдо қилиш англанса, сотув деганда эса молларни шунчаки ёйиб қўйиб сотиш тушунилади.
- б) Фарқи йўқ.
- в) Катта бозорларда сотиш – маркетинг, бозорларда сотиш эса – шунчаки сотув.

3. Бозорни таъминлаш занжири нима дегани?

- а) Ишлаб чиқарувчининг ўз маҳсулотини қайта ишлаши.
- б) Ишлаб чиқарувчининг молни тўғридан-тўғри бозорга олиб чиқиши.
- в) Мол ишлаб чиқариш, сотиш, қайта ишлаш, харидорларга тавсия қилишдаги алоқалар.

2-бўлим. Бизнесни режалаштириш

4-дарс: Бизнесни режалаштириш

1. Муваффақиятли тадбиркор ўз ишини нимадан бошлайди?

- а) Тадбиркор ҳамқишлоқларидан сўраб.
- б) Ўз режаси, мақсадларини ёзиб олиб.
- в) Ота-онасидан маслаҳат олиб.
- г) Дўстларидан маслаҳат олиб.

2. Муваффақиятга эришишнинг энг асосий талаби нима?

- а) Шахсий ва оилавий юмушларни биринчи навбатда бажариш.
- б) Ўз манфаати, ҳузур-ҳаловати учун шароит яратиш.
- в) Тадбиркорликнинг талабларига жавоб бериш учун мажбуриятлар ва масъулиятни ўз зиммасига олиш.
- г) Кечикса ҳам шошилмай, ишни сифатли бажариш.

3. Олдиндан кўра билишнинг қисқача шарҳи деганда нима тушунилади?

- а) Кўпдан бери ота-онам айтиб юрган қисқа воқеа.
- б) Ўқитувчилардан эшитган қисқа ҳикоя.
- в) Олдиндан кўра биладиган одамнинг қисқа шарҳи.
- г) Тадбиркорликнинг мақсади ва вазифаларини баён қилувчи ҳужжат.

5-дарс: Тадбиркорлик фаолияти ҳисобини юритиш асослари

1. Тадбиркорликнинг ҳисоби дегани нима?

- а) Барча пул маблағлари ҳаракатининг аниқ ҳисоб-китобини маҳсус дафтар ёки компьютерга ёзиб туриш.



- б) Агар тадбиркорликнинг фойдаси яхши бўлса, барчасини ёдида сақлайди. Ҳисобкитобни маҳсус дафтар ёки компьютерга ёзиб туриш ортиқча оворагарчилик ва беҳуда вақт.
- в) Тадбиркорликнинг табиий ва молиявий жиҳатлари, ривожланишини назорат қилиш мақсадида маълумотларни маҳсус дафтар ёки компьютерга ёзиб туриш.

2. Доимий чиқимлар дегани нима?

- а) Ишлаб чиқариш ҳажми озайса ҳам, кўпайса ҳам ўзгармайдиган чиқимлар.
- б) Давлат томонидан тўланадиган чиқимлар.
- в) Меъёрдан ошмаган чиқимлар.

3. Хусусий капитал нима?

- а) Ота-онаси боласига мерос қилиб ўтказиб берган капитал.
- б) Бир неча йил тадбиркорлик натижасида тўпланган капитал.
- в) Асосий капитал – қарзлар = хусусий капитал.

6-дарс: Бюджетни тузиш асослари

1. Табиий ресурслар нима?

- а) Менинг уйим, томорқам, полизимдаги барча нарсалар: уй, қўра-сарой, ер, асобобускуналар.
- б) Менинг қишлоғимдаги барча нарсалар: уйлар, қўра-саройлар, ерлар, асобобускуналар.
- в) Менинг тадбиркорлигимни юритиш учун керак бўлган нарсалар: ер, уруғлик, асобобускуналар.

2. Молиявий ресурслар нима?

- а) Тадбиркорликка сарфланган жамғармалар ва қарзга олинган маблағлар.
- б) Банқдаги пул жамғармалари.
- в) Ота-онам тўплаган нақд пуллар.

3. Бюджетнинг фойдаси нимада?

- а) Бюджет тузиш орқали билимим ошади.
- б) Бюджет мен ўз олдимга қўйган мақсадимга қўлимда бор ресурслардан фойдаланиб, қандай қилиб энг тез ва самарали йўл билан эришишим мумкинлигини кўрсатиб туради.
- в) Бюджет тузиш орқали тежамкор ва фойдали бўлиб, ота-онамнинг ният-мақсадларини бажариш орқали уларни қувонтираман.

3-бўлим. Маслаҳатлар ва маблағ олиш

7-дарс: Таваккалчиликларнинг олдини олиш

1. Тадбиркорликдаги таваккалчиликларни қандай тушунасан?

- а) Дўстларимнинг мен юритаётган тадбиркорликка қизғаниш билан қарashi, ёқтираслиги.
- б) Тадбиркорлигимнинг самарали юришига салбий таъсир этувчи тўсиқлар.
- в) Тадбиркорлигимнинг самарали юришига салбий таъсир этувчи кўплаб бошқа сабаблар.



2. Таваккалчиликларни бошқариш мумкинми?

- а) Мумкин эмас, чунки хавф-хатарнинг барчаси ташқаридан келади, тадбиркор уларни бошқара олмайди.
- б) Мумкин, чунки тадбиркорликка заарар етказадиган турли ҳолатлар, хавф-хатарларнинг олдини олиш ёки уларни юмшатиш йўлида чора-тадбирлар кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Янги ёки қўшимча маълумотларга эга бўлиш тадбиркорга ... ёрдам берадими?

- а) Янгича яшашга.
- б) Кўп даромад топишга.
- в) Тадбиркорликдаги рақобатда имтиёзга эга бўлишга.

8-дарс: Микрокредит сари йўл**1. Кредит деб ... айтамиз?**

- а) Камбағал одамларга қарзга берилган пулни.
- б) Ривожланишга йўлни.
- в) Ёрдам сифатида берилган пулни.
- г) Даромадни оширишни.

2. Кичик кредитнинг мақсадли гуруҳларига кимлар киради?

- | | |
|--------------------|------------------------|
| а) Тадбиркорлар | б) Маблағи кўп одамлар |
| в) Муҳтож оиласлар | г) Ўқувчилар |

3. Маҳаллий комитетнинг таркибига кимлар киради?

- а) Аёллар.
- б) Ўқувчилар, ўқитувчилар.
- в) Бухгалтерлар.
- г) Аёллар, таълим мутахассиси, кредит мутахассиси, бухгалтер, қишлоқ хўжалиги маслаҳатчиси, қишлоқ аймогининг ижтимоий мутахассиси.

9-дарс: Маслаҳатлар олиш**1. Маслаҳат олиш тадбиркорга нима учун керак?**

- а) Агар тадбиркор билимдон бўлса, маслаҳат олмайди.
- б) Тадбиркорликдаги мавжуд имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланиш учун.
- в) Доим замонавий маълумотларга эга бўлиш учун.

2. Кооператив нима?

- а) Қишлоқда ҳамқишлоқлардан тузилган катта бирлашма.
- б) Қариндош оиласлардан тузилган бирлашма.
- в) Савдо манфаатлари мос келган одамларнинг гурухи асосида барчасининг фойдаси учун тузилган расмий бирлашма.

3. Маслаҳат олишга кетган пул ...

- | | |
|--|---------------------------|
| а) Нотўри ишлатилган пул. | б) Бировнинг даромади. |
| в) Тадбиркорликка сарфланган тўғридан-тўғри чиқим. | г) Бехуда сарфланган пул. |



4-бўлим. Гендер тенглик

10-дарс: Конституция ва гендер тенглик.

11-дарс: Гендер роллар ва сифатлар.

12-дарс: Қирғизистонда гендер тенглик.

1. "Гендер" деган сўз нимани билдиради?

- а) Аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича умумий ижтимоий тушунча.
- б) Эркак билан аёлнинг жамиятдаги ўрни, хулқи, маданиятидаги фарқларни ифодалаган умумий ижтимоий тушунча.
- в) Эркакларнинг жамиятдаги ўрни, ҳуқуқлари ва маданияти тўғрисидаги умумий ижтимоий тушунча.

2. Жамият томонидан аниқланган, эркаклар, аёллар ва ўғил-қизларга тегишли деб ҳисобланган хулқ ва мажбуриятлар – бу ...

- а) Гендер дискриминация.
- б) Гендер муносабатлар.
- в) Гендер роллар.

3. Эркаклар билан аёлларнинг фуқаролик ва сиёсий соҳаларда тенг қўллаб-кувватлаш, ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиш ҳолати – бу ...

- а) Гендер тенглик.
- б) Гендер мувозанат.
- в) Гендер муносабатлар.

5-бўлим. СУВ

14-дарс: Сув, мактаб ўқувчилари учун санитария ва гигиена

1. Гигиена нима?

- а) Турмуш шароитлари ва меҳнатнинг одам саломатлигига таъсирини ўрганувчи ва касалликларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқувчи тиббиёт соҳаси.
- б) Одам организмининг ҳолати бўлиб, барча унинг органлари ва тизимларининг вазифалари ташқи муҳит билан мувофиқлашган ва қандайдир касаллик белгилари кўринмайди.
- в) Илмий гигиена ишлаб чиқадиган меъёрлар ва талабларни амалга оширишга йўналтирилган амалий чораларнинг йиғиндиси.

2. Санитария - бу... ?

- а) Одам организмининг ҳолати бўлиб, барча унинг органлари ва тизимларининг вазифалари ташқи муҳит билан мувофиқлашган ва қандайдир касаллик белгилари кўринмайди.
- б) Одам организмига касаллик қўзгатувчи паразитнинг кириб олиши.
- в) Илмий гигиена ишлаб чиқадиган меъёрлар ва талабларни амалга оширишга йўналтирилган амалий чораларнинг йиғиндиси.

3. Сувда малла ранг нимани билдиради?

- а) Лой, қум ва коррозия маҳсулотларининг борлиги.
- б) Сувда марганец борлиги.
- в) Сувда миснинг борлиги ёки сувнинг меъёрдан ортиқ кислоталилиги.



4. Сувни бевосита ифлослантирадиган қайси манбаларни биласиз?

- а) Ифлос сув, пашшалар, пестицидлар, гүнг ва ҳайвонларнинг жасадлари, ахлат, автомобилларни ювиш, кир ювиш, одамларнинг очиқ жойлардаги ахлати.
- б) Ювилмаган қўл, труба орқали келадиган сув, булоқлар, чашмалар, қудук.
- в) Уйлар қурилиши, автомашина таъмири, кучли шамол, туман.

5. Бактериялар юқтирадиган қайси ичак касалликлари сув билан тарқалади?

- а) Альвеококкоз, эхинококкоз.
- б) Ичбуруғ, диарея, вабо, ич терлама, “А” гепатити, гижжа қуртлар.
- в) Иккала вариант ҳам тўғри.

6. Қўлни совунлаб ювиш учун 4 асосий нозик лаҳзани сананг.

- а) Ҳожатхонадан кейин, чақалоқларнинг тагига солинадиган латтани алмаштиргандан сўнг, таом тайёрлашдан олдин, овқатланишдан ёки ўқувчиларни овқатлантиришдан олдин.
- б) Ҳожатхонадан олдин, овқатланишдан кейин, чақалоқларнинг тагига солинадиган латтани алмаштиришдан олдин, ҳар бир дарс танаффусидан кейин.
- в) Ҳожатхонадан олдин, мактаб формасини алмаштиргандан сўнг, ҳар бир дарс танаффусидан кейин, бурун қоқишдан аввал.

7. Норматив бўйича ҳожатхона билан сув ҳавзаси орасидаги масофа қанча бўлиши керак?

- а) 25 метр
- б) 20 метр
- в) 15 метр

15-дарс: Полизда сувдан тўғри фойдаланиш асослари**1. Сувдан фойдаланувчилар ассоциацияси (СФА) нима билан шуғулланади?**

- а) Фермер ва деҳқон хўжаликлари – СФА аъзоларига уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб сув етказиб беришни ташкил этади.
- б) Ичимлик сув билан таъминлайди.
- в) Жанжалларни ҳал қиласди.
- г) Ижтимоий масалалар билан шуғулланади.

2. Суғоришнинг қандай усусларини биласиз? (Санаб беринг).

_____.

3. Экин ҳаддан ташқари кўп суғорилса нима бўлади?

- а) Ҳеч нарса бўлмайди.
- б) Ўсимликларнинг касалликлари кўпайиб кетади.
- в) Ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлик пасаяди.
- г) Ўсимликлар кучли ўсади.

4. Суғоришнинг қандай иқлим омилларини биласиз?

- а) Ҳарорат, шамол, атмосфера ёғинлари, ҳаво намлиги.
- б) Ҳарорат, намлик.
- в) Тупроқ.
- г) Ёғинлар.



5. Сувдан самарали фойдаланишнинг қандай усулларини биласиз?

- а) Томчилатиб суғориш.
- б) Бостириб суғориш.
- в) Қисқа жўяклар олиб суғориш, иккинчи жўяқ орқали суғориш, ўзгарувчан оқим билан суғориш, томчилатиб суғориш.
- г) Ёмғирлатиб суғориш.

6-бўлим. Полизда ишлаш

16-дарс: Ер ресурсларини барқарор бошқариш

1. Гумус нима?

- а) Табиий ресурс.
- б) Ўсимликлар ва ҳайвонлар қолдиқларининг чириндисидан тупроқда ҳосил бўлган органик бирикмалар.
- в) Озиқ маҳсулоти.
- г) Ўсимликларда бўлади.

2. Озгина ёққан ёмғирдан эрозияга учраган тупроқнинг тури?

- а) Ҳеч қандай органик моддалари йўқ тупроқ.
- б) Оддий тупроқ.
- в) Бўз тупроқ.
- г) Қора тупроқ.

3. Азотли ўғитлардан йил сайин фойдаланиш ... олиб келади

- а) Ҳосилнинг яхши бўлишига.
- б) Даромаднинг кўпайишига.
- в) Тупроқнинг оксидланишига, тупроқдаги элементларнинг мувозанатсизлигига.
- г) Чиқимга.

17-дарс: Ердан рационал фойдаланиш ва компост тайёrlаш

1. Тупроқ деб нимага айтамиз?

- а) Органик ва ноорганик моддалардан иборат бўлган ернинг устки қисми.
- б) Оддий қум.
- в) Ноорганик моддалар.
- г) Органик моддалар.

2. Тупроқдаги ўсимликлар учун энг асосий озиқ моддалар қайсиilar?

- а) Азот, темир, магний.
- б) Фосфор, кальций, олтингугурт.
- в) Азот, фосфор, калий.



3. Тупроқни бойитадиган арzon ва самарали материал нима деб аталади?

- | | |
|--------------|----------|
| а) Компост. | в) Гүнг. |
| б) Гумус. | г) Ўғит. |

18-дарс: Полизда ишлаш

1. Полизни қандай ерга жойлаштириш керак?

- а) Қуёш нурлари етарли тушадиган ерга.
- б) Ўта иссиқ ерга.
- в) Салқин ерга.
- г) Шамол тегиб турадиган ерга.

2. Сифати тасдиқланмаган манбалардан янги уруғлик сотиб олмасдан, эски уруғликдан йил сайин фойдаланиш нимага олиб келади?

- а) Даромаднинг кўпайишига
- б) Чиқимларнинг озайишига
- в) Ҳосилдорликнинг камайишига
- г) Чиқимларнинг кўпайишига

3. Нима учун полизда ишлаган дехқон кундалик тўлдириб туриши зарур?

- а) Муваффақиятли тадбиркорлар кундалик тўлдиргани учун.
- б) Ҳисобот топшириш учун.
- в) Аввалги ютуқ ва камчиликларни эслаш, чунки у кейинги ишларни бажаришда эски хатоларни тақорламасликка ёрдам беради.
- г) Унутмаслик учун.

19-дарс: Сувдан самарали фойдаланиш

1. Тупроқдаги сув миқдори маълум дараҷада бўлиши керак. Ундаги сувнинг ўта ортиқча бўлиши ёки тупроқнинг ўта қуриб кетиши нимага олиб келади?

- а) Ўсимликтинг ўсиб кетишига
- б) Ўсимликтинг қуриб қолишига
- в) Ҳеч қандай таъсири йўқ
- г) Ўсимликларнинг бир қолипда ўсишига

2. Шўр сув сабзавотларнинг ҳосилдорлигини ... ?

- а) Юқорилатади
- б) Пасайтиради
- в) Таъсир этмайди
- г) Тупроқнинг шўрланишини оширади

3. Тупроқнинг қайси тури сув сақлаш хусусиятига эга?

- | | |
|----------------|-----------------------|
| а) Гил тупроқ | б) Юмшоқ қумли тупроқ |
| в) Қора тупроқ | |



7-бўлим. Замонавий хўжалик юритиш

20-дарс: Хўжалик хавфсизлиги

1. Хўжалик хавфсизлиги нимани англатади?

- а) Хўжаликни айлантириб ўраб, хавф соладиган ташқи кучлардан ҳимоялаш.
- б) Хўжаликдаги саломатлик ва фаровон турмушни таъминловчи тадбирлар.
- в) Хўжаликдаги саломатликни мустаҳкамловчи тиббий чоралар.
- г) Хўжаликдаги барча одамлар билан биргалиқда хўжалик хавфсизлигининг режасини тузиш.

2. Кимёвий дориларни сепаётганда қандай қоидаларга аниқ риоя қилиш зарур?

- а) Махсус мутахассисни чақириш, қўлга қўлқоп кийиш керак.
- б) Ҳимоя кийимини кий, шамолнинг йўналишига эътибор бер, дори сепилган ерни қайта босма.
- в) Дориларни махсус мутахассисни чақириб септириш керак.

3. Кимёвий моддаларнинг оқиб кетишини тўхтатиш учун қандай чоралар кўриш зарур?

- а) Оқимни тўғри ушлаб туриш, тўсиқ ясаш, тинимсиз мутахассисга мурожаат қилиш, ҳимоя кийимини кийиш.
- б) Мутахассисга мурожаат қилиш шарт.
- в) Тез орада полиздан чиқиб кетиш, никоб тақиши.

4. Бу қандай хавфдан огоҳлантирувчи белги?

- а) Эҳтиёт бўл, электр энергияси!
- б) Хавфли!
- в) Эҳтиёт бўл, заҳарли модда!



21-дарс: Ўсимликларни ҳимоялаш. Табиий дорилар

1. Ноорганик пестицидлар қайсилар?

- а) Магний, кальций, хлор.
- б) Бор, мис, олтингугурт
- в) Хлор, калий, магний

2. Укропни карам билан ўтқазса ...

- а) Сабзи пашшалари камаяди
- б) Капалак қуртлари озаяди
- в) Ўсимлик битлари камаяди

3. Пиёзни сабзи билан экса ...

- а) Ўсимлик битлари озаяди.
- б) Сабзи пашшаси озаяди.
- в) Капалак қуртлари озаяди.



4. Саримсоқ экилган ерларга ...

- а) Зааркунандалар йўламайди.
б) Касалликлар юқмайди.
в) Ҳосилдорлик юқори бўлади.

22-дарс: Ўсимликларни ҳимоялаш. Кимёвий дорилар**1. Асосан кўп фойдаланиладиган кимёвий дорилар қайсилар?**

- а) Пестицидлар, гербицидлар, фунгицидлар. б) Дуст.
в) Биолигнин, триходермин.

2. Фунгицидлар нимага қарши қўлланади?

- а) Замбуруғларга, касалликларга. б) Ҳашаротлар ва каналарга.
в) Бегона ўтларга.

3. Гербицидлар нимага қарши қўлланади?

- а) Ҳашаротлар, каналарга. б) Замбуруғлар, каналарга.
в) Бегона ўтларга.

4. Инсектицидлар ва акарицидлар нимага қарши қўлланади?

- а) Бегона ўтларга, касалликларга. б) Ҳашаротлар ва каналарга.
в) Замбуруғларга.

8-бўлим. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш**23-дарс: Сабзавотлар ўстириш****1. Сабзавотларнинг ўсишига ижобий таъсир этувчи омиллар – бу ...**

- а) Одамлар, бегона ўтлар, ҳашаротлар.
б) Ҳаво ҳарорати, сув, ўғитлар, табиий ва кимёвий дорилар.
в) Одамлар, ўғитлар.

2. Ўсимликка энг зарур ўғитлар қайсилар?

- а) Азот, фосфор, калий. б) Рух, мис, темир, хлор.
в) Хлор, марганец, магний.

3. Полиз нимани англатади?

- а) Фақат сабзавотлар етишириладиган ернинг бир қисми.
б) Доим ўзгариб турадиган ернинг бир қисми.
в) Моҳир мутахассис томонидан ишлаб чиқилган ернинг бир қисми режаси.

4. Тўғри овқатланиш учун одам неча марта мева ва сабзавотларни истеъмол қилиши керак?

- а) Асосан гўшт ва сут, мева ва сабзавотларни эса вақти-вақти билан.
б) Мева ва сабзавотларни кунига 8-9 марта.
в) Мева ва сабзавотларни кунига 3-4 марта.
г) Асосан нон ва бешбармоқ, мева ва сабзавотларни эса вақти-вақти билан.



24-дарс: Кartoшкa ўстириш

1. Агар уруғлик картошканинг ҳажми катта бўлса, уни кесиб экиш мумкинми?

- а) Қуриб қолади, ўсмайди.
- б) Касалликларга дош бера олмайди, ҳосилдорлиги пасаяди.
- в) Ўсади, яхши ҳосил беради.

2. Картошкани сугоришнинг энг самарали даври

- а) Янги гуллай бошлаганда.
- б) Энди ер бетига чиққанда.
- в) Гуллаш босқичининг тугаши олдидан.

3. Картошканинг асосий заараркунанда ва касалликлари колорадо қўнғизидан ташқари қуидагилар ҳисобланади ...

- а) Медведка, нематодалар (илдиз тизимидағи қуртлар), фитофтороз, макроспориоз ва бошқалар.
- б) Капалак қуртлари, битлар, қоракуя.
- в) Мева қуртлари, капалак қуртлари, картошкa бўртмаси.

4. Агар картошкани сотувга чиқараман десанг, нималарга эътибор беришинг керак?

- а) Қимматлаган пайтни пойла, эрта баҳорда сот.
- б) Катталиги, сифатига қараб маркетинг йўли билан сот.
- в) Сараламай, сифати ва сонига қара.

25-дарс: Мевали дaraohтларни парваришлаш ва буташ

1. Мевали дaraohтларни буташ қандай ижобий натижа олиб келади?

- а) Бир қолипда ўсади, яхши ҳосил беради, узоқ яшайди.
- б) Кўп ҳосил беради, яхши кўланка бўлади, чиройли кўринади.
- в) Кўп ҳосил беради, чиройли кўринади, ўтин кўп бўлади.

2. Қишининг қайси пайтида буташ яхши бўлади ва қайси қисмiga қувват киради?

- а) Кеч қишида, ёш шохларга.
- б) Қишида, ёш шохларга.
- в) Эрта қишида, ёш шохларга.

3. Ёзги буташни қачон бошлаш мумкин, қайси шохлари кесилади?

- а) Куртак боғлаганда, тик ва кучли шохлари кесилади.
- б) Куртак боғлашдан аввал, нимжон, касалланган ва синган шохлари кесилади.
- в) Дастребки барглар пайдо бўла бошлаганда, кучсиз, касалланган ва синган шохлари кесилади.

4. Буташнинг қандай турларини биласан?

- а) Ёнбошидан, остки шохларини кесиш.
- б) Сийраклаштирувчи, учидан, шакл берувчи кесиш.
- в) Сийраклаштирувчи, ёнбошидан кесиш.



9-бўлим. Чорвачиликни ривожлантириш

26-дарс: Хўжалигимдаги уй ҳайвонлари

1. Чорвачилик деб нимага айтилади?

- а) Бизнинг оиласидаги уй ҳайвонларини боқиш.
- б) Иқтисодий фойда олиш мақсадида уй ҳайвонлари билан хўжалик юритиш, уларни парваришилаш.
- в) Фермернинг кўплаб уй ҳайвонларини боқиши.

2. Энг юқори баҳоланувчи ёки одамлар гўшт сифатида фойдаланувчи мускуллар ҳайвонлар танасининг қайси қисмida жойлашган?

- а) Олдинги оёқларида, тўшида.
- б) Орқа қисмida, охирги қовурғасидан бошлаб орқа оёқларигача.
- в) Олдинги оёқлари ва бош қисмидаги ривожланган мускулларда.

3. Кавш қайтарувчи уй ҳайвонларининг қорни неча қисмдан иборат?

- а) 3: қатқорин, ичаклар, ўн икки бармоқли ичак.
- б) 2: йўғон ичак, қатқорин.
- в) 1: бўлинмайди

27-дарс: Замонавий чорвачилик тажрибалари

1. Сигирдан кўп сут соғиб олиш учун қандай озуқалар берилади?

- а) Серсув ўт.
- б) Дағал хашак
- в) Мувозанатлаштирилган рацион
- г) Ем, туз

2. Ҳайвонларнинг озуқасидаги асосий зарур моддалар.

- а) Минерал ва органик моддалар, сув.
- б) Пичан, оқсиллар.
- в) Ёғлар, углеводлар.

3. Қўй-эчкиларнинг жунини қачон қирқиш керак?

- а) Жунлари кирлаганда.
- б) Урғочилари туғиб, қўзи-улоқлар сут эма бошлаганда.
- в) Жуни яхши ўсган маҳалда.

4. Ҳайвонлардаги паразитларни ташувчилар қайсилар?

- а) Ҳашаротлар, турли қуртлар.
- б) Вируслар, бактериялар.
- в) Микроорганизмлар, турли яралар.



10-бўлим. Паррандачилик

28-дарс: Хўжалигимдаги уй паррандалари

1. Үй паррандаларидан қандай маҳсулот олиш мүмкін?

- а) Гүшт. б) Тухум
в) Пар, пат. г) Гүшт, тухум, пар, пат

2. Паррандаларда қайси аъзо бўлмайди?

3. Жүжі тұхумдан неча кунда чиқади?

29-дарс: Уй паррандаларини боқиш усуллари

1. Меъёр бўйича 1 квадрат метр ерга неча товуқ жойлашади?

3. Олти ойлик товуққа мөъёр бўйича бир кунда неча грамм ем керак?

3. Мөъёр бўйича товуқхонада бир лампочка неча квадрат метр ерни ёрита олади?

4. Қирғизистонда гүшт-тухум йүналишидаги товуқларнинг қандай зотлари бөкиласы?

- а) Родонит, Хай-Лайн, Ломан Сенди, Корал.
 - б) Қирғиз, Нью-Хемпшир, Род-Айленд, Кучин.
 - в) Кохинкин, Брама, Корниш.





ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ДЕҲҶОНЧИЛИҚДАГИ ЮТУҚЛАРИ

НАСИРАНБЕКОВ Чинтемир –

**К. Акиев номли ўрта мактабнинг кимё ўқитувчиси,
Қизилюлдуз қишлоғи, Жумғол тумани**



“Лойиҳа иш бошлагандан, Жунушева Роза иккимиз Жалолобод шаҳрида “Менинг сердаромад хўжалигим” (МСХ) дарслиги бўйича 4 кунлик тренингда қатнашдик. Тренингдан сўнг 4 ёрдамчи ўқитувчининг кўмагида ўқувчиларга дарс бердик. Дастрраб биз ўқувчиларга компост тайёрлашни ўргатдик. Шундан сўнг ўз ўйларида компост тайёрлаган 9-10-синф ўқувчиларига “Менинг сердаромад хўжалигим” китоблари топширилди. Ўқувчиларнинг буюртмасига кўра, уларнинг ҳар бирига 1 сотих ерга етадиган миқдорда уруғлик бердик. Ўз томорқасида сабзавот етиштирган ҳар бир ўқувчи 6000-13500 сўм миқдорида соғ фойда олишга эришди. Мактаб бўйича умумий даромад 204071 сўмни ташкил қилди. Ўқувчиларнинг сабзавот етиштириш бўйича кўникмалари ортиб, уларнинг мазкур ишга бўлган қизиқишлиари кучайди. Бизнинг бу соҳадаги мудаввафикацияларимиз эътибор қозониб, лойиҳа доирасида Жалолобод қишлоқ маслаҳат хизматининг кўмагида ўқувчи ва ўқитувчилар, мактаб учун 5 та оддий иссиқхона барпо этилди. Иссикхоналарда томчилатиб суғориш жорий қилинди. Илгари телевизорда кўриб, мажлисларда эшитган инновацион технологияларни бугун биз МСХ лойиҳаси туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уларни суғоришда фойдаланяпмиз. Сабзавот етиштириш билан ўқувчиларнинг меҳнатга бўлган кўникмаси ортиб бормоқда. Яна шуниси қувончлики, бу жараёнда қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги муносабатнинг яхши томонга ўзгаргани кузатиляпти.

Мактаб иссиқхонасига Жумғол туман давлат маъмуриятининг бошлиғи учта қишлоқ бирлашмаси етакчиси билан биргалиқда ташриф буюриб, иссиқхона имкониятлари ва томчилатиб суғоришнинг афзалликларини ўз кўзи билан кўрди. Ўқувчиларимиз ота-оналари билан биргалиқда қишлоқда янги иш ўринлари яратиш имкониятларини қидириб топмоқдалар”.

Насиранбеков Чинтемир МСХ лойиҳасини амалда жорий этиш ишига катта улуш қўшяпти. У бу йил ҳажми 21 кубометрга тенг компост тайёрлади. Шунча миқдордаги компост 40 сотих ернинг ҳосилдорлигини оширишга етади.

НУРМАТОВА Нафиса -

**А. Атамов номли ўрта мактабнинг
математика ўқитувчиси, Оққўрғон
қишлоғи, Олабуқа тумани**



Ўтган йили мен 4 нафар ўқувчи қизни ёнимга олиб, картошканинг Алегрия навини эқдим. Бунинг учун 150 килограмм уруғлик сарфлаган бўлсақ, олинган ҳосил 1500 килограммни ташкил қилди. Демак, ҳар килограмм уруғлик ўзидан 10 баравар кўп ҳосил берди.

Бу йил 3 сотих ерда помидорнинг Султон - F-1 навини етиштиряпмиз. Турмуш ўртоғим Элдор акам икковимиз Олабуқа туманидаги 7 та болалар боғчасига сабзавот етказиб бериш бўйича тендерни ютиб олдик. Биз боғчаларга сабзи, картошка, карам, булғор қалампири ва ошкўк етказиб бермоқчимиз.

МСХ менга ўқувчиларни амалий ишга ўргатиш ва бозор иқтисодиёти даврида оилавий бизнесни ривожлантириш имконини берди. Биз маркетинг асосларини амалда, Олабуқа шароитига мослаб ўзлаштириб боряпмиз.



ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ДЕҲҖОНЧИЛИҚДАГИ ЎТУҚЛАРИ

СООДОНБЕКОВА Бактигул – Тўғизтўра тумани Казарман қишлоғидаги А. Абдраимов номли ўрта мактаб математика ўқитувчиси

МСХ лойиҳаси билан 2014 йилдан бери ишлайман. Даствори Жалолобод Қишлоқ маслаҳат хизмати базасида 4 кунлик тренингда қатнашдим. Ҳозир мактабда 60 ўкувчи ўқимоқда. Ўтган йили уларнинг умумий даромади 86 675 сўмни ташкил қилган.

Биз ўкувчиларни МСХ бўйича ҳафтасига бир марта ўқитамиз. Улар коспост тайёрлашди, китоблар ва сифатли уруғлик олишди.

Даствори албатта компост тайёрлаш бўйича топшириқ бўлган эди. Бироқ, мен Тўғизтўрада компостнинг нима кераги бор, унингиз ҳам ерларимиз қоратупроқли, деб эътиroz билдирам. Энди эса полизларда компостлар тайёрлаб ва уларни қўллаб, мўл ҳосил ва фойда кўряпмиз. Энди эса ўкувчилар ва ўқитувчилар ўртасида оммавий равишда тарқалмоқда.

Мен ўйлайманки, 5-синфни тамомлагандан кейин болаларга полизни квадратчаларга бўлиб бериш керак, майли, улар бирор нарса экишиб, даромад олишсин, режалаштириш, таҳлил қилишни ўрганишсин. Иссикхона куриш пайтида қизиқувчи ўкувчилар иштирок этишсин ва барча ишларни ўз кўзлари билан кўришсин. Илгари бизнинг Казарманда умуман иссиқхона бўлмаган. Бу биз учун янгилик эди. Май ойида бодринг этиштириш ва сотиш – бу биз учун эртак эди. Кеча мен 35 кг бодрингни 55 сўмдан сотдим. Маҳаллий дўконлар 70 сўмдан сотишяпти, олиб келинганлари эса 55-60 сўмдан. Бизнинг аҳоли маҳаллий маҳсулотларни яхши сотиб олади. Бугун мен маҳаллий кафе ходимлари билан келишиб олдим, улар бодрингни бозор баҳосида, яъни 60 сўмдан сотиб олишадиган бўлди.

Ҳозир Тўзистўрада яшовчи фуқаролар менинг иссиқхонамга тез-тез келиб турибди. Яқинда туман ҳокими, вилоят давлат маъмуриятининг вакили ва туман Хотин-қизлар Кенгаши ходими келишди. Улар мени Қирғизистон Хотин-қизлар Конгрессининг Ёрлигига тавсия этишди.



ТОШЕВА Наргиза - А. Навоий номли ўрта мактабнинг биология ўқитувчиси, Исфана шаҳри



Биз МСХ лойиҳасига 2014 йилда қўшилганмиз. Ўтган вақт мобайнида 8-10-синфларнинг 200 дан ортиқ ўкувчисини ўзбек, қирғиз ва рус тилларида ўқитишга улгурдик. Уларнинг кўпчилиги компост тайёрлашни ўрганиб, уч тилдаги дарслеклар билан таъминланди.

Ўкувчилар компостнинг афзаллуклари ва сифатли уруғликка таянган ҳолда мўл ҳосил олдилар. Бир сотих ердан олинган даромад 1400-4000 минг сўм атрофида бўлди.

Бу йил мактабимизда илк бор 2 та кичик иссиқхона қурилиб, томчилатиб суғориш тизими жорий қилинди.

МСХ ўкувчиларнинг билим доирасини кенгайтириш, амалий кўнижмаларини ошириш орқали уларни мустақил ҳаётга тайёрламоқда.



ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ДЕҲҶОНЧИЛИКДАГИ ЮТУҚЛАРИ

АЛТИНБЕК қизи Айсулуу – Ахси тумани Кербен шаҳридаги Н.Мамбетов номли ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси

МСХ бўйича ўқиб, компост тайёрлаш, картошка ва помидор ўстиришни ўрганиб олдим. 1 сотих ердан 6600 сўм даромад олдим. Бу йил иссиқхонада помидор ўстирияпман. МСХ менда жуда катта қизиқиш уйғотди, шу сабабдан аграр университетига ўқишга киришни режалаштиряпман, яхши агроном бўлмоқчиман.

Базарбаева Рахат, онаси: "Айсулуу МСХ бўйича ўқий бошлиганда биз унга атайлаб полиздан 1 сотих ер ажратиб, атрофини ўраб бердик. У амалий билимларга эга бўлиб, полизда сабзавот экинларини ўстириш билан банд бўлаётганидан хурсандман. Айсулуунинг меҳнатини кўрган укаси, 8-синфда ўқийдиган Кубаничбек ҳам меҳнат қилишга қарор қилди. Биз унга 10 сотих ер ажратиб бердик. 490 сўмга уруғликка маккажӯҳори сотиб олдик. Ҳозир у ўзининг полизидаги экинларни парвариш қиласпти".



БОЛОТБЕКОВ Салават - Тўғизтўра тумани Казарман қишлоғидаги “Макмал” ўрта мактабининг 9-синф ўқувчиси

Кузда 4x1 м ўлчамида компост тайёрладим, кейин МСХ китобини олдим. Ўтган йили ойим МСХни жорий этиш бўйича лойиҳада ишлади. Ўшанда у билан мен сабзавот кўчатларини ўстириш учун парник тайёрлаш бўйича тренингда қатнашдим. Бу йил мен уруғлик олдим, ота-онам ҳам Жалолобод Қишлоқ маслаҳат хизматидан сифатли уруғликлар сотиб олди. Баҳорда парник тайёрлаб, қарам, болгар қалампири, помидор кўчатларини ўстирдик.

Ҳозир 0,5 сотих ерда "Санте" навли картошка, 0,5 сотихда помидор, қарам ва болгар қалампири ўстирияпман. Полизларда компостдан кенг фойдаландик, натижада бегона ўтлар йўқ, кўчатлар авж олиб ўсяпти. Ҳозир полизда эски компостни ишлатяпмиз, келгусида фойдаланиш учун бошқа янги компост тайёрлаб қўйдик. Менинг ҳаракатларим ва меҳнатимни кўрган синфдошларимда ҳам полизга қизиқиш кучайиб бормоқда. Энди менда илгаригидек кўчада ишсиз дайдиб юришга бўш вақт йўқ.



ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ДЕҲҶОНЧИЛИКДАГИ ЎТУҚЛАРИ

ТЕШАБОЕВА Хуморайхон – Аравон тумани Чекобод қишлоғидаги М. Улуғбек номли ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Ўқитувчиларимизга раҳмат, улар бизга компост тайёрлашни ўргатиши, сўнг МСХ китобини олдик. Улар баҳорда сифатли уруғликлар бериши. Бунгача ўйимизда 50 м² дан иккита иссиқхона бор эди. Менинг харакатларимни кўрган дадам битта иссиқхонани берди, лойиҳа бўйича томчилатиб сугориш тизимини олдим. Очигини айтишни хоҳлайман, илгари полиз ишлари билан шуғулланишини учналиқ яхши кўрмас эдим. Биринчи йили бодринг эккандан кейин менда бу ишга қизиқиш пайдо бўлди. Иссиқхона ҳосилни турли об-ҳаво шароитларида ҳам сақлашга ёрдам беради. Ҳамқишлоқларим ҳар доим селитра ва бошқа минерал ўғитларни сотиб олишади. Биз эса селитра ўрнига компост тайёрлаш ва уни амалда қўллашни ўргандик. Бу йил ҳам тайёрладик, ҳатта келаси йил учун заҳираси билан. Етиштирган бодрингларни сотиб, оиласиз бюджетига ўз ҳиссамни кўшяпман. Яна биз даромадлар ва сарф-харажатларни ҳисоблашни ҳам ўргандик.

2015 йили 6890 сўм даромад олдим, бу йил эса 30195 сўм.

Бу йил мактабни тамомладим, кўп пул керак бўлди, лекин ота-онамдан пул сўрамадим. УРТ бўйича 130 балл тўпладим. Ўшдаги олий ўқув юртларининг бирига ўқишига киряпман. Келгусида лойиҳаларда ишлашни режалашибтиряпман. Ҳамма нарсага қандай қилиб улгуряпсан, деб кўп сўрашади. Бунинг учун мен МСХдан миннатдорман. У менга кўпроқ масъулиятли бўлиш, вақт ва имкониятларни қадрлашни ўргатди. Бошқа тенгдошларим қатори ўзимга телефон сотиб олдим. Лекин менда ижтимоий тармоқларга киришга вақт йўқ, чунки ўқиш ва МСХ билан бандман. МСХ менга ўз имкониятларимни очиш ва ўқувчи бўла туриб пул ишлаб топиши ўргатди. Ота-онам билан маслаҳатлашиб, дизайннерлик факультетига ўқишига киришга аҳд қилдим ва келгусида олган барча малака ва билимларимни кенгайтираман ва улардан фойдаланаман. МСХни ўқирканман, мактаб ижтимоий ҳаёти ва оиласизга ҳисса қўшмоқдаман, шунингдек, пул ишлаб топарканман, ўз ота-онамнинг мен учун қадр-қиммати, меҳнати ва аҳамиятини тушуна бошладим.



ХОЛИКОВА Фотима - Қадамжой тумани Холмиён қишлоғидаги Тўқтағул номли ўрта мактабнинг 10-“А” синф ўқувчиси

Илгари мен полизга қизиқмас эдим. Бизга МСХни ўқита бошлашгач, менда полизда сабзвот экинларини ўстиришга қизиқиш пайдо бўлди. Айни дамда карам, помидор, болгар қалампири ўстирияпман. Менинг участкам 200 м² жойни эгаллайди. Помидорни маккажӯхори билан бирга

ўстираман. Маккажӯхори помидорга кўланка ва таянч бўлади. Иккала экин қўшилиб, бир-бирини тўлдириб ўсади. Ўтган йили октябрь ойида компост тайёрладим, бу йил уни полизда ишлатдим, помидор, карам ва болгар қалампиридан сифатли уруғлик олдим. МСХ китобини ўқиб, полизни парвариш қиляпман.

Фотиманинг онаси Малика Сирохидинова лойиҳани кўллаб-кувватлайди, полизда компостдан фойдалангач, тупроқ юмшаб, кетмонда осон чопилиши, намликни узоқроқ сақлашини сезди. Сабзвотларнинг ўсиши ва ривожланиши сезиларли даражада яхшиланди.



**КОРОБЧЕНКО Сергей –
Оқсув тумани Отрадное қишлоғидаги М. Калиев
номли ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси**



МСХда сифатли уруғлуклар тайёрланади. Ўтган йили 25 м² ерга сабзи экдим ва 180 кг ҳосил олдим. Кузда 15 сүмдан сотиб, қолган қысмини қишда Қорақұл шаҳар бозорига олиб бориб пулладим. Шунингдек, бир жүйкка әртаки лавлаги экиб, икки қоп ҳосил олдик ва бутун оиласиз билан йил давомида истеъмол қилдик.

Бу йил эса 20 м² ерга иссиқхона қурдим. Дастрлаб күкатлар, редиска, петрушка уруғларини сепдим. Шундай қилиб үзимизни, қариндошларни ва құшниларни күкатлар билан таъминладик ва 1000 сүмлик маҳсулот сотиши ҳам эришдик. Иккинчи ҳосилга эса бодринг уруғини экдик ва май ойидан лавлагини ковлаймиз ҳамда серсув бодрингларни узамиз. Уларни ҳам Қорақұл шаҳар бозорида одатдаги нархдан ҳар килосини 10-20 сүмдан құмматига сотамиз. Бу шу нарасага боғлиқки, ҳозир күпчилик истеъмолчилар органик маҳсулотларни қадрлайдиган бўлди.

**НУРДИН қизи Айнур –
Жетиүғиз тумани Жүнбулоқ
қишлоғидаги А. Курманбеков номли
ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси**

МСХ – бизни меҳнатга ўргатувчи лойиха. Мен илгари полизда қандай әқинлар үсишини ҳам билмасдим, чунки у ерда доим отам билан онам ишларди. МСХ лойихаси ёрдамида мен ўз еримга шахсан экаман, үстираман ва ҳосилни йиғиштириб оламан. Ўтган йили полизга 224 дона бодринг уруғи экиб, 570 кг ҳосил йиғиштириб олдим. Қишига 70 литр бодринг тузладик.

Бу йил 40 м² ерга иссиқхона қурдик. Иссиқхона қишлоғимиз учун янгилик ва июнь ойининг ўрталарига қадар ҳар килосини 60-80 сүмдан 67 кг бодринг сотдим. Иссиқхонада тарози ва пакетлар бор. Харидор келади, мен дарров полизга кириб, бодринг узиб чиқаман ва тарозининг устида пулинин оламан. МСХнинг маслаҳатлари менга реал даромад олиб келяпти.

**УРУНБАЙ қизи Ноорузгул –
Лайлак тумани Қулунда қишлоғидаги
Мақсат номли ўрта мактабнинг 9-синф
ўқувчиси**



МСХ дарсларини бизга география ўқитувчиси Алижон Худойбердиев ўтади. Синфдошларим ўртасида компост тайёрлаш бўйича мусобақа бўлди. Лойиҳагача биз ҳатто компост нима эканлигини ҳам билмаган эдик.

Биз сифатли уруғлуклар олдик. Мен ўз полизимга “Скифф” навли помидор, “Шантане F-1” навли сабзи экдим. Тайёрланган компостни полизга олиб чиқиб ишлатдим. Энг қизиги шундаки, лойиҳагача биз янги гўнгдан фойдаланганимизда полизимизни жуда кўп бегона ўтлар ва касалликлар босиб қолган эди. Энди эса бегона ўтларни топа олмайсиз. Құшнilar, қариндошлар полизимни кўриб, улар ҳам компост тайёрлай бошлишди. Лойиҳада фаол қатнашганим учун менга томчилатиб сугориш тизимини ўрнатиб беришди. Бу биз учун ажойиб янгилик эди. Биз бирор марта ҳам томчилатиб сугоришни кўрмаган эдик. Бу тизим бизнинг қишлоғимизга жуда керак. Чунки қишлоғимизда сув танқис, иқлим иссиқ.



**СУЛТАНОВ Дастан -
Жумғол тумани Минкуш шаҳар
типидағы посёлкасидаги Жусуп
Сари үғли номли ўрта мактабнинг
9-синф ўқувчиси**

Бизнинг Минкуш посёлкамиз денгиз сатхидан 2000 ва ундан юқори метр баландликда жойлашган. Илгари бу ерда фәқат картошка ўстирилар эди. МСХ бўйича мен ўтган йили сабзи, лавлаги ва картошка етиштирдим. Бу йил эса 24 m^2 ерга иссиқхона қурдим.



Минкушда илгари иссиқхонада 20 майга қарата бодринг пишмаган. Посёлка учун буни рекорд натижка дейиш мумкин. Иссиқхоналарда сабзавотларни ўстириш полиздагига қараганда анча тер тўкиб меҳнат қилишни талаб этади. Мен иссиқхоналарда сабзавот ўстиришга кўпроқ қизиқдим. Менинг иссиқхонамда бутун оиласиз билан ишлаймиз. Қўшнилар, синфдошлар ва ҳатто ҳамқишлоқлар келиб иссиқхонамни кўришади ва уни қандай қурганим ҳамда қандай қилиб сабзавот ўстириш ҳақида сўрашади.

Менинг орзуим – лойиҳа ўз ишини тугаллагандан кейин тўхтаб қолмасдан, аксинча, сабзавотчиликни ҳамқишлоқларим ўртасида кенг ёйиш. Келгусида ўзимизнинг кичкинагина шаҳарчамизни ўзимиз сабзавот билан таъминлаймиз. Ўйлайманки, йигитларимизга меҳнат қилиш учун имкониятлар бор. Улар ишлаб пул топиш учун узок ўлкаларга кетмай, ўз юртимизда қишлоқ хўжалигини кўтариб ёки шахсий томорқасидан ҳам оқилона фойдаланиб, яхши даромад олиши мумкин.

Шунингдек, қизларимиз ҳам дехқончиликни яхши билишади. Улар турли сабзавотлар ўстириб, ўз яқинларини органик тоза ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлайдилар.



**СРАДИНОВА Назира -
Жумғол тумани Қизилжилдиз
қишлоғидаги М. Акиев номли
ўрта мактабнинг
11-синф ўқувчиси**

Ўтган йили 1 сотих ерда сабзавот ўстириб, 7925 сўм микдорида даромад олдим. Бу йил бизнес-режа тузиб, 40 m^2 ерга оддийгина иссиқхона қурдим ҳамда 5 қатор бодринг ва 1 қатор помидор экдим.

Ҳамқишлоқларим ҳали сабзавот экишни ҳам бошламай туриб, менинг бодрингларим пишиб етилди. Май ойининг бошидан июннинг ўрталаригача 6200 сўмлик бодринг сотишига улгурдим.

Илгари полиз билан фәқат ота-онам банд бўларди, энди эса ўзим мустақил равишда шуғулланяпман. Мен полизда 20 m^2 ерга плёнка остида помидор ўстириб, тажриба ўтказдим. Ҳозир кўчатлар эркин ривожланиб, қўшниларникига қараганда бир ойга илгари ўсмоқда. Бу қишлоғимиз учун янгилик ҳисобланади. МСХ мени меҳнат, жавобгарликни сезиш ва ўз вақтимни режалаштиришга, шунингдек, тажрибалар ўтказишга ўргатди.



МАНЗИЛЛАР:

Жалолобод минтақавий Қишлоқ маслаҳат хизмати

Манзили	Қырғыз Республикаси, Жалолобод шаҳри, Курманбек құ八大, 10
Телефон	(996 3722) 5-09-11
Факс	(996 3722) 5-01-56
Электрон почта	rasja@rasja.kg
Веб-сайт	www.rasja.kg
Менежер	Жойболотов Сиргабек Токтосунович
Ходимлар сони	32
Ташкил этилган йили	1999
Офислари	Ахси, Олабуқа, Бозорқүрғон, Новкент, Сузок, Түктүүл, Чотқол туманларида
Хизматлари	Қишлоқ хўжалиги бўйича ўқув ва маслаҳат хизматлари
Тармоқлари	Агрономия, чорвачилик, фермер иқтисодиёти ва гендер, менинг сердаромад хўжалигим, ирригация, кичик кредитлар бериш, ижтимоий сафарбарлик – ўзаро ёрдам гурухларини тузиш, нодавлат ташкилотларнинг ривожланиши

Чуй-Толас вилоятлари Қишлоқ маслаҳат хизмати

Манзили	Қырғыз Республикаси, Бишкек шаҳри, Гражданская құ八大, 43/1, 1-қават
Телефон	(996 312) 36-55-67
Факс	(996 312) 36-61-17
Электрон почта	raschui@ktnet.kg; chui_talas@mail.ru
Менежер	Бердалиев Шерип
Ходимлар сони	39
Ташкил этилган йили	2002
Офислари	Чуй ва Толас вилоятларининг барча туман марказларида
Хизматлари	Қишлоқ аҳолиси, фермерлар, фермер хўжаликлари, ассоциациялари ходимларини ўқитиш
Тармоқлари	Қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш, маркетинг, иқтисодиёт, агробизнес, экология, тупроқ ва сув ресурсларини бошқариш



**Иссиққұл вилояти
Қишлоқ маслаҳат хизмати**

Манзили	Қырғыз Республикасы, Қорақұл шаҳри, Кравцов күчаси, 208
Телефон	(996 3922) 7-04-58
Факс	(996 3922) 7-06-19
Электрон почта	rasik@ktnet.kg
Менежер	Шамиев Салтанат Мусаевич
Ходимлар сони	25
Ташкил этилган йили	1999
Офислари	Оқсув, Жетиүғуз, Тұн, Иссиққұл ва Тұп туманларыда
Хизматлари	Қишлоқ хұжалиги бүйича маслаҳат хизматлари
Тармоқлари	Маркетинг, іқтисодиёт, чорвачилик, агрономия, гендер

**Норин вилояти
Қишлоқ маслаҳат хизмати**

Манзили	Қырғыз Республикасы, Норин шаҳри, Ленин күчаси, 103 "3"
Телефон	(996 3522) 5-09-54, 5-09-84
Факс	(996 3522) 5-06-99
Электрон почта	rasna@ktnet.kg
Менежер	Болбаев Бакит Усенович
Ходимлар сони	15
Ташкил этилган йили	1999
Хизматлари	Қишлоқ хұжалиги бүйича маслаҳат хизматлари
Тармоқлари	Маркетинг, іқтисодиёт, чорвачилик, агрономия, гендер

**Үш вилояти
Қишлоқ маслаҳат хизмати**

Манзили	Қырғыз Республикасы, Үш шаҳри, Масалиев күчаси, 47 "A"
Телефон	(996 3222) 8-81-18
Факс	(996 3222) 8-81-07
Электрон почта	oshras@mail.kg
Менежер	Токтосунов Сапарбек Токтосунович
Ходимлар сони	40
Ташкил этилган йили	1999
Офислари	Новқат, Қорасув, Олай, Үзган, Қорақулжа, Чүнголай, Аравон туманларыда
Хизматлари	Қишлоқ хұжалиги бүйича маслаҳат хизматлари
Тармоқлари	Маркетинг, іқтисодиёт, чорвачилик, агрономия, гендер



Боткен вилояти Қишлоқ маслаҳат хизмати

Манзили	Қирғиз Республикаси, Боткен шаҳри, Т. Садиков кў八大, 38
Телефон	(996 3622) 5-04-42
Факс	(996 3622) 5-03-84
Электрон почта	rasbatken@gmail.com
Менежер	Эсеналиев Шабидин
Ходимлар сони	19
Ташкил этилган йили	2002
Офислари	Қадамжой ва Лайлак туманларида
Хизматлари	Қишлоқ хўжалиги бўйича ахборот ва ўқув, қайта ишлаш ва маслаҳат хизматлари
Тармоқлари	Қишлоқ хўжалиги

“АГРОЛИД” жамоатчилик бирлашмаси

Манзили	Қирғиз Республикаси, Бишкек шаҳри, Огонбаев кў八大, 155
Телефон	(996 312) 66-08-18
Уяли телефон	(996 312) 66-08-18
Электрон почта	agrolead@agrolead.org
Веб-сайт	http://www.agrolead.org
Менежер	Гульназ Касеева
Аъзолар сони	14 штат ходимлари, 20 жалб этилганлар
Ташкил этилган йили	2009
Хизматлари	<ul style="list-style-type: none"> • Таълим бериш; • Маслаҳатлашиш; • Ахборот етказиш. <p>Бошқалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва етказиб бериш бўйича воситачилик хизматлари; • Тадқиқотлар ўтказиш; • Агроаптекалар хизматлари; • Сифатли уруғлик материаллари билан таъминлаш; • Маҳсулот ҳосилдорлигини прогнозлаштириш; • Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш; • Қишлоқ хўжалиги экинларини апробация қилиш.
Фаолият соҳалари	Қишлоқ хўжалиги, ЦДСни ривожлантириш, иқтисодий аҳволни яхшилаш.

“Мехр-шафқат” жамоатчилик фонди

Манзили	Қирғиз Республикаси, Ўш вилояти, Аравон тумани, Аравон қишлоғи, Тошматов кў八大, 23
Телефон	(996 3231) 2-27-74, 2-62-65
Факс	(996 312) 36-61-17
Электрон почта	mehrshavkat@mail.ru
Менежер	Тивалдиева Махарам Холдаровна
Аъзолар сони	30
Ташкил этилган йили	1997
Хизматлари	Қишлоқ хўжалиги бўйича маслаҳат хизматлари, лойиҳаларни амалга ошириш, маҳаллий ташкилотларни ривожлантириш, ўқув ва агроХизматлар
Тармоқлари	Нодавлат ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, хусусий шахслар, фуқаролик жамияти



Үқув, маслаҳат ва инновация маркази

Манзили	Қирғиз Республикаси, Бишкек шаҳри, Гражданская кўчаси, 43/1
Телефон/факс	(996 312) 36-55-67, 36-55-69
Электрон почта	taic@taic.kg
Веб-сайт	www.taic.kg
Менежер	Карасартов Шайибек Тентимишович
Ходимлар сони	13
Ташкил этилган йили	2002
Хизматлари	Үқув, нашр ишлари, маслаҳатлар, кутубхона, инновацияларни бошқариш
Тармоқлари	Қишлоқ хўжалигининг барча йўналишлари

“Мўл тушум” кооперативи

Манзили	Қирғиз Республикаси, Боткен шаҳри, Султанмурат мингбоши кўчаси, 14
Телефон	(996 3622) 6-07-25
Уяли телефон	(996 777) 06-83-77
Электрон почта	abdirashit@mail.ru
Менежер	Халмурзаев Абдирашит Назирбекович
Аъзолар сони	2005
Ташкил этилган йили	2004
Офислари	Боткен, Исфана, Қадамжой
Хизматлари	Сифатли уруғликлар, ўғит, пестицидлар, ветеринария дорилари, мева ва сабзавотларни дорилаш ва қайта ишлаш бўйича хизматлар

“TES-марказ” үқув ва маслаҳат хизматлари маркази

Манзили	Қирғиз Республикаси, Ўш шаҳри, Петров кўчаси, 33 “Е”
Телефон	(996 3222) 5-42-26, 4-31-98, 4-32-53
Факс	(996 3222) 4-30-95; (996 772) 54-04-03
Электрон почта	tes@tes-centre.org
Веб-сайт	www.tes-centre.org
Менежер	Насирова Айнагуль Джанибаевна
Аъзолари	24
Ташкил этилган йили	1999
Хизматлари	Фермер хўжаликлари учун маслаҳат хизматлари ва үқув, маркетинг, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ўсимликларни ҳимоялаш
Тармоқлари	Қишлоқ хўжалиги, агробизнес



1. Тадбиркорликнинг биринчи тармоғи:

Картошка
ўстириш
4 сотих ерга

1.1. Барча сарфларнинг йиғиндиси:

№	Сарфларнинг номи	Сотиб олиш вақти	Сони/ўлчов бирлиги билан	Бирлик йиғиндиси (сўм)	Жами йиғинди (сўм)
1	Уруғлик	Апрель	120 кг	33	3960
2	Дори	Апрель/май	1 пакет	400	400
3	Трактор хизмати	Апрель	1 марта	300	300
4	Селитра	Май/июль	1 мавсум	600	600
5	Қоп	Сентябрь	24 дона	10	240
6	Транспорт	Октябрь	1 марта	500	500
Жами:					a) 6000

1.2. Мурожаат этувчининг шахсий сарфлари йиғиндиси:


№	Сарфларнинг номи	Вақти	Сони/ўлчов бирлиги билан	Бирлик йиғиндиси (сўм)	Жами йиғинди (сўм)
1	Дори	Апрель	1 марта	400	400
2	Селитра	Май/июль	1 мавсум	600	600
3	Транспорт	Октябрь	1 марта	500	500
Жами:					b) 1500

1.3. Даромаднинг йиғиндиси:

№	Даромад манбалари	Сотиш вақти	Сони/ўлчов бирлиги билан	Бирлик йиғиндиси (сўм)	Жами йиғинди (сўм)
1	Картошка	Октябрь	1200 кг	15	18000
Жами:					b) 18000



1.4. Зарур кредитнинг йиғиндиши:



Кредитни қайтариш учун зарур вакт: ой/муҳлат



5	6	7
---	---	---

(айлантириб қўйинг)

1.5. Пул маблағлари режалаштирилган ҳаракатининг графиги:

№	Ойлар	Кредитнинг йиғиндиши	Ўзининг ҳиссаси	Даромад	Сарфлар		
					Иш тармоғи	Кредитнинг асосий йиғиндиши	Фоизли устама 2%
1	Апрель	4500	1500		4260		135
2	Май				400		135
3	Июнь				600		135
4	Июль						135
5	Август						135
6	Сентябрь				240		135
7	Октябрь			18000	500	4500	135
	Жами:	4500	1500	18000	6000	4500	д) 945

Даромад:



2. Тадбиркорликнинг иккинчи тармоғи:

Сабзи
ўстириш
3 сотих ерга

2.1. Барча сарфларнинг йиғиндиси:

№	Сарфларнинг номи	Сотиб олиш вақти	Сони/ўлчов бирлиги билан	Бирлик йиғиндиси (сўм)	Жами йиғинди (сўм)
1	Уруғлик	Апрель	0,18 кг	3600	648
2	Экиш	Апрель	1 марта	200	200
3	Суғориш	Май/сентябрь	1 мавсум	50	50
4	Селитра	Май/сентябрь	2 марта	100	200
5	Дори	Июнь/июль	1 марта	162	162
6	Қоп	Август	10 дона	10	100
7	Транспорт	Октябрь	3 марта	200	600
8	Бозор ўрни	Октябрь	2 кун	20	40
Жами:					а) 2000

2.2. Мурожаат этувчининг шахсий сарфлари йиғиндиси:

№	Сарфларнинг номи	Вақти	Сони/ўлчов бирлиги билан	Бирлик йиғиндиси (сўм)	Жами йиғинди (сўм)
1	Транспорт	Октябрь	500	500	500
	Жами:				б) 500

2.3. Даромаднинг йиғиндиси:

№	Даромад манбалари	Сотиш вақти	Сони/ўлчов бирлиги билан	Бирлик йиғиндиси (сўм)	Жами йиғинди (сўм)
1	Сабзи	Октябрь	850 кг	7	5950
	Жами:				в) 5950



2.4. Зарур кредитнинг йигиндиси:




Кредитни қайтариш учун зарур вақт: ой/муҳлат

5	6	7	(айлантириб қўйинг)
---	---	---	---------------------

2.5. Пул маблағлари режалаштирилган ҳаракатининг графиги:

№	Ойлар	Кредит- нинг йигин- диси	Ўзининг хиссаси	Даро- мад	Сарфлар		
					Иш тармоғи	Кредитнинг асосий йигиндиси	Фоизли устама 3%
1	Апрель	1500	500		648		50
2	Май				200		50
3	Июнь				50		50
4	Июль				200		50
5	Август				162		50
6	Сентябрь				100		50
7	Октябрь			5950	640	1500	50
Жами:		1500	500	5950	2000	1500	д) 350

Даромад:



1. Тадбиркорликнинг биринчи тармоғи:

Карам
ўстириш
3 сотих ерга

1.1. Барча сарфларнинг йигиндиси:

№	Сарфларнинг номи	Сотиб олиш вақти	Сони/ўлчов бирлиги билан	Бирлик йигиндиси (сўм)	Жами йигинди (сўм)
1	Кўчат	Март/апрель	1500 дона	0.60	900
2	Трактор хизмати	Апрель/май	1 марта	300	300
3	Дори	Май/июнь, июль	0.18 г	3000	540
4	Селитра	Май/июль	2 марта	300	600
5	Қоп	Август	20 дона	10	200
6	Транспорт	Август/октябрь	4 марта	115	460
Жами:					а) 3000

1.2. Мурожаат этувчининг шахсий сарфлари йигиндиси:

№	Сарфларнинг номи	Вақти	Сони/ўлчов бирлиги билан	Бирлик йигиндиси (сўм)	Жами йигинди (сўм)
1	Дори	Май	1 марта	90	90
2	Қоп	Август	20 дона	10	200
3	Транспорт	Октябрь	4 марта	115	460
	Жами:				б) 750

1.3. Даромаднинг йигиндиси:

№	Даромад манбалари	Сотиш вақти	Сони/ўлчов бирлиги билан	Бирлик йигиндиси (сўм)	Жами йигинди (сўм)
1	Карам	Август	50 дона	50	2500
2	Карам	Сентябрь	250 дона	30	7500
3	Карам	Октябрь	150 дона	45	6750
	Жами:				в) 16750



1.4. Зарур кредитнинг йиғиндиши:




Кредитни қайтариш учун зарур вақт: ой/муҳлат

5 6 7 (айлантириб қўйинг)

1.5. Пул маблағлари режалаштирилган ҳаракатининг графиги:

№	Ойлар	Кредит- нинг йиғин- диши	Ўзининг ҳиссаси	Даро- мад	Сарфлар		
					Иш тармоғи	Кредитнинг асосий йиғиндиши	Фоизли устама 2%
1	Апрель	2250	750		1200		67.50
2	Май						67.50
3	Июнь				1140		67.50
4	Июль						67.50
5	Август			2500	200		67.50
6	Сентябрь			7500			67.50
7	Октябрь			6750	460	2250	67.50
Жами:		2250	750	16750	3000	2250	д) 472.5

Даромад:



2. Тадбиркорликнинг иккинчи тармоғи:

Сабзи
ўстириш
3 сотих ерга

2.1. Барча сарфларнинг йиғиндиси:

№	Сарфларнинг номи	Сотиб олиш вақти	Сони/ўлчов бирлиги билан	Бирлик йиғиндиси (сўм)	Жами йиғинди (сўм)
1	Уруғлик	Апрель	0,200	4000	800
2	Трактор хизмати	Апрель	1 марта	300	300
3	Гўнг сепиш	Май/июнь	180 кг	3	540
4	Дори	Май/июнь	0,20 г	2000	400
5	Транспорт	Октябрь	1 марта	500	500
6	Қоп	Сен/окт	46 дона	10	460
	Жами:				а) 3000

2.2. Мурожаат этувчининг шахсий сарфлари йиғиндиси:


№	Сарфларнинг номи	Вақти	Сони/ўлчов бирлиги билан	Бирлик йиғиндиси (сўм)	Жами йиғинди (сўм)
1	Транспорт	Октябрь	1 марта	500	500
2	Гўнг сепиш	Май/июнь	180 кг	3	250
	Жами:				б) 750

2.3. Даромаднинг йиғиндиси:

№	Даромад манбалари	Сотиш вақти	Сони/ўлчов бирлиги билан	Бирлик йиғиндиси (сўм)	Жами йиғинди (сўм)
1	Сабзи	Октябрь	12000 кг	10	12000
	Жами:				в) 12000



2.4. Зарур кредитнинг йиғиндиши:



Кредитни қайтариш учун зарур вақт: ой/муҳлат

5 6 7 (айлантириб қўйинг)

2.5. Пул маблағлари режалаштирилган ҳаракатининг графиги:

№	Ойлар	Кредит- нинг йиғин- диши	Ўзининг хиссаси	Даро- мад	Сарфлар		
					Иш тармоғи	Кредитнинг асосий йиғиндиши	Фоизли устама 3%
1	Апрель	2250	750		1100		67.5
2	Май				940		67.5
3	Июнь				0		67.5
4	Июль				0		67.5
5	Август				0		67.5
6	Сентябрь				460		67.5
7	Октябрь			12000	500	2250	67.5
Жами:		2250	750	12000	3000	2250	д) 472.5

Даромад:

